

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 1 ЖИЛД

---

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 1

---

## LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6>

**Бош муҳаррир:**  
**Раҳматов Анвар Исламович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директори

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Отажонов Абдоржон Анварович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директори ўринбосари,  
юримдик фанлар доктори, профессор

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ЖУРНАЛИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

### Окюлов Омонбой

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
профессори, юримдик фанлар доктори,  
профессор, Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист*

### Саидова Лола Абдувахидовна

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудирини, юримдик фанлар докторини*

### Тошев Бобокул Норқобилович

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудирини, юримдик фанлар докторини*

### Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Бош Прокуратура Академияси Марказ бошлигини,  
юримдик фанлар докторини, профессор*

### Отахонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасини  
ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж (ҳакамлик)  
судини раисини, юримдик фанлар докторини (DSc), доцент*

### Баймолдина Зауреш Хамитовна

*Қозоғистон Республикасини Олий Судини  
Академиясини ректорини, юримдик фанларини  
номзодини*

### Годунов Валерий Николаевич

*Белорус давлат университетини Ўқув муассасасини  
“Судьялар, прокуратура, суд ва адлия муассасаларини  
ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш  
институтини” директорини, юримдик фанларини докторини,  
профессор*

### Масъул котиб: Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристлар малакасини ошириш марказини доцентини,  
юримдик фанлар номзодини*

**Саҳифаловчини:** Абдуллаева Шахзода Собитовна

#### **Контакт редакциини журнали:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

#### **Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

**Общественно-правовой и научно-практический журнал**  
**ВЕСТНИК ЮРИСТА**  
№6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6>

**Главный редактор:**

**Рахматов Анвар Исламович**

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

**Заместитель главного редактора:**

**Отажонов Абборжон Анварович**

Первый заместитель директора Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Общественно-правового и научно-практического журнала**  
**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

**Окюлов Омонбой**

*Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Тошев Бобокул Норкobilович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусајонович**

*Начальник Центра Академии Генеральной Прокуратуры, доктор юридических наук, профессор*

**Отажонов Фозилжон Хайдарович**

*Председатель Международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате, доктор юридических наук, доцент*

**Баймолдина Зауреш Хамитовна**

*Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук*

**Годунов Валерий Николаевич**

*Директор учреждения образования "Институт переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета", доктор юридических наук, профессор*

**Ответственный секретарь:**

**Рахманов Шухрат Наимович**

*Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук*

**Верстка:** Абдуллаева Шахзода Собитовна

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**

№6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6>

**Chief Editor:  
Rakhmatov Anvar**

Director of the Lawyers' Training Center  
under the Ministry of Justice

**Deputy Chief Editor:  
Otajonov Abrorjon**

First Deputy Director of the Lawyers' Training  
Center under the Ministry of Justice, Doctor of  
Law Sciences, Professor

**EDITORIAL BOARD**

**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**

**Oqyulov Omonboy**

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of  
Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the  
Republic of Uzbekistan*

**Saidova Lola**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences*

**Toshev Bobokul**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences*

**Mamasiddikov Muzaffarjon**

*Head of the Center of the Academy of the General  
Prosecutor's Office, Doctor of Law Sciences, Professor*

**Otaxonov Foziljon**

*Chairman of the International Commercial  
Arbitration Court at the Chamber of Commerce  
Doctor of the Science of Law, Associate Professor*

**Baymoldina Zauresh**

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme  
Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate  
of Legal Sciences*

**Godunov Valeriy**

*Director of the educational institution "Institute  
for retraining and advanced training of judges,  
employees of the prosecutor's office, courts and  
justice institutions of the Belarusian State  
University", Doctor of Law Sciences, Professor.*

**Executive Editor:  
Rakhmanov Shukhrat**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,  
Candidate of Juridical Sciences*

**Pagemaker:** Abdullaeva Shakhzoda

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**

<b>1. ШИРИНОВ Джахонгир Джаббарович</b> НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	8
<b>2. ИСАБАЕВ Акмалжон Тешабаевич</b> ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА МУЛККА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИКИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	15
<b>3. ХОДЖАНИЯЗОВ Атаназар Джуманазарович</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ.....	21
<b>4. СУЛТАНОВА Сабохат Алишеровна</b> АДМИНИСТРАТИВНОЕ УПРОЩЕНИЕ КАК КОМПОНЕНТ МОДЕЛИ «УМНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ» И СПОСОБ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ .....	26
<b>5. ҲАМРОҚУЛОВ Синдор Бобомурод ўғли</b> МАЪМУРИЙ ИХТИЁРИЙЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСТИДАН САМАРАЛИ СУД НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ .....	32

**ҲУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.  
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

<b>6. НАРЗИЕВ Отабек Саъдиевич</b> КАПИТАЛ БОЗОРИ БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШНИНГ МУҚОБИЛ МАНБАСИ СИФАТИДА ..	37
<b>7. РАҲМАТОВ Анвар Исломович</b> ҲАВАСКОРЛИК ВА СПОРТ МАҚСАДИДА ОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ШАРТНОМАЛАР .....	45
<b>8. КАЛАНДАРОВА Маликахон Пирназаровна</b> ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА “ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ” ДЕФЕНИЦИЯСИ.....	54
<b>9. МАМАНАЗАРОВ Сардор Шухратович</b> АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ: БОШҚАРУВ ВА РАҲБАРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	62
<b>10. БАБАЕВ Джахонгир Исмаилбекович</b> ИСТЕЪМОЛЧИ БИЛАН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР БУЗИЛГАНИДА УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ .....	67
<b>11. ЯКУБОВА Ирода</b> ПОНИМАНИЕ КОЛЛЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ АВТОРСКИХ ПРАВ В ИСТОРИЧЕСКОМ КОНТЕКСТЕ .....	76
<b>12. АЛМОСОВА Шахноза Собировна</b> ДОМЕН НОМЛАРИ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	81

**СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ.  
ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

<b>13. ДЖУРАЕВ Ихтиёр Бахтиёрович</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРАНИНГ РОЛИ .....	86
--	----

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

**14. РУЗМЕТОВ Ботиржон Хайитбаевич**

КЛЮЧЕВЫЕ ПОНЯТИЯ, ЗНАЧЕНИЯ, ПРАВОВЫЕ ИСТОЧНИКИ ТЕОРИИ  
ДОКАЗАТЕЛЬСТВ В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ..... 91

**15. РАШИДОВ Бехзод Нурбоевич**

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР  
ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ..... 98

**16. САИДОВ Баҳром Анварович**

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА  
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ..... 104

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

**17. МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли**

АЙБЛИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ҲАЛ ҚИЛМАЙ ТУРИБ ЖИНОЯТ ИШИНИ  
ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ..... 110

**18. КУЗИЕВ Азизбек Равшанбекович**

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА ТЕРГОВ  
БЎЛИНМАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИНГ  
ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ..... 116

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

**19. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна**

ХАЛҚАРО ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ ИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИЯСИДА  
СОҒЛИҚҚА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА РОЛИ ..... 125

**20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна, МАҲАМАТОВ Махмуд Махаматаминович**

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИНИ ҲИСОБГА  
ОЛГАН ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 133

**21. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**

ОПЕКА И ПОПЕЧИТЕЛЬСТВО НАД ДЕТЬМИ, ОСТАВШИМИСЯ БЕЗ ПОПЕЧЕНИЯ  
РОДИТЕЛЕЙ – ПУТЬ К ДЕИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИИ ..... 141

**22. SUYUNOVA Kumush Akhatovna**

DIMENSIONS OF HUMAN RIGHTS AND DEROGATION CLAUSES DURING  
COVID 19 PANDEMIC UNDER ARTICLE 15 OF THE EUROPEAN  
CONVENTION ON HUMAN RIGHTS (ECHR) ..... 147

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**23. ТУРДИАЛИЕВ Муҳаммад Али Пўлатжон ўғли**

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ДОИРАСИДА ИНГЛИЗ ҲУҚУҚИНИ  
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАСИ ..... 151

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ,  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**ШИРИНОВ Джахонгир Джаббарович**

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

E-mail: j.shirinov@parliament.gov.uz

## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ШИРИНОВ Дж.Дж. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 8-14.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-1>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига, унинг фаолияти мақсадига, таъсисчиларининг ҳуқуқий мақомига, шунингдек уюшма, жамоат фонди, муассаса, жисмоний ва юридик шахслар бирлашмаси каби нодавлат нотижорат ташкилотларнинг шаклларига таърифлар келтирилган. Соҳа бўйича мустақил изланишлар олиб борган хориж олимларининг фикрлари асосида миллий қонунчиликнинг тегишли нормалари чуқур таҳлил этилган. Шунингдек, агарда иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши кераклиги ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкинлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли нормалари кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан қонунларда уюшма (иттифоқ)ни нафақат “нодавлат нотижорат ташкилотлари” томонидан, балки ҳар қандай “юридик шахслар” томонидан таъсис этилишини назарда тутиш лозимлиги бўйича асосли таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Нодавлат нотижорат ташкилотлари, юридик шахс, ташкилий-ҳуқуқий шакл, таъсисчи, юридик шахснинг табиати, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, нодавлат нотижорат ташкилотнинг фаолият мақсади, таъсисчиларнинг ҳуқуқий мақоми, жамоат фонди, муассаса, ташкилотнинг субъектив таркиби, уюшма (иттифоқ).



**Ширинов Джахонгир Джаббарович**

Председатель Комитета по противодействию коррупции и  
судебно-правовым вопросам Законодательной палаты Олий Мажлиса  
E-mail: j.shirinov@parliament.gov.uz

## ТЕОРЕТИЧЕСКО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВОЙ ФОРМЫ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ

### АННОТАЦИЯ

В статье определены организационно-правовая форма, цель деятельности некоммерческой организации, правовой статус учредителей, дается понятие ассоциации, общественного фонда, учреждения и ассоциации физических и юридических лиц. Проведен глубокий анализ соответствующих положений национального законодательства, основанный проведенных исследований в этой области. Приведены соответствующие нормы Гражданского кодекса Республики Узбекистан о том, что если по решению участников на ассоциацию (союз) и иное объединение возлагается ведение предпринимательской деятельности, такие ассоциации (союзы) и иные объединения подлежат преобразованию в хозяйственное общество или товарищество в порядке, предусмотренным настоящим Кодексом, либо могут создавать для осуществления предпринимательской деятельности хозяйственные общества или участвовать в них. Кроме того, автор предлагает обоснованные предложения по созданию ассоциации (союзов) не только «негосударственными некоммерческими организациями», но и «юридическими лицами».

**Ключевые слова:** негосударственные некоммерческие организации, юридическое лицо, организационно-правовая форма, учредитель, характер юридического лица, гражданско-правовая ответственность, цель негосударственной некоммерческой организации, правовой статус учредителей, общественный фонд, учреждение, субъективная структура организации, ассоциация (союз).

**SHIRINOV Djahongir**

Chairman of the Anti-Corruption and Judicial and Legal Affairs  
Committee of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis  
E-mail: j.shirinov@parliament.gov.uz

## CONCEPTUAL AND LEGAL ISSUES OF THE ORGANIZATIONAL LEGAL FORM OF NON-GOVERNMENTAL NON-PROFIT ORGANIZATIONS

### ANNOTATION

The article defines the organizational legal form of a non-governmental non-profit organization, the objective of its activity, the legal status of the founders, associations, public funds, institutions, associations of individuals and legal entities. Drawing on the opinions of foreign scholars who have conducted independent research in this area, an in-depth analysis of the relevant provisions of national legislation is carried out. Furthermore, the relevant articles of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan are discussed providing that if, by the decision of the participants, the association (union) and any other alliance engages in entrepreneurial activity, such an association (union) and alliance is subject to transformation into a business entity or partnership in the manner prescribed by the Code, or may set up business entities for carrying out entrepreneurial activity or participate in running them. In addition, the author puts forward reasoned proposals that the law should provide for an opportunity to set up an association (union) not only by “non-governmental non-profit organizations”, but also by any “legal entity”.

**Keywords:** Non-governmental non-profit organizations, legal entity, organizational legal form,

founder, nature of legal entity, civil liability, objective of non-governmental non-profit organization, legal status of founders, association, public fund, institution, subjective structure of the organization, association (union).

Юридик шахснинг шакли уни тижорат ва нотижорат ташкилотига ажратишнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддасига мувофиқ фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкилот этилиши мумкин.

Муайян бир ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотини ташкилот этишдан кўзланган мақсад, ташкилотнинг таъсисчилар билан ҳуқуқий муносабатлари, мол-мулкни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ бўлади.

Қонунчиликда юридик шахсга нисбатан “ташкилий-ҳуқуқий шакл” деган сўзлар тез-тез қўлланилсада, бундай терминга ҳуқуқий таъриф берилмаган. Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича фуқаролик ҳуқуқи фанида юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли деганда, барча юридик шахсларга хос бўлган умумий белгилар орасидан уни ажратиб турувчи ва бир гуруҳдаги юридик шахсларни бошқасидан фарқлаб турувчи муайян белги ва аломатларнинг мажмуи тушунилади [1, Б.173-174.]. Батафсил таҳлил қилганда юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг ташкилий тузилишини, мол-мулкни шакллантириш усулини, жавобгарлигини, фуқаролик муомаласидаги иштирокининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб туради [2 Б.45].

В.М.Каменеванинг фикрича юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли деганда уни идентификациялаш имконини берувчи ўзига хос белгилари мажмуи тушунилади. Бундай белгилар қаторига ташкилотнинг фаолият мақсади ва предмети, таъсисчилар (иштирокчилар, аъзолар)нинг субъектив таркиби ҳамда уларнинг юридик шахс мол-мулкига нисбатан ҳуқуқлари, даромад ва мол-мулкни ишлатиш (тақсимлашнинг) қонунда белгиланган тартибини киритиш мумкин [3].

А.М.Понамаревнинг таъкидлашича, юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бу унинг фуқаролик муомаласидаги ҳаракатланиш шакли бўлиб, муайян мезонлар мажмуи туфайли бир юридик шахсни бошқасидан ажратиб туради. Бундай мезонлар сирасига нодавлат нотижорат ташкилотлари учун: юридик шахснинг табиати (аъзолиги бўлган ёки бўлмаган); фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг хусусиятлари; ички таркибий қиёфаси (ёпиқ ёки очик); ташкилотнинг мақсади киради [4, Б.65.].

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига таъриф бериш учун уни аниқлаб берувчи ҳар бир белгини таҳлил қилиш зарур.

Дастлаб нодавлат нотижорат ташкилотнинг **фаолият мақсадига** эътибор қаратамиз. Агар ташкилотни тузишдан кўзланган мақсадлар орасида кўпроқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, уларнинг ўзаро қизиқишларини қондириш, ўз аъзоларининг манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кабилар кўзга ташланса, бундай ташкилотлар жамоат бирлашмалари, уюшма (иттифок) ва бошқа корпоратив шаклда тузилади.

Агар нодавлат нотижорат ташкилотини тузишдан мақсад хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга оширишга қаратилса, бундай ташкилотлар жамоат фонди ва муассаса шаклида тузилади.

Шундай қилиб, нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсади унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилашдаги муҳим белгилардан бири деган хулосага келиш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини аниқлашда ёрдам берувчи яна бир муҳим белги – ташкилот **таъсисчиларининг ҳуқуқий мақомидир**.

Хусусан, агар нодавлат нотижорат ташкилотнинг таъсисчилари юридик шахслардан иборат бўлса, бундай ташкилот уюшма, жамоат фонди ва муассаса шаклида тузилиши мумкин.

Агар нодавлат нотижорат ташкилотнинг муассислари бир вақтнинг ўзида ҳам юридик шахс ва ҳам жисмоний шахслардан иборат бўлса, бундай ташкилотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг

бирлашмаси, жамоат фонди ва муассаса шаклида тузилиши мумкин.

Агар нодавлат нотижорат ташкилотнинг муассислари фақат жисмоний шахслардан иборат бўлса, бундай ташкилот жамоат бирлашмаси, баъзида жамоат фонди ва муассаса шаклида ҳам тузилиши мумкин.

Демак таъсисчиларнинг ҳуқуқий мақоми нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади деб айтиш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти ташкилий-ҳуқуқий шаклининг кейинги муҳим белгиси бу **ташкилотнинг субъектив таркибидир**. Масалан, агар ташкилотда аъзолик мавжуд бўлса ҳамда барча аъзолар фақат жисмоний шахслардан иборат бўлса, бундай ташкилот “жамоат бирлашмаси” шаклида, фақат юридик шахслардан иборат бўлганда эса “уюшма” шаклида тузилиши мумкин.

Агар аъзолар ҳам юридик шахс ва ҳам жисмоний шахслардан иборат бўлса бундай ташкилотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг бирлашмаси шаклида тузилиши лозим.

Жамоат фонди ва муассасада эса умуман аъзолик бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб нодавлат нотижорат ташкилотнинг субъектив таркибини унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини аниқлашдаги муҳим элементлардан бири десак хато бўлмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг навбатдаги муҳим белгиси бу унинг **мулкий муносабатлардаги ўзига хос хусусиятларидир**.

Масалан, аксарият нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш учун устав капитали талаб этилмайди. Бироқ, жамоат фондларини ташкил этиш учун дастлабки маблағларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади [5].

Аъзоликка асосланган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (жамоат бирлашмаси, уюшма ва бошқ.) мол-мулкни шакллантириш манбаларидан бири сифатида аъзолик бадаллари белгиланади. Бироқ, юқорида айтилганидек жамоат фонди ва муассасада аъзолик бадаллари мавжуд бўлмайди.

Жамоат фондидан ташқари бошқа шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз маъмурий харажатларини қоплашда ҳеч қандай чекловга дуч келишмайди. Жамоат фондининг эса ҳар йилги маъмурий харажатлари жами суммаси, шунингдек васийлик кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш фонд барча харажатлари суммасининг йигирма фоизидан ошмаслиги талаб этилади [6].

Юқорида санаб ўтилган мезонлар ва белгиларни умумлаштирган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Фикримизча, нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли деганда унинг фаолият мақсадини намоён этиб турувчи, таъсисчиларининг ҳуқуқий мақомига, ташкилотнинг субъектив таркибига (аъзолик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги), унинг мулкий муносабатлардаги хусусиятларига аниқлик киритувчи белгилар мажмуи тушунилади.

#### **Жисмоний ва юридик шахслар бирлашмаси.**

Ўзбекистонда деярли ҳар бир нодавлат нотижорат ташкилотининг шакллари оид махсус қонунлар қабул қилинган. Масалан, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” [7], “Жамоат фондлари тўғрисида” [8], “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида” [9], “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги [10] Ўзбекистон Республикасининг қонунлари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган қонунларнинг айримларида тегишли ташкилотнинг нодавлат нотижорат ташкилоти эканлиги кўрсатилган бўлсада, бироқ уларнинг айнан қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклига мансублигини аниқлаб бўлмайди. Масалан, 2018 йил 9 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги (янги таҳрир) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасида ушбу палата “тадбиркорлик фаолияти субъектларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилоти” эканлиги кўрсатилган [11]. Мазкур Қонун Савдо-саноат палатасини нодавлат нотижорат ташкилоти эканлигини тан олган бўлсада, аммо қайси шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилоти эканлигини аниқлаш мураккаб бўлиб қолмоқда.

Қолаверса, Савдо-саноат палатасига нафақат юридик шахслар, балки юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, яъни жисмоний шахслар ҳам аъзо бўлишлари мумкин. Бу эса ўз навбатида Савдо-саноат палатасининг юридик шахслар уюшмаси бўла олмаслигини исботлайди.

Бироқ, Ўзбекистон қонунчилигида жисмоний ва юридик шахсларнинг бирлашмасидан, яъни

ҳар иккала субъектлар таркибидан ташкил топган ва уларни ўз аъзоси сифатида фаолиятини мувофиқлаштирадиган, ҳуқуқ ва қонуний манфаатини ҳимоя қиладиган нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли очиқ қолмоқда. Фикримизча, бундай ҳолларда қонунчиликка нодавлат нотижорат ташкилотларининг “жисмоний ва юридик шахслар бирлашмаси” деган янги ташкилий-ҳуқуқий шаклини киритиш талаб этилади.

#### **Муассаса.**

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади [12].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасида келтирилган таърифга кўра “бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади” [13].

Кўриб турганингиздек, муассасага берилган иккинчи таъриф, биринчисидан кўра анча кенг бўлиб, унда муассасани ташкил этишдан кўзланган мақсад сифатида нафақат “ижтимоий ва маданий” вазифалар, балки “бошқарув” билан боғлиқ вазифалар ҳам кўрсатилган. Қолаверса, Фуқаролик кодексига берилган таърифда муассасани айнан мулкдор томонидан ташкил этилиши ва молиявий таъминлаб турилиши назарда тутилган.

Ушбу ҳар иккала таърифни бир-бирига мувофиқлаштириш лозим деган фикрдан йироқмиз. Улар бир-биридан фарқ қилсада, лекин аслида бир-бирига зид эмас. Чунончи, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунда нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги муассасага таъриф келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига эса муассаса тижоратчи бўлмаган ташкилотлар параграфига (3-§) киритилган бўлсада, уни “нодавлат” ташкилотга берилган таъриф деб бўлмайди. Чунки бугунги кунда муассасалар нафақат нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида, балки давлат муассасалари сифатида ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам нотижорат юридик шахслар қаторидан жой олади. Масалан, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, олий ўқув юртлири, касалхона ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари ва ҳоказо.

Шунга мувофиқ, “муассаса” шаклидаги юридик шахслар ҳам 2 хил, яъни “давлат” ва “нодавлат” ташкилоти сифатида тузилади. Бироқ, айнан бир номдаги ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳар иккала сектор (давлат ва нодавлат) учун қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Худди “фонд” ва “жамоат фонди” кабилардек, муассасаларни ҳам “муассаса” ва “жамоат муассасаси”га ажратиш лозим. Аниқроғи, нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги муассасани “жамоат муассасаси” деб номлаш лозим.

#### **Юридик шахслар уюшмаси (иттифоқи).**

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин [14]. Бундан кўринадики, уюшмалар (иттифоқлар)нинг муассислари фақатгина нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланадилар.

Бироқ, бу борада қонунчиликда ва амалиётда бир қатор масалалар мавжуд. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 77-моддаси биринчи қисмига мувофиқ тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкин [15]. Бундан кўринадики, тижорат ташкилотлари томонидан тузиладиган бирлашмалар ҳам аслида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланади.

Юридик шахслар уюшмаси (иттифоқи)нинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у ягона муассис томонидан таъсис этилмайди, балки унинг таъсисчиларини икки ва ундан ортиқ юридик шахслар ташкил этади. Бундай ташкилотлар аъзоликка асосланган бўлиб, фақат юридик шахсларгина унга аъзо бўла оладилар.

Юридик шахслар уюшмаси (иттифоқи)нинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:  
тижорат ташкилотлари уюшмаси;

нотижорат ташкилотлари уюшмаси;  
тижорат ва нотижорат ташкилотлари уюшмаси.

Бироқ, бугунги кунда амалиётда уюшмалар (иттифоқлар)ни таъсисчисига қараб, яъни уларнинг “тижорат” ёки “нотижорат” ташкилотлари томонидан таъсис этилишига қараб турлича мақом берилмоқда.

Масалан, нодавлат нотижорат ташкилотлари таъсис этган уюшма (иттифоқ)лар нодавлат нотижорат ташкилотининг алоҳида шакли сифатида рўйхатга олинади. Бироқ, тижорат ташкилотлари таъсис этган уюшма (иттифоқ)лар Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ягона давлат реестрига киритилмасдан келинмоқда. Бундай ташкилотларни давлат рўйхатига олиш тартиби ҳам алоҳида белгиланган.

Ушбу юқоридаги ҳолатлар амалиётда бир қатор тушунмовчилик ва чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Масалан бугунги кунда “Мустақил электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси” таъсисчилари орасида тижорат ташкилотлари мавжуд бўлганлиги боис у Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ягона давлат реестрига киритилмаган. Бироқ, “Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши”, “Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари” уларнинг таъсисчилари тижоратчи ташкилотлари бўлишига қарамай Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ягона давлат реестрига киритилган.

Бизнингча, ҳуқуқни қўлловчи органлар тижорат ташкилотлари томонидан таъсис этилган уюшма (иттифоқ)лар ўз фаолиятида тижорат билан шуғулланиши эҳтимолини доимо диққат марказида сақлаб туришади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 77-моддаси биринчи қисмига мувофиқ агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Шунинг учун, қонунларда уюшма (иттифоқ)ни нафақат “нодавлат нотижорат ташкилотлари” томонидан, балки ҳар қандай “юримдик шахс” томонидан таъсис этилишини назарда тутиш лозим.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Гражданское право. Учебник. Том 1 / Под редакцией А.Л.Сергеева, Ю.К.Толстого.-5-е изд., перераб. и доп. – М., ПРОСПЕКТ, 2001. // URL: // [http://romanpirogov1.narod.ru/olderfiles/1/Grazhdanskoe\\_pravo\\_v\\_3t\\_T2\\_pod\\_red-19714.pdf](http://romanpirogov1.narod.ru/olderfiles/1/Grazhdanskoe_pravo_v_3t_T2_pod_red-19714.pdf)
2. Костенко Н. В. Гражданско-правовое регулирование деятельности некоммерческих организаций в Российской Федерации /Дисс. канд. юр. наук. – Омск, 2003. – // URL: // <https://www.dissercat.com/content/grazhdansko-pravovoe-regulirovanie-deyatelnosti-nekommercheskikh-organizatsii-v-rossiiskoi-f>
3. Каменева В.М “Правовое регулирование деятельности некоммерческих организаций в Российской Федерации (административный и финансовый аспекты)” / автореф. канд. юрид. наук. – М:2007 - С.14. // URL: // <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-deyatelnosti-nekommercheskikh-organizatsii-v-rossiiskoi-federatsii-ad>
4. Понамарев А.М. Общественные организации: понятие и особенности учреждения (гражданско-правовой аспект) / дисс. канд. юрид. наук. – Белгород: 2004. // URL: // <https://www.dissercat.com/content/obshchestvennye-organizatsii-ponyatie-i-osobennosti-uchrezhdeniya-grazhdansko-pravovoi-aspek>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 141-модда. URL: // <https://www.lex.uz/ru/docs/42231>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуни // URL: // <https://www.lex.uz/ru/docs/42231>
7. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуни // URL: // <https://www.lex.uz/ru/docs/42231>
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 158-модда
9. “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // URL: // <https://lex.uz/docs/3815461>

10. “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // 2018 йил 9 июль ЎРҚ-483-сон URL: // <https://lex.uz/docs/3815461>

11. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда. // URL: // <https://www.lex.uz/docs/11360>

12. “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси / биринчи қисм / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сон. // URL: // <https://www.lex.uz/docs/111189>

13. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда. // URL: // <https://www.lex.uz/docs/11360>

14. “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова. // URL: // <https://lex.uz/docs/124764>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ИСАБАЕВ Акмалжон Тешабаевич**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири  
E-mail: viloyatqabulxonasi@mail.ru

## ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАВЛАТ ИДОРЛАРИГА МУЛККА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ИСАБАЕВ А.Т. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАВЛАТ ИДОРЛАРИГА МУЛККА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 15-20.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-2>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат идораларига мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, бу борада Асосий қонунимизда белгиланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат томонидан қўриқланиши, иқтисодий ҳуқуқларнинг сўзсиз таъминланиши ҳақида фикр-мулоҳазалар ҳамда қонунчилик соҳасида таклифлар баён этилган. Бундан ташқари, фуқаролар ўртасидаги мулккий муносабатлар билан боғлиқ муурожаатларни кўриб чиқиш ва хал этилишида Халқ қабулхоналарининг ўрни тўғрисида фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари, Халқ қабулхоналари, мулк ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқлар, мулккий муносабатлар, хусусий мулк.

**ИСАБАЕВ Акмалжон Тешабаевич**

Заведующий Народной приёмной Президента Республики  
Узбекистан по Ташкентской области  
E-mail: [viloyatqabulxonasi@mail.ru](mailto:viloyatqabulxonasi@mail.ru)

## ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РАССМОТРЕНИЯ ОБРАЩЕНИЙ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В ВОПРОСАХ ПРАВО СОБСТВЕННОСТИ НА ИМУЩЕСТВО В ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНА

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются правовые аспекты обращения физических и юридических лиц в государственные органы права на владение недвижимостью. В связи с изложенным обзором национального законодательства в отношении неприкосновенности, установлении частной собственности и государства, предоставления имущественных прав даны предложения по их

совершенствованию. Кроме этого, определена роль Народных приёмных при рассмотрении и разрешении обращений, связанных с имущественными отношениями между гражданами.

**Ключевые слова:** Обращение физических и юридических лиц, Народные приёмные, имущественные права, имущественные отношения, частная собственность.

**ISABAYEV Akmaljon**

Head of the People's Reception Office of the President  
of the Republic Uzbekistan in the Tashkent region

E-mail: [viloyatqabulxonasi@mail.ru](mailto:viloyatqabulxonasi@mail.ru)

## LEGAL ASPECTS OF CONSIDERATION OF APPLICATIONS OF INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES IN MATTERS OF OWNERSHIP OF PROPERTY IN STATE BODIES

### ANNOTATION

The article discusses individuals and legal entities in Uzbekistan, appeals to state bodies on the ownership of real estate, sets out legal checks, an overview in our main law in this regard, the inviolability of established private property and the state, unconditional grant of property rights, comments and suggestions in the field of legislation. From this, in addition, it is connected with the property relations of citizens, the role of the People's Receptions in the consideration and resolution of data requests was expressed.

**Keywords:** Appeals of individuals and legal entities, People's receptions, property rights, property relations, economic rights, private property.

Тараққиётнинг муҳим омили сифатида мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни давом этмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар, изчиллик асосида қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу ислохотларнинг бош мақсади - аввало инсонларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Асосий қонунимиз халқимиз узок йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини белгилаб берди”.

Маълумки, Конституциямизнинг 53-моддасида “Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва муҳофаза этилишининг кафолати” деб мустаҳкамлаб қўйилган [1].

Конституциямиздаги нормалар асосида инсон манфаатлари олий қадрият сифатида белгилаб, унинг кафолатли тизими яратилганлиги бунинг ёрқин тимсолидир. Конституциявий тафаккур нуқтаи назаридан, ҳуқуқий давлат шароитида давлат ўз фуқаролари олдида масъулдир.

Давлат органлари халқ учун хизмат қилиши лозим. Энг устувор ва ҳаётбахш Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамиятлари институтлари шаклланди. Ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислохотлар ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатдан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажараётганлигидан далолат беради. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг ишончли кафолати яратилганлиги юксалиш ва демократик тараққиёт учун замин яратмоқда.

Давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлган –“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” лигига асосланганлиги мамлакат тараққиётининг янги



уфқларини очиб бермоқда [2]. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида назарда тутилганидек, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир”. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Асосий Қомусимизнинг 19-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Бундан ташқари, Асосий қонуннинг 36-моддасида “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” эканлиги, 44-моддасида эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланганлиги белгиланган.

Бу эса инсонга хос бўлган муносиб турмуш тарзига интилиш, ўз қобилияти ва меҳнатининг натижасидан мулкдор сифатида баҳраманд бўлиш каби истакнинг қомусий эътирофи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шунингдек “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши мулк ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш ва қафолатлашда тарихий аҳамият касб этди. Фуқаролик кодексида мулкнинг дахлсизлиги ва суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш, Жиноят кодексида эса мулкни энг муҳим объектлар қаторида тажовузлардан қўриқлаш асосий вазифалар сифатида белгиланганлиги мулк ҳимоясини таъминлаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжудлигининг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш қафолатларини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мулк ҳимоясига қаратилган бундай чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, мақсади мулк ҳуқуқининг қафолатини таъминлаш ва бу борадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштиришга, балки фуқароларнинг мулкдор сифатида ўз ҳуқуқларини яхши билишига ва ҳимоя қила олиш қобилиятини шакллантиришга ҳам қаратилган [3].

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини, хусусан, мулкий муносабатлардаги ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлиги кун сайин ортиб бормоқда. Мулкий ҳуқуқни амалга ошириш турли манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви билан уйғун ҳолда юз бериши сабабли унинг оқибатлари низоли ҳолатлар юзага келиши эҳтимолини истисно этмайди. Бундай ҳолатда мулкий муносабатларнинг ҳалол ва инсофли иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан уларнинг ушбу жараёни тартибга солувчи қонун нормаларига қатъий риоя қилишлиги билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётида шахслар ўртасидаги мулкий характерда бўлган, яъни мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тарассуф этиш билан боғлиқ муносабатлар асосий ўрин тутаяди, бундай муносабатларга албатта ким биландир гоҳ у ёки бу шаклда бўлсин, ҳар куни дуч келинади. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти имкониятларининг тобора кенгайиши, аҳолининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши ва бу борада улар томонидан мулкка эгалик қилиш фойдаланиш ва тасарруф этишга қаратилган мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни, янги бир босқичга кўтариш заруратини юзага келтирди. Чунки энди, мурожаат қилувчи нафақат фуқаро ва ҳаттоки, жисмоний шахс, балки юридик шахс ҳам бўлиши мумкинлиги эътироф этилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг тобора кенгайиши муносабати билан фуқаролар мурожаатларининг иқтисодий, ижтимоий ва айнқса ҳуқуқий аҳамиятининг ўзгарганлигини инобатга олиниб, 2014 йил 3 декабрь куни 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ўрнига Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги янги Қонуни қабул қилинди [4]. Ушбу қонуннинг мақсади давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги, мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилиши, ҳеч ким

бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмаслиги, мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги зарурлиги ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилмаган тақдирда жавобгарлик муқаррарлиги таъкидланди.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек, миллий тараққиётнинг ўзига хос, ўзига мос миллий машҳур “ўзбек модели” асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларини шу жумладан, давлат қурилиши ҳамда фуқаролик жамияти асослари бўлмиш фуқаролар мурожаатлари институтини босқичма-босқич тубдан ислоҳ қилиш борасида Ўзбекистон Республикасида 2016 йил 24 сентябрдан бошлаб Бош вазирнинг (ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти) виртуал қабулхонаси ўз иш фаолиятини бошлади. Бу эса қайд этилган мурожаатларнинг тегишлилиги ва мазмуни бўйича таҳлил қилиш ва натижаларига қараб аниқ чора-тадбирларни белгилаш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятининг долзарблигини янада кучайтирди.

Айни пайтда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини ривожлантиришига доир олиб борилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан ўзгартиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармонининг қабул қилиниши ва шу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, янги институтнинг жорий қилиниши билан мамлакатимизда фуқароларнинг давлат органлари, ташкилотлари, шунингдек мансабдор шахсларига мурожаат қилиши билан боғлиқ ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилишнинг янги ва мукамал тизими яратилди [5].

Пировардида, ушбу йўналишдаги қонунчилик ислоҳоти Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунини янги таҳрирда чиқишига олиб келди. Ушбу қонунда жисмоний ҳамда юридик шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларнинг давлат органларига мурожаат этиш тартибини янада такомиллаштирди.

Ҳозирги давр жамиятида сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқ эркинликлар кафолатининг мавжудлиги ва улардан реал фойдаланиш демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантиришнинг бевосита мезонидир. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруворганларига мурожаат қилиш ҳуқуқи - инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқларидан биридир. У ёки бу жамиятда инсоннинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинганлигига асосланган ҳолда ушбу жамиятнинг демократлаштирилганлиги даражаси тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари аҳоли турли гуруҳларининг яшаб турган жойларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, уларнинг кайфиятлари ва эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумот манбаларидан бири ҳисобланади. Мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ўз вақтида ва сифатли ҳал этиш фуқароларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондиришга катта ёрдам беради, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг обрў-эътиборини оширишга, уларнинг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ҳар томонлама давлат томонидан ҳимояланган бўлиб, иқтисодий ҳуқуқларнинг асосини ташкил этган мулк муносабатлар, мулк ва мулкдорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқий кафолатлар мавжудлиги қонун ва қонуности ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Аҳоли ўртасида кўп учрайдиган ерга нисбатан мулк ҳуқуқларни амалга ошириш, ер участкаларини ижарага олиш, уй-жойга эгалик қилиш бўйича шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришиш, яъни уй-жойларни яқка тартибда қуриш, давлат уй-жойини хусусийлаштириш, уй-жойни мерос асосида қўлга киритиш, кўчмас мулкнинг яна бир тури ҳисобланган транспорт воситаларини сотиб олиш, улардан ишончномалар орқали фойдаланиш, уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар бўйича уларнинг мурожаатлар сони ҳам ортиб бормокда.

Давлат фуқароларнинг хусусий мулкни ҳимоя қилади, муносиб меҳнат шароитларига доир ҳуқуқларини таъминлайди, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжалиги ривожини рағбатлантиради. Халқ қабулхоналарига аҳолидан келиб тушган шахсий мулкка бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва уни рағбатлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги суд қарорлари ижроси таъминланмаётганлиги хусусидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияда мустаҳкамланган тамойиллардан бири – хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлигидир. Бу борада юртимизда кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2019 йил 3 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5491-сон Фармойиши [6] ҳамда 2019 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли қарори ва бошқа бир қанча норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [7].

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилаётган манфаатдор шахслар билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, шунингдек, фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилиши, ер участкаларини олиб қўйишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилиши, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига давлат органи (мансабдор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибда ундириб олиниши каби талаблар белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан Халқ қабулхонасига бундай мазмундаги мурожаатларнинг келиб тушиши давом этмоқда.

Келиб тушган мурожаатларнинг кўп қисми тадбиркорлар ва фермерларнинг мулклари асоссиз олиб қўйилганлиги, эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқида тегишли бўлган ер участкасига тенг бўлган бошқа ер участкаси берилмаганлиги, фуқаролар ўз вақтида бошқа турар жой билан таъминланмаган ҳолда олиб қўйилганлиги ҳамда етказилган зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланмагунга қадар олиб қўйилганлиги ҳолатлари баён этилган.

Мулкдорларни мулкни мусодара қилиниши ҳақида огоҳлантиришнинг олти ойлик муддатига риоя қилмаслик, мулкчилик объекти учун компенсация маблағларини тўламай ёки қиймати бўйича тенг мол-мулкни тақдим этмай мажбуран чиқариб юбориш одатий ҳол ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият органлари вакилларининг мулк эгаларига кўп ҳолатда қўпол муносабатда бўлиши аҳолининг ижтимоий кайфиятига путур етказувчи омил бўлмоқда, бу эса халқ билан мулоқотни ривожлантириш ва тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларга зид ҳолатдир.

Мазкур шикоятларда маҳаллий ҳокимият ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви, ҳужжатларни расмийлаштиришдаги бюрократик тўсиқлар, ишлаб чиқаришни, фермер хўжалигини яратиш ёки кенгайтириш учун ер майдонлари олишнинг амалда қийинлиги ҳамда ер майдонлари асоссиз давлат захирасига қайтарилиши ҳолатлари баён қилинган. Биз биламизки, мулкнинг муносабатлар билан боғлиқ барча низолар судлар томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқлари кафолатланган.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Халқ қабулхоналарига одил судлов билан боғлиқ мурожаатларнинг келиб тушиш динамикаси олдинги йилга нисбатан бироз камайганлиги олиб борилаётган ислохотлар натижасидир. Бирок судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳаққоний норозиликка сабаб бўлаётган асосиз ва адолатсиз қарорлар қабул қилинган ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Биринчи инстанция судларида қабул қилинаётган қарорларни ички назорат қилиш механизми ҳам етарли даражада эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб куйидаги таклифларни киритиш лозим:

хусусий мулкни мулк эгалари билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилмасдан давлат эҳтиёжлари учун ундиришдаги ҳуқуқбузарликлар учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари жавобгарлигини кучайтириш;

мулкий муносабатлар билан боғлиқ низоларни судларда кўриб чиқишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш. Фикримизча, ушбу таклифлар тегишли тартибда инобатга олинса мақсадга мувофиқ ва шу орқали хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада кучайтирилар эди.

### Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 76 б. // URL: <https://lex.uz/docs/20596>.
2. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь // URL: <https://www.norma.uz/muhim-voqealar/tanqidiy-tahlil-qat'iy-tartib-intizom-va-shahsiy-javobgarlik-har-bir-rahbar-faoliyatining-kundalik-qoidasi-bulishi-kerak#>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль // URL: <https://lex.uz/docs/3107036>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3336169>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такосмиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3089924>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 августдаги “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5491-сон Фармойиши // URL: <https://lex.uz/docs/4460113>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4597630>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ХОДЖАНИЯЗОВ Атаназар Джуманазарович**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девонининг  
Юридик бошқармаси бошлиғи  
E-mail: atanazar@bk.ru

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ХУҚУҚИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ХОДЖАНИЯЗОВ А.Дж. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ХУҚУҚИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 21-25.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-3>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар таҳлил қилиниб, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни парламентга киритиш имкониятига эга бўлган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари доирасини кенгайтириш, юқори палата аъзоларига қонунчилик ташаббуси ваколатини бериш ва бу билан бир неча қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш масаласи ўрганиб чиқилган. Сенатни ҳозиргача бўлган тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, парламент назорати ҳамда халқ билан мулоқот доирасида аниқланган муаммолар бўйича Сенат аъзолари, қўмиталари томонидан йилига ўртача ҳисобда ўндан ортиқ қонун лойиҳалари ишлаб чиқиладиганлиги, уларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органларга киритиб бориладиганлиги, Сенат аъзоларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши Сенатнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаоллигини, қонунларни муҳокама қилишнинг дастлабки босқичида давлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлиги ошиши асосланганлиги берилган. Бундан ташқари, АҚШ, Франция, Испания, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси ўрганилиб, миллий қонунчиликка таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Қонунчилик, қонунчилик ташаббуси, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, қонун лойиҳаси, Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлар.

**ХОДЖАНИЯЗОВ Атаназар Джуманазарович**  
Начальник Юридического управления Аппарата  
Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан  
E-mail: atanazar@bk.ru

## ПРАВО ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ИНИЦИАТИВЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ

В статье проведен анализ субъектов права законодательной инициативы. По итогам анализа предлагается расширить данный круг субъектов, предоставив также членам Сената право

разрабатывать проекты законов и вносить их на рассмотрение в Законодательную палату Олий Мажлиса. Отмечается, что ежегодно членами Сената и его комитетами в среднем разрабатываются более десяти проектов законов, подготовленных, в основном, по результатам проведения мероприятий в рамках парламентского контроля. Приведены обоснования необходимости наделения членов Сената правом законодательной инициативы, что позволит повысить эффективность работы по обеспечению баланса государственных и региональных интересов на начальном этапе обсуждения проектов законов. Кроме того, изучен опыт США, Франции, Испании, Российской Федерации, Казахстана и других стран в этой области и даны предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: Законодательство, законодательная инициатива, право законодательной инициативы, субъекты права законодательной инициативы, проект закона, Сенат Олий Мажлиса, Законодательная палата Олий Мажлиса, депутаты.

**KHODZHANIYAZOV Atanazar**

Head of Legal Department of the Secretariat of the  
Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: atanazar@bk.ru

## THE RIGHT OF LEGISLATIVE INITIATIVE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article concerns the subjects with the right of legislative initiative, it is proposed to expand the range of subjects with the right of legislative initiative, which are vested with authority to draft bills and submit them to the parliament, to grant the authority over legislative initiative to members of the upper house and, thus, to amend some domestic legislative acts. Furthermore, to date, drawing on the experience of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan in the field of legal drafting, members of the Senate annually draft more than a dozen bills on average, in the light of the dialogue with the people and by committees on issues determined within the framework of parliamentary oversight. These bills are submitted to the bodies that have the right of legislative initiative for their consideration. It is substantiated that granting members of the Senate the right of legislative initiative and the activity of the Senate in the legislative process increase the efficiency of performance in ensuring a balance of state and regional interests at the initial stage of reading bills. In addition, the author studied the experience of foreign countries such as the United States, France, Spain, the Russian Federation, Kazakhstan and other countries in this area and put forward recommendations on modifying and introducing some amendments to national legislation.

**Keywords:** Legislation, legislative initiative, the right of legislative initiative, subjects with the right of legislative initiative, a bill, the Oliy Majlis, the Legislative Chamber of the Oliy Majlis, parliamentaries, the Senate of the Oliy Majlis.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи деганда қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган орган ёки шахс томонидан қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳасини киритиш ҳуқуқи тушунилади. Мазкур институт қонун ижодкорлиги жараёнининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Хорижий давлатларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига, одатда, парламент, унинг қўмиталари ва аъзолари, давлат раҳбари, ҳукумат, суд ҳокимияти, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, умуммиллий компетенцияга эга бўлган алоҳида идоралар ҳамда халқ (фуқаролар) эга бўладилар. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи қандай идоралар ва шахсларга берилиши мамлакат Конституцияси ёки махсус қонунларда белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (83-модда) ва бошқа қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд ва Бош прокурор қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Мазкур ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи институтининг ҳуқуқий асослари таҳлили ушбу ҳуқуқ субъектлари орасида ҳам коллегиал органлар, ҳам алоҳида ваколатли субъектлар назарда тутилганлигини кўрсатади.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд ва Олий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган коллегиал орган ҳисобланса, Қонунчилик палатаси депутатлари, Президент ва Бош прокурор алоҳида ваколатли субъектлар қаторига киритиш мумкин.

Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида бевосита белгиланган бўлмасда, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан бир неча субъектлар томонидан биргаликда фойдаланиш амалиёти мавжуд. Бунга Олий Мажлисининг бир гуруҳ депутатлари бирлашиб, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни парламентга киритиш имкониятига эга бўлган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари доирасининг кенглиги қонун ижодкорлиги жараёнида турли соҳа ва тармоқлар вакиллари, кенг жамоатчиликни жалб этиш ва умуман олганда ушбу жараённи такомиллаштириш имконини беради.

Қонун лойиҳаси билан бир қаторда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасига муайян ҳужжатлар илова қилиши лозим бўлади.

“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунга кўра қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилаётганда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- қонун лойиҳасининг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати;
- ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;
- ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши керак бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;
- халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқаро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган таҳлилий қиёсий жадвал;
- моддий харажатлар талаб қилинадиган қонунлар лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

– давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилган қонун лойиҳаларини қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси) кўриб чиқиши шарт бўлади, бироқ уни қабул қилишга мажбур эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис икки палатадан, яъни Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлса-да, қонунчиликка кўра биргина Қонунчилик палатаси депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиб, Сенат қонун чиқарувчи орган бўла туриб, унинг аъзоларида бундай ҳуқуқ мавжуд эмас.

Сенатнинг ҳозирги давргача бўлган тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, парламент назорати ҳамда халқ билан мулоқот доирасида аниқланган муаммолар бўйича Сенат аъзолари, кўмиталари томонидан йилига ўртача ҳисобда ўндан ортиқ қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органларга киритиб борилган.

Хусусан, биргина 2020 йил давомида Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига асосан Сенат томонидан бир неча қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган, бироқ улар Сенатда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи бўлмаганлиги сабабли депутатлар томонидан Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилган.

Масалан, “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги,

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Қайд этиш лозимки, Сенат томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларини ваколатли давлат органлари томонидан кўриб чиқиш ва натижалари ҳақида қарор қабул қилиш тартиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли, айрим масалалар юзасидан ишлаб чиқилган муҳим қонун лойиҳаларига таклиф сифатида қаралган ёки улар лозим даражада ўрганилмаган.

Бугунги кунда қонунларни умумдавлат ва ҳудудий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш, унда энг долзарб масалаларни назарда тутиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан Сенат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига кўра ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади.

Ўз навбатида Сенат томонидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг ҳам ўзига хос сабаблари мавжуд.

**Биринчидан**, Сенатда амалдаги қонунларнинг ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш ваколати мавжуд бўлиб, у амалдаги қонунларни республика бўйлаб ижро этилиши ҳолатини ўрганади ва бу орқали қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳамда бошқа камчиликларни аниқлайди. Ўз-ўзидан қонунчиликдаги бундай муаммоларни бартараф этиш учун эса, албатта амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Масалан, Сенат қўмиталари томонидан 2020 йилда 11 та қонуннинг жойлардаги ижроси ўрганилган, уларни қўллашда амалиётда вужудга келаётган муаммолар таҳлил қилинган ва ишлаб чиқилган таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилган [1].

**Иккинчидан**, Сенат ўз ваколати доирасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахбороти ва ҳисоботини доимий равишда эшитиб боради ҳамда бу эшитувлар орқали тизимдаги муаммоли ҳолатларни аниқлайди.

**Учинчидан**, жисмоний ва юридик шахслар томонидан йил давомида Сенатга қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар келиб тушади. Бироқ, Сенатда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мавжуд эмаслиги сабабли бундай таклифлар тегишли ташкилотга ёки мурожаат муаллифига қайтарилишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур соҳада хорижий мамлакатларда самарали қонунчилик амалиёти йўлга қўйилган. Хусусан, АҚШ, Франция, Испания, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг юқори палата аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

Жумладан, Россия Федерацияси Конституциясининг 104-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар назарда тутилган. Унга кўра Президент, Давлат думаси депутатлари, ҳукумат билан бир қаторда парламентнинг юқори палатаси – Федерал Кенгаш ва Федерал Кенгаш аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга [2].

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасида ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар доираси белгиланган. Жумладан, унга кўра парламент қуйи ва юқори палаталарининг депутатлари қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари мумкин. Бунда қонун лойиҳаси Сенат депутатлари томонидан ишлаб чиқилган тақдирда мазкур қонун лойиҳа қуйи палата – Мажлисга киритилади [3].

Ёки бўлмаса, АҚШ [4], Франция [5] ва Испания [6] давлатлари қонунчилигини оладиган бўлсак ҳам мамлакат юқори палаталарининг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, глобаллашув жараёнида кескин суръатларда ўзгариб бораётган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, халқни қийнаб келаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур.

Мазкур лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунларга, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонунларга Сенат аъзоларини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар қаторига киритиш юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини назарда тутиш керак бўлади.



Сенат аъзоларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши Сенатнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаоллиги, қонунларни муҳокама қилишнинг дастлабки босқичида давлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлиги, шунингдек Сенатнинг назорат фаолияти таъсирчанлиги ошишига ҳамда қонун ташаббускорлиги борасида Сенат билан қуйи палата ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилишига хизмат қилади.

Шунингдек, Сенат аъзоларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш амалдаги қонунларни қабул қилиш механизмига (қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши, Сенат томонидан маъқулланиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланишига) тўқинлик қилмайди.

Ушбу таклиф давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши (моҳияти)га, яъни урта ҳокимиятнинг мувозанатини, тенглигини ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туришини ва қарама-қарши таъсир этишини таъминловчи тизимга салбий таъсир кўрсатмайди.

#### **Иқтибослар /Сноски / References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 25 августдаги “Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари тўғрисида”ги КҚ-118–IV-сонли Қарори.

2. Россия Федерацияси Конституциясининг 104-моддаси // URL: <http://kremlin.ru/acts/constitution>.

3. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 61-моддаси // URL: <https://online.zakon.kz/document>.

4. Электронный журнал Jurisprudence .Club // URL: <https://jurisprudence.club/konstitutsionnoe-uchebnik/zakonodatelnyy-protsess.html>.

5. Информационный портал nalogi.ru // URL: <http://www.nalogi.ru/faq/detail.php>.

6. Ю.И.Лейбо. Учебное пособие. Законодательный процесс в зарубежных странах. – М.–2012г. // URL: <https://mgimo.ru/upload/iblock/c33/Zakonodatelnyy-protsess-v-zarubezhnykh-stranakh.pdf>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

СУЛТАНОВА Сабохат Алишеровна

Докторант (Phd) Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: sabo\_m@mail.ru

## АДМИНИСТРАТИВНОЕ УПРОЩЕНИЕ КАК КОМПОНЕНТ МОДЕЛИ «УМНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ» И СПОСОБ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** СУЛТАНОВА С.А. АДМИНИСТРАТИВНОЕ УПРОЩЕНИЕ КАК КОМПОНЕНТ МОДЕЛИ «УМНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ» И СПОСОБ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), С. 26-31.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-4>

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается административное упрощение, в том числе упрощение законодательства, осуществляемое сегодня в нашей стране. Оно реализуется в рамках применения модели (концепции) «умного регулирования» в нормотворчестве, предусмотренной в Концепции совершенствования нормотворческой деятельности, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2018 года №УП-5505. В статье анализируется зарубежный опыт в сфере административного упрощения, а также меры, принимаемые в Республике Узбекистан. На основании данного анализа автор выдвигает предложение об использовании в нормотворчестве правила «One in One out», которое предусматривает, что орган-разработчик проекта нормативно-правового акта при проведении оценки регуляторного воздействия должен предусмотреть какой действующий нормативно-правовой акт должен быть отменен или упрощен. Применение данного правила будет способствовать тому, что нормативно-правовая база страны не будет нагромождаться и издержки исполнения правовых норм не будут увеличиваться.

**Ключевые слова:** нормотворчество, модель (концепция) «умного регулирования», административное упрощение, оценка регуляторного воздействия, правило «One in One out».

СУЛТАНОВА Сабохат Алишеровна

Тошкент давлат юридик университети (Phd) докторанти

E-mail: sabo\_m@mail.ru

## МАЪМУРИЙ СОДДАЛАШТИРИШ “АҚЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ” МОДЕЛИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ВА НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий соддалаштириш, шу жумладан қонунчиликнинг соддалаштирилиши баён қилинган. Ушбу жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 августдаги №ПФ-5505-сонли Фармони

билан тасдиқланган Норма ижодкорлигини такомиллаштириш концепциясида назарда тутилган “ақлли тартибга солиш” моделини тадбиқ қилиш натижасида амалга оширилмоқда. Мақолада маъмурий соддалаштириш борасидаги халқаро тажриба ҳамда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил натижасида муаллиф норма ижодкорлиги жараёнида «One in One out» қондасини қўллаш таклифини илгари сурган. Мазкур қондага асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи орган ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнида амалдаги қайси норматив-ҳуқуқий бекор қилиниши ёки соддалаштириши кераклигини баён қилиши керак.

**Калит сўзлар:** норма ижодкорлиги, “ақлли тартибга солиш” модели (концепцияси), маъмурий соддалаштириш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, «One in One out» қондаси

**SULTANOVA Sabohat**

Tashkent State University of Law, PhD candidate

E-mail: sabo\_m@mail.ru

## ADMINISTRATIVE SIMPLIFICATION AS A COMPONENT OF THE “SMART REGULATION” MODEL AND A WAY TO IMPROVE LAWMAKING

### ANNOTATION

This article discusses administrative simplification, including simplification of legislation, which is being implemented today in our country. It is implemented as part of the application of the model (concept) of “smart regulation” in lawmaking, provided by the Concept for improving lawmaking activity, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 8, 2018 №UP-5505. The article analyzes foreign experience in the field of administrative simplification, as well as measures taken in the Republic of Uzbekistan. Based on this analysis, the author puts forward a proposal to use the rule “One in One out”, which provides that the lawmaker, when assessing regulatory impact of draft law, should provide for which current legal act should be canceled or simplified. Application of this rule will lead to the fact that the country’s legal framework will not be piled up and the costs of enforcing legal norms will not increase.

**Keywords:** lawmaking, model (concept) of “smart regulation”, administrative simplification, regulatory impact assessment, “One in One out” rule.

Эффективность законодательства во многом зависит от качества нормотворческой деятельности и правоприменительной практики. В целях повышения качества нормотворческой деятельности идет поиск путей по совершенствованию нормотворческого процесса. На этом пути упрощаются административные процедуры, идет расчистка нормативно-правового массива, разрабатываются административные регламенты, используются правила «one in-one out», «one in-two out», нормативно-правовые акты кодифицируются и консолидируются, предоставляется к нормативно-правовым базам и т.д.

Сегодня и в нашей стране идет масштабная работа по повышению качества нормотворческой деятельности. В частности, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2018 года №УП–5505 Концепция совершенствования нормотворческой деятельности [2] среди прочих предусмотрела поэтапное внедрение модели (концепции) «умное регулирование» в нормотворчестве. Как справедливо отметил Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в Послании к Олий Мажлису 24 января 2020 года: «Демократические реформы – единственно правильный для нас путь. Исходя из этого мы постоянно работаем в данном направлении, изучаем передовой зарубежный опыт и стремимся изменить нашу жизнь, стиль и методы нашей работы» [1].

Модель «умного регулирования» («smart regulation») считается усовершенствованием концепции «лучшего регулирования» («better regulation») и берет свои истоки в странах Запада в 1980-1990-х годах. Тогда в свете реформ публичного управления (New public management) государства стали искать обоснование своих регуляторных вмешательств [8, С.127].

Так, исследователи отмечают, что модель (концепция) «умного регулирования» определяет

способы совершенствования нормотворческого процесса, которыми являются анализ (оценка) регуляторного воздействия (Regulatory Impact Analysis) и связанные с ним процессы административного упрощения (Administrative simplification), общественные консультации [9, С.4].

Согласно данной концепции целью совершенствования регуляторной политики является, во-первых, упрощение законодательства, создание правовых норм, доступных и понятных для лиц, которые должны их соблюдать, во-вторых, учет мнений заинтересованных сторон в процессе нормотворческой деятельности государства, и в-третьих, комплексный подход к законодательству от разработки НПА до мониторинга его исполнения, включая оценку регуляторного воздействия [7, С.5].

По нашему мнению, идея модели «умного регулирования» заключается в том, что государство осуществляет нормотворческую деятельность опираясь на анализ (оценку) регуляторного вмешательства в тех сферах, где он необходим, организует общественное обсуждение проектов нормативно-правовых актов, а также предпринимает разного рода действия по административному упрощению.

Следовательно, административное упрощение является составной частью модели «умного регулирования» и на практике государства используют разные подходы для его осуществления. В целях проведения сравнительного анализа, считаем, целесообразным выделить некоторые из них:

**1. Оценка административного бремени.** К примеру, в тех странах, где используется оценка регуляторного воздействия (ОРВ) законодательства оценка потенциального административного бремени также оценивается (это можно наблюдать на примере Австралии, Канады, США, Новой Зеландии и др.). В этих странах уделяется особое внимание тому, насколько вводимый нормативно-правовой акт создаст административное бремя. Как отмечает Н.Мальшев, Германия в своей системе ОРВ ввела критерий административного бремени в 2004 году. Европейская Комиссия ввела специальный анализ административного бремени в начале 2006 года. Бельгия оценивает потенциальное воздействие нового нормативно-правового акта в отношении административного бремени, используя упрощенную ОРВ, именуемую «Тест Кафка». Швеция для снижения новых видов административного бремени акцентирует внимание на оценке новых или изменяемых нормативно-правовых актов [9, С.9].

**2. Применение регуляторных правил «One in One out», «One in Two out».** Поиск решений на пути снижения административного бремени привел к разработке новых регуляторных правил. В таких странах как Великобритания, Голландия (а сейчас и во многих других) в компетентных органах по регулированию были внедрено правило, направленное на сбалансированность и компенсацию между вводимым новым нормативно-правовым актом и упрощением (отменой) существующего. В 2005 году по рекомендации рабочей группы по совершенствованию регулирования (Better Regulation Task Force) правительство Великобритании утвердило подход «One in One out» (англ. “один вошел, один вышел”). Смысл данного подхода заключается в том, что в рамках процедуры ОРВ органы-разработчики новых проектов нормативно-правовых актов (НПА) должны предусмотреть меры по отмене ненужных, устаревших НПА в качестве компенсационных мер по облегчению нормативно-правового массива.

С января 2011 года Комитет по регуляторной политике Великобритании при проверке качества заключений об ОРВ соблюдает требование правила «One in One out» [10, С.20], а с 2013 года это правило было усилено до принципа «One in Two out».

Если обратиться к опыту Франции, то она в 2017 году приняла документ «Общественные действия 2022», согласно которому административное упрощение признано одним из пяти приоритетных направлений и на министерства возложена задача по принятию планов упрощения. В этом же году, Франция ввела регуляторное правило «One in Two out» [11, С.188].

**3. Подсчет административного бремени.** В связи с тем, что сложно увидеть и предвидеть масштабы административного бремени, большинство стран-членов Организации экономического сотрудничества и развития попытались измерить это бремя либо с помощью опросов компаний, либо использованием подходов, основанных сборе количественных данных.

Одним из самых первых методов анализа, направленных на измерение административного бремени, является Модель стандартных издержек (МСИ), разработанная в Голландии. МСИ рассчитывает административные издержки, которые несут предприниматели в результате применения нормативно-правового акта.

Кроме этого, используются иные методы анализов, такие как анализ издержек и выгод (cost-benefit analysis), мультикритериальный анализ и т.д.

**4. Применение информационных технологий в нормотворчестве.** Широкое распространение получила организация доступа к государственным услугам посредством принципа «одного окна» (также именуется как «пункт самообслуживания», «единое окно», «информационный киоск»). Цель «одного окна» – снижение административного бремени для предпринимателей и граждан путем уменьшения количества времени, требуемой на поиск информации, подачу заявки, получения разрешения и т.д. Сегодня многие страны уделяют внимание созданию таких электронных каналов доступа к государственным услугам и улучшению доступа к нормативно-правовой информации. К примеру, в Дании использование информационных технологий рассматривается в составе мер по снижению административного бремени. Правительство Дании требует, чтобы все формы, используемые между государственными органами и предпринимателями, были доступны на веб-сайтах. С 1999 года в Дании в сети интернет публикуется отчет об оценке воздействия на бизнес.

В Республики Узбекистан также принимаются конкретные меры по административному упрощению, и правовая среда постоянно улучшается. Концепция совершенствования нормотворческой деятельности в качестве основ заложила поэтапный переход к модели «умное регулирование», заключающийся в том, что принимаемые проекты НПА, предусматривающие усложнение процедур, затрагивающие права и законные интересы граждан и субъектов предпринимательства, в обязательном порядке должны содержать положения об:

- отмене существующей нормы, издержки исполнения которой со стороны граждан, субъектов предпринимательства и общества равны или превышают издержки, предусмотренные предлагаемой нормой проекта;

- ограничении срока действия усложняющих процедур, по истечении которого они должны быть пересмотрены на предмет улучшения существующего регулирования, обоснования его дальнейшей необходимости либо автоматического признания утратившим силу [2].

Более того, действия, предпринимаемые в нашей стране по внедрению механизмов модели «умное регулирование» в целом, и административному упрощению в частности можно увидеть в следующем:

**1. Принимаются меры по увеличению доли законов прямого действия, уменьшению количества отсылочных норм, систематизации законодательства.** К примеру, совместным Постановлением палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О мерах по усилению и повышению эффективности деятельности палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан по вопросам нормотворчества и парламентского контроля» №2419-III/КК-523-III от 26.03.2019г. утверждена «Дорожная карта» по пересмотру законодательных актов, которые должны быть систематизированы и унифицированы в законах прямого действия [9]. В данной «Дорожной карте» запланировано, что в 2020 году будут рассмотрены 19, а 2021 году 17 проектов законов прямого действия.

**2. Используется метод «регуляторной гильотины», с помощью которого идет расчистка нормативно-правовой базы.** С одной стороны, отменяются ведомственные нормативно-правовые акты с перенесением их положений в нормативно-правовые акты более высокой юридической силы. К примеру, в 2019 году Министерством юстиции Республики Узбекистан было выведено из государственного реестра 457 ведомственных нормативно-правовых актов, тогда как в 2018 году данный показатель составлял 271 [13].

С другой стороны, отменяются нормативно-правовые акты, утратившие свое значение. К примеру, Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по улучшению деловой среды в стране путем внедрения системы пересмотра утративших свою актуальность актов законодательства» №УП-6075 от 27.09.2020г. отменены около 500 нормативно-правовых актов, изданных Президентом Республики Узбекистан [3].

Считаем, что использование данного метода способствует не только упрощению законодательства, но и его совершенствованию, так как нормативно-правовые акты актуализируются и систематизируются. Но с другой стороны, считаем, что необходимо быть бдительными в том плане, что стабильность законодательства также очень важна. Таким образом, применение данного метода должно быть взвешенным и обоснованным.

**3. На базе Системы оценки воздействия актов законодательства (СОВАЗ), запущенной с 1 января 2015 года (www.regulation.gov.uz) внедряется целостная оценка регуляторного воздействия**

законодательства и совершенствуется система общественного обсуждения проектов НПА. При этом, Министерство юстиции Республики Узбекистан определено уполномоченным органом по координации деятельности по оценке регуляторного воздействия НПА [3].

**4. В нормотворческой деятельности активно применяются информационные технологии в целях облегчения принятия нормативно-правовых актов.** К примеру, разработка, согласование, принятие, проведение правовой экспертизы и государственная регистрация проектов ведомственных нормативно-правовых актов осуществляются посредством Единой электронной системы разработки и согласования проектов нормативно-правовых актов. Более того, в целях сокращения излишнего правового регулирования в период с 1 июля 2020 года по 1 января 2021 года ведомственные нормативно-правовые акты не принимаются [за исключением принятия ведомственных НПА о внесении изменений и дополнений и признании утратившими силу, а также предусматривающих их унификацию] [4].

Вышеизложенное является всего лишь кратким ракурсом тех мер, которые сегодня принимаются для совершенствования нормотворческой деятельности страны. Между тем, по нашему мнению, в дополнение к указанным мерам, целесообразно в нормотворчестве нашей страны применять регуляторное правило «One in One out». Как отмечается в заключительном отчете, подготовленном Центром исследований европейской политики, под «One in one out» понимается правило, согласно которому всякий раз, когда предлагается новое регулирование или законодательное вмешательство, влекущее за собой увеличение нормативных издержек, власти обязуются проанализировать совокупность существующих нормативно-правовых актов, чтобы компенсировать увеличение затрат. В зависимости от обстоятельств, правило «One in One out» может прямо относиться к количеству нормативно-правовых актов и, таким образом, страны требуют, чтобы для каждого введенного нормативно-правового положения были отменены один или несколько действующих правовых норм; или к соответствующему объему затрат по исполнению НПА и, следовательно, требуют, чтобы при введении нового нормативно-правового положения один или несколько правовых норм были изменены или отменены, так чтобы общее изменение нормативных затрат было нулевым или отрицательным. Большинство развитых стран следуют второй версии, основанной на компенсации затрат, а не на избежание увеличения количества нормативно-правовых положений [12, С.21].

В п.12 «Дорожной карты» по эффективной реализации Концепции административной реформы в Республики Узбекистан [5] было предусмотрено внедрение современных методов законотворческой деятельности, направленных на исключение избыточного бремени правового регулирования (например, на основе принципов «One in Two out», «Sunset clauses» и др.). Однако, конкретных механизмов реализации правила «One in Two out» не было принято.

В этой связи, учитывая, что в стране внедряется целостная система оценки регуляторного воздействия, предусмотренная пунктами 4-7 Указа Президента Республики Узбекистан №УП-6075 от 27.09.2020г. [3], предлагаем ввести норму о том, чтобы орган-разработчик проекта НПА при проведении процедуры ОРВ использовал правило «One in One out».

Таким образом, по нашему мнению, введение данного правила будет логическим продолжением действий, предпринимаемых сегодня на пути совершенствования нормотворческой деятельности. Между тем, предлагаем при применении данного правила акцентировать внимание не на недопущения роста количества нормативно-правовых положений, а на поддержании качества законодательства путем недопущения увеличения затрат по исполнению новой правовой нормы.

#### Сноски/Иқтибослар /References

1. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису 24.01.2020 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
2. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции совершенствования нормотворческой деятельности». №УП-5505 08.08.2018 // URL: <https://lex.uz/docs/3858812>
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по улучшению деловой среды в стране путем внедрения системы пересмотра утративших свою актуальность актов законодательства». №УП-6075 27.09.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/5019108>.
4. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов и учреждений юстиции в реализации государственной правовой политики».

№УП-5997 от 19.05.2020г. // URL: <https://lex.uz/docs/4820075>

5. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан». №УП-5185 8.09.2017г. // URL: <https://lex.uz/docs/3331176>.

6. Постановление палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О мерах по усилению и повышению эффективности деятельности палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан по вопросам нормотворчества и парламентского контроля» №2419-III/КК-523-III 26.03.2019. // URL: <https://lex.uz/docs/4612033>

7. Карпова П.Г., Цыганков Д.Б. Советы по оптимизации регулирования как неотъемлемый компонент «smart regulation» // Вопросы государственного и муниципального управления. 2012. №3. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovety-po-optimizatsii-regulirovaniya-kak-neotemlemyy-komponent-smart-regulation> (дата обращения: 26.11.2020)

8. Минаев А.В. Оценка регулирующего воздействия: современное состояние и перспективы развития в России // Вестник РУДН. Серия: Социология. 2011. №4. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-reguliruyuschego-vozdeystviya-sovremennoe-sostoyanie-i-perspektivy-razvitiya-v-rossii> (дата обращения: 19.11.2020).

9. Malyshev N. The evolution of regulatory policy in OECD countries // [www.oecd.org/gov/regulatory-policy/41882845.pdf](http://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/41882845.pdf).

10. One-In, One-Out (OIOO) Methodology. July 2011 // BIS [Official website]. // URL: <http://www.bis.gov.uk/assets/biscore/better-regulation/docs/o/12-p96a-one-inone-out-third-statement-new-regulation.pdf.-P.20>

11. OECD Regulatory Policy Outlook - OECD 2018 // URL: [https://read.oecd-ilibrary.org/governance/oecd-regulatory-policy-outlook-2018\\_9789264303072-en#page6](https://read.oecd-ilibrary.org/governance/oecd-regulatory-policy-outlook-2018_9789264303072-en#page6)

12. Feasibility study: introducing “One in one out” in the European Commission // URL: <https://www.ceps.eu/wp-content/uploads/2019/12/Feasibility-Study.pdf>

13. О деятельности Министерства юстиции в 2019 году в области нормотворчества и правоприменения ИНФОРМАЦИЯ // URL: <https://www.minjust.uz/ru/activity/normactivity/98767/>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ҲАМРОҚУЛОВ Синдор Бобомурод ўғли**

Адлия вазирлиги Юридик таълим ва суд-экспертиза  
фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси масъул ходими  
E-mail: [s.hamroqulov@mail.ru](mailto:s.hamroqulov@mail.ru)

## МАЪМУРИЙ ИХТИЁРИЙЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСТИДАН САМАРАЛИ СУД НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ҲАМРОҚУЛОВ С.Б. МАЪМУРИЙ ИХТИЁРИЙЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСТИДАН САМАРАЛИ СУД НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 32-36.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-5>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маъмурий ихтиёрийликни амалга ошириш устидан самарали суд назоратини таъминлаш, маъмурий судларнинг маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда дискрецион ваколатнинг қонунийлиги принципини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда тутган ўрни ҳамда аҳамияти ўрганилган. Бундан, ташқари, айрим хорижий давлатларда маъмурий ихтиёрийликни амалга ошириш тартиби ва шартлари таҳлил этилган. Маъмурий ихтиёрийликни амалга ошириш устидан самарали суд назоратини таъминлашдаги айрим муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий ихтиёрийлик, дискреция, дискрецион ваколат, дискрецион ваколатнинг қонунийлиги принципи, маъмурий тартиб-таомиллар, суд назорати, мутлақ дискреция, маъмурий хужжат.

**ХАМРАКУЛОВ Синдор Бобомурод угли**

Ответственный сотрудник Управление по координации юридического образования и  
судебно-экспертной деятельности Министерство юстиции  
E-mail: [s.hamroqulov@mail.ru](mailto:s.hamroqulov@mail.ru)

## ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО СУДЕБНОГО КОНТРОЛЯ ЗА РЕАЛИЗАЦИЕЙ АДМИНИСТРАТИВНОГО УСМОТРЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам организации эффективного судебного надзора за административным усмотрением. С этой целью в нём анализируется роль и значение административных судов, включая вопросы принципа правомерного применения усмотрений судебной властью. Кроме того, были проанализированы порядок и условие реализации административного усмотрения в некоторых зарубежных странах. В заключение разработаны предложения и рекомендации по устранению



проблем в обеспечении эффективного судебного контроля за реализацией административного усмотрения.

**Ключевые слова:** административное усмотрение, дискреция, дискреционное полномочие, принцип правомерности административного усмотрения, административные процедуры, судебный надзор, абсолютное усмотрение, административный документ.

**HAMROQULOV Sindor**

Department for the coordination of legal education and  
forensic activities Ministry of Justice  
[s.hamroqulov@mail.ru](mailto:s.hamroqulov@mail.ru)

## ISSUES OF LAUNCHING EFFECTIVE JUDICIAL SUPERVISION OVER THE ADMINISTRATIVE DISCRETION

### ANNOTATION

This article is concerned with the issues of launching efficient judicial supervision over the administrative discretion. To this end, it analyses the role of administrative courts, including issues of legitimate applying the judicial power of discretion. For that purpose, the power of administrative discretion has been analysed in a comparative level. It concludes with suggesting recommendations on current regulative framework of legislation.

**Keywords:** administrative discretion, discretion, discretionary powers, the principle of legitimation of discretion, administrative-procedures, judicial supervision, exclusive discretion, administrative document.

Бизга маълумки, суд ҳокимияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида қонунийликни таъминлаш ҳамда адолат қарор топишида муҳим вазифани амалга оширади. Дискрецион ваколат натижасида эса, айрим ҳолларда коррупцияга йўл қўйилиши ёки манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши мумкин.

Америка Қўшма Штатлари Олий суди судьяси Уильям Орвил Дуглас ҳам мана шундай ҳолатларни инобатга олган ҳолда дискрецион ваколат тўғрисида қуйидаги фикрни билдирган: дискреция мутлақ даражага етганда, инсон ҳамиша азият чекади. Мутлақ дискреция инсоннинг бошқа кашфиётларидан фарқли ўларок, унинг озодлигига нисбатан кучли талафот етказувчидир [1].

Шу сабабли, мана шундай ҳолларда маъмурий судларнинг маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда дискрецион ваколатнинг қонунийлиги принципини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда тутган ўрни хусусида сўз юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дискрецион ваколат бир қатор мамлакатлар қонунчилигида қўлланилган атама бўлиб, мазкур тушунча мансабдор шахсга ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиш ҳуқуқини назарда тутди.

**Дискрецион ваколат** (французча *discretionnaire* – шахсий ихтиёрга боғлиқ) – орган ёки мансабдор шахсга қонун доирасида ўз ихтиёрича фаолият кўрсатиш ваколатини бериш деган маънони англатади [2].

Назарий жиҳатдан маъмурий органларнинг ихтиёрий ваколати, солиқ имтиёзлари, бошқа имтиёзлар бериш ёки санкциялар ва жарималар қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишда мансабдор шахс бир хил ёки ўхшаш вазиятларда турли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда юзага келиши мумкин. Аммо мазкур ваколатнинг қўлланилиши шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январда қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ЎРҚ–457-сон Қонунининг 17-моддасида маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принципи келтириб ўтилган. Унга кўра, маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга ошириши шарт [3].

Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва

амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак.

Кўпгина хорижий мамлакатларда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни ишлаб чиқишда муҳим тамойилларни аниқлаб олишга алоҳида эътибор қаратилади.

Масалан, АҚШда барча аҳоли учун маъмурий тартиботнинг содда, ошкора (дискрецион ваколатдан келиб чиқиб қабул қилинадиган қарорлар ҳам барча учун маълум бўлиши талаб этилади), аниқ ва равшан бўлиши (бунда маълумот бериш, очиқ мажлисларни ўтказиш, норма ижодкорлиги ва бошқалар назарда тутилган) муҳим тамойил этиб белгиланган.

Мазкур ҳолат дискрецион ваколатнинг қонунийлиги маъмурий тартиб-таомилларнинг очиклиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги ва тенг ҳуқуқлилиқ каби принциплар билан боғлиқлигини билдиради ва бу принциплар ҳам “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини тўлиқ топган.

Бундан ташқари, дискрецион ваколат асосли қўлланилиши лозим. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 54-моддасида ҳам дискрецион ваколатнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилувчи норма белгилаб қўйилган. Мазкур моддага кўра маъмурий ҳужжатнинг асослантирувчи қисмида қабул қилинган маъмурий ҳужжатнинг барча ҳақиқий ва юридик асослари келтирилиши керак.

Дискрецион ваколатни амалга ошириш бўйича самарали суд назоратини таъминлашнинг мажбурий шarti – бу стандартлар (мезонлар)нинг қонуний таърифи бўлиб, унинг ёрдамида суд давлат маъмуриятининг ўз қонунига ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқлиги учун ихтиёрий ҳаракатларини баҳолаши мумкин.

Суд маъмурий органнинг дискрецион ваколат асосида чиқарган маъмурий актини “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунга ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга риоя қилинганлиги юзасидан баҳолаши учун мумкин бўлган стандартлар (мезонлар) ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Бундай стандартларни ўрнатувчи қонунчилик ҳужжатлари дискрецион ваколатни амалга ошириш устидан самарали суд назоратини таъминлаш учун зарурдир.

Суд дискрецион ваколатларни амалга оширилишини икки босқичда, яъни **дискрецион ваколатларни тақдим этиш (ваколат бериш)** ва **дискрецион ваколатларни ҳақиқатдан ҳам амалга оширилиш босқичларида** назорат қилади. Қайд этиб ўтиш жоизки, Европанинг маъмурий-ҳуқуқий фанида ва қонунчилигида, суд томонидан қуйидаги ҳолатларда маъмурий ихтиёрийлик асосида қабул қилинган қарорлар ноқонуний деб топилиши кўрсатиб ўтилган:

– агар улар яққол мазкур орган ваколат доирасидан четга чиққан бўлса;

– агар ҳокимият органи ўз ваколатларини қонунда белгилаб қўйилган мақсадларга зид равишда қўллаган бўлса;

– агар маъмуриятнинг ҳаракатлари ишнинг ҳақиқий ёки ҳуқуқий ҳолатини нотўғри баҳолашига асосланган бўлса [4, Б.110].

2018 йил 25 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси демократик давлатни шакллантириш йўлида жуда муҳим қадам сифатида қаралиши керак. Кодекснинг 26-моддасида судловга тааллуқлилиқ келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

**Суд томонидан ҳал этилиши лозим бўлган ишлар сирасига эса, қуйидагилар кирди:**

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари

ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади [5].

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун қабул қилингунга қадар оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг келиб чиқиш асосларида дискрецион ваколатнинг қонунийлиги принципини қўллаш билан боғлиқ низолар алоҳида ажратилмаган. Лекин бугунги кунга келиб судлар томонидан бу тоифадаги ишлар ҳам мазмунан ҳал этилмоқда.

Дискрецион ваколат асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан суд назорати хусусида сўз юритишда биз ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини келтириб ўтишимиз мумкин.

Албатта, бу борада биринчи навбатда Германия тажрибаси кўз олдимизга келади. Оммавий-ҳуқуқий муносабатларни қонунчилик билан тартибга солиш ишлари бўйича мазкур давлат кўп йиллик тажрибага эга ҳисобланади.

1976 йилда қабул қилинган “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги Германия Федератив Республикаси (ГФР) Қонунининг 40-параграфида агар маъмурий орган маъмурий ҳаракатларни амалга оширишда ўз хоҳишига кўра ҳаракатланишга ваколатли бўлса, у берилган ваколатлардан берилиш мақсадига мувофиқ фойдаланиши ҳамда ихтиёрий ҳаракатларни амалга оширишда қонун талабларига қатъий амал қилиши лозимлиги тўғрисидаги норма келтириб ўтилган [6].

“Маъмурий суд процесси тўғрисида”ги ГФР Қонунининг 114-моддасида эса агар маъмурий орган ихтиёрий равишда ҳаракатланиш ваколатига эга бўлса, суд дискрецион ваколатнинг қонунда белгиланганидан бошқа мақсадда қўлланилиши, ҳуқуқий ёки ҳақиқий (фактик) асосларни нотўғри татбиқ этиш натижасида мазкур принципнинг бузилиши келиб чиқиши ҳолатларининг мавжудлигини текшириши лозимлигига оид нормалар ўз аксини топган.

Бизнинг фикримизча, энг муносиб, шу жумладан, давлат бошқаруви органларининг ихтиёрий ваколатларини амалга ошириш бўйича суд назорати масалаларини ўрганиш учун қуйидаги таъриф кўпроқ мос келади:

**Дискрецион ваколатни амалга оширишдаги маъмурий танлов устидан суд назорати** – бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чегаралар доирасида маъмурий орган мансабдор шахси томонидан қабул қилинадиган маъмурий ҳужжатни, унинг танлови ҳуқуқий меъёрларга мос зарур аниқлик ва асоснинг тўлиқлиги, шартлари, мазмуни, шакли, тартиби, бундай қарор қабул қилиш субъектларининг умумий ваколатлари бўйича баҳолашдан иборат [7].

Бундан ташқари, маъмурий ихтиёрийликни амалга оширишда уни қўллаш билан боғлиқ айрим камчиликларни ҳам қайд этиш жоиз. Маъмурий ихтиёрийликни қўллашда кўп учрайдиган хатоларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1) маъмурий ихтиёрийликдан фойдаланмаслик (мансабдор шахснинг ўзи маъмурий ихтиёрийликни қўллаши кераклигини англамаслиги ёки унинг қароридан маъмурий ихтиёрийлик қўлланганлиги аниқ кўринмаслиги);

2) маъмурий ихтиёрийликни нотўғри қўллаш (амалдор (ходим) у ўзи маъмурий ихтиёрийликни қўллаш кераклигини англайди-ю, қонун мазмун-моҳиятини нотўғри қўллаганлиги сабабли ўз қарорини хато фикрлар асосида қабул қилади ёки баъзи муҳим фактларни инобатга олмайди ёхуд инобатга олишга ҳақли бўлмаган фактларни инобатга олади, маъмурий ихтиёрийликнинг ҳуқуқий чегараларини англамайди);

3) маъмурий ихтиёрийликни суистеъмол қилиш (амалдор (ходим)нинг ўзи маъмурий ихтиёрийликни қўллаш кераклигини англайди-ю, лекин у ўз қарорини қонун нормаси ва унинг доирасида мақсадга мувофиқ асослар билан асослаб беролмайди).

Шунингдек, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифларни билдириб ўтмоқчимиз. Хусусан, маъмурий тартибда судгача шикоят қилишни мажбурий тартиб сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 1-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

“Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. **Маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг бажарилиши текширилади.** Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар

белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади”.

#### Иқтибослар /Сноски /References:

1. Bertrams R. Bank guarantees in International Trade. The Law and Practice of Independent (First Demand) Guarantees and Standby Letters of Credit in Civil Law and Common Law Jurisdictions. Kluwer Law International, 1996. // URL: <https://www.amazon.com/Guarantees-International-Trade-Third-Revised/dp/9041122435>.
2. Кириллова Александра Дмитриевна Дискреционные полномочия в правоприменительной деятельности органов государственной власти // Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки. 2017. №2-2. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/diskretsionnye-polnomochiya-v-pravoprimenitelnoy-deyatelnosti-organov-gosudarstvennoy-vlasti> (дата обращения: 26.12.2020).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/3492199>.
4. Татарова А.Д. Понятие и признаки дискреционных полномочий судей. Трибуна молодого ученого, № 3, 2014. // URL: [https://journals.kantiana.ru/upload/iblock/db3/Tatarova%20A.\\_110-114.pdf](https://journals.kantiana.ru/upload/iblock/db3/Tatarova%20A._110-114.pdf).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/ МПК/0627-сон, 12.10.2018 й. // URL: <https://lex.uz/docs/3527353>.
6. Kopp F., Ramsauer U. Kommentar zum Verwaltungsverfahrensgesetz [Commentary on the law on administrative procedures]. // URL: <https://www.beck-shop.de/kopp-ramsauer-verwaltungsverfahrensgesetz-vwvfg/product/30262052>.
7. Пуделька Йорг Понятие усмотрения в административном праве Германии и его отграничение от судебного усмотрения // Вестник СПбГУ. Серия 14. Право. 2017. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-usmotreniya-v-administrativnom-prave-germanii-i-ego-otgranichenie-ot-sudebnogo-usmotreniya> (дата обращения: 26.12.2020).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.  
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**НАРЗИЕВ Отабек Саъдиевич**

Тошкент Давлат юридик университети  
“Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси мудири,  
юридик фанлар номзоди, PhD

## КАПИТАЛ БОЗОРИ БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШНИНГ МУҚОБИЛ МАНБАСИ СИФАТИДА

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** НАРЗИЕВ О.С. КАПИТАЛ БОЗОРИ БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШНИНГ МУҚОБИЛ МАНБАСИ СИФАТИДА // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 37-44.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-6>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистондаги бизнесни молиялаштиришда банк ва капитал бозори ўртасидаги юқори тафовутнинг ҳуқуқий сабабларини таҳлил қилишга ва бизнесни молиялаштириш манбаларини мувозанатлаш бўйича ечимларни ишлаб чиқишга қаратилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон капитал бозори бизнесни молиялаштиришнинг ҳақиқий рақобатдош манбаи, жамғарма ва маблағларни жалб қилишнинг муқобил тизими ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ишончли воситаларини тақдим эта олмаяпти. Ушбу мақолада асосан банк сектори ва Ўзбекистоннинг капитал бозори ўртасидаги бизнесни молиялаштиришдаги рақобатбардош бетарафлик (competitive neutrality) муаммоси муҳокама қилинади. Мақолада банкка асосланган ва бозорга асосланган молия тизимларининг асосий хусусиятлари таҳлил қилинади, қарз ва капитални молиялаштириш тушунчалари ўрганилади, банк ва капитал бозорини молиялаштиришнинг асосий тартибга солиш фарқларини ўрганилади.

**Калит сўзлар:** капитал бозори, бизнесни молиялаштириш, банкка асосланган иқтисодиёт, бозорга асосланган иқтисодиёт, капитал бозорини тартибга солиш, рақобатбардош бетарафлик.

**НАРЗИЕВ Отабек Саъдиевич**

Заведующий кафедрой «Международное частное право»  
Ташкентского государственного юридического университета,  
кандидат юридических наук, PhD

## РЫНОК КАПИТАЛА КАК АЛЬТЕРНАТИВНЫЙ ИСТОЧНИК ФИНАНСИРОВАНИЯ БИЗНЕСА

**АННОТАЦИЯ**

Целью данной статьи является анализ правовых причин высокого несоответствия в финансировании бизнеса банками и рынком капитала в Узбекистане, и разработка решений по уравнению источников финансирования бизнеса. В настоящее время, рынок капитала Узбекистана не является реальным конкурентным источником финансирования бизнеса, альтернативной системой мобилизации сбережений и распределения, а также надежным средством привлечения иностранных инвестиций. В статье обсуждается проблема конкурентного нейтралитета в финансировании бизнеса между банковским сектором и рынком ценных бумаг Узбекистана. Дается анализ основных характеристик банковских и рыночных финансовых систем, изучается понятие долгового и долевого финансирования, а также исследуются основные различия в регулировании банковского финансирования и финансирования рынка капитала.

**Ключевые слова:** рынок капитала, финансирование бизнеса, банковская экономика, рыночная экономика, регулирование рынка капитала, конкурентный нейтралитет.

**NARZIEV Otabek**

Head of “International Private Law” Department of  
Tashkent State University of Law, candidate of Juridical Sciences PhD

**CAPITAL MARKET AS AN ALTERNATIVE SOURCE OF BUSINESS FINANCING****ANNOTATION**

This paper aims to analyze the reasons behind the high discrepancy in bank and capital market financing of business in Uzbekistan and to work out solutions for balancing the sources of business financing. Currently, Uzbekistan’s capital market is not providing a real competitive source of business financing, an alternative system of mobilizing savings and allocation, and providing a reliable means of attracting foreign investment. This article mainly discusses the competitive neutrality problem in business financing between the banking sector and Uzbekistan’s equity market. It provides an analysis of the bank-based and market financial systems’ main features, attempts to examine the notions of debt and equity financing, and explores the main regulatory differences of banking and capital market financing.

**Keywords:** capital market, business financing, bank-based economy, market-based economy, capital market regulation, competitive neutrality.

Турли объектив ва субъектив омиллар туфайли банклар молиявий ресурсларни тўплаш ва қайта таксимлашда энг устун мавқега эга бўлиб қолган. Молия соҳасида банклар билан рақобатлашишга қодир бўлган етакчи бозор институтларидан бири бу капитал бозори. Мамлакатимизда ўттиз йилга яқин ўтиш даври ислохотларига қарамай, капитал бозори ҳалигача ривожланмаган. Натижада, компаниялар ва инвесторлар бизнесни молиялаштиришнинг муқобил ва рақобатбардош манбаларидан фойдаланиш имкониятига ва монополлаштирилган банк тизими билан ишлашдан бошқа имкониятга эга эмаслар.

Самарали фаолият юритадиган капитал бозорлари, инновация ва ўсиш учун капиталга муҳтож бўлганлар билан инвестиция қилиш учун маблағга эга бўлганларни бирлаштириб, молиявий ресурсларни жалб қилишга имкон беради ва осонлаштиради. Энг муҳими, капитал бозорлари шаффофликни, ҳисобдорликни ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш орқали уларнинг рўйхатидаги эмитентлар ўртасида яхши корпоратив бошқарувни ривожлантиради. Биргина сўнгги қирқ йил ичида биржаларнинг 50 тадан 160 тагача кескин ўсиши ривожланаётган иқтисодиётларда капитал бозорларининг муҳим рол ўйнаганлигини намойиш этади. МДҲ аъзолари ҳақида гап кетганда, нафақат капитал бозорларининг ўрни ва функциялари тўғрисида тушунчаларни такомиллаштириш, балки биржаларнинг яхши ишлашини таъминлайдиган муҳитларни яратиш ҳам муҳимдир.

Шунга кўра, меъёрий-ҳуқуқий базани мувозанатлаштириш орқали капитал бозорининг бизнесни молиялаштириш имкониятларини қайта кўриб чиқиш ва ошириш мазкур мақоланинг асосий мақсади саналади.

**Банк ва бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимлар: молиявий структура қандай аҳамиятга эга?**

Бизнесни молиялаштиришда банк ва капитал бозорининг аҳамиятлари ўртасида номуносабиблик вужудга келишининг бир нечта сабаблари мавжуд. Молиявий тузилмалар, молиявий муносабатлар ва бошқа тартибга солувчи воситалар шулар жумласидандир. Умуман олганда, молиявий тизимлар иқтисодий сектордаги тутган ўрни, банк ёки капитал бозорида йиғилган маблағларни иқтисодий секторга йўналтирилиши, молия-кредит сиёсатида давлатнинг аралашув даражасига қараб икки турга: банк ва бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимларга бўлинади.

Бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимлар инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мукамал ҳуқуқий режимга, аниқ шаклланган стандартлар ва инвесторларнинг ишончи асосига қурилса, банк муносабатларига асосланган молиявий тизимлар эса асосан молиявий муносабатлар ва гаров эвазига бунёд этилади. Бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимларга эга давлатлар одатда капитални молиялаштириш учун ривожланган бозорларга эга [1] бўлса, банк муносабатларига асосланган молиявий тизимларга эга давлатлар эса ўзларининг кучли ва юқори салоҳиятга эга банк тизими билан тавсифланади.

Банк ва бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимларга оид адабиётларнинг аксарият қисмида иқтисодий ўсиш ва молиявий тузилмалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар муҳокама қилинади. Тадқиқотлардан келиб чиқадиган хулоса ва натижалар эса турлича. Ушбу соҳадаги кўплаб тадқиқотлар натижасида иқтисодий ўсиш учун банк ва бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимлар ўзаро мувозанатни сақлаб қолиши муҳим деб тан олинса, баъзи тадқиқотлар эса иқтисодий ўсишга [2], [3], [4], [5] эришиш учун молиявий тузилманинг ўзи етарли эмас, балки банк ва молиявий бозорларни қамраб олган барча турдаги молиявий хизматларни кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга деган хулосага келади [6], [7]. Бошқа тадқиқотлар натижаси эса мамлакатнинг молиявий ва иқтисодий ривожланганлик даражасига урғу бериб, молиявий тузилмалар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатларни яънада мураккаблигини таъкидлайди [8]. Молиявий тузилмалар ва иқтисодий ўсишга оид энг сўнгги изланишлар эса бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимнинг аҳамияти юқори эканлигидекўрсатади [9]. Уларнинг изланишлари натижасида келинган хулосалари асосан нотўғри тақсимланган кредит сиёсати натижасида келиб чиққан иқтисодий инкироздан кейинги тадқиқотларга боғлиқ [10]. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, молиявий тузилмалар тизимли хавф юзага келиши нуқтаи назаридан иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга. Шуниси эътиборлики, муаллифнинг таъкидлашича банк муносабатларига асосланган молиявий тизим тизимли хавфни келтириб чиқаради, бозор муносабатларига асосланган молиявий тизим эса ушбу хавфни камайтириш хусусиятига эга [11]. Натижада олимлар давлатларнинг банк тизими асосида молиялаштириш даражасини камайтириш ҳисобига тизимли хавфга бардошлилик даражасини кўтариш мумкин, деган хулосага келишди [11].

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, молиялаштириш тизими банк ёки капитал бозорига асосланиши эмас, балки, молиявий тизимнинг қанчалик ривожланган, мустаҳкамлиги ва компаниялар ўзбизнесларини молиялаштиришнинг муқобил манбаларига эга эканлиги муҳимдир. МДХ давлатлари орасида банклар тизимининг устунлиги сабабли келиб чиқаётган бизнесни молиялаштиришдаги номуносабиблик тор ва кенг даражадаги жиддий ташвишларни туғдирмоқда. Тор даражадан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бизнесни молиялашда у ёки бу молиявий тизимнинг устунликка эга бўлиши, компанияларнинг ўз бизнесини бошқа муқобил манбалардан фойдаланиш имкониятини чекламоқда. Кенг даражада таҳлиллар шуни кўрсатадики, банк муносабатларига асосланган молиялаштириш иқтисодиётда тизимли хавф келтириб чиқаради. Мамлакат иқтисодиётининг у ёки бу шаклдаги молиявий тузилмага боғлиқлиги, уни банк ва капитал бозорига асосланган молиялаш тизимлари ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишига тўсқинлик қилмайди.

**Қарз ва капитал тушунчаси.** Қарз ва капитални молиялаштириш муаммоси юқорида қисқача тавсифлаб ўтилган банк ва бозор муносабатларига асосланган молиявий тузилманинг мантиқий давомидир. Умуман олганда, банк муносабатларига асосланган молиявий тизимга эга давлатларда иқтисодиётни қарз, кредит эвазига молиялаштириш шакли юқори устунликка эга, бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимга эга давлатларда эса иқтисодиётни капитал эвазига молиялаштиришни кўришимиз мумкин. Мазкур мақоланинг мақсади улар ўртасидаги мавжуд ҳолатни ўзгартириш эмас, балки қарз ва капитал эвазига молиялаштириш тушунчалари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишдан иборат.

Умуман олганда, бизнес фаолиятининг ҳар қандай босқичида қисқа ёки узоқ муддатли молиявий

эҳтиёжлар вужудга келади. Компаниялар учун ташқи манбалардан фойдаланишнинг икки усули мавжуд: яъни ташқи қарз эвазига молиялаштириш ва ташқи капитал жалб қилиш орқали. Ҳар бир усулнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари ва ҳар бирининг маълум вазиятда қўл келувчи жиҳатлари мавжуд. Бизнесни молиялашнинг ушбу икки турини бир-биридан ажратиш турадиган қуйидаги омилларни санаб ўтиш мумкин: маблағларни жалб этиш шартлари, молиявий жараёнлар, уларнинг ҳажми, муддати, мақсади ва фойдаланиш усуллари.

Умумий жиҳатдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, қарз ва капитал орқали молиялаштириш турли хил тамойилларга асосланган бизнесни молиялаштиришнинг икки хил тизимидир. Қарз эвазига молиялаштиришнинг асосий шarti кредитор томонидан аввалдан белгиланган фоизларда олиш ва аввалдан белгиланган муддатда қарзларни фоизи билан қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олиш эвазига маблағларни жалб этишдан иборат. Қарз эвазига молиялаштиришнинг асосий шакллари облигациялар чиқариш ва уларни сотишдан иборатдир. Кредитор пулларни бериш ва шартномада кўрсатилган шартларда ва муддатларда пулларни талаб қилиб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ушбу ўринда асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган нуқта шундаки, қарз эвазига молиялаштириш фақат банклар томонидан амалга оширилиши чекланмаган. Облигациялар капитал бозорида ҳам актив молиявий восита сифатида фойдаланилиши мумкин. Шунда кўра, қарз ва капитал эвазига молиялаштириш ўртасидаги асосий фарқ институционал омилларга боғлиқ эмас, балки аксинча маблағни жалб этиш шартлари ва муддатларига боғлиқ. Бу ердаги яъна бир нозик нуқта бу банкларнинг капитал бозоридаги фаол иштирокидир. Мисол учун Ўзбекистон банкларининг капитал бозоридаги ўртача улуши 70 фоиздан юқори [1].

Соф капитални молиялаш тушунчаси қарз эвазига молиялаштириш каби фоизлар ҳисобига эмас, балки инвестиция мақсадларга асосланган. Капитал эвазига молиялаш инвесторни мулк ва бошқарув ҳуқуқларидан фойдаланишни таъминлайди. Ҳеч қандай гаровсиз инвестицияни қабул қилган компаниялар кредиторлар олдида ўз даромадларини ва тегишли маълумотларни ошкор қилишлари шартдир. Қимматли қоғозларни молиялаштиришдан фойда ва даромад олиш қарз эвазига молиялаштиришдан кўра хавфлироқ ҳисобланади. Чунки бунда фоизлар ставкаси ва қайтариш муддатлари қарз беришдан аввал белгиланади. Капитал орқали молиялаштиришда агар компания даромадга эриша олмаса инвестор ҳам даромад олмайди. Аммо бошқа тарафдан эса инвесторларнинг фойда олиш даражаси чекланмайди. Агар компания муваффақиятли фаолият юритса, инвестор шунча кўп дивиденд олади ва натижада йирик инвестиция оқими пайдо бўлади. Сармояларнинг кўпайиши компания учун қарздорлик балансининг ошишига олиб келади. Бошқача сўз билан айтганда, инвесторлар юқори қарздорликка эга бўлган компанияларга инвестиция киритишда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашади, аммо юқори инвестицион оқимга эга компанияларга эса катта қизиқиш билдиришади. Қуйидаги жадвалда қарз ва капитал эвазига молиялаштиришнинг асосий фарқларини кўрсатади:

**Қарз ва капитал орқали молиялаштиришни таққослаш жадвали:**

	<b>Таққослаш мезонлари</b>	<b>Қарз молиялаш</b>	<b>Капитал молиялаш</b>
	Мулкдорлик	Йўқ	Ҳа
	Фойда	Кафолатланган ва ўзгармас	Кафолатланмаган ва ўзгарувчан
	Фойдалилик даражаси	Паст	Юқори
	Бошқарув имконияти	Йўқ	Ҳа
	Қайтариш шакли	Фоиз	Дивиденд
	Гаров	Одатий зарурат юзасидан	Талаб этилмайди
	Йўқотиш хавфи	Нисабатан паст	Нисабатан юқори
	Давомийлиги	Чекланган	Чекланмаган

Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра, молиявий қийинчилик пайтида банклар компанияларга яхши имкониятлар тақдим этгани учун фирмалар кўпроқ банк кредити олиш учун мурожаат

<sup>1</sup> Шунга ўхшаш вазиятни бошқа МДХ давлатларида ҳам кўриш мумкин.



қилишади [12]. Яна бир бошқа сабаб эса компания истаклари билан боғлиқ бўлиб, бу компания мулклари, фойдаси, бошқаруви ва маълумотларни ошкор этиш хоҳишига тегишли. Изланиш натижасида шундай хулосага келиндикки, “таваккал қилувчи фирмалар банкдан қарз олиш орқали молиялаштириши, эҳтиёткорлари эса капитал бозори орқали молиялаштиришни маъқул кўради. Яна баъзиси эса қарз ва капитал эвазига молиялаштириш тизимларининг иккисидан ҳам фойдаланишни афзал кўради.” [12]. Сўнгги нуқта шуки, ссудалар ёки қарз эвазига молиялаштириш усули ривожланган давлатларда [13] ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади [14], [15], [16], [17], [18]. Бунинг сабаби ривожланган мамлакатларда банк инфратузилмаси, тартибга солиш механизми ва корпоратив бошқарув капитал бозорига қараганда нисбатан ривожланганлигида бўлади. Нафақат ўрта ва кичик бизнес субъектлари, балки йирик тадбиркорлик субъектлари ҳам қимматли қоғозлар чиқаришнинг мураккаб тартиблари, корпоратив бошқарувнинг мураккаб стандартлари ва очиқ маълумотларнинг чекланганлиги, шунингдек, ҳукумат томонидан тадбиркорлик субъектларининг қўллаб-қувватлашнинг паст даражаси каби омиллар сабабли капитал эвазига молиялаш тизимидан фойдаланишни истамайди.

**Ҳуқуқий тартибга солиш мувозанатга эришиш воситаси сифатида.** Ҳуқуқий тартибга солиш сиёсати банк ва капитал молиялаштиришни давлат томонидан қўллаб қувватланиши реал иқтисодиёт ривожининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Молиявий имкониятларидан фойдаланиш бўйича банклар ўртасидаги рақобатни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, институционал ва меъёрий тартиб таомиллар бизнесни молиялаштириш ва рақобатни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга [19]. Айрим олимлар молиявий тўсиқларга енгиллаштиришда ҳуқуқий тартибга солиш, институционал муносабатлар ва мулкчилик шакллариининг муҳимлигини таъкидлашган [19]. Кейинчалик ушбу масала юзасидан чуқурроқ изланишлар олиб борилиши натижасида хусусий мулк ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кучли механизмлари мавжудлиги, юқори сифатли корпоратив маълумотларнинг мавжудлиги, коррупцион ва давлатнинг сиёсий шаклдаги аралашувларининг камайиши каби омилларнинг молиялаштиришга катта ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Одатда ривожланаётган давлатлар, юқорида берилган - молиявий имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берувчи омиллар етарли даражада ривожланмаган ёки қисман ривожланган бўлади [2].

Бизнесни банк ва капитал бозори орқали молиялаштиришда ҳуқуқий тартибга солишнинг ўрнини давлат томонидан банк секторини кенг қўламли қўллаб-қувватланишини мисол қилиб олиш мумкин. Ўзбекистонда давлатнинг ихтисослаштирилган ташкилотлар, субсидиявий молиялаштириши дастурлари ва солиқ имтиёзлари орқали тўғридан-тўғри аралашуви, қоида тариқасида, банк секторининг режали молиялаштиришдаги роли сақланиб қолмоқда [21]. Аксинча, янги пайдо бўлаётган капитал бозорини ҳукумат томонидан банк сектори даражасида қўллаб-қувватланмаслиги бизнесни бу икки молиявий институт орқали молиялаштириш даражасига таъсир кўрсатмоқда. Биз бозор муносабатларида давлатнинг керагидан ортиқ маъмурий тартиб тамойиллар билан аралашувини ёқламайди. Аксинча банк ва капитал бозорини молиялаштиришда давлатнинг томонидан кўрсатиладиган эътибор тенг бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу банк секторига давлат томонидан берилган имтиёзлар бекор қилиш керак дегани эмас, балки энг камида капитал бозорига ҳам шундай қўллаб-қувватлаш амалга оширилиши лозимлигини аниқлатади. Банкларнинг капитал бозоридаги эмитент, акциядор ёки воситачи сифатидаги иштироки 70 фоиздан кўп бўлганлиги сабабли, юқоридаги таъкидланган ўзгаришлардан банк сектори нисбатан кам зарар кўради. Банклар ушбу ўзгартиришлар ўрнига тўғридан-тўғри капитал бозорига берилган имтиёзлардан фойдаланиши мумкин.

Ҳуқуқий тартибга солишдаги номуносивликнинг яна бир жиҳати молиявий хизматлар истеъмолчилари ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кўринади. Масалан барча МДҲ давлатларида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал чораларидан бири бу кафолат яъни компенсация кўринишида бўлиб, банк инвестор олдида ўз мажбуриятларини молиявий ночорлиги сабабли бажара олмаган тақдирда, инвесторнинг маблағлари суғурта бадаллари ҳисобидан қоплаб берилади. Учта давлатларнинг капитал бозори тўғрисидаги қонунчилиги солиштириб кўрилганда, кафолат ёки суғурта фонди қоидаларини учратиш мумкин. Ушбу қоидаларга кўра капитал бозорида воситачи вазифасини бажарувчи брокер ёки трейдер ўзининг мажбуриятларини бажаришнинг кафолати сифатида шахсий суғурта фонди депозитини

<sup>2</sup> ‘Partial development’ here means dominance of banking or securities market financing.

очиши лозим эканлиги белгиланган. Ўзбекистон капитал бозори қоидаларининг акси ўлароқ, Қозоғистон ва Россия Федерациясининг капитал бозори тўғрисидаги қонунчилигида бундай фондларни ташкил этиш процедураси енгиллаштирилганлигини кўришимиз мумкин [22]. Ўзбекистон қонунчилигига кўра эса бозор воситачилари инвесторга етказилган зарарни қоплаш учун кафолат фонди тузишлари шарт [23]. Бу эса инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган яхши механизм дейишимиз мумкин. Бироқ ушбу индивидуал ва чекланган тизим бўлиб, уни умуммиллий чоралар билан солиштириб бўлмади. Худди шу каби чоралар банк депозитларининг кафолатларига ёки қандайдир бошқа марказлаштирилган молиявий институтларга ҳам тегишлидир.

Россия ва Қозоғистонда молия омбудсман институти жорий этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси инвесторлар ва молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Бироқ ушбу институт молия бозорининг барча институтларини қамраб ололмайди, балки банк фаолияти билангина чекланиб қолган. Ўзбекистонда ҳам бир нечта инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқмат даражасидаги институтлар ташкил этилган бўлиб, [3] аммо қўшни давлатларда бўлгани каби улар ҳам банк ва унинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар билан чекланиб қолган.

Банк ва капитал бозори ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишни талаб этадиган яна бир муаммо кредитор ёки инвесторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми билан боғлиқдир. Умуман олганда барча МДХ давлатларининг қонунчилигида банк ва капитал бозори юзасидан келиб чиқадиган муносабатларда кредитор ёки инвесторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши кўрсатилган. Шу билан бирга кўриб чиқиладиган мамлакатлар қонунчилигида инвестиция ва кредитнинг ҳамда инвестор ва кредитор тушунчаларининг ҳуқуқий талқини ва мақоми ўртасида катта фарқ мавжуд. Бугунги тенденция шуни кўрсатмоқдаки қонунчилик акция ва акциядорларнинг ҳуқуқларига нисбатан банк кредитлари ва кредиторларнинг ҳуқуқларини яхшироқ ҳимоя қилмоқда. МДХ давлатлари қонунчилигида ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган турли хил ёндашувлар ва банк кредит ва кредиторлари учун махсус имтиёз пакетлари қарз ва капитал эвазига молиялаштиришда рақобатбардошлиликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бизнингча давлат қарз ва капитал эвазига молиялаштириш тизимлари ўртасида қасддан ажратиш тарафдори эмас. Чунки банк ва капитал бозори ўртаси рақобатнинг мавжудлиги давлат ва компаниялар учун ҳам манфаатлидир. Бунинг исботи сифатида айтишимиз мумкинки капитал бозорини ривожлантириш бўйича банклар даражасидагидек бўлмасда давлатнинг бир нечта ташаббуслари мавжуд. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасининг турли хил эканлигига асосий сабаб мамлакатда банкнинг тутган ўрни ва мулкчилик шакллари билан боғлиқ, назаримизда. МДХ давлатлари орасида мамлакат иқтисодиётида банкларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Масалан Россия ва Қозоғистонда банклардаги энг йирик 5 та банкда давлат активлари 50%дан юқори эканлигини кўриш мумкин [24]. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 70%ни ташкил этади [25]. Thorsten Beck ва бошқаларнинг сўзларига кўра мамлакатда банкларнинг марказлашуви молиявий тўсиқларни янада кучайтиради ва бу ўз навбатида йирик тадбиркорлик субъектларига нисбатан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига салбий таъсир кўрсатади [19]. Банк тизимига давлатнинг аралашуви ва асосий банк активларида давлатнинг улуши юқори даражада бўлиши банкларнинг концентратциялашувида салбий таъсир кўрсатади [19]. Тадқиқотнинг умумий натижалари шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланишнинг ҳар қандай босқичида давлатнинг институционал ва меъёрий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган сиёсати банк тузилмалари ва компанияларнинг молиявий ресурслардан фойдалана олиши ўртасидаги алоқада муҳим аҳамиятга эга бўлади [19].

Давлат мулкининг мавжудлиги банк ва капитал бозорини молиялаштиришда ўртадаги тафовутни вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу шуни кўрсатадики, давлат банк ва банк орқали молиялаштиришни қўллаб-қувватлайди, чунки банк секторидаги асосий активлар давлатга тегишлидир. Қўллаб ривожланган мамлакатларда давлат иштирокидаги компаниялар ҳуқуқматнинг кафиллиги ёки бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш сабабли молиявий кўмак олиш учун кенг имкониятларга эга [26]. Ушбу мақолада кўриб чиқилган мамлакатларда давлат банклари умумий банк сектори активлари, капитали ва кредит портфелининг ярмидан кўпроғига эгалик

<sup>3</sup> Мисол учун: in August of 2017 the State Fund for Support of Business Development was established to provide resources to commercial banks, including through attracted foreign credit lines, for subsequent lending to small businesses. In October 2017 the Guarantee Fund for SME development was established the majority of shareholders of which are twenty banks.

килади. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 80 фоиздан ошади [4]. Назарий жиҳатдан, давлат мулкчилиги банк ва капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишда турлича ёндошувнинг доимий сабаби дея олмаймиз. Чунки ўрганилган давлатларнинг барчасида давлат шерикчилик асосидаги юридик шахсларнинг активларида давлатнинг акциялари деярли бир хил, аммо банклар бошқа давлат улуши бор юридик шахсларга нисбатан субсидия, кафилик каби имтиёзлар билан сезиларли даражада қўллаб-қувватланади [5]. Лекин бу давлат айнан мулкчилик шаклидан келиб чиққан ҳолда банкларни қўллаб-қувватлайди деган хулосага олиб келмайди. Айни пайтда муаллиф айни шу масалада давлат мулкчилигининг салбий таъсирлар мавжудлигини инкор ҳам этмайди. Ушбу масала кейинги изланишларда давлат мулкчилигининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида янада чуқурроқ таҳлил этишни талаб этади.

Ушбу мақола орқали Ўзбекистонда бизнесни банк ва капитал бозори орқали молиялаштиришдаги тафовутлар юзага келиш сабаблари таҳлил қилинди. Шу мақсадда банк ва бозор тамойилларига асосланган марказий молиялаштириш тизимларидаги муаммоли ҳолатга қарз ва капитал орқали молиялаштириш тушунчаларини таҳлил қилиш орқали ечим топишга ҳаракат қилинди. Мақоланинг сўнгида эса муаммонинг келиб чиқиш сабаби ва унинг ечимини топиш мақсадида соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлил этилди.

Олинган натижалар шунини кўрсатадики, ҳар қайси молиялаштириш шакли (банк ва капитал бозори) пайдо бўлиши ва ривожланишида молиявий тузилмалар муҳим аҳамиятга эга, лекин бир иқтисодий структура бошқасининг ривожланишини чекламаслиги лозим. Шунинг учун айтишимиз мумкинки, қайси турдаги молиялаштириш тизими мамлакат молиявий тизимида юқори устунликка эга бўлмасин, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси банк ва капитал бозори ўртасида ҳаққоний ва ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиши лозим. Ўзбекистонда банк орқали молиялаштириш тизими нисбатан ривожланган бўлиб, бу ерда турли хил молиявий институтлар ўртасида ҳалол рақобатни таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини яратиш лозим. Молиявий воситаларга келадиган бўлсак, қарз ва капитал эвазига молиялаштириш тизимлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлигини кўришимиз мумкин ва буни банк ҳамда капитал бозоридаги молиялаштиришни мувофиқлаштиришда инобатга олиш лозим.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Michiel J. Bijlsma and Gijsbert T. J. Zwart, *The Changing Landscape of Financial Markets in Europe, the United States and Japan*. No. 2013/02. Bruegel Working Paper, 2013. // URL: [https://www.bruegel.org/wp-content/uploads/imported/publications/WP\\_2013\\_02\\_01.pdf](https://www.bruegel.org/wp-content/uploads/imported/publications/WP_2013_02_01.pdf)
2. John H. Boyd and Bruce D. Smith, “The evolution of debt and equity markets in economic development”, *Economic Theory* 12, no. 3 (1998): 519-560.
3. Ross Levine and Sara Zervos, *Stock Markets, Banks, and Economic Growth*, World Bank, 1999, 537–58.
4. Thorsten Beck and Ross Levine, “Stock Markets, Banks, and Growth: Panel Evidence”, *Journal of Banking & Finance* 28, no. 3 (2004): 423-442.
5. Leonardo Gambacorta, Jing Yang, and Kostas Tsatsaronis, “Financial Structure and Growth,” (2014). // URL: <https://link.springer.com/article/10.1007/s001990050234>
6. Ross Levine, *Bank-based or Market-based Financial Systems: Which is Better?*, No. w9138. National Bureau of Economic Research, 2002;
7. Asli Demirgüç-Kunt and Ross Levine, “Stock Markets, Corporate Finance, and Economic Growth: an Overview”, *The World Bank Economic Review* 10, no. 2 (1996): 223-239. // URL: [https://www.nber.org/system/files/working\\_papers/w9138/w9138.pdf](https://www.nber.org/system/files/working_papers/w9138/w9138.pdf)
8. Asli Demirgüç-Kunt, Erik Feyen, and Ross Levine, *The Evolving Importance of Banks and Securities*

<sup>4</sup> By June 1, 2018, the total state share in Uzbekistan banks stood at 82 percent. See official statistics of the Central Bank of Uzbekistan: <http://cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2018/06/127781/>.

<sup>5</sup> Мисол учун, there were 659 JSCs registered in Uzbekistan by January 1, 2017, of which 73.4 % with state shares. Қаранг: “The Concept of Development Secondary Securities market in 2017-2018 in Uzbekistan” developed by the Center for Research on Privatization, Development Problems Corporate Governance, and the Securities Market under the State Committee of the Republic of Uzbekistan to promote privatization and competition. <https://research-center.uz/info/concept/>

Markets, World Bank, 2011. // URL: <https://elibrary.worldbank.org/doi/abs/10.1093/wber/lhs022>

9. Sam Langfield and Marco Pagano, “Bank Bias in Europe: Effects on Systemic Risk and Growth”, *Economic Policy* 31, no. 85 (2016): 51-106. // URL: <https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpwps/ecbwp1797.en.pdf>

10. Marco Pagano, Sam Langfield, Viral V. Acharya, Arnoud Boot, Markus K. Brunnermeier, Claudia Buch, Martin F. Hellwig, and Ieke van den Burg, *Is Europe Overbanked?*, No. 4. European Systemic Risk Board, 2014. // URL: [https://www.researchgate.net/publication/263747328\\_Is\\_Europe\\_Overbanked](https://www.researchgate.net/publication/263747328_Is_Europe_Overbanked)

11. Joost Bats and Aerd Houben, “Bank-based versus Market-based Financing: Implications for Systemic Risk”, (2017). // URL: [https://www.researchgate.net/publication/322088863\\_Bank-Based\\_Versus\\_Market-Based\\_Financing\\_Implications\\_for\\_Systemic\\_Risk](https://www.researchgate.net/publication/322088863_Bank-Based_Versus_Market-Based_Financing_Implications_for_Systemic_Risk)

12. Patrick Bolton and Xavier Freixas, “Equity, Bonds, and Bank Debt: Capital Structure and Financial Market Equilibrium under Asymmetric Information.” *Journal of Political Economy* 108, no. 2 (2000): 324-351. // URL: [https://www.researchgate.net/publication/24104124\\_Equity\\_Bonds\\_and\\_Bank\\_Debt\\_Capital\\_Structure\\_and\\_Financial\\_Market\\_Equilibrium\\_Under\\_Asymmetric\\_Information](https://www.researchgate.net/publication/24104124_Equity_Bonds_and_Bank_Debt_Capital_Structure_and_Financial_Market_Equilibrium_Under_Asymmetric_Information)

13. Meghana Ayyagari, Asli Demirgüç-Kunt, and Vojislav Maksimovic. *Financing of Firms in Developing Countries: Lessons from Research*. The World Bank, 2012, <https://ssrn.com/abstract=2039204>

14. Meghana Ayyagari, Asli Demirgüç-Kunt, and Vojislav Maksimovic. *Financing of Firms in Developing Countries: Lessons from Research*. The World Bank, 2012;

15. Thorsten Beck, Asli Demirgüç-Kunt, and Vojislav Maksimovic, “Bank Competition and Access to Finance: International Evidence”, *Journal of Money, Credit and Banking* (2004): 627-648;

16. Thorsten Beck and Asli Demirgüç-Kunt, “Small and Medium-size Enterprises: Access to Finance as a Growth Constraint”, *Journal of Banking & Finance* 30, no. 11 (2006): 2931-2943;

17. Neil Lee, Hiba Sameen, and Marc Cowling, “Access to Finance for Innovative SMEs since the Financial Crisis”, *Research policy* 44, no. 2 (2015): 370-380;

18. Babajide Fowowe, “Access to Finance and Firm Performance: Evidence from African Countries”, *Review of Development Finance* 7, no. 1 (2017): 6-17. // URL: <https://elibrary.worldbank.org/doi/abs/10.1596/1813-9450-6036>

19. Thorsten Beck, Asli Demirgüç-Kunt, and Vojislav Maksimovic, “Bank Competition and Access to Finance: International Evidence”, *Journal of Money, Credit and Banking* (2004): 627-648. // URL: <https://www.semanticscholar.org/paper/Bank-Competition-and-Access-to-Finance%3A-Evidence-Beck-Demirguc-Kunt/747bca3a82bbe23a1bd0865ad7be03e572482f81>

20. Meghana Ayyagari, Asli Demirgüç-Kunt, and Vojislav Maksimovic. *Financing of Firms in Developing Countries: Lessons from Research*. The World Bank, 2012. // URL: <https://elibrary.worldbank.org/doi/abs/10.1596/1813-9450-6036>

21. “Country Partnership Strategy: Uzbekistan 2012–2016”, Sector Assessment (Summary): Finance, 2, <https://www.adb.org/sites/default/files/linked-documents/cps-uzb-2012-2016-ssa-05.pdf>.

22. Law on Securities Market of Russian Federation (amended as of April 23, 2018), Article 51.9, <http://docs.cntd.ru/document/9018809>; and Law on Securities Market of Kazakhstan (amended as of February 27, 2017), article 90-1.2.

23. Law on Securities Market of Uzbekistan, June 3, 2015. Article 23, <http://lex.uz/docs/2662541>.

24. Финансовые рынки Евразии: устройство, динамика, будущее / под ред. проф. Я. М. Миркина. — М. : Магистр, 2017. — 384 с. (Financial Markets of Eurasia: Structure, Dynamics, Future, ed. Prof. Ya. M. Mirkina. - M.: Master, 2017, 384). // URL: [https://www.imemo.ru/files/File/ru/publ/2016/2016\\_028.pdf](https://www.imemo.ru/files/File/ru/publ/2016/2016_028.pdf)

25. Central Bank of Uzbekistan, Report on the Activity of Commercial Banks, June 1, 2018, <http://cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2018/06/127781/>.

26. Yao Wang, “What are the Biggest Obstacles to Growth of SMEs in Developing Countries?—An Empirical Evidence from an Enterprise Survey”, *Borsa Istanbul Review* 16, no. 3 (2016): 167-176. // URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2214845016300539>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**РАҲМАТОВ Анвар Исломович**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори  
E-mail: [yumominfo@gmail.com](mailto:yumominfo@gmail.com)

## ҲАВАСКОРЛИК ВА СПОРТ МАҚСАДИДА ОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ШАРТНОМАЛАР

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РАҲМАТОВ А.И. ҲАВАСКОРЛИК ВА СПОРТ МАҚСАДИДА ОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ШАРТНОМАЛАР // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 45-53.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-7>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш соҳасидаги шартномалар табиати, уларни тузиш тартиби, шакли, шартлари ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида илмий-назарий қарашлар таҳлили келтириб ўтилган. Жумладан, ушбу шартномаларнинг Ўзбекистон Республикасида махсус қонуний тартиби мавжуд эмаслиги инобатга олиниб, хорижий давлатларда бундай турдаги шартномалар шартлари сифатида нималар киритилиши кераклиги ҳусусида маълумотлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш, овчилик ижара шартномалари, овчилик соҳасидаги хизмат кўрсатиш шартномалари, махсус шартлар, ов майдонлари, шартнома ҳуқуқий табиати, кубок овлари (trophy hunting).

**РАҲМАТОВ Анвар Исломович**  
Директор Центра повышения квалификации юристов при  
Министерстве юстиции Республики Узбекистан,  
E-mail: [yumominfo@gmail.com](mailto:yumominfo@gmail.com)

## ОХОТХОЗЯЙСТВЕННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ В ОБЛАСТИ ЛЮБИТЕЛЬСКОЙ И СПОРТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье дается анализ научных и теоретических взглядов на характер договоров в области охоты на спортивные и любительские цели, порядка, формы, условий их заключения, а также прав и обязанностей сторон. Учитывая, что эти соглашения не урегулированы законодательством в Республике Узбекистан, дается информация о том, что должно быть включено в условиях подобных договоров за рубежом.

**Ключевые слова:** Любительская и спортивная охота, охотхозяйственные соглашения, особые условия, охотничьи угодья, юридический характер контракта, кубковая охота.

**Raxmatov Anvar**Director of the Lawyers' Training Center under the  
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

E-mail: yumominfo@gmail.com

**AMATEUR AND SPORTS HUNTING AGREEMENTS****ABSTRACT**

This article provides an analysis of scientific and theoretical views on the nature of contracts in the field of hunting for sports and amateur purposes, the procedure, form, conditions for their conclusion, as well as the rights and obligations of the parties. In particular, given that these agreements do not have a special legal order in the Republic of Uzbekistan, information is provided on what should be included in the terms of such agreements in foreign countries.

**Keywords:** amateur and sport hunting, hunting agreements, special conditions, hunting grounds, legal nature of the contract, trophy hunting.

Мамлакатимизда янги Қонун “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, овчилик хўжалигини юритиш тартиби ва уч ойдан сўнг қонун кучга кириши белгиланди. Ушбу қонуннинг мақсади ов қилиш ва овчилик хўжалиги соҳасидаги муносабатларни, шунингдек Республикамиз ҳудудида амалга ошириладиган ҳамда мамлакатимиз иқтисоди учун ўзига хос даромад манбаи бўла оладиган овчилик фаолияти тартибга солишга қаратилгандир. Қонуннинг 20-моддасида ов қилиш турлари ҳам белгиланган бўлиб, спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш ҳам овчиликнинг бир тури эканлиги ҳамда унинг таърифи баён қилинган. Аммо, қонунда ҳаваскорлик ва спорт мақсадларида ов қилиш шартнома асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган, бироқ шартнома қандай тузилиши кераклиги, унинг шартлари сифатида нималар киритилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар ўз аксини топмаган. Шундай экан мақоламизда спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш ва ушбу фаолиятни амалга ошириш учун хизмат қилувчи шартнома, уни тузиш тартиби, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва шартнома шarti сифатида нималар киритилишини хорижий тажрибадан ўрганилган мисоллар ёрдамида ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Спорт мақсадида ов қилиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бундай овлар ҳукмдорлар, зодагонлар ва бойлар учун кўнгилхушлик ҳамда бойлик намойиши сифатида ўтказилган. Қадимги Мисрда овчилар қонун билан табақавий синфларга бўлинган бўлиб, ҳам ўзлари, шунингдек табақага қараб ҳукмдор, зодагон ва бойлар овларида иштирок этишган.

Қадимги Осурия ва Бобилликлар ҳам кундалик ҳаётида спорт мақсадида ов қилиш машғулотлари мавжудлигини ўзининг ибодатхона ва сарой деворлари суратларида акс эттирганлар. Хусусан, Осурия ҳукмдори Ошшурбанипал мил.ав. VII асрда “Мен шерни ўлдирдим” деган сўзлари орқали ўзини “Овчилар Қироли” сифатида тарихга муҳрлади [1].

Халқаро овчилар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш жамиятини комиссияси аъзоси Г.Р.Даммнинг таъкидлаб ўтишича “айни вақтда кубок ови мамлакатларнинг ички туризимини ривожлантириш ва кўпроқ даромад олишнинг самарали воситаси бўлиб, хизмат қилмоқда, ҳаваскор овчилик ҳамда ов спортнинг замонавий шакли вужудга келишига 1887 йилда АҚШ президенти Т.Рузвельт томонидан “Бун ва Крокетт” клубининг тузилиши асос бўлиб хизмат қилмоқда..., тадрижий ривожланиш натижасида кубок овининг ташкил этилиши айна ов спортининг ривожланишига тurtки бўлди. Бироқ кубок овини ўтказиш бўйича дастлабки вақтларда меъерий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ёввойи ҳайвонот дунёсининг катта қисмига зарар келтириш билан бирга, айрим ноёб турдаги жониворлар популяциясига катта зарар етказди. Кубок овини ўтказиш ёки ов спорти юзасидан халқаро тавсиявий характерга эга бўлган меъерий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, айрим мамлакатларнинг миллий қонунчилиги ва ов жараёнини тартибга солувчи шартномавий ҳужжатлар халқаро талабларга жавоб бермайди, жумладан халқаро

талабларга кўра ҳаваскорлик ва ов спортини ўтказиш жараёнида урғочи ҳайвонларни овлаш ва уларга зарар етказиш ман қилинган бўлсада миллий қонунчиликларда айрим ҳолларда ушбу ҳолатлар деярли инобатга олинмаган [2, Б. 17-35].

Спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш фаолиятининг тўғри йўлга қўйилган ҳуқуқий механизми мавжуд эмаслиги ҳамда коррупция иллатларининг аралашуви давлатнинг ёввойи табиат ресурсларига жиддий зиён етказишига сабаб бўлади. Шу билан бирга пухта ўйланган ов дастурлари, механизмли ҳуқуқий асос ҳамда изчил назоратнинг мавжудлиги ушбу соҳадан келадиган даромадни атроф- муҳит ҳамда Республика ёввойи табиатини асраш учун асосий даромад манбаига ҳам айлантира олади. Хусусан, овчилик ва балиқчилик спорти Шимолий Америкада табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларининг ҳозиргача асосий молиявий манбаси ҳисобланади.

Бу борада илмий тадқиқот иши олиб борган Россиялик мутахассис Н.С.Федорова ов қилиш, ов қилишга оид туризмни ривожлантириш, шунингдек спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмларини такомиллаштириш, бу соҳанинг давлат ва жамиятга келтирадиган даромадлари ва оқибатлари юзасидан бир қатор олимларнинг фикрларини келтириб ўтиш билан бирга қуйидагича муаллифлик қарашларини.., “ов қилиш, ов қилишга оид туризмни ривожлантириш, шунингдек спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш ўз-ўзидан саноат даражасида ривожланиши фойдали бўлибгина қолмасдан, аниқ механизмларнинг ишлаб чиқиши ва тадбиқ этилишида давлат назоратининг муҳимлигини эсдан чиқармаслик лозим, чунки, инсоннинг табиатга таъсири натижасида бугунги даромад келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг ўрнини қоплай олмаслиги, ҳудудларда айни бир турнинг буткул йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бу борада табиий ресурсларни жисмоний ва юридик шахсларга ижарага беришда, ёки ҳудудларда спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш тартиб таомиллари, шунингдек, шартнома шартларини белгилашда қонунчиликда белгиланган шартлардан ташқари кўшимча мулкӣ жавобгарликни аниқлаштирувчи нормаларни киритиш олинадиган даромад ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни енгиллаштиришга хизмат қилиши лозим” деган қарашни илгари суради [3]. Биз бу борада тадқиқотчи Н.С.Федорованинг қарашларини инкор қилмаган ҳолда шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, ҳақиқатда ҳам спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш, шунингдек ов қилишнинг бошқа турларига рухсат бериш тартиблари ва шартнома шартларини белгилаш қонун билан белгиланган ваколатли органларининг илмий асосланган хулосалари асосида амалга оширилиши ва умумдавлат манфаатларининг устуворлигини инобатга олган ҳолда белгиланиши келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шимолий Америка табиатини муҳофаза қилиш модели жамғармасига 1937-йилдан бери спорт мақсадида ов қилиш учун тўланадиган 10 фоиздан 12 фоизгача акциз солиғи, спорт анжомлари пуллари ҳамда машғулотларга қатнашиш бадалларидан 10 миллиард доллардан кўпроқ маблағлар йиғилган [4].

Бундан ташқари спорт мақсадида овчилик билан шуғулланиш ёввойи табиат учун ижобий омил бўла олишини Африка давлатларида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, кубок ови (Gorhu hunting) дастурлари Африка давлатларига қуйидаги ижобий фойдаларни келтириш учун хизмат қилмоқда.

Биринчидан, ер эгалари (ҳукумат, жисмоний шахслар ёки юридик шахслар) учун ўз ерлари ёввойи табиатини қайта тиклаш ва сақлаш учун имтиёзлар яратади. Овчиликдан тушган маблағлар ер эгаларига ёввойи табиатни яратиш мумкин бўлган жозибадор ерларни кўпайтириш, рағбатлантирувчи ёввойи ҳаёт муҳитини сақлаб қолиш, табиатни асраш мониторинг ва менежменти соҳаларига маблағ ажратиш, браконьерликка қарши тадбирларни амалга ошириш имкониятини яратиб беради.

Иккинчидан, фактларга кўра ов спорти маблағлари Африка давлатлари ташқи туризм ривожланишининг энг катта молиявий манбаси саналади. Дунёнинг деярли барча давлатларидан овчилар Африка ерларига ов қилиш саёҳати учун маблағлар сарфлайди. Ушбу маблағлар меҳмонхона хизмати, ов қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома пуллари, солиқлар, қўлга киритилган

ов махсулотларидан фойдаланиш ва давлат ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ҳақлари ва шунга ўхшаш бадалларни ўз ичига олади. Бу эса ўз навбатида Африканинг кўплаб давлатларида кўшимча иш ўринларини ҳам яратади.

Учинчидан, бизга маълумки Африка қитъасида озиқ-овқат танқислиги юқори даражада. Аҳолининг катта қисми очликда ҳаёт кечиради. Ов дастурлари эса бундай ҳаёт тарзини яхшилаш учун ҳам ўз ҳиссасини кўшади. Жумладан, деярли кўплаб Европа, Америка, Осиё ва бошқа жойлардан келган овчилар қўлга киритилган ўлжанинг кўрғазмали жойларинигина ўзлари билан олиб кетишади. Ов махсулотларининг қолган қисми (гўшт, териси ва бошқалар) маҳаллий аҳоли учун озуқа сифатида қолдирилиб кетилади.

Бундан кўриниб турибдики бундай ов дастурлари кўплаб қарши фикр тарафдорлари наздида ёввойи табиат учун салбий натижалар олиб келадигандек туюлса ҳам, аслида тўғри йўлга қўйилган ҳуқуқий тизим ҳамда самарали ов дастурлари механизмлари салбий фикрларни ижобийсига айлантира олади.

Спорт ва ҳаваскорлик мақсадларида ов қилиш, асосан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари асосида амалга оширилади. Баъзи ҳолларда ҳукуматдан ерларни ижара шартномаси орқали олиб, ов дастурларини уюштириш ёки бошқа жисмоний шахслар ҳамда овчилар жамиятлари билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, ё бўлмаса иккиламчи ижара шартномаси тузиш орқали овчилик фаолиятдан даромад топилади.

Овчилик шартномасининг ҳуқуқий табиати қонун ҳужжатларида белгиланмаганлиги учун илмий адабиётларда ушбу шартноманинг фуқаролик ҳуқуқи предметими ёки оммавий ҳуқуқ предмети деган баҳс-мунозаралар мавжуд. Фуқаролик ҳуқуқи олимларининг фикрича “ер, сув, ўрмон кодекслари, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган барча шартномалар Фуқаролик кодексининг 1-қисми (яъни, тенглик асосида қурилган) талабларига жавоб беради. Шу сабабли ҳам бундай шартномалар фуқаролик ҳуқуқи элементи деб таснифланиши керак. Натижада, табиий ресурсларга тегишли барча шартномаларга, агар бундай шартномаларга бағишланган махсус қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари қўлланилиши керак [5, Б.18-19].

Экологик ҳуқуқ соҳасидаги олимлар бошқача фикрга қўшилишади ва ов тўғрисидаги битим оммавий ҳуқуқ шартномаси деган фикрни маъқуллашади. Шундай қилиб, Б.Д.Клюкиннинг фикрича, «ер ости бойликлари, ер, сув, ўрмон участкаларига нисбатан шартнома жамоатчилик муносабатларини тартибга солувчи ролни ўйнайди, чунки санаб ўтилган объектлар жамоат, давлат манфаатларига тегишли ва мамлакат Конституциясида белгиланган объектларнинг махсус гуруҳини ташкил этади. Табиий ресурслардан фойдаланишга берилган шартномалар давлат режими билан тузилган шартномаларга киради» [6, Б. 110-132]. Рус ҳуқуқшунос олимаси В.Краеванинг сўзларига кўра, қонун хусусий ва оммавийга бўлинганлиги сабабли, уларнинг оммавий-ҳуқуқий ёки хусусий-ҳуқуқий хусусияти (яъни, қонунийлик) масаласини кўтариш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, оммавий ҳуқуқ шартномасини тартибга солиш фуқаролик ҳуқуқида ҳам бўлиши мумкин бўлган оммавий ҳуқуқ нормалари билан амалга оширилиши мумкин. Муаллиф овчилик фаолияти билан боғлиқ шартномани оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг элементларини ўз ичига олган махсус мураккаб табиий ресурслар тўғрисидаги битим сифатида кўриб чиқади [7].

Юқоридаги фикрларнинг иккаласи ҳам қисман асосли назариялар сифатида баҳоланса бўлади. Ҳақиқатдан ҳам спорт ва ҳаваскорлик мақсадларида овчилик фаолияти шартномалар тарафларининг тенглиги асосида тузилишини инобатга оладиган бўлсак фуқаролик ҳуқуқи асосларини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга шартнома предмети ҳисобланган табиат ресурслари жамоат мулки саналиши нуқтаи назаридан оммавий ҳуқуқнинг элементларини ҳам ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча ушбу турдаги шартномалар фуқаролик ҳуқуқи қоидалари орқали тузилиб тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки шартнома предмети бўлган ов майдонлари ва табиат ресурслари бутун жамият мулки бўлишига қарамай, шартнома ҳуқуқ жиҳатдан тенг бўлган субъектларнинг хоҳиш-иродаси билангина тузилади.



Бироқ шуни унутмаслик лозимки бу турдаги муносабатлар кенг қамровли эканлигини, бу борада давлатнинг маъмурий бошқаруви ва назорати мавжудлигини инобатга олиб қараганда, бундай муносабатларни тартибга солиш ва шартнома шартларини белгилашда тарафларнинг тенглиги ва эркинлиги тамойили умумжамият манфаатларининг устуворлиги, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлигига оид конституциявий нормалар билан бир вақтнинг ўзида чекланишларни истисно этмайди.

Халқаро тажрибага қараладиган бўлса, спорт ва ҳаваскорлик мақсадларида тузиладиган шартномалар ижара шартномалари ҳам, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари турларида ҳам тузилишини кўришимиз мумкин. Хусусан, Россия Федерациясида бу иккала турдаги шартномалар орқали жисмоний ва юридик шахслар овчилик фаолиятини амалга оширишади.

Россия Федерациясининг “Ов қилиш ва ов ресурсларини сақлаш тўғрисида”ги Федерал Қонунинг 20-моддасига кўра юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар билан овчилик хўжалигига сармояларни жалб қилиш учун йигирма йилдан қирқ тўққиз йилгача ов шартномалари тузилади.

Ов шартномаси бўйича, бир томон (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор) ов ресурслари ва уларнинг яшаш жойларини сақлаб қолиш ва ов инфратузилмасини яратиш бўйича чоралар кўрилишини, бошқа томон (Россия Федерациясининг ижро этувчи ҳокимияти) эса ов шартномаси бўйича ер участкалари ва ўрмон ов майдонларининг ҳудудида ов ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини белгиланган муддатга ижара асосида бериш мажбуриятини олади.

Россия қонунчилигига кўра бундай ижара шартномалар ким ошди савдоси орқали тузилади ва шартномалар шarti сифатида қуйидагилар киритилади:

1) шартнома тарафлари, уларнинг реквизи́тлари, ов қилинадиган ернинг жойлашган жойи, чегаралари ва майдони, унинг чегарасида жойлашган ва ижарага олинган ер участкалари ва ўрмон участкаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

2) ов зонаси чегарасидаги ов ресурслари, шунингдек унинг чегарасидаги рухсат этилган ов турлари тўғрисидаги маълумотлар;

3) ов зонаси чегараларида ов ресурсларининг минимал ва максимал миқдорини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар;

4) ов шартномаси муддати;

5) тарафларнинг мажбуриятлари, шулар қаторида шартнома тузган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг ов ресурслари ва уларнинг яшаш жойларини сақлаш, ов инфратузилмасини яратиш ва хўжалик ичидаги овчиликни бошқариш чораларини кўриш мажбуриятлари;

б) иккинчи томон яъни давлат ижро ҳокимиятининг бошқа томонга шартноманинг амал қилиш муддати давомида ер ва ўрмон участкаларини олди-сотди битимсиз ижарага бериш мажбурияти;

7) томонларнинг ов шартномасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик масалалари;

8) федерал қонунларда назарда тутилган бошқа шартлар [8].

Бундай турдаги ов шартномалари Фуқаролик кодекси шартноманинг бекор қилиш умумий шартлари каби қуйидаги уч ҳолатда бекор қилинади:

1) амал қилиш муддати тугаши билан;

2) тарафларнинг ушбу шартномани бекор қилишга розиликлари билан;

3) суд қарори билан.

Демак, бу турдаги шартномалар давлат ҳамда юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида тузиладиган ижара ов шартномалари ҳисобланади. Бундан ташқари спорт ва ҳаваскорлик мақсадларида якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс кўринишидаги ов хўжаликлари ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган хизмат кўрсатиш шартномаси кўринишидаги овчилик шартномаларини тузиш тартиби, тарафлар мажбуриятлари ва шартнома шартлари масалаларига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси ҳамда федерал қонунларига асосан спорт ва

ҳаваскорлик мақсадларида овчилик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги хизмат кўрсатиш шартномаларида ижрочи сифатида овчилик хўжаликлари (давлатдан овчилик инфратузилмасини яратиш шarti билан ер майдонларини ижарага олган юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркор) буюртмачининг (ов маҳсулотларини шахсий истеъмол қилиш мақсадида овчилик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар) ашёвий шаклида бўлмаган талабини яъни ов қилиш ҳуқуқини берувчи хизматни бажариш мажбуриятини олса, буюртмачи хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Бундай овчилик шартномасида қуйидаги шартлар киритилиши назарда тутилади:

1) юқорида таъкидлаб ўтганимиздек шартноманинг тарафлари: бир томонда овчилик хўжаликлари, иккинчи томондан жисмоний шахс; шартнома предмети сифатида ижрочининг овчилик хўжалиги ичида овчига овни ташкил этиш бўйича хизматларни ўз зиммасига олиши, овчи эса шартномада кўрсатилган тартибда ҳақ тўлаш мажбуриятини олиши, тўловни шартномага илова қилинган нархларда ва шаклда амалга ошириш кераклиги, ов қилиниши керак бўлган ҳайвонларнинг турлари, шартномада кўрсатилмаган ҳайвонларнинг ўққа тутилиши жаримага сабаб бўлиши, ов объекти (ҳайвонлар) нархлари белгиланган иловага ҳавола, шунингдек қўшимча шартлар сифатида катта ёшдаги ҳайвонларнинг отилиши таъқиқланиши, агарда отилган тақдирда жарима, бир йил ичида такроран содир этилса Россия Федерацияси Жиноят кодекси 258-258<sup>1</sup>-моддаларида белгиланган жавобгарликнинг муқаррарлиги каби огоҳлантиришларни ўз ичига олади.

2) Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Бунда овчилик хўжаликларининг (ижрочи) мажбурияти сифатида овни аниқ ва олдиндан тайёрлаш, унинг сифатли бўлиши учун пухта дастурлар ишлаб чиқиш, овчининг овчилик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини (лицензия, гувоҳнома, ов паспорти ва шу кабилар) текшириш, хавфсизлик ҳамда ов қилиш тартиби бўйича кўрсатма шаклдаги тушунтиришни баённома тузган ҳолда ўтказиш, овчини алоқа воситалари билан таъминлаш, ов вақтида жароҳат оладиган бўлса биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиб, энг яқин жойдаги маҳаллий тиббий ёрдам марказига олиб бориш кабилар келтирилиши белгиланган. Овчи эса ов қуроллари, улар ёрдамида ов қилишда хавфсизлик қоидаларини, шунингдек хавфсизлик чораларини ҳамда овдан фойдаланиш ички қоидаларини ўқиши ва унга риоя қилиши, шартномада кўрсатилган хизматлар учун овчилик хўжалигига аванс тўловини амалга ошириш, шунингдек битим шартларида кўрсатилган мақсадлар учун (жарима тўлови, катта ёшдаги ҳайвонни отиб қўйиши, шартнома объекти миқдоридан кўпроқ ҳайвонни овлаши каби ҳолатлар учун) шартнома шартларига мувофиқ ов бошланишидан олдин омонат қўйиш, ов жараёнида овчининг ташкилотчи кўрсатмаларига тўлиқ бўйсунуш ҳамда битта жамоа сифатида ҳаракат қилиши, ов бошланганидан тугашига қадар махсус ёрқин рангли кийимни кийиши, ов пайтида чекиш, ичиш, атроф-муҳитни ифлосламаслик каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Ҳуқуқларга келадиган бўлсак овчилик хўжаликлари ҳуқуқлари сирасига шартнома шартларини бузган, кўрсатмага риоя қилинмай ов қилинган ҳолатларда шартномани овчининг розилигисиз бекор қилиш ҳамда тўланган хизмат ҳаққини қайтармаслик, тўланмаган қисмини эса талаб қилиш ҳуқуқи, бундан ташқари ноқулай об-ҳаво шароитида ва ов қилишга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолатлар юз берганда овни кечиктириш каби ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин. Овчининг ҳуқуқлари қаторига эса сифатли хизматни талаб қилиш, қўлга киритилган ов маҳсулотига эгалик қилиш, хизмат лозим даражада бажарилмаганда ёки умуман бажарилмаганда шартномани бир томонлама бекор қилиш кабилар назарда тутилиши мумкин.

3) Шартноманинг махсус шартлари сифатида ҳар бир ов хўжалигига тегишли бўлган қоидалар киритилади. Мисол учун, Россия Федерациясида тузиладиган бундай турдаги шартномаларнинг махсус шarti сифатида отилиши мумкин бўлмаган, аммо отилиб ўлмай қолган (яраланган) ҳайвонларни овчининг ташаббуси билан кеч тушмасдан махсус тиббий бўлинмага олиб келиш, агарда бу кеч тушишига тўғри келса эртаси кун ишбу ишни амалга ошириши кераклиги белгиланишини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари махсус шартлар сифатида ҳайвонларни отиш масофалари ҳам кўрсатилиши мумкин.

4) Форс-мажор ҳолатлари ҳам шартнома қисми сифатида киритилиши бундай турдаги ов шартномаларида талаб этилади.

5) Якунловчи қоидалар сифатида шартномада белгиланмаган масалаларнинг оғзаки келишув асосида ҳал қилиш, агар низо келиб чиқадиган бўлса ов ташкил этилган ҳудуддаги умумий юрисдикция судларида ҳал қилиш, шартноманинг бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилганлиги каби маълумотлар ўз аксини топади. Шартноманинг охирида тарафлар ҳақида маълумотлар (реквизит) ҳамда имзолаш учун жой бўлади. Шартноманинг қуйи қисмларида эса иловалар берилади. Ушбу иловаларда ҳайвонларнинг ов нархлари ҳамда ов қилиш турлари, жарималар миқдорлари кабилар келтирилади.

Россия Федерациясида спорт ва ҳаваскорлик мақсадларида ов қилишни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида тадқиқот иши олиб борган А.В.Фаруқшин ва И.А.Гребневлар айна вақтда бу борадаги шартномалар ва уларни тадбиқ этишга оид муаммоларга тўхталиб қуйидагиларни..., “спорт ва ҳаваскорлик мақсадларида ов қилувчилар овчилик жамиятлари билан бўладиган муносабатларда ов қилишга рухсат олишнинг ўзи етарлими, ёки овчилик жамиятлари билан алоҳида хизмат кўрсатиш шартномаси тузиши шартми, агар овчилик жамияти ҳаваскор спортчига рухсат берса, бироқ ов йўлланмасини бермаган бўлса, спортчи ёки ҳаваскор овчи ов қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслигини, агар ов қилгудек бўлса №209-сонли Федерал қонун ҳамда 2010 йил 16 ноябрда Россия табиий ресурслар вазирлигининг №512-сонли “Ов қилиш қоидалари”ни 3.2 бандини бузганлиги учун жавобгар бўлишлигини, шу сабабли, шунингдек истеъмолчи ҳуқуқларини бузилишини олдини олиш мақсадида овчилик жамиятлари ов қилишга рухсатнома бериш билан бирга белгиланган талаблар ва шартлар асосида ов йўлланмасини бериши шартлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарур”лигини таъкидлаб ўтади [9, Б. 267-269].

Америка Қўшма Штатларида ҳам спорт ва ҳаваскорлик мақсадларида овчилик қилиш учун ижара ов шартномаси (**hunting lease**) энг кўп тарқалган тур ҳисобланади. Қўшма Штатларда бу турдаги шартномалар асосан овчилар ҳамда ер эгалари ўртасида тузилади. Шартнома шартлари ҳам юқорида таҳлил қилганимиз Россия Федерациясидаги ижара ов шартномасининг асосий шартлари ҳисобланувчи тарафлар, шартнома муддати, шартнома тўлови ҳамда тўлаш тартиби, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, форс-мажор ҳолатлар, шартноманинг бекор бўлиш шартлари, якунловчи қоидалар каби умумий қисмлардан ташкил топиши билан бирга қуйидаги ўзига хос махсус шартлар ҳам киритилиши талаб этиладики, бу эса шартнома иккала томонининг ҳам ҳуқуқлари кафолатига хизмат қилади.

Махсус шартлардан бири гаров ҳисобланади. Ерэгаси овчилик фаолияти натижасида ерига, ҳайвонларига, ҳудуддаги бино ва иншоотларига зарар етишининг ўрнини қоплаш учун шартномада овчининг гаровга мулк ёки мулкый ҳуқуқларини қўйишни талаб қилиши мумкин. Бундан ташқари ижарага берилган ердан ҳамда асбоб-ускуналар (транспорт, алоқа воситалари кабилар)дан фойдаланиш тартиби, шунингдек ер майдонларидаги тўсиқларнинг ёпиқ ҳолатда бўлишлиги, агарда чорва-молларининг йўқолиши ёки шикастланиши ҳолатлари юз берса, овчининг жавобгар бўлиши кераклиги кабилар ҳам шартномада келтирилиши мумкин. Штатларда овчилик майдонлари асосан йирик ер эгаларига тегишли бўлиб, ов ерлари билан бирга кўп ҳолларда ферма ерлари ҳамда чорва моллари ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли ҳам юқоридаги шартлар мулкка зиён етишининг олдини олиш мақсадида шартнома шартли сифатида киритилади.

Шартномаларнинг тугал бўлиши учун томонлар деярли барча ов шартномаларида ерэгасининг ҳам ер майдонларидан фойдаланиши мумкинлиги, шунингдек зарур ҳолатларда газ, электр, оғир саноат ва шунга ўхшаш корхона ходимларининг ижара муддати давомида ердан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигини ҳам шарт сифатида киритишади. Бундай шартларнинг киритилмаслиги ижарага олувчи учун ов майдонларига ҳеч кимни ижара муддати давомида киритмаслик ҳуқуқини юзага келтириши мумкин.

Ижара ов шартномаларининг махсус шартларидан бири ҳуқуқ ворислиги ҳисобланади. Бу шуни англатадики, ижарага берувчи ижарага олувчининг розилигисиз ер майдонларни тасарруф етиши ёки иккиламчи ижарага бериши мумкинлиги ҳақидаги масала, шунингдек, ижарага

берувчининг вафоти юз берадиган бўлса шартноманинг кейинги ҳолати ҳам белгиланиб олиши муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари ижарага берувчи ўзини ҳар қандай жавобгарликдан, хусусан низо келиб чиқадиган бўлса давлат божи тўловидан, зарардан ва бошқа харажатлардан озод қилиш талабини ҳам ижарачи билан келишиб олиши мумкин.

Америка Қўшма Штатларида штатларнинг қонунлари бир-биридан фарқ қилгани учун томонлар низо келиб чиққанда қайси штат ҳуқуқини танлаб олиш масаласини шартномага киритиш кераклигини мажбурий қилиб қўяди. Агарда, шартномадан келиб чиқадиган низо томонларнинг келишуви билан ҳал қилинмаса, шартномада белгиланган штат қонунчилиги билан масала кўриб чиқилади.

Шартномада ҳақиқий зарарнинг миқдорини белгилаб олиш имкони мавжуд бўлмаган ҳолатлар учун тахминий зарар белгиланиши мумкин. Бу ҳам иккала томоннинг ҳуқуқлари кафолати ҳисобланади.

Маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги, жумладан ижара ҳақи ҳақидаги ахборотлар ижарага берувчининг талаби билан шартномага киритилиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Юқорида келтирилган махсус шартлардан бошқа шартлар ҳам томонларнинг келишуви асосида киритилиши мумкин, албатта. Шартларнинг киритилмаслиги ҳақида битимда белгиланиши унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларига ҳам олиб келади.

Африка давлатларида ҳам спорт мақсадларида уюштириладиган ов дастурлари табиий ресурсларни асраш ҳамда иқтисодиётга маблағни йўналтириш учун асосий соҳалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ушбу давлатларда ов шартномалар тўғрисидаги амалий ва назарий билимлар анча ривожланган. Шартномаларни тузиш тартиби, ундаги шартлар, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва шакли ҳақидаги қоидалар деярли Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Канада, Россия Федерацияси каби давлатлар қонунчилиги умумий қоидалари билан бир хил. Уларнинг шартнома қонунчилигидаги фарқлардан бири ов шартномаси ҳамда меҳмонхона хизмати шартномалар элементларининг аралашиб кетганлиги ҳисобланади. Бунга сабаб шуки, Африка ҳудудларида овларнинг деярли катта қисми хорижий фуқаролар томонидан амалга оширилади. Бу эса уларга ов хизматлари билан бирга меҳмонхона, туризм каби ашёвий бўлмаган хизматларни кўрсатишни талаб этади. Бундай ҳолатларда барча хизматлар учун умумий қилиб ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тузилади. Шунингдек, ушбу давлатларда ов маҳсулотларни овчилик хўжалиги давлатидан олиб чиқиш ҳамда овчининг мамлакатига киритиш масалалари ҳам муҳим ҳисобланиб, шартноманинг махсус шarti ҳисобланади. Бу борада давлатлар миқёсида ҳам низолар юзага келганки, кейинчалик ушбу шартларга нисбатан аҳамиятни яна бир поғонага ошириш учун хизмат қилган. Жумладан, америкалик ҳаваскор овчи Валтер Палмер иши Америка ҳамда Зимбабве давлатлари ўртасидаги низога сабаб бўлган. Ушбу низо спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш тартиби ҳамда шартнома шартлари асосида келиб чиққан.

2015 йил 1 июлда америкалик тиш шифокори Валтер Палмер Зимбабве давлатининг Хванге маҳаллий қўриқхонасида 13 ёшли, “*Cecil*” лақабли шерни спорт мақсадида ов қилиш учун ўлдиради ҳамда танасини Америкага олиб кетади. Бу ҳолат юзасидан Зимбабве ҳукумати расмий баёнот билан чиқиб, америка фуқаросини суд қилиниши кераклигини таъкидлашади. Валтер Палмер эса ушбу овни қонуний шартнома асосида амалга оширганлигини, ушбу ов учун ҳақ тўлаганлигини даъво қилиб ўзини оқлайди. Аммо, суд ҳукми билан овчи овнинг кўргазмали қисмини Африка давлати ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи шартнома шартига киритилмаганлиги учун жаримага тортилади. Ушбу воқеадан сўнг Қўшма Штатлар “*The prohibiting threatened and endangered creature trophies (ProTECT)*” номли акт орқали баъзи ов маҳсулотларининг Америка Қўшма Штатларига кириб келишини тақиқлайди [10].

Мамлакатимиз ҳудудидан 1959 йилда ташкил этилган Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси 830 минг гектарни эгаллаган, 43 та фермер хўжалиги ва 38 минг аъзоларнинг умумий манфаатлар асосида бирлашган, аҳоли ўртасида табиатга ва унинг бойликларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ёввойи табиат ресурсларини авайлаш ва сақлаш, ов ва балиқ ови турларини ривожлантириш, уюшма аъзоларини спорт ва балиқ овлаш қоидалари ва кўникмалари билан таништириш ўз олдига мақсад қилиб олган жамоат ташкилоти саналади. Ушбу жамоат

ташкilotининг устави 2017 йил 13 декабрда адлия вазирлиги томонидан 115-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ушбу устав ҳам овчилик хўжаликларини Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасига аъзолик ва ташкилий масалалар билан қамраб олинган бўлиб, молиявий ҳисобдорлик амалдаги қонун ҳужжатларига асосланишини белгилайди. Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасининг расмий <http://uzb-hunt.uz> сайтида ҳам ов шартномаларига доир намуналар маълумотларнинг мавжуд эмаслиги бу борада миллий қонунчилигимиз ва мазкур соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг кўлами кенглигини ифодалайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки ов шартномаларни пухта тузиш нафақат шартнома тарафларининг ҳуқуқларини кафолатлайди, балки келажакда давлатлар ўртасидаги муаммоларнинг келиб чиқишини ҳам олдини олишга хизмат қилади ва ўз ўрнида таъкидлаш керакки, спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш шартномалари табиати ҳақида қонунчиликда белгиланмаганлиги учун илмий адабиётларда бундай турдаги шартномаларнинг фуқаролик хусусий ҳуқуқи предметими ёки оммавий ҳуқуқ предмети деган баҳс-мунозаралар учрайди. Бизнинг фикримизча эса тарафларнинг тенглиги ҳамда уларнинг эрк-иродаси асосида тузиладиган ҳар қандай шартнома фуқаролик ҳуқуқи объекти саналади. Мамлакатимизда ҳам овчилик соҳасининг ривожланиши, янги ижтимоий муносабатларнинг кириб келиши билан ов шартномаларини тузиш қоидаларини такомиллаштиришни тақозо этади. Бунда эса ушбу соҳа ривожига ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилиги андоза бўлиб хизмат қила олади.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. [http://4.http/www.streetdirectory.com/travel\\_guide/7607/recreation\\_and\\_sports/the\\_evolution\\_of\\_man%20the\\_history\\_of\\_hunting.html](http://4.http/www.streetdirectory.com/travel_guide/7607/recreation_and_sports/the_evolution_of_man%20the_history_of_hunting.html)
2. Неистощительная охота: лучшие примеры устойчивого использования охотничьих животных. Серия технических публикаций СИС No. 1. 2009. Г. Дамм. Г.Р. Любительская трофейная охота: что нам известно о ней и что следует делать? // URL: <https://www.twirpx.com/file/3034913/>
3. Н.С.Федерова. Правовой механизм использования водных биологических ресурсов в России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. -2019 г.
4. [https://www.researchgate.net/profile/John\\_Organ/publication/277718089\\_The\\_North\\_American\\_Model\\_of\\_Wildlife\\_Conservation/links/55a68e9608aeb4e8e6469beb/The-North-American-Model-of-Wildlife-Conservation.pdf](https://www.researchgate.net/profile/John_Organ/publication/277718089_The_North_American_Model_of_Wildlife_Conservation/links/55a68e9608aeb4e8e6469beb/The-North-American-Model-of-Wildlife-Conservation.pdf)
5. М.И.Брагинский, В.В.Витрянский. Договорное право. Общие положения. - М., - 1997 // URL: [https://private-right.ru/wp-content/uploads/Dogovornoe\\_pravo\\_T1.pdf](https://private-right.ru/wp-content/uploads/Dogovornoe_pravo_T1.pdf)
6. Д.В.Хаустов Публично-правовые договоры как особый инструмент государственного регулирования природопользования: дис. .... канд. юрид. наук. –М., -2003. // URL: <https://www.dissercat.com/content/publicno-pravovye-dogovory-kak-osobyi-instrument-gosudarstvennogo-regulirovaniya-prirodopol>
7. Краева В.Н. Правовое регулирование пользования охотничьими ресурсами на закрепленных охотничьих угодьях. Дисс. ... к.ю.н. –М., -2010. // URL: <https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-polzovaniya-okhotnichimi-resursami-na-zakreplennykh-okhotnichikh-ugod>
8. Федеральный закон “Об охоте и о сохранении охотничьих ресурсов и о внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации” от 24.07.2009 N 209-ФЗ (последняя редакция) // URL: <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102131705>
9. Фаруқшин Александр Владимирович, Гребнев Иван Анатольевич Некоторые проблемы правового регулирования предоставления права на любительскую и спортивную охоту физическим лицам в закрепленных охотничьих угодьях // Вестник КГУ. 2017. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-problemy-pravovogo-regulirovaniya-predostavleniya-prava-na-lyubitelskuuyu-i-sportivnuuyu-ohotu-fizicheskim-litsam-v> (дата обращения: 28.12.2020).
10. Carpenter, S., & Konisky, D. (2019). The killing of Cecil the Lion as an impetus for policy change. *Орух*, 53(4), 698-706. doi:10.1017/S0030605317001259

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**КАЛАНДАРОВА Маликахон Пирназаровна**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши хузуридаги  
Судьялар Олий Мактаби кафедра мудири, юридик фанлар номзоди  
E-mail: [kalandarova.malika.80@mail.ru](mailto:kalandarova.malika.80@mail.ru)

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА “ДАВЛАТ ЭХТИЁЖЛАРИ” ДЕФЕНИЦИЯСИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** КАЛАНДАРОВА М.П. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА “ДАВЛАТ ЭХТИЁЖЛАРИ” ДЕФЕНИЦИЯСИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 54-61.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-8>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат эҳтиёжлари тушунчаси ҳар хил ёндошувлар асосида кўриб чиқилган бўлиб, муаллиф давлат эҳтиёжларини алоҳида мазмунини ҳуқуқий тушунча сифатида ўрганган. Шунингдек, давлат эҳтиёжларини давлатнинг у ёки бу эҳтиёжларидан фарқловчи жиҳатларнинг зарурияти таҳлил этилган. Бундай белгилар буюртмаларни шакллантиришнинг мақсади, давлат буюртмаларининг асоси бўлган, эҳтиёжи таъминланаётган субъектлари, буюртмаларни жойлаштириш усуллари нуқтаи назаридан баён этилган.

**Калит сўзлар:** давлат эҳтиёжлари, давлат буюртмалари, бюджет муассасалари, давлат эҳтиёжлари субъектлари, бюджет воситалари.

**КАЛАНДАРОВА Маликахон Пирназаровна,**

Заведующая кафедрой Высшей школы судей при  
Высшем судебном совете Республики Узбекистан, кандидат юридических наук  
E-mail: [kalandarova.malika.80@mail.ru](mailto:kalandarova.malika.80@mail.ru)

## ДЕФЕНИЦИЯ «ГОСУДАРСТВЕННЫЕ НУЖДЫ» В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются различные подходы к определению понятия государственных нужд. Автор отдельно изучает «государственные нужды» как правовое понятие, имеющее самостоятельное значение. В статье анализируется необходимость определения государственных нужд с учетом различий тех или иных потребностей государства. Эти значения представлены в качестве целей формирования заказов соответствующие задачам, путем размещения заказов, субъектов, чьи потребности могут служить основой и способов размещения государственного заказов.

**Ключевые слова:** государственные нужды, государственный заказ, нужды бюджетных учреждений, субъекты государственных нужд, бюджетные средства.

KALANDAROVA Malikakhon

Head of the Department of the Supreme School of Judges at the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan, candidate of Juridical Sciences

E-mail: [kalandarova.malika.80@mail.ru](mailto:kalandarova.malika.80@mail.ru)

## DEFENITION “STATE NEEDS” IN THE PUBLIC PROCUREMENT SYSTEM

### ANNOTATION

The article discusses various approaches to the definition of state needs. The author defines the state needs a legal concept that has independent value. This procedure is obligatory while defining the concept of state needs. Such criteria should be represented by the purposes of orders formation in relation to the tasks, which are to be solved by placing these orders; by the subjects whose needs can form the basis of the state order; by the ways of placing orders.

**Keywords:** state needs, the state order, needs of budgetary institutions, subjects of state needs, budget funds.

Давлат сектори ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш, иктисодиётни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилаш ҳамда шу каби бошқа кўплаб йўналишлардаги устувор мақсадларга эришишни таъминлаш учун товар, иш ва хизматлар билан таъминлаб турилиши зарур. Бунда албатта давлат харидларига эҳтиёж сезилади.

Давлат эҳтиёжлари хилма-хил бўлиб, у ўзида моддий ва номоддий неъматларга бўлган эҳтиёжларини назарда тутди: кўчар ва кўчмас мол-мулк, табиий ресурслар, интеллектуал фаолият, илмий тадқиқот, лойиҳа ва қидирув ишлари натижалари, тиббий, юридик ва бошқа хизматларни кўрсатиш, ижтимоий, маданий аҳамиятдаги биноларни қуриш, инфраструктура объектларини яратиш ва ҳақозо.

Давлат эҳтиёжлари таркиби сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиқиб ўзгариши мумкин, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат буюртмаларининг шакллантирилиши ижтимоий аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади (умуммиллий масалаларни ҳал этиш, давлатнинг мудофаа салоҳиятини ва хавфсизлигини таъминлаш ва ҳ.к.).

Шу ўринда, давлат жамият манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ва ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун моддий ресурслар билан таъминланган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам оммавий-ҳуқуқий тузилмалар иқтисодий ресурсларнинг йирик истеъмолчиси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари бўйича расмий сайти – Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидаги ([www.harid.uz](http://www.harid.uz)) маълумотларга кўра, 2018 йилда фақатгина электрон харидлар бўйича тузилган шартноманинг умумий қиймати 1960,7 млрд. сўмни, 2019 йилда 3801,1 млрд.сўмни, 2020 йилнинг 9 ойи мобайнида 2657,55 млрд.сўмни ташкил этган. Европа мамлакатларида давлат харидларининг ҳажми ЯИМнинг 16%ни, АҚШда эса 20%ни ташкил этади.

Давлатнинг ички ва ташқи функцияларини амалга оширишнинг усулларида бири давлат буюртмаларини жойлаштириш ҳисобланади. Давлат буюртмаларининг тизимининг асосий унсурларидан бири эса “давлат эҳтиёжлари”дир. Бироқ, ҳозирги кунда давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат эҳтиёжлари тушунчаси етарлича ёритиб берилмаган.

Бозор механизми атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини кўллаб-қувватлаш, кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам бериш каби масалалари билан шуғулланишдан манфаатдор эмаслигининг оқибати давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш билан боғлиқ буюртмаларни бошқариш зарурияти вужудга келди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 457-моддасида давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш бўйича давлат контрактига оид ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди. Бироқ, давлат эҳтиёжлари тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги 397-сонли “Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш

тўғрисида”ги илк қарорида ҳам фақатгина давлат таъминоти муассасаларининг, махсус истеъмолчилар ва давлат захирасининг буюртмаларига оид муносабатлар баён этилган бўлиб, давлат эҳтиёжлари тушунчасининг моҳияти очиб берилмаган.

Р.Б.Куличевнинг фикрича, давлат эҳтиёжлари тушунчасининг қонуний таърифи мавжуд эмаслиги мазкур қонунни қўллашда ҳуқуқий ноаниқликларни келтириб чиқаради [9, Б.92].

Давлат эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “давлат эҳтиёжлари” тушунчасига таъриф берилмаганлиги назариётчи олимларнинг турли илмий мунозараларига сабаб бўлмоқда. В.А.Евсегнеев давлат эҳтиёжларига бутун халқнинг ёки ҳудудий тузилмада яшовчи шахсларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган оммавий эҳтиёжлар сифатида баҳо беради [6,Б.74].

Н.П.Кабытовнинг фикрича эса, давлат эҳтиёжлари бу қонунда назарда тутилган функцияларини бажариш учун бириктирилган у ёки бу объектдан фойдаланишда вужудга келадиган оммавий-ҳуқуқий тузилманинг эҳтиёжидир [7,Б.136]. П.С.Тарабаев эса давлат эҳтиёжлари деганда давлатнинг ва давлат буютмачиларининг ўз оммавий функцияларини амалга ошириш учун танлов савдолари асосида давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар воситасида таъминланадиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши тушунилади [17, Б.7].

Е.Л.Барыбина фикрича эса, давлат эҳтиёжлари бу - оммавий-ҳуқуқий тузилманинг ҳуқуқ нормалари билан мустақамланган, объектив зарурият ҳисобланган, чекланмаган шахслар манфаатини таъминлашга қаратилган, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонунда назарда тутилган ваколатлар доирасида фойдаланадиган жамоат аҳамиятидаги эҳтиёжларидир [3, Б.81].

А.В.Ярованинг фикрича, давлат эҳтиёжлари тушунчасига таъриф беришда давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган, давлатнинг у ёки бу манфаатларини ҳимоя қилишга ва амалга оширишга қаратилган, мақсадли дастурларни ўз муддатида бажарилигини таъминлаш мақсадида моливий-иқтисодий йўналишларни режалаштириш жараёнида шаклланадиган эҳтиёжларини назарда тутати [21, Б.8].

Юридик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина тадқиқотчилар давлат эҳтиёжлари тушунчасини аниқлашда “ижтимоий эҳтиёж”, “жамоавий эҳтиёж”, “жамиятнинг манфаатлари” каби тушунчалар билан боғлашади. Таҳлил этилаётган масала юзасидан етарлича илмий таҳлиллар мавжуд бўлишига қарамадан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида улардан фойдаланилмайди, натижада давлат эҳтиёжлари тушунчаси турли хил талқинларга сабаб бўлмоқда.

Давлат эҳтиёжлари тушунчасининг қонуний таърифи бўлмаганлиги сабабли, давлат органи у ёки бу шартномани тузишда кимнинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилганлиги масаласида судлар ўртасида мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, у ёки бу эҳтиёжни давлат эҳтиёжи сифатида кўрсатиш учун унинг чегараловчи белгиларини аниқлаш лозим.

Чунки, давлат харидлари тўғрисидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган яхлит қонун қабул қилинган бўлса-да, уни қўллаш юзасидан турли хил ёндошувлар вужудга келмоқда, натижада кейинги пайтларда қўплаб қонунбузилишлари аниқланмоқда. Жумладан, 2020 йил 17 ноябрь куни “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банкнинг бош амалиёт бошқармаси томонидан ижрочини тўғридан-тўғри танлаш усулида “Stuttgart Auto Servis” МЧЖ билан 9-сонли шартнома тузилиб, “Stuttgart Auto Servis” МЧЖдан транспорт воситаларини таъмирлаш билан боғлиқ 300 млн сўмлик иш ва хизматларни харид қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарорининг 3-банди талаблари бузилганлиги аниқланган.

Давлат эҳтиёжлари тушунчасининг талқини юзасидан фанда икки хил нуқтаи назар шаклланган. Биринчи йўналиш вакиллари давлат эҳтиёжлари тушунчасига таъриф беришда унинг субъектларига қараб таснифлашни истисно этади. Л.В.Андреевнинг фикрича, давлат аппаратининг умумдавлат манфаатларидан ташқари шахсий манфаатлари бўлиши мумкин эмас [1, Б.296].

Бошқа қараш вакили В.А.Болдыревнинг таъкидлашича, давлат эҳтиёжлари республика ва унинг субъектлари ҳамда давлат органлари ва бюджет муассасаларининг эҳтиёжларига ажратилиши мантиқан тўғри бўлиб ҳисобланади [4, Б.340].

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 3-моддасига кўра, бюджет жараёни иштирокчилари — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўлиб ҳисобланади.

Назаримизда, давлат эҳтиёжлари давлат ва унинг субъектларида бўлиши мумкин, бунда давлат



буюртмачилари ёки махсус субъект ҳисобланган бюджет муассасаларининг эҳтиёжлари назарда тутилмаслиги лозим. Шубҳасиз, бюджет муассасаларининг товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан оммавий-ҳуқуқий тузилманинг эҳтиёжлари бўлиши мумкин. Бироқ, бу ҳолатда давлат харидлари тўғрисидаги қонун нормалари қўлланилмаслиги лозим. Бу фуқаролик муомаласи бўлиб, ушбу муносабатларга фуқаролик қонунчилиги нормалари тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда “давлат эҳтиёжлари” тушунчаси нафақат давлат органлари, балки бюджетдан маблағ олувчилар учун ҳам кенг ҳуқуқий муносабатлар соҳасини қамраб олган. Бу эса давлатнинг асосий функцияларини ижро этишга қаратилган давлат буюртмаларининг асосий мақсадига зид бўлиб ҳисобланади. Бюджет маблағларини олувчилар томонидан уни харажат қилишда аниқ ҳисобга олиш йўналишларининг мавжуд эмаслиги харажатларни назорат қилиш имконини чеклайди ва бу соҳада коррупция учун шарт-шароит яратади.

Назаримизда, давлат эҳтиёжлари рўйхати етказиб бериладиган маҳсулот, бажариладиган иш, кўрсатиладиган хизматнинг мақсадларига йўналтирилган бўлиши лозим. Зеро, ҳар қандай давлатнинг мақсади республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадлар давлат буюртмаларининг вазифаларини шакллантириш ҳисобига аниқлаштирилиши лозим. Бундай вазифаларга давлат заҳираларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш, мудофаа салоҳиятини ва давлатнинг хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш, давлатнинг халқаро мажбуриятини ижро этилишини таъминлаш, манзилли дастурларни амалга ошириш (ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқалар).

Давлат эҳтиёжларини товарларга (ишлар, хизматлар) бўлган эҳтиёжларини таъминлаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш масалалари кўпгина олимлар томонидан ўрганилган [5,8,12,13,14,15,22]

Н.В.Немцованинг фикрича, [13, Б.342] давлат эҳтиёжларини таъминлашнинг самарадорлиги давлат харидлари субъектлари манфаатларининг мувозанатини таъминлаши бу эса натижада давлат бюджети маблағларидан тежалган ҳолда фойдаланиш ҳамда бу соҳада суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик орқали жамият эҳтиёжларин қондириши лозим. Бироқ, 2020 йилнинг январь ойида Бош прокуратура “UzAuto Motors”дан 2.823.878.534 сўмлик 25 та LACETTI, апрель ойида эса 2.349.286.000 сўмлик 14 та LACETTI, 1 та EQUINOX (349 миллион сўм) ва 1 та TRAILBLAZER (398 миллион сўм) машиналарини сотиб олган. Шу йилнинг февраль ойида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Хўжалик фаолияти бошқармаси автохўжалик давлат муассасаси февраль ойида 1 миллиард 38 миллион сўмлик Toyota LC200 русумли машинасини, ноябрда 278 миллион сўмлик MALIBU-2, март ойида эса 1. 945. 633. 000 сўмлик 17 та LACETTI, август, ноябрда эса яна 4 та LACETTI сотиб олинган [23].

Давлат эҳтиёжлари ўз навбатида бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминланади. Давлат эҳтиёжларининг қуйидаги икки хил жиҳатини фарқлаш мумкин:

биринчидан, давлат функцияларини амалга ошириш учун йўналтирилган давлат буюртмалари орқали таъминладиган мақсадли товарлар етказиб берилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши.

иккинчидан, давлат эҳтиёжларини таъминлашнинг ёпиқ рўйхати мавжуд эмаслиги [16, Б.7]. Бундай ёндошув товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали давлат эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган муносабатларнинг рўйхатини кенгайтишига олиб келди. Муқаддам мазкур тушунча фақат давлат дастурларини амалга оширишга тадбиқ қилинар эди. Кейинчалик, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан давлат эҳтиёжларининг мақсадли йўналтирилишидан қатъий назар, бюджетнинг алоҳида устунда назарда тутилишининг ўзи етарли бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасига кўра, давлат хариди — товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш ҳисобланади.

Юридик адабиётларда у ёки бу эҳтиёжларни давлат эҳтиёжларига ажратишнинг мезонлари мавжуд эмаслиги қайд этилган. Юқорида қайд этилганидек, давлат буюртмалари давлатнинг функцияларини бажаришга боғлиқ қилиб қўйилди.

Давлатнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва шахс учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида у ёки бу ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараён давлатнинг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган давлат харидларига ҳам тааллуқли бўлиб ҳисобланади. Давлат эҳтиёжларини таъминлаш механизмларини фойдаланишда

иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланиш лозим. Бундан ташқари, шуни қайд этиш керакки, давлат буюртмалари баҳонинг даражасига, хусусий тадбиркорлик субъектларининг даромадларига сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ, бунда бюджет маблағларининг тежамли ва самарали сарфланишига ҳам эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Давлат аҳамиятига молик эҳтиёжларни таъминлаш усулларидан бири ҳисобланган ҳуқуқий унсур бу - товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий тушунчадан тўғри ва самарали фойдаланиш учун “давлат эҳтиёжлари” тушунчасининг мазмунини билиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини таҳлил қилиш орқали давлат эҳтиёжлари тушунчасини таърифлаш мумкин. Л.В.Андреева ҳам махсус қонунни таҳлил қилиш орқали давлат эҳтиёжлари тушунчасининг мазмунини аниқлаш мумкинлигини таъкидлаган [2, Б.10].

Қонун ҳужжатларидаги давлат эҳтиёжларининг тушунчаси билан боғлиқ бўшлиқни махсус қонунга ўзгартириш киритиш орқали бартараф қилиш мумкин [19, Б.37].

Қонунчиликда “давлат эҳтиёжлари” атамаси мулкчиликнинг турли хил шаклига асосланган бозор иқтисодиётига ўтилганидан сўнг вужудга келди. Маъмурий-режали тизим хўжалик фаолиятида давлат томонидан таъминланадиган жамоат эҳтиёжлари мавжуд бўлмаган, бироқ, давлат иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида: ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда бошқарувчи вазифасини бажарган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат буюртмаларини тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Демак, давлат эҳтиёжлари учун товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши қонуннинг конституциявий ифодасини топган.

Л.В.Андрееванинг таъкидлашича, давлат эҳтиёжлари бу давлатнинг ва давлат буюртмачиларининг функциялари ва ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжидир [1, Б.296].

Давлат эҳтиёжларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари ва бошқа давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан донор мамлакатлар, халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 2-моддасига кўра, бюджет тизими бюджетлари — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобланади.

Шундай қилиб, давлат эҳтиёжлари ҳуқуқий тушунча бўлиб, у алоҳида мазмунга эга. Амалдаги қонунчиликнинг таҳлили шуни кўрсатадики, давлат эҳтиёжлари таркибини давлатнинг ва давлат буюртмачиларининг ўз функциялари ва ваколатларини амалга ошириш учун товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи ташкил этади.

У ёки бу эҳтиёжларни давлат эҳтиёжлари сифатида аниқлашнинг қуйидаги белгиларини кўрстайш мумкин:

- у ёки бу эҳтиёжлар давлат томонидан давлат эҳтиёжлари сифатида тан олиними;
- давлат эҳтиёжлари бюджет маблағлари ва бошқа қонунда назарда тутилган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши;
- давлат харидлари давлат буюртмачиси мақомини олган шахслар томонидан амалга оширилиши;
- давлат эҳтиёжларини таъминлаш махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳуқуқий механизмлар асосида амалга оширилиши;
- давлат эҳтиёжлари давлат харидлари тўғрисидаги алоҳида шартнома тузиш орқали

таъминланиши.

Давлат эҳтиёжларини қуйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:

субъектига кўра: бюджет буюртмачилари: давлат органлари; бюджет ташкилотлари; харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар; давлат мақсадли жамғармалари, корпоратив буюртмачилар: давлат корхоналари; устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар; устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар; турларига кўра: ижтимоий ва иқтисодий; қаноатлантириш шаклига кўра: шартномавий ва шартномадан ташқари; вужудга келиш шаклига кўра: дастурлар асосида ва дастурдан ташқари; мазмунига кўра: товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар.

Давлат буюртмаси давлат эҳтиёжларини таъминлашнинг воситаси бўлиб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, белгиланган тартибда шаклландиган оммавий-ҳуқуқий тузилманинг эҳтиёжидир. Давлат буюртмасининг эҳтиёж сифатида олимларнинг ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, В.С.Лопатников, И.П. Соколова, С.Р. Тажетдиновларнинг фикрича [11, Б.101] тор доирадаги давлат буюртмаси деганда давлат буюртмачиси томонидан давлат эҳтиёжлари учун маълум бир етказиб берувчини аниқлаши ва у билан шартнома тузиши ҳисобланади, кенг маънода эса давлат ҳокимиятининг бизнес билан, бутун жамиятнинг уларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган давлат органлари ўртасидаги муносабатлардир.

Н.Н.Цикорев ва А.И.Колосовларнинг фикрича, давлат буюртмалари кенг маънода давлат ҳокимияти органларининг товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари мажмуи ҳисобланса, тор маънода товарлар, ишлар ва хизмаълар, уларга қўйилган талаблар, ҳажми ва шартларини акс эттирувчи ҳужжатлар таркибидир [20, Б.17].

Давлат эҳтиёжлари учун давлат буюртмаларини амалга оширишнинг амалиёти ҳам таҳлил қилинганда унинг юқори даражада самарадорлиги ва натижадорлигини айтиб бўлмайди. Масалан, давлат ва маҳаллий органлар томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган барча эҳтиёжларига нисбатан тадбиқ этилади. Агар бу давлат органининг унга юклатилган вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган воситалар, жумладан транспорт воситалари, комплекс дастурларни харид қилиш билан боғлиқ бўлса бу табиий ҳол. Бироқ, оргтехника учун харажатларни назарда тутувчи материалларни харид қилишга ҳам умумий тартибнинг амал қилиши бюджет маблағларининг нооқилона сарфланишига, шунингдек шу муассаса ёки ташкилотнинг ишини секинлашишига олиб келади.

Шунинг учун давлат эҳтиёжлари тушунчасини қонун даражасида назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, давлат эҳтиёжлари бу – оммавий ҳуқуқий тузилманинг қонунда назарда тутилган махсус ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган номуайян доирадаги шахсларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик эҳтиёжларидир [10, Б.95-96] Т.В.Ткаченко, М.Э.Логиновлар ҳам шунга ўхшаш таклифни беришган [18, Б.48].

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида халқаро тажриба ва иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат харидларини ташкил этиш бўйича ўзига хос тизим шакллантирилди. Бунда асосий урғу бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, харид жараёнида кичик бизнес субъектларига кўпроқ имтиёзлар бериш ҳамда давлат харидлари тизимининг мавжуд механизмини халқаро андозаларга мос ҳолда ташкил этиш хусусиятларига қаратилди. Шу сабабли, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат харидлари соҳасида ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, коррупцион жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароит ва сабабларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судидан 2019-2020 йиллар давомида коррупцион жиноятлар билан боғлиқ 2200 та суд ҳукмлари олинди, улардан 122 та суд ҳукми саралаб олинди, бугунги кунда ҳар бир ҳолат мутахассислар томонидан таҳлил қилинмоқда.

Ўз навбатида давлат харидлари тизимида замонавий шакл ва тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ҳаётий заруратга айланди. Давлат харидларининг такомиллаштирилиши ушбу соҳанинг мукамал қонунчилик базасини яратиш ва уни халқаро тажрибага мос равишда ривожлантириш билан ҳам узвий боғлиқдир.

**Иқтибослар / Сноски / References:**

1. Андреева Л.В. Закупки товаров для федеральных государственных нужд: правовое регулирование / Л. В. Андреева. - М.: :Волтерс Клувер, 2009. - 296 с. URL: <https://www.lawmix.ru/commlaw/428>
2. Андреева Л.В. Понятие контрактной системы и основные правила ее функционирования // Законы России: опыт, анализ, практика. - 2013. - № 11. - С. 10. // URL: <http://base.garant.ru/57630107>
3. Барыбина Е.Л. Понятие «государственные (муниципальные) нужды» в предмете государственного контракта как средство самоорганизации гражданских правоотношений по поставке товаров для государственных и муниципальных нужд // Современное право, 2014. №10. С.81. <https://www.elibrary.ru/defaultx.asp?rpage=https://www.elibrary.ru/item.asp?id=22368489>
4. Болдырев, В. А. Юридические лица - несобственники в системе субъектов гражданского права / В. А. Болдырев. - Омск : Омская академия МВД России, 2010. - 340 // URL: [c.https://www.elibrary.ru/ip\\_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D23951207](https://www.elibrary.ru/ip_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D23951207)
5. Гусев В.В. Бюджетные ассигнования на закупку товаров, работ, услуг для государственных (муниципальных) нужд // современное общество и право. – 2015. – № 3(20). – С. 84-87 <https://cyberleninka.ru/article/n/normirovanie-zakupok-dlya-gosudarstvennyh-i-munitsipalnyh-nuzhd-kak-element-sistemy-povysheniya-effektivnosti-byudzhetyh-rashodov>
6. Евсегнеев В.А. Собственность на землю в фокусе интересов // Журнал Российского права, 2004. № 8. С.74
7. Кабытов Н.П. Выкуп земельного участка как основание прекращения права частной собственности: автореф. к дисс. к.ю.н. Самара, 2004. С 136. <https://www.dissercat.com/content/vyкуп-zemelnogo-uchastka-kak-osnovanie-prekrashcheniya-prava-chastnoi-sobstvennosti>
8. Катасонова С.Е., Зеленцова С.Ю. Вопросы эффективности закупок для обеспечения государственных и муниципальных нужд // Государственное и муниципальное управление в XXI веке: теория, методология, практика. – 2016. – № 21. – С. 59-64. <https://sovman.ru/article/6702/>
9. Куличев Р.Б. Правовое регулирование подрядных работ для государственных нужд. - М. : Юстицинформ, 2016. – С. 92 <http://base.garant.ru/57241006/>
10. Лалиева М.В. Государственные и муниципальные нужды: трактовка понятия / Отечественная юриспруденция, 2018. С.95-96. // <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennye-i-munitsipalnye-nuzhdy-traktovka-ponyatiya>
11. Лопатников В.С., Соколова И.П., Тажетдинов С.Р. Закупки для государственных нужд: особенности законодательства и контроль за его соблюдением (на примере Санкт-Петербурга). – СПб., 2008. – С. 101. // <https://www.dissercat.com/content/gosudarstvennyi-munitsipalniy-zakaz-kak-sredstvo-gosudarstvennogo-regulirovaniya-ekonomiki-p>
12. Набиев Р.А., Арыкбаев Р.К. Повышение эффективности бюджетных расходов системы государственных заказов и закупок // Финансы и кредит. – 2008. – № 25. – С. 2-5. <https://cyberleninka.ru/article/n/povyshenie-effektivnosti-byudzhetyh-rashodov-sistemy-gosudarstvennyh-zakazov-i-zakupok-1>
13. Немцова Н.В. Характеристика и оценка эффективности закупок для государственных и муниципальных нужд Омской области // Сб. материалов Международной науч.-практ. конф. «Актуальные вопросы развития экономики» / Под ред. В.В. Карпова и А.И. Ковалева. – Омск, 2015. – С. 341-347. [https://www.elibrary.ru/ip\\_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D25128162](https://www.elibrary.ru/ip_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D25128162)
14. Перов К.А. Оценка эффективности размещения заказов. Общие подходы // Госзаказ. – № 7. – С.77-83., [estnik.spbgasu.ru/article/razvitie-metodov-ocenki-effektivnosti-gosudarstvennyh-zakupok-stroitelnoy-produkcii-v](http://estnik.spbgasu.ru/article/razvitie-metodov-ocenki-effektivnosti-gosudarstvennyh-zakupok-stroitelnoy-produkcii-v)
15. Проскурня Д.В. Повышение эффективности управления финансовыми ресурсами при осуществлении закупок товаров, работ, услуг для государственных и муниципальных нужд // Современные технологии управления. – 2016. – № 2 (62). – С. 2, [https://www.elibrary.ru/ip\\_restricted](https://www.elibrary.ru/ip_restricted).

asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D25512250

16. Розовенко М. Понятие и порядок определения государственных нужд // ОБЩЕСТВО И ПРАВО 2011 № 5 (37) <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-poryadok-opredeleniya-gosudarstvennyh-nuzhd>

17. Тарабаев П.С. Гражданско-правовое регулирование поставки товаров для федеральных государственных нужд: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2008. С 7. <https://www.dissercat.com/content/grazhdansko-pravovoe-regulirovanie-postavki-tovarov-dlya-federalnykh-gosudarstvennykh-nuzhd>

18. Ткаченко Т.В., Логинова М.Э. Понятие «государственные и муниципальные нужды» в современном законодательстве Российской Федерации // Культура. Наука. Интеграция, 2 (30) Год: 2015 С.48 [https://www.elibrary.ru/ip\\_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D27427967](https://www.elibrary.ru/ip_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D27427967)

19. Федотов А.В. Нормативно-правовое определение государственных и муниципальных нужд по российскому законодательству, «Образование и наука в России и за рубежом» №2 (Vol. 37), 2018 [https://www.elibrary.ru/ip\\_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D32496966](https://www.elibrary.ru/ip_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D32496966)

20. Цикорев Н.Н., Колосов А.И. Государственные закупки: практика организации и нормативное обеспечение. Орел, 2004. С. 17. <https://books.google.co.uz/books>

21. Ярова А.В. Поставка товаров для государственных нужд: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2005. С.8. <https://www.dissercat.com/content/postavka-tovarov-dlya-gosudarstvennykh-nuzhd>

22. Яковенко В.В. Государственный заказ как инструмент повышения эффективности бюджетных расходов: автореф. дис. ... канд. экон. наук; 08.00.10. – Волгоград, 2010. – 26 с. <https://www.dissercat.com/content/gosudarstvennyi-zakaz-kak-instrument-povysheniya-effektivnosti-byudzhetykh-raskhodov>

23. (<https://dxarid.uzex.uz/ru/adver/lot2/1262039/>), (<https://dxarid.uzex.uz/ru/adver/lot2/1416711/>) (<https://dxarid.uzex.uz/ru/adver/lot2/1368623/>), (<https://dxarid.uzex.uz/ru/adver/lot2/1437185/>)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**МАМАНАЗАРОВ Сардор Шухратович**

Тошкент давлат юридик университети “Халқаро хусусий ҳуқук” кафедраси ўқитувчиси

E-mail: [sardormamanazarov@gmail.com](mailto:sardormamanazarov@gmail.com)

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ: БОШҚАРУВ ВА РАЎБАРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** МАМАНАЗАРОВ С.Ш. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ: БОШҚАРУВ ВА РАЎБАРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 62-66.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-9>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари, хусусан акциядорлик жамияти ижроия органи, унинг мазмуни, корпоратив бошқарувдаги ўрни, яккабошчилик асосидаги ижро органи (директор), жамиятнинг коллегиял ижро органи (бошқарув, дирекция), уларни шакллантириш тартиби, улар билан тузиладиган шартномалар, хусусан ижроия органи функцияларини амалга оширувчи тижорат ташкилотлар билан шартномалар тузиш, ижроия органининг ваколатлари, уларнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига ҳисобдорлиги, уларнинг жавобгарлиги, жавобгарлик доираси, корпоратив бошқарув бўйича қонунчиликка киритилган охириги ўзгаришлар таҳлили, корпоратив бошқарув, жумладан, ижроия органи негизини ташкил этувчи назариялар ҳамда ривожланган мамлакатлар қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий таҳлили олиб борилиб, мавжуд тенденциялар аниқланган ва қонундаги бўшлиқлар, қарама-қаршиликлар очиқ берилган ҳамда ушбу қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** корпоратив бошқарув, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи, бошқарув, директор, фидуциар, ҳисобдорлик.

**МАМАНАЗАРОВ Сардор Шухратович**

Преподаватель кафедры международного частного права  
Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: [sardormamanazarov@gmail.com](mailto:sardormamanazarov@gmail.com)

## ИСПОЛНИТЕЛЬНЫЙ ОРГАН АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА: ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РУКОВОДСТВА И УПРАВЛЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описаны органы управления акционерных обществ, в частности, исполнительный орган акционерного общества, его содержание, роль в корпоративном управлении, исполнительный

орган (директор), коллегиальный исполнительный орган (руководство, дирекция), порядок их формирования, заключение договоров с коммерческими организациями, выполняющими функции исполнительного органа, полномочия исполнительного органа, их подотчетность общему собранию акционеров и наблюдательному совету, их обязанности, объем ответственности, анализ последних изменений в законодательстве о корпоративном управлении, теории корпоративного управления, включая исполнительный орган и сравнительно-правовой разбор законодательств развитых стран, выявление существующих тенденций, пробелов и противоречий в законодательстве, а также внесение предложений по устранению и исправлению пробелов в законодательстве.

**Ключевые слова:** корпоративное управление, общее собрание акционеров, наблюдательный совет, исполнительный орган, менеджмент, директор, фидуциар, подотчетность.

**MAMANAZAROV Sardor**

Lecturer at Private International Law Department of Tashkent State University of Law

E-mail: [sardormamanazarov@gmail.com](mailto:sardormamanazarov@gmail.com)

## EXECUTIVE BODY OF THE JOINT STOCK COMPANY: LEGAL BASIS OF GOVERNANCE AND MANAGEMENT

### ANNOTATION

This article describes the governing bodies of joint-stock companies, in particular the executive body of a joint-stock company, its content, role in corporate governance, executive body (director), collegial executive body (management, directorate), the procedure for their formation, conclusion of contracts with commercial organizations performing the functions of an executive body, the powers of the executive body, their accountability to the general meeting of shareholders and the supervisory board, their duties, scope of responsibility, analysis of recent changes in corporate governance legislation, corporate governance theory, including the executive body and comparative legal analysis of the legislation of developed countries, identification of existing trends and identification of gaps and contradictions in the legislation, as well as making proposals to eliminate and correct the shortcomings of this legislation.

**Keywords:** corporate governance, general meeting of shareholders, supervisory board, executive body, management, director, fiduciary, accountability.

Акциядорлик жамиятлари ҳар бир давлат иқтисодиёти ривожининг энг муҳим омилларидан бири саналади. Ушбу ҳуқуқий шакл ўз ривожланишида молиявий ресурсларни жалб этишда ўзига хос восита вазифасини ўтайди. Бундай жамиятлар муваффақиётли ривожланишининг фактори бу давлат томонидан самарали бошқарувнинг ҳуқуқий воситалари ва механизмлари ишлаб чиқилиши, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида манфаатларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинган ҳолда мувофиқлаштирилишидир. Ушбу масалаларнинг амалга оширилиши корпоратив бошқарув ҳуқуқий механизми орқали таъминланади.

Ушбу корпоратив бошқарув ҳуқуқий механизми муҳим таркибий қисми ҳисобланган жамиятнинг ижроия органи акциядорлик жамиятининг кундалик фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Ғарб мамлакатлари, айниқса англо-америка ҳуқуқ тизимида, ижро органи менежмент ёки оддий қилиб, “ижрочилар” (officers) деб номланади [1]. Фикримизча, айнан шу орган корпорация капитали устидан бевосита бошқарувни амалга ошириши туфайли корпорациянинг равнақи кўпроқ унинг масъуллиги ва инсофлигига боғлиқ.

Кўпинча кузатув кенгаши бошқарувчиларни, компания ижро органи аъзоларини тайинлаш ваколатига эга бўлади. Бунда у ҳатто ходимларнинг узоқ муддатли шартномалари бўлгани ҳолда ҳам, узрли ёки узрсиз сабабларга кўра бошқарувчиларни ишдан бўшатиши мумкин. Албатта, бундай шартноманинг компания томонидан бекор қилиниши келтирилган зарар учун жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда компания учун шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва тегишли компенсацияни тўлаш номақбул бошқарувчини сақлаб қолишдан кўра

фойдали бўлади [2].

Одатда, ғарбда компания президенти, вица-президенти, хазиначон, маълум бўлим бошлиғи ва бошқалар бошқарувчилар ҳисобланадилар [3]. Бироқ, ҳуқуқий адабиётларда бошқарувчи деганда кенгроқ доирадаги, яъни қарорлари компания учун стратегик бошқарув аҳамиятига эга бўлган шахслар, (масалан, расмий тайинланган ижро органи аъзолари) тушунилади [4].

Таъкидлаш жоизки, умумлаштириб айтганда, агент ёки вакил деганда ўзига берилган ваколатлар чегарасида бошқа шахс (принципал) номидан ҳаракат қилувчи шахс тушунилади. Унга эркин ҳаракат қилиш имконияти берилган бўлса-да, агент барибир бу ҳолатда принципалнинг назорати остида бўлади (бу ўринда принципал деганда юридик шахс сифатидаги корпорация тушунилади, бироқ амалда агент кузатув кенгашининг бевосита таъсири остида бўлади) [5].

Миллий қонунчиликда ижроия органининг икки кўриниши мустаҳкамланган:

- 1) яккабошчилик асосидаги ижро органи (директор);
- 2) жамиятнинг коллегиял ижро органи (бошқарув, дирекция).

Агар жамият фаолиятига раҳбарлик бошқарув томонидан амалга оширилса, уставда бошқарув раҳбарининг (раисининг) ваколати белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича жамият ижро органи ваколатлари шартнома асосида тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда инвестиция жамғармалари учун ижро органи шундай тарзда ташкил этилиши назарда тутилган. Тузиладиган шартнома шартлари, агар уставда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Жамият ижро органи ваколатларига барча жорий бошқарув масалалари, яъни қонун билан акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалалар, жумладан акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини бажаришни ташкил этиш ҳам киради.

Ижроия органининг ваколатлари ҳақида тўхталганда, шу ўринда унинг жамият бошқарувидаги ҳолислиги ва масъуллигини ошириш, бошқарувнинг молиявий ва номолиявий инвесторлар манфаатларининг мувозанатини сақлашни таъминлаш учун унга муайян ваколатлар, хусусан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқини бериш лозим. Бунинг учун “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддасига ўзгартириш киритиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ижроия органи раҳбаринининг ёзма талаби асосида чақирилиши ҳақидаги нормани қўшиш мақсадга мувофиқ саналади.

Бундан ташқари, жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Ушбу шартномалар жамият кузатув кенгаши раиси ёки кенгаш томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади [6, 79-м.].

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4112-сонли қарорига мувофиқ, хўжалик жамиятининг ижро органи (раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари) танлов асосида юқори малакали, шу жумладан хорижий мутахассислар орасидан танлаб олинади ва умумий йиғилиш ёки кузатув кенгаши қарори билан тайинланади.

Республикамизнинг аксарият акциядорлик жамиятлари ижроия органи раҳбарини тайинлашни танлов асосида ўтказиш бўйича ички тартиб ёки низомларни ишлаб чиққан бўлиб, унда номзодларни саралаш учун мезонлар акс эттирилган. Ушбу танловларда хорижий менежерларнинг иштирок этиши ҳам кўзда тутилган. Биргина тижорат банклари мисолида оладиган бўлсак, авваллари тижорат банклари Бошқарув раислигига номзод Марказий банк билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланар ва кейинчалик банк акциядорлари умумий йиғилишида тасдиқланар эди. Энди мазкур талаб бекор қилинди ва “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга тегишли ўзгаришлар киритилди. Амалдаги тартибга кўра Банк бошқаруви раиси Банк кенгаши қарори билан тайинланади ва кейинчалик умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади. Ушбу мақсадда танлов амалга оширилади ва бунда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин.



Кўрсатилган мансабдор шахслар билан жамият ўртасидаги муносабатлар меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Бироқ меҳнат қонунчилиги ушбу муносабатларга Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига зид бўлмаган ҳоллардагина қўлланилади, холос. Ходим маъмуриятнинг розилигисиз, ўриндошлик бўйича бошқа жойда ишлаши мумкин бўлган умумий қоидага қарамасдан, жамиятнинг директори, бош директори ва коллегиял ижро органи аъзолари фақат кузатув кенгашининг розилиги билангина бошқа ташкилотлар бошқарув органларида мансабларни эгаллашлари мумкин. Акциядорлар умумий йиғилиши, жамият уставида кўрсатилган ҳолларда эса, кузатув кенгаши қарори бўйича улар билан тузилган шартномалар хоҳлаган вақтда бекор қилиниши мумкин. Жамиятнинг яқкабошчилик асосидаги (директор) ёки коллегиял ижро органи (бошқарув) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузиладиган шартномада акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигини кўтариш бўйича мажбуриятлари, уларнинг умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши олдида ҳисобдорлик даврийлиги белгиланган бўлиши керак [7].

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартда қабул қилинган “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига кўра, суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, директорини ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, директорнинг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин [8].

Ушбу қўшимчалар орқали ижроия органининг масъуллигини ошириш кўзда тутилган. Зеро, ижро органининг хулқ-атвори фидуциар характерга эгаллиги муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ЎЗР ФКнинг 45-моддаси 3-қисмида бу борада қуйидаги қоида белгиланган: “Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт”.

Ижро органининг миқдор таркиби бир киши томонидан бошқарув функцияларини максимал бажариш, бошқарув аппаратини қисқартириш, ишлаб чиқариш бошқарувида такрорлайдиган вазифаларни бажарадиган бўғинларни тугатиш ва бу билан боғлиқ бўлган бошқарув харажатларини камайитириш тамойилидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ижро органи аъзолари мансаб йўриқномаси, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядорлар умумий йиғилиши, жамият кузатув кенгаши, ижро органи қарорлари ва ижро органи раҳбарининг кўрсатмалари доирасида аниқланган ваколатлар чегарасида ҳаракат қиладилар.

Ижроия органининг моддий рағбатлантирилиши жамият фаолиятининг самарадорлигига бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти ижро органи аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида келтирилган зарарлари учун амалдаги қонунчилик ва жамият устави бўйича акциядорлик жамияти олдида тўлиқ жавобгар бўладилар. Бироқ, жамиятнинг зарар кўришига олиб келган қарор қабул қилишда овоз беришда иштирок этмаган ёки унга қарши овоз берган ижро органи аъзолари бунга жавобгар бўлмайди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 81-моддасига кўра, жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур институт назаримизда, билвосита (ҳосила) даъволар номини олди [9]. Бундай атамани таклиф этувчи муаллифларнинг фикрича, ушбу даъвонинг ўзига хослиги ва ҳуқуқий моҳияти шундаки, бу даъвода акциядорлар ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита, яъни корпоратив муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида акциядорлик жамияти ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали амалга оширадилар.

С.С.Гулямовнинг фикрича, бошқарувчиларнинг ҳаракатлари, улар инвесторларнинг ресурсларини ўзлаштириш ёки компания жамғармаларини оқилона тақсимламаслик бўлишидан катъий назар, бундай ҳаракатлар компанияни молиялаштириш учун зарур бўлган ресурслар

ҳажмини қискартиради, акциядорлар ва инвесторларга тўғридан-тўғри зарар етказди. Бунда бошқарувчилар учун белгиланадиган ҳатто турли хилдаги чекловлар ҳам кутилган натижани бермайди [10], [11].

Ижро органининг юқорида кўриб чиқилган нисбатан кенг ваколатларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, корпорациянинг иқтисодий ҳолати кўп жихатдан бошқарув ҳодимларининг касбий маҳорати ва инсофлиликка боғлиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ижроия органининг масъуллигини, ҳисобдорлигини, бир-бирини тийиб туриш принциплари ижросини таъминлаш учун “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддасига ўзгартириш киритиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ижроия органи раҳбаринининг ёзма талаби асосида чақирилиши ҳақидаги нормани қўшиш ҳамда 79-моддасига оммавий жамиятларда уч бошли, бир-биридан мустақил аъзолардан иборат бўлган ижроия органи ташкил этилиши ҳақидаги қатъий қонун киритиш мақсадга мувофиқдир.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Ribstein L. E. The Structure of the Fiduciary Relationship. -2003. // URL: [https://www.researchgate.net/publication/228231580\\_The\\_Structure\\_of\\_the\\_Fiduciary\\_Relationship](https://www.researchgate.net/publication/228231580_The_Structure_of_the_Fiduciary_Relationship)
2. Kaplan, Steven N, 1994. “Top Executive Rewards and Firm Performance: A Comparison of Japan and the United States,” Journal of Political Economy, University of Chicago Press, vol. 102(3), pages 510-546, June. // URL: <https://ideas.repec.org/a/ucp/jpolec/v102y1994i3p510-46.html>
3. Martynova M. and Renneboog L. “Evidence on the international evolution and convergence of corporate governance regulations”, Journal of Corporate Finance, 2011.
4. Roe M.J. Strong managers, Weak Owners: The Political Roots of American Corporate Finance. – Princeton: Princeton University Press, 2006.
5. Charles W. L., Jones T.M. Stakeholder Agency Theory // Journal of Management Studies. -1992. –No29.-P.131-154. // URL: <https://doi.org/10.1111/j.1467-6486.1992.tb00657.x>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон. <https://lex.uz/docs/2382409>
7. Корпоративное управление: владельцы, директора и наемные работники акционерного общества [Текст] / Под ред. М. Хесселя. - Москва: Джон Уайли энд Санз, 1996. - 237, [3] с. - (Малая библиотека современного делового человека). - ISBN 5-88182-031-2 : Б. ц.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартда қабул қилинган “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон. // URL: <https://lex.uz/docs/4249868>
9. Осокинаг. Косвенные иски: реальность или функция // Хозяйство и право. -2010. - №1.
10. Гулямов С. С. ПРОБЛЕМЫ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА //Государство и право: проблемы и перспективы совершенствования. – 2018. – С. 96-99
11. Гулямов С.С. Корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий муаммолари: назария ва амалиёт. Монография. Иккинчи нашр – Т.: ТДЮУ, 2017 йил. 390 б.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**БАБАЕВ Джахонгир Исмаилбекович**

Тошкент давлат юридик университети  
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди  
E-mail: jahongirbabaev76@mail.ru

## ИСТЕЪМОЛЧИ БИЛАН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР БУЗИЛГАНИДА УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** БАБАЕВ Дж.И. ИСТЕЪМОЛЧИ БИЛАН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР БУЗИЛГАНИДА УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 67-75.



6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-10>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада истеъмолчилар ўртасида тузилган фуқаролик шартномаларининг турлари таҳлил қилинган. Бундай таҳминлар контрагентлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга, уларнинг муносабатларига ишонч ва мажбуриятларга масъулиятли ёндашувга асосланади. Шунингдек, мақола муаллифи томонидан шартнома шартлари ва мажбуриятлари тўлиқ ва тўғри бажарилса, шартномавий муносабатлар нуқсонсиз бўлиши, низо ёки эътирозларсиз яқунланади, деб таъкидланган. Муаллиф товарларни сотиб олиш ва сотиш ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар шартларини бузганда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг яхлит ва кенг қамровли тизимини яратиш, турли фуқаролик ҳуқуқ институтлари механизмларининг ўзаро боғлиқлиги ва мустақамлигини таъминлаш бўйича қоидаларни кўриб чиқади.

**Калит сўзлар:** истеъмолчи, шартнома, ҳуқуқий ҳимоя воситалари, товар, иш, хизмат, зарарни коплаш, деликт, жавобгарлик, ҳуқуқий механизм.

**БАБАЕВ Джахонгир Исмаилбекович**

Доцент кафедраси Гражданского права  
Ташкентского государственного юридического университета,  
кандидат юридических наук, доцент  
E-mail: jahongirbabaev76@mail.ru

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются виды гражданско-правовых договоров заключаемых между контрагентами. Такие ожидания основаны на правовых отношениях между контрагентами, доверии в их отношениях и ответственном подходе к обязательствам. Также, автором статьи особо отмечено, при соблюдении условий договора, а также при полном и надлежащем ее исполнении, договорные отношения будут выполнены без недостатков и завершатся без споров или возражений. Автором рассматриваются положения о важности создания целостной и комплексной системы средств правовой защиты прав потребителей при нарушениях условий договоров купли-продажи

товаров, выполнения работ и оказания услуг, обеспечения взаимосвязанности и слаженности механизмов различных институтов гражданского права.

**Ключевые слова:** потребитель, договор, средства правовой защиты, товар, работа, услуга, компенсация убытков, деликт, ответственность, правовой механизм.

**BABAEV Jakhongir**

Associate Professor at the Department of Civil Law of Tashkent State University of Law,  
Candidate of Legal Sciences, Associate Professor  
E-mail: jahongirbabaev76@mail.ru

## PROBLEMS OF PROTECTING CONSUMER RIGHTS IN BREACH OF AGREEMENTS WITH THEM

### ANNOTATION

The article analyzes the types of civil contracts concluded between contractors. Such expectations are based on legal relations between counterparties, trust in their relations and a responsible approach to obligations. Also, the author of the article emphasized that if the terms of the contract are met, as well as if it is fully and properly executed, the contractual relations will be fulfilled without defects and will end without disputes or objections. The author considers the provisions on the importance of creating a holistic and comprehensive system of legal protection of consumer rights in case of violations of the terms of contracts for the purchase and sale of goods, performance of works and provision of services, ensuring the interconnectedness and coherence of mechanisms of various civil law institutions.

**Keywords:** consumer, contract, remedies, goods, work, service, compensation for losses, tort, responsibility, legal mechanism.

Таъкидлаш ўринлики, фуқаролик шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда иштирокчилар ўз хоҳиши ва манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар. Шу боис қоида тарихида шартномаларга риоя этилиши лозимлиги англашилади. Бироқ амалда ҳар доим ҳам шартномаларга риоя этилавермайди ва оқибатда кўп ҳолатларда шартномаларнинг бузилиши кузатилади [23, Б.56]. Бу ўз навбатида умумий иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиш билан бирга истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига ва уларнинг қонуний манфаатларига путур етиши ва алаоқибат истеъмолчиларга зарар етказилишига олиб келади.

Истеъмолчи иштирокидаги шартномаларда ҳам ишлаб чиқарувчилар, сотувчи (пудратчи ёки ижрочи)лар зиммаларидаги мажбуриятни белгиланган шартлар ва талаблар асосида бажариши орқали истеъмолчининг шахсий, уй-рўзғор ва тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган ўзга эҳтиёжлари таъминланади. Масалан, чакана олди-сотди шартномасида сотувчи харидорга шартномада келишилганидек белгиланган сифатдаги, ассортиментдаги ва бошқа мезонлар ва талабларга мос келадиган даражадаги товарни топшириш мажбуриятини олади. Бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги эса истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилишига ва унга зарар етказилишига олиб келади.

Цивилистик тафаккурнинг бугунги даражасидан маълумки, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг тузилиш мақсадига кўра, мол-мулкни бегоналаштиришга оид, мол-мулкдан вақтинча фойдаланишга оид, иш бажаришга оид ва хизмат кўрсатишга оид шартномалар гуруҳига жамланади. Ушбу шартнома гуруҳларнинг барчасида истеъмолчи иштирокига оид бўлган шартнома мавжуд. Жумладан, мулкни бегоналаштиришга оид шартномалар гуруҳида чакана олди-сотди шартномаси, мулкдан вақтинчалик фойдаланиш шартномалари гуруҳида прокат шартномаси, иш бажариш шартномалари гуруҳида маиший пудрат шартномаси, хизмат кўрсатиш шартномалари гуруҳида эса фуқаро иштирокидаги деярли барча шартномалар “истеъмолчи шартномалари” сифатида эътироф этилади. Шу боис ушбу шартномаларда шартноманинг бузилиши ҳолатлари ва асослари бир қадар фарқланиши мумкин. Бироқ барча ҳолатларда ҳам ушбу шартномаларни бирлаштириб турувчи асосий жиҳат уларнинг “оммавий шартнома” қоидасига

бўйсундирилганлиги саналади. ФКнинг 358-моддасида назарда тутилган “оммавий шартнома”ни бугунги замонвий талқинда “истеъмолчи шартномаси” дея эътироф этишни таклиф этган ҳолда, ушбу шартнома шартларига риоя этмаслик ҳолати натижасида истеъмолчига зарар етказилиши факти ҳали шартнома тузилмасидан олдин ҳам вужудга келишини қайд этиш ўринли. Хусусан, шартнома тузишни таклиф этаётган ташкилотнинг оммавий шартнома тузишда бир шахсни иккинчи шахсдан афзал кўришга ҳақли эмаслиги қондасини бузиш иккинчи шахс томонидан ўзига етказилган зарар қоплашини талаб қилиш учун асос бўлиши мумкин. Сабаби шундаки, бу ҳолатда иккинчи шахсга нафақат моддий зарар, балки маънавий зиён етказилиши ва истеъмолчи сифатида у ушбу зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли саналади.

Оммавий шартномани тузиш жараёни билан боғлиқ истеъмолчи ҳуқуқлари бузилишининг яна бир жиҳати шартнома тузишдан бош тортишга йўл қўйилмаслиги билан боғлиқдир. Бу ҳолатга нисбатан ФКнинг 377-моддаси еттинчи қисмида белгиланганидек, оммавий шартнома тузишдан асосиз бош тортганлик учун етказилган зарарни қоплаш назарда тутилган. Масалан, маиший техника жиҳозлари билан савдо қилаётган дўкон 5 миллион сўмлик товарни истеъмолчига сотишдан бош тортди ва оқибатда шу товар дўконда тугаб қолди. Бу туркумдаги товарлар бошқа дўконда 6 миллион сўмга сотилаётган бўлса, истеъмолчи шартномадан асосиз бош тортган дўкондан орадаги фарқни ўзига етказилган зарар суммаси сифатида талаб қилишга ҳақли саналади.

Чакана олди-сотди шартномасини бузилиши деганда, умумий қондадан келиб чиқиб, тарафларнинг шартнома шартларига риоя қилмаслиги, зиммасидаги мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги тушунилади. Масалан, сотувчининг сифати лозим даражада бўлмаган товарни сотиши натижасида сотиб олувчининг субъектив ҳуқуқлари бузилади, яъни сотиб олувчининг чакана олди-сотди шартномаси бўйича сифатли товарни олишга бўлган ҳуқуқи поймол этилади [19, Б.13].

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам шартномаларнинг бузилиши мажбурият ҳуқуқининг муҳим таркибий қисмларидан бир саналади ҳамда кредитор ҳуқуқларини таъминлашда инобатга олинмаган ва уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишига таъсир кўрсатадиган ҳуқуқий воқеълик сифатида кўрилади. Жумладан, Германияда [3, Б.1-81; 22, Б.56-60; 26, Б. 10] 2001 йилда, Францияда [18] 2018 йилда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Айни пайтда шундай тажриба Россия Федерациясида [25, 27, 15, Б.9-16. 17, 13, 14] ҳам амалга оширилганлигига эътибор қаратиш ўринли. Ушбу давлатларда шартнома бузилишини аниқлаш ва талқин этиш анъанавий доктриналарда кўп бора баҳс-мунозаранинг предметида айланган. Германия ва Франциянинг тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, бу мамлакатларда анъанавий ёндашувларни ўзгартириш тенденцияси кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг натижалари эътироф этилмоқда. Тадқиқотчилар қайд этишича, илгари ҳуқуқий тизимлар таъсири аниқ чегараланган бўлса, бугунги кунда миллий қонунчиқарувчилар самарали ечимларни топиш учун нисбатан яқин ҳуқуқий тартиботлар билан чекланмасдан, хорижий ҳуқуққа мурожаат қилмоқдалар. Жумладан, Германия мажбурият ҳуқуқини ислох қилишда шартномавий жавобгарликнинг объектив асоси сифатида шартноманинг бузилиш қоидалари ўзгартиришларга учради. Аввал бошданок Германия Гражданлик Тузуқлари (ГТТ) ҳуқуқбузарлик турига боғлиқ ҳолда таснифланган ҳуқуқбузарлик таркибининг кўплигидан келиб чиққан<sup>6</sup>.

Эндиликда хусусий ҳуқуқни унификация қилишга оид халқаро ҳужжатларга мувофиқ, илгари мавжуд бўлган шартномани бажаришнинг мумкин эмаслиги, кечиктирилиши ва шартномани “ижобий” бузилишини умумлаштирувчи ягона ҳуқуқбузарлик таркиби киритилди. Шунга қарамасдан, муайян маънода бундай шартнома бузилишини таснифлаш ҳолати сақланиб қолинган, чунки ГТТнинг 280-§ ҳамда 282, 283 ва 286-§лари ҳар бир ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий ҳимоя воситасини қўллашнинг қўшимча шартномаларини назарда тутади.

Таъкидлаш лозимки, ГТТ 280-§ ҳуқуқ бузилишининг деярли барча ҳолатларда ҳимоя воситасини қўллаш учун асос ҳисобланади, бироқ ГТТнинг бошқа параграфларида ҳам жавобгарлик асоси бўлиб хизмат қиладиган нормалар мавжуд. ГТТ мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмида 280-§дан ташқари, 311а-§ ҳам мавжуд бўлиб, унда мажбуриятни ижро этишнинг мумкин эмаслиги

<sup>6</sup> Германия доктринасида Х.Штол (*Stoll, Heinrich. Die Lehre von den Leistungsstörungen. 1936*) томонидан киритилган мажбуриятни бажариш муайян сабабларга кўра амалга оширилмаган ёки лозим даражада амалга оширилмаганлик ҳолатини ифодаловчи “Leistungsstörung” (бажаришнинг бузилиши) термини фойдаланилади.

аввалданоқ маълум бўлган ҳолларда ҳимоя воситасини қўллаш асослари белгиланади. Гап шундаки, Германияда бу борада амалга оширилган ислоҳотдан кейин аввалданоқ ижро этишнинг мумкин эмаслиги битимни ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос ҳисобланмайдиган бўлди.

Бундан ташқари, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида етказилган зарарни қоплаш ва шартномадан воз кечиш каби ҳимоя воситаларини қўллаш учун ягона асос жорий этилди. Мазкур икки ҳимоя воситасини қўллашга оид тегишли нормалар (280-§ ва кейингилари ҳамда 323-§ ва кейингилари) амалда бир-бирини сўзма-сўз такрорлайди. ГТнинг 325-§да қонун чиқарувчи ушбу ҳимоя воситалари бир-бирини инкор этмаслиги ва уларни бир пайтда қўллаш мумкинлигини белгилайди (ислоҳотдан олдин бунга йўл қўйилмас эди).

ГТда жавобгарлик масалалари тартибга солинадиган нормалар жамланмасини ажратиш мумкин. Хусусан, умумий қисмда бундай жамланмага 275-304, 320-326-§лар ва муайян маънода 311 II, III, 311a, 313, 314-§лар киради. Бироқ кўрсатиб ўтилган ҳимоя воситалар ва уларни қўллаш шартларини мажбурият ҳуқуқининг махсус қисмидаги шартномаларнинг муайян турларига оид бўлимларида (масалан, олди-сотди шартномасига нисбатан 434-§ ва кейингилари) учратишимиз мумкин.

Бу ҳолатда 275-§ ва кейингилари эътиборга молик бўлиб, уларда мажбуриятни ижро қилиш (Leistung)да ижро этилаётган мажбурият бошқа бир мажбуриятнинг қисми эканлиги эътиборга олинмайди[6, Б.583-584]. Айни пайтда 320-§ “Икки томонлама” шартнома деб номланадиган титул (бўлим)да жойлашган ва унда иккинчи томондан амалга ошириладиган ижронинг тақдири ҳал этилган. Кўп ҳолатларда эса бу қоидага нисбатан шартномадан воз кечиш ҳуқуқий қўлланилиши назарда тутилган<sup>7</sup>. 311a, 313 ва 314-§ нормалари ГТга ислоҳот натижасида киритилди ва аввалдан бажариш мумкин эмаслигига (эндиликда битимнинг ҳақиқий эмаслигига таъсир кўрсатмайди), битим асослари мавжуд эмаслигига (Störung der Geschäftsgrundlage) ва муҳим асослар бўйича узоқ муддатли шартномаларнинг бекор бўлишига (Kündigung von Dauerschuldverhältnissen aus wichtigem Grund) [5, Б.571] тааллуқлидир. Ҳуқуқий ҳимоя воситаси, яъни етказилган зарарни қоплаш чорасини қўллаш учун алоҳида асослар мажбурият ҳуқуқининг махсус қисмида ҳам назарда тутилган. Хусусан, 651-652-§лар туристик хизмат кўрсатиш шартномаси шартларини бузиб, истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг мустақил асосларини белгилайди.

Бундан ташқари, Германия мажбурият ҳуқуқи бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижаси бўлиб ҳуқуқий ҳимоя воситаларни тартибга солишга урғу берилганлиги ҳисобланади. Ушбу гуруҳга оид янгиликларни ислоҳ қилинган ГТда судлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти доирасида ишлаб чиқилган ва герман ҳуқуқ тизимининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайдиган қоидалар ташкил этади (масалан, ГТнинг 241-§ 2-хатбошисида муҳофазаловчи мажбуриятлар (Schutzpflichten) деб аталадиган қоидаларнинг киритилиши ва уларни бузилиши натижасида вужудга келадиган масалаларни тартибга солишга қаратилган қоидаларнинг 282-§ ифодаланиши).

Таъкидлаш жоизки, шартнома бузилишининг ҳуқуқий оқибатлари шартномавий жавобгарлик чоралари билан чекланиб қолмайди. Кенг маънода шартнома бузилганда ҳуқуқий ҳимоя воситалари тўғрисида сўз юритиш ўринлидир ва бу воситалар хорижий ҳуқуқ фанида умумий воситалар сифатида эътироф этилади ҳамда қуйидагиларни қамраб олади: етказилган зарарни қоплаш ва неустойкани ундириш билан бирга шартномани бир томонлама бекор қилиш, мажбуриятни реал бажаришни талаб қилиш, синаллагматик шартномаларда мажбуриятни бажаришни тўхтатиш ва ундан воз кечиш (exceptio non adimpleti contractus), пул мажбуриятларида йиллик фоизлар ва нархни камайтириш.

Европа хусусий ҳуқуқи ривожланиши анъаналаридан бири ҳуқуқий ҳимоя воситаларига нисбатан комплекс ёндашув ҳисобланади. Бунда “ҳуқуқий ҳимоя воситалари” постсовет мамлакатларида қўлланиладиган “жавобгарлик чораси” тушунчасига қараганда кенгрокдир<sup>8</sup>. Шу боис кенг маънода бундай вазиятларда шартномавий жавобгарлик тўғрисидаги масала эмас, балки шартномавий жавобгарлик муаммоси ва шу билан боғлиқ ҳуқуқий ҳимоя чораларини

<sup>7</sup> Бу қоидадан истисно 326-§ 1-хатбошиси ҳисобланади ва бунда мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаганда шартномадан воз кечиша зарурат йўқлиги белгиланган.

<sup>8</sup> “Ҳуқуқий ҳимоя воситалари” термини англо-америка ҳуқуқ тизимида шаклланган бўлиб, миллий фуқаролик ҳуқуқида бу “ҳимоя чоралари” тшунчасига яқин ҳисобланади. Айни пайтда ФКнинг 11-моддасида “фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари” санаб ўтилган бўлиб, фикримизча, бу моддада келтирилган чоралар ва категорияларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, уларни “ҳуқуқий ҳимоя воситалари” деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

(инглиз тилида Breach of Contract and Remedies сифатида ифодаланади) қўллаш имконияти кўриб чиқилиши лозим. Бундай ёндашув, умумий ҳуқуқ оиласи мамлакатларига хос бўлиб, у қуйидаги унификациялашган хусусий-ҳуқуқий ҳужжатлар: БМТнинг Товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги Вена конвенцияси, Халқаро тижорат шартномалари принциплари – УНИДРУА, шунингдек Европа шартнома ҳуқуқи принципларида ўз ифодасини топган.

Айни пайтда ҳуқуқий доктрина муҳим ўрин тутадиган континентал ҳуқуқ тизими учун бошқа ҳуқуқий ҳимоя чораларидан жавобгарлик чорасини ажратиш хусусияти хосдир. Агар миллий цивилистик доктринада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик нафақат мажбурият ҳуқуқининг, балки фуқаролик ҳуқуқи умумий қисмининг институти эканлиги борасида фикрлар билдирилган [21, Б.143-157] ва ФК тизимидаги тегишли нормалар қоидаларини ўзгартириш таклифи [14, Б.14-16] илгари сурилган бўлса, француз адабиётларида аксинча, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка нисбатан ягона институт сифатидаги анъанавий ёндашув танқид этилади ва бунда умумий концепцияни шакллантиришда деликт жавобгарлигининг устуворлиги шартномавий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш имконини бермайди [7, Б.1-26; 1, Б. 399-432]. Германияда эса шартномавий мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликни шартнома ҳуқуқининг умумий қисмида эмас, балки шартнома ҳуқуқининг умумий қоидаларида акс эттириш таклифи этилган [4, Б.70].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган шартномавий жавобгарликнинг фуқаролик ҳуқуқида тутган ўрни борасида айрим ёндашувлар мавжуд. Биринчидан:

- шартномавий жавобгарликни фуқаролик ҳуқуқи умумий қисмининг институти ҳисобланган умумий фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасининг бир қисми сифатида эътироф этиш;
- жавобгарлик шартлари ва асоси алоҳида тартибга солинадиган, зарарни қоплаш тўғрисидаги қоидалар умумий қисмга ўтказиладиган табақалаштирилган ёндашув;
- шартномавий жавобгарликни ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа воситаларидан ажратмаслик, бунда шартноманинг бузилиши ва унинг оқибатларини комплекс тартибга солиш.

Таъкидлаш лозимки, жавобгарлик турли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар бузилишдан юзага келади [2, Б.2]. Шунга қарамасдан шартномавий жавобгарликнинг режими ҳар бир ҳолатда турлича бўлиши мумкин. Турли ҳуқуқий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий ҳимоя воситалари турли гуруҳларга ажратилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Мазкур воситалари доктринал умумлаштиришга уриниш уларнинг ҳуқуқий режимини аралашиб кетишига олиб келмаслиги лозим. Бу борада француз юристлари мазкур муаммо билан бевосита тўқнаш келганлар ва бу борада қизгин мунозаралар бўлиб ўтган [24].

Ўзбекистонда шартномавий-ҳуқуқий жавобгарликни нафақат соҳавий, балки ҳуқуқнинг умумий назарияси нуқтаи назаридан умумлаштиришга доктринал интилиш турли эътирозларга сабаб бўлди ва бунда ягона назария доирасидан четга чиқадиган шартномавий жавобгарликнинг хусусиятлари эътибордан четда қолди [20, Б.16-17].

Иккинчидан, амалда сўз фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий тушунчаси тўғрисида эмас, балки жавобгарликнинг умумий чораси – зарарни қоплаш хусусида бормоғи зарур. Ҳуқуқий ҳимоянинг мазкур воситаси ҳар қандай субъектив фуқаролик ҳуқуқи бузилганида қўллаш учун яроқли бўлган универсал чора саналади. Бу нормал тартибга солинадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш зарурати юзага келганда компенсациялашда табиий равишда ўзгариш жараёни рўй беради. Шу жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқи доирасида мулкӣ (биринчи навбатда пулли) компенсация мақбул чора саналади ва бу чора фуқароликнинг предмети ва методи нуқтаи назаридан ҳам ўринлидир. ФКнинг 14-моддаси зарарни қоплашга оид белгиланган нормалар фикримизнинг далилидир. Зеро, зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал усули [29, Б.45] сифатида деярли барча ҳуқуқ бузилиши ҳолатида қўлланилиши мумкин.

Германия ҳуқуқида “зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи” (“Schadenersatzrecht”) деб номланадиган ГГТнинг 249-§дан бошлаб бир қатор нормалар белгиланган. ФКдан фарқли равишда зарарни қоплашга оид қоидалар ГГТнинг умумий қоидалар бўлимида эмас, балки мажбуриятларнинг умумий қоидалар қисмида назарда тутилган. Шунга қарамасдан, бу қоидаларнинг аҳамияти фақат мажбурият ҳуқуқи соҳаси билан белгиланиб қолмайди. Зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқининг норматив асоси бўлган ГГТнинг 249-255-параграфлари шартномалар ва деликтдан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан ҳам қўлланилади (гарчи деликт мажбуриятларида зарарни қоплашни талаб қилиш учун қўшимча асослар “йўл қўйилмаган ҳаракатлар (Unerlaubte

Handlungen)” бўлимида ҳам мавжуд бўлсада). Қолаверса, ушбу нормаларнинг қўлланилиши ГГТ билан тартибга солинадиган муносабатлар билан чекланиб қолмайди. Мазкур нормалар Германия Савдо тузуклари, шунингдек махсус қонунларнинг тартибга солиш доирасида ҳам амал қилади. Бундан ташқари, ушбу қоидалар нафақат мажбуриятларга, балки ашъвий ва корпоратив ҳуқуқ соҳасида ҳам қўлланилади. Мазкур жиҳатлар асосида Д.Медикус зарарни қоплаш тўғрисидаги қоидалар, ўзининг моҳиятига кўра мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмида эмас, балки ГГТнинг умумий қоидаларида ёки алоҳида умумий қонунда тартибга солиниши лозимлиги хусусида хулосага келади [6, Б.583-584].

Франция ГК институциявий тизим бўйича қурилган ва унда умумий қисм мавжуд эмас. Бироқ доктринал манбаларда айрим ҳолатларда икки қисм ажратилади: жавобгарлик шартлари ва жавобгарликни амалга ошириш [9, 10].

Ушбу вазиятдаги мантиқ тушунарли бўлиб, дастлаб қарздорни жавобгарликка тортиш мумкинлиги масаласини аниқлаш ва бунинг учун барча зарур шартлар мавжудлиги аниқланиши лозим. Агар биринчи саволга ишончли жавоб мавжуд бўлмаса, унда қарздор айнан қайси доирада жавобгар бўлиши аниқланиши, яъни айнан қайси зарарларни у қоплаши лозимлиги белгиланиши зарур. Ушбу мантиқ умумий ҳуқуқ оиласида ҳам мавжуд бўлиб, унда жавобгарлик (“liability”) ва зарарлар (“damages”) тушунчаси фарқланади. А.С.Комаровнинг фикрича, агар биринчи ҳолатда ҳуқуқбузилиш ҳолати (шартноманинг бузилиши ёки деликт шаклида) мавжудлиги аниқланса ва етказилган зарар тури (жисмоний, мулкӣ, маънавий) белгиланса, иккинчи ҳолатда етказилган зарар ҳажми, уни қоплашнинг юридик имконияти, шунингдек ушбу зарар учун пул компенсациясининг миқдори аниқланади [16, Б.38]. Шунингдек, Германия ҳуқуқида “Leistungsstoerungsrecht” ажратиладики, бу ҳолатда ҳимоя воситаси ва зарарни қоплаш масалалари тартибга солинадиган “Schadensersatzrecht”ни қўллаш асослари хусусида гап боради.

“Schadensersatzrecht” (зарарни қоплаш таомилларини тартибга соладиган 249-§ нормалари) ва “Leistungsstoerungsrecht” (ҳимоя воситаларини қўллаш учун зарур бўлган шартларни тартибга солувчи 275-§ нормалари) ўртасидаги чегарани белгилайдиган ГГТдан фарқли равишда, ФК мазкур тушунчаларни бир-биридан ажратмайди. Масалан, ФКнинг 324-моддаси ГГТнинг 280-§га функционал жиҳатдан мос келадиган нормаларни ифодалайди, унга кўра мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик етказилган зарарни қоплашнинг умумий асоси ҳисобланади. Айни пайтда ФКнинг 324-моддаси иккинчи қисми зарарларни қоплашда инobatга олинадиган нархларни белгилайди, Германия ҳуқуқи нуқтаи назаридан эса бу ҳолатда мутлақ бошқа соҳага, яъни зарарни қоплаш тартибини белгилайдиган Schadensersatzrecht соҳасига тааллуқлидир. Фикримизча, умумий қисмда нафақат зарарни қоплаш ҳақидаги қоидаларни, балки кенг маънода ҳуқуқӣ ҳимоя воситаларини ҳам киритиш мумкин. Хусусан, ФКнинг 11-моддасида санаб ўтилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларининг тушунчаларини очиб бериш мақсадга мувофиқ.

Ҳимоя воситаларини қўллаш асослари хусусида шуни айтиш мумкинки, уларни қўллаш учун ҳам субъектив фуқаролик ҳуқуқларини бузилиши умумий асос ҳисобланади [11, Б.569]. Бироқ бундай умумий асос табақалаштиришга муҳтож ҳисобланади ва бунда тегишли муносабатларнинг хусусиятлари инobatга олиниши лозим бўлади. Шу боис тегишли шартнома бузилишларини ҳуқуқӣ ҳимоя воситалар билан “боғланиши” умумий қисмидан ташқари доирада амалга оширилади. ФКнинг 11-моддаси иккинчи қисмида фуқаролик ҳуқуқлари бошқа усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши назарда тутилган. Жумладан, мулк ҳуқуқи бузилишини виндикация усулида ҳимоя қилишга оид қоидалар ФКнинг 228-моддасида белгиланган. Шу жиҳатдан мажбурият ҳуқуқи доирасида ҳимоя воситаларини қўллаш шартлари тўғрисидаги нормалар ҳам ўз ифодасини топган.

Бироқ бу ўринда фуқаролик ва деликт жавобгарликни аралаштириб юбормаслик лозим, чунки уларни юз бериши шартлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу шартларни умумий қолипга солиш мумкин эмас. Шу сабабли ФКнинг 24-боби қоидаларини 57-боби томонидан тартибга солинадиган муносабатларга татбиқ этилишини, жавобгарликнинг асослари ва шартларига оид эканлигини англамаслиги лозим. Бу ҳолат ФКнинг 24 ва 57-боблари номланиши: “мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик” (шартномалар ёки бир томонлама битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар) ва “етказилган зарар учун жавобгарлик” (зарар етказилгунича қарздор ва кредитор ўртасидаги ҳуқуқӣ муносабат вужудга келмайди ёки қонун томонидан эътибор берилмайди). Ҳуқуқӣ ҳимоя воситаларининг бошқа турлари юзасидан айтиш мумкинки, уларнинг айримлари



универсал бўлиб, ҳар қандай ҳуқуқ бузиллишида қўлланилиши мумкин бўлса, бошқалар фақатгина муайян соҳаларда татбиқ этилишига мўлжалланган [12, Б.8].

Шунга қарамадан субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бузилганида айрим ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш учун умумий асослар ҳам мавжудлигига эътибор қаратиш мумкин (ФКнинг 14-моддаси). Бироқ шу ўринда эътибор қаратиш лозимки, мазкур умумий асосларни тегишли муносабатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш мақсадида фуқаролик ҳуқуқи умумий қисми доирасида аниқлаштириш лозим бўлади.

Учинчидан, шартноманинг бузилиш ҳолатини тартибга солиш учун хусусий-ҳуқуқ нормаларини унификациялаштириш зарур. Бу ўринда сўз муайян қўлайликлар яратишга қаратилган юридик техника хусусида кетмоқда. Ҳуқуқий ҳимоя воситалари ва уларни қўллаш шартлари тўғрисидаги қоидалар гуруҳланганлиги шартнома бузилиш ҳолатларида кредитор фойдаланиши мумкин бўлган барча воситалар мажмуини англаш имконини беради. Жавобгарлик чоралари эса алоҳида ажратилмайдиган ҳуқуқий ҳимоя воситалари категорияларидан бири саналади ҳолос. Хусусан, Европа шартнома ҳуқуқи принципларининг “Бажармаслик ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари тўғрисидаги умумий қоидалар” номли 8-бобида шартномани бузилиш ҳолатларида ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш шартлари, шунингдек уларнинг бир-бири билан уйғунлиги тартибга солинган. Айни пайтда 9-боб ҳуқуқий ҳимоя воситаларига бағишланган ва у фақат жавобгарлик чоралари билан чекланмайди. Унда мажбуриятни натура ҳолида ижро этилишига нисбатан ҳуқуқ, тузук тараф томонидан синаллагматик шартнома (*exceptio non adimpleti contractus*)ни бажариш, шартномани бекор қилиш, баҳони пасайтириши ва ниҳоят зиёнлар ва фоизларни тўхтатиш имконини комплекс тартибга солади.

Халқаро тижорат шартномаси принциплари – УНИДРУАнинг 7-боби шартномани реал бажариш, бекор қилиш ва зиённи қоплаш каби ҳуқуқий ҳимоя воситаларига бағишланган бўлимларни ўзида ифодалайди. Товарлар халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги халқаро Вена конвенцияси ҳам алоҳида жавобгарлик чораларини ажратмаган ҳолда, сотувчи ва сотиб олувчини ҳимоя қилиш воситаларини комплекс тартибга солади. Юқорида санаб ўтилган барча воситалар у ёки бу даражада миллий ҳуқуқ тизимларида амал қилади. Шунга қарамадан миллий қонунчиликда фақат жавобгарликка оид нормалар муайян маънода тизимлаштирилган ҳолда ҳимоя воситаларининг бошқа турлари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнида “сочиби” ташланган. Бу айрим олимлар томонидан қитъа ҳуқуқ тизимида ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ифодалаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва уларни комплекс тартибга солишга ўтиш борасида фикрлар билдиришга асос бўлмоқда [8, Б.133-134].

ФКда мажбурият ҳуқуқининг умумий бўлими 24-боби тизимли қоидалари ундаги барча нормаларни мажбуриятларнинг алоҳида турларига нисбатан қўлланилишини назарда тутди. Бироқ мазкур қоидалар асосан шартномани бузиш оқибатларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни барча соҳалари ва турларини қамраб олмайди. Ушбу бобнинг номланиш таҳлили ва алоҳида нормаларининг мазмуни шундан гувоҳлик беради. Чунки деликт жавобгарлигини тартибга солиш ФКнинг 57-боби нормалари доирасида амалга оширилади. Шу боис ГКнинг 24-боби қоидалари деликт мажбуриятларига қўлланилиши масаласи баҳслидир. Айрим нормалар эса айнан шартномавий ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг уйғунлигини ифодалайди (масалан, ФКнинг 325, 330-моддалари). Фикримизча, универсал тусдаги ушбу нормаларни мажбуриятларнинг барча турларга мослаштириш зарурати юзага келади. Ушбу бобда ифодаланган айб тушунчаси деликт ҳуқуқий муносабатга нисбатан тўлиқ қўлланилиши учун “мажбурият” сўзини “мажбурилик” сўзига алмаштириш таклиф этилади, чунки зарар етказилиш пайтига қадар мажбурият ҳуқуқий муносабати юзага келмайди, балки мутлақ ҳуқуқий муносабат доирасида умумҳуқуқий мажбурият мавжуд.

Шу билан бирга, ФКнинг мажбурият ҳуқуқига оид умумий қоидалар қисмидаги умумий қоидалар, жумладан 20-бобнинг нормалари деликт мажбуриятларга нисбатан қўлланилишига оид аниқлаштирувчи қоидалар мавжуд эмаслиги ҳам, ФКнинг мажбурият ҳуқуқига оид қоидалари ўртасидаги ички зиддиятлар борлигини ҳамда улар ўртасида уйғунлик ва ўзаро мувофиқлик йўқлигини кўрсатади. Бу ҳолат айниқса мажбурият ҳуқуқига оид умумий қоидалар, хусусан, ФКнинг III-бўлими (Мажбурият ҳуқуқи) 1-кичик бўлими (Мажбуриятлар тўғрисида умумий қоидалар) нормаларининг барча турдаги мажбуриятларга (деликт мажбуриятлар, асосиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, бир томонлама ҳаракатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар)га қўлланилиши масаласи бўйича тегишли кўрсатма мавжуд эмас. Мазкур бўшлиқни

ҳал этиш мақсадида ФКга “мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидаларнинг қўлланилиши” га оид моддани киритиш зарур (бундай нормалар Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 307.1-моддасида назарда тутилган). Фикримизча, бундай қоидалар ФКнинг “Мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидаларнинг қўлланилиши” номли 234<sup>1</sup>-модда сифатида қуйидаги таҳрирда белгиланиши зарур:

Агар ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда ифодаланган шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисидаги қоидаларда бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар (шартномавий мажбуриятлар)га нисбатан мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу кичик бўлим) қўлланилади, бундай махсус қоидалар мавжуд бўлмаганида шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади (2-кичик бўлим).

Агар ушбу Кодекснинг 57 ва 58-бобларида тегишинча бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса ёки тегишли муносабатнинг моҳиятидан бошқа маъно келиб чиқмаса, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва асосиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу кичик бўлим) қўлланилади.

Ушбу Кодекс, бошқа қонунларда бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса ёки тегишли муносабатнинг моҳиятидан бошқа маъно англашилмаса, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу кичик бўлим):

- 1) корпоратив муносабатлардан келиб чиққан (4-боб);
- 2) битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш билан боғлиқ талабларга нисбатан қўлланилади (4-кичик бўлим 9-боб 2-параграф).

#### Иктибослар/Сноски/References:

1. Aubry, Hélène. L'influence du droit communautaire sur le droit français des contrats. Presses Universitaires d'Aix-Marseille. Faculté de Droit et de Science politique. 2002. p. 399-432. // URL: <https://presses-universitaires.univ-amu.fr/linfluence-du-droit-communautaire-droit-francais-contrats>

2. Fuqarolik huquqi. I-qism / Mualliflar jamoasi. – Toshkent: TDYUU, 2017. – 235 b. // URL: <http://files.tsul.uz/student/10.pdf>

3. Gesetz zur Modernisierung des Schuldrechts vom 26.11.2001 (BGB1 2001 13138)//URL: [https://www.bgbl.de/xaver/bgbl/start.xav?start=%2F%2F\\*%5B%40attr\\_id%3D%27bgbl101s3138.pdf%27%5D#\\_bgbl\\_%2F%2F\\*%5B%40attr\\_id%3D%27bgbl101s3138.pdf%27%5D\\_1609248025954](https://www.bgbl.de/xaver/bgbl/start.xav?start=%2F%2F*%5B%40attr_id%3D%27bgbl101s3138.pdf%27%5D#_bgbl_%2F%2F*%5B%40attr_id%3D%27bgbl101s3138.pdf%27%5D_1609248025954)

4. Magnus, Ulrich. Der Tatbestand der Pflichtverletzung, in: Reiner Schulze, Hans Schulze-Noelke. Die Schuldrechtsreform vor dem Hintergrund des Gemeinschaftsrechts. – 1. Auflage. – Tübingen: Mohr Siebek, 2001. S. 70.

5. Medicus, Dieter. Die Leistungsstörungen im neuen Schuldrecht. Juristische Schulung. Juni 2003. Heft 6. S.521. // URL: <https://www.juris.de/jportal/prev/SBLU129120300>

6. Medicus, Dieter. Schuldrecht I. Allgemeiner Teil. Ein Studienbuch. 14., neubearbeitete Auflage. München: Verlag C.H. Beck. 2003 (цит. Medicus. Schuldrecht AT). S. 273. Rz. 583-584. // URL: [https://www.amazon.de/Schuldrecht-I-Allgemeiner-Dieter-Medicus/dp/3406667368/ref=pd\\_sbs\\_1?pd\\_rd\\_w=gW5W8&pf\\_rd\\_p=17269923-e95e-42b2-b8e1-f208b58f5815&pf\\_rd\\_r=5KJ5YC8TC2356RVBRQPD&pd\\_rd\\_r=8bcc0d3b-b47e-4a9c-86b3-183dbc6ec9c7&pd\\_rd\\_wg=JUvv0&pd\\_rd\\_i=3406667368&ppsc=1](https://www.amazon.de/Schuldrecht-I-Allgemeiner-Dieter-Medicus/dp/3406667368/ref=pd_sbs_1?pd_rd_w=gW5W8&pf_rd_p=17269923-e95e-42b2-b8e1-f208b58f5815&pf_rd_r=5KJ5YC8TC2356RVBRQPD&pd_rd_r=8bcc0d3b-b47e-4a9c-86b3-183dbc6ec9c7&pd_rd_wg=JUvv0&pd_rd_i=3406667368&ppsc=1)

7. Savaux, Eric. La fin de la responsabilité contractuelle?// RTD civ. (1) janv.-mars 1999. p.p. 1-26 // URL: <https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-02246755>

8. Tallon, Denis. L'inexécution du contrat: pour une autre présentation// Revue trimestrielle de droit civil.(цит. RTD civ.) (2) avr.-juin 1994. P.233 et suiv. //

9. Viney, Geneviève. La responsabilité. Vol. 1.Conditions. 1982. Vol 2. Effets. 1988 (см. также более поздние переиздания), in Traité de droit civil sous la direction de Jacques Ghestin. Paris : L.G.D.J. // URL: <https://www.lgdj.fr/introduction-a-la-responsabilite-9782275045368.html>

10. Zimmermann, Reinhard. Remedies for Non-performance. The revised German law of obligations, viewed against the background of the Principles of European Contract Law// Edinburgh Law Review. Vol. 6.2002. pp. 271-314. // URL: <https://www.eupublishing.com/doi/abs/10.3366/elr.2002.6.3.271>

11. Брагинский М.И. Витрянский В.В. Договорное право. Общие положения. М.: Статут. 1997.

С. 569 (автор главы – В.В. Витрянский). // URL: <https://may.alleng.org/d/jur/jur132.htm>

12. Витрянский В.В. Проблемы арбитражно-судебной защиты гражданских прав участников имущественного оборота: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. М.: Спарк. 1996. С. 8. // URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01000071867>

13. Витрянский В.В. Реформа российского гражданского законодательства: промежуточные итоги. 2-е изд., испр. и доп. М.: Статут, 2018.

14. Имомов Н.Ф., Меҳмонов Қ.М. Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш истикболлари (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг I-бўлими (1-163-моддалари)). Ахборот-таҳлилий материал. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б. 14-16.

15. Кирпичев А.Е. Система санкций за нарушение договора: меры ответственности, меры оперативного воздействия, расторжение договора и неюридические санкции // Законы России: опыт, анализ, практика. 2016. № 7. С. 9 - 16. // URL: <https://scholar.google.ru/citations?user=BgFQMp0AAAAJ&hl=ru>

16. Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. – М.: Юрид. лит. 1991. – С. 38. // URL: <https://naukaprava.ru/catalog/297/5561082/45721>

17. Кулаков В.В. Обязательственное право: учебное пособие. М.: РГУП, 2016. // URL: [https://biblioclub.ru/index.php?page=book\\_red&id=560874](https://biblioclub.ru/index.php?page=book_red&id=560874)

18. Мажбурият ҳуқуқини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Ордонансни тасдиқловчи (ўзгартишлар билан бирга) Қонун 2018 йил 1 октябрдан кучга кирган: La loi ratifiant l'ordonnance n° 2016-131 du 10 février 2016 portant réforme du droit des contrats, du régime général et de la preuve des obligations// *Journal officiel* du 21 avril 2018; Projet de reforme de la responsabilite civile.

19. Мустафаев Ш.Б. Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент: 2008. – 13 б.

20. Окюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. 1999. – №9. – Б. 16-17, 19.

21. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 143-157.

22. Синявская М.С. Вступительная статья и перевод новых положений Германского Гражданского Уложения// Ежегодник сравнительного права (под ред. Д.В. Дождева), – М.: Норма-Инфра М., 2002 г // URL: <https://www.dissercat.com/content/narushenie-dogovornogo-obyazatelstva-i-ego-pravovye-posledstviya-osnovnye-tendantsii-v-svete>

23. Синявская М.С. Ответственность за нарушение договора в российском и зарубежном праве // Пробелы в российском законодательстве. 2018. - №5. – 56 с. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otvetstvennost-za-narushenie-dogovora-v-rossiyskom-i-zarubezhnom-prave>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЯКУБОВА Ирода**

Исполняющий обязанности доцента кафедры «Права интеллектуальной собственности»  
Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор философии по юридическим наукам (Phd)  
E-mail: legislate16i@mail.ru

## ПОНИМАНИЕ КОЛЛЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ АВТОРСКИХ ПРАВ В ИСТОРИЧЕСКОМ КОНТЕКСТЕ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ЯКУБОВА И. ПОНИМАНИЕ КОЛЛЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ АВТОРСКИХ ПРАВ В ИСТОРИЧЕСКОМ КОНТЕКСТЕ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), С. 76-80.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-11>

### АННОТАЦИЯ

Затронуты вопросы, связанные с историей становления института защиты авторских прав, с разделением полномочий организаций по коллективному управлению, с функциями организаций и их видами, с отличием коллективного управления авторскими правами от такого понятия как представительство. Уделено внимание некоторым актуальным проблемам, связанным с совершенствованием данного института, международные стандарты защиты авторских прав и сравнительно-правовой анализ национального законодательства, а также мнения ученых Узбекистана и других разных стран. Были выдвинуты предложения и рекомендации, имеющие научное и практическое значение для национального законодательства в области авторского права.

**Ключевые слова:** авторские права, защищать авторские права в принудительном порядке, вознаграждение по авторским договорам, коллективное управление авторскими и смежными правами, публичное исполнение произведения.

**ЯКУБОВА Ирода**

Тошкент давлат юридик университети “Интеллектуал мулк ҳуқуқи”  
кафедраси доценти вази фасини бажарувчи,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)  
E-mail: legislate16i@mail.ru

## ТАРИХИЙ КОНТЕКСТДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРНИ ЖАМОАВИЙ БОШҚАРИШ ТУШУНЧАСИ

### АННОТАЦИЯ

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш институтини ташкил этиш тарихи, жамоавий бошқарув ташкилотларининг ваколатлари, функциялари ва уларнинг турлари, муаллифлик ҳуқуқини жамоавий бошқариш ва вакиллик тушунчаси ўртасидаги фарқ билан боғлиқ масалалар кўриб

чиқилади. Ушбу институтни такомиллаштириш билан боғлиқ айрим долзарб муаммоларга, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларига ва миллий қонунчиликнинг қиёсий ҳуқуқий таҳлилига, шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар олимларининг фикрларига эътибор қаратилган. Муаллифлик ҳуқуқини ривожлантириш учун илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

**Калит сўзлар:** муаллифлик ҳуқуқини амалга ошириш, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни жамоавий бошқариш, асарни омма олдида ижро этиш.

**YAKUBOVA Iroda**

Acting Associate Professor Department «Intellectual property law» of  
Tashkent State University of Law Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: legislate16i@mail.ru

## THE MEANING COLLECTIVE MANAGEMENT OF COPYRIGHT IN HISTORICAL CONTEXT

### ANNOTATION

The issues related to the history of the establishment of the institution of copyright protection, with the division of powers of collective management organizations, with the functions of organizations and their types, with the difference between collective management of copyright and such a concept as representation are touched upon. Attention is paid to some urgent problems related to the improvement of this institution, international standards for copyright protection and comparative legal analysis of national legislation, as well as the opinions of scientists from Uzbekistan and other different countries. Suggestions and recommendations were put forward of scientific and practical importance for national copyright law.

**Keywords:** copyright, to enforce copyright, royalty, copyright and related rights collective management, public performance or display of a work.

Для чего необходимо коллективное управление и на каких принципах оно должно строиться? Законодательство об авторском праве закрепляет за автором произведения исключительное право использовать произведение в любой форме и любым способом, исчерпывающим образом определяет допускаемые ограничения этого права, а также предусматривает механизм его осуществления, называя договор средством предоставления права использования произведения другим лицам и устанавливая требования в отношении того, каким этот договор должен быть. Если произведение охраняется авторским правом, то получить возможность его использования можно, заключив договор с автором или его правопреемником. Аналогичные правила действуют в отношении объектов смежных прав.

Однако такая схема во многих случаях не может быть реализована на практике. При этом речь идет об отсутствии не юридической, а фактической возможности, поскольку некоторые организации в силу особенностей своей деятельности не могут заключать договор с автором (правообладателем) каждого используемого произведения (исполнения, фонограммы) только лишь потому, что этих произведений слишком много, а правообладатели, в свою очередь, не могут этого сделать, потому что их произведения или объекты смежных прав используются большим количеством пользователей. Решением проблемы является создание специализированных организаций, одновременно представляющих интересы большого количества правообладателей в отношениях с лицами, использующими их произведения (объекты смежных прав), т.е. организаций по коллективному управлению.

Суть коллективного управления состоит в том, что занимающиеся им организации заключают с авторами и иными правообладателями договоры, по которым принимают на себя обязательства управлять этими правами; на основании предоставленных правообладателями полномочий организации по коллективному управлению от своего имени заключают договоры с лицами,

используемыми произведения (объекты смежных прав); собирают, распределяют и выплачивают вознаграждение правообладателям; защищают права авторов и иных правообладателей в суде; некоторые организации выполняют также функции социальной поддержки своих членов. При этом характеристика «коллективное» призвана подчеркнуть, что управление осуществляется одновременно и на общих условиях правами большого количества правообладателей.

Понимание коллективного управления может быть проще в историческом контексте. История возникновения коллективного управления стала странной и известной сказкой. Оно начинается во Франции с французского драматурга Пьера-Августина Карона де Бомарше в темных парижских театрах в 1700-х годах. Сеть авторских обществ, сформированная культурной средой каждой страны, постепенно распространилась по всему миру.

Коллективное управление авторским правом рассматривалось как практичный и эффективный способ предоставления компенсации создателям. В Италии Societa' Italiana degli Autori ed Editori (SIAE) под руководством Бардуцци была уполномочена собирать налоги на театр и кино [1, С.64].

Однако развитие событий не ограничивалось только внутренней сценой. По мере того как организации коллективного управления (ОКУ) процветали в своих собственных национальных государствах, необходимость в сотрудничестве и согласовании на международном уровне стала очевидной. В 1925 году Ромен Кулус организовал Комитет по организации съездов обществ иностранных авторов. Этот комитет был создан для решения некоторых непреодолимых проблем, связанных с международными вопросами. Примерно в то же время Фирмену Гемье удалось создать универсальное театральное общество [2, С.125]. Обе эти инициативы привели к созыву в 1926 году учредительного съезда Международной конфедерации обществ авторов (CISAC) [3]. Члены-учредители указали на необходимость установления в каждой стране единых принципов и методов сбора авторского вознаграждения и охраны произведений, а также обеспечения признания и защиты литературной и художественной собственности [4, С.597] во всем мире.

Сегодня CISAC имеет 225 членских обществ в 118 странах, большинство из которых лицензируют либо публичное исполнение и распространение музыкальных произведений, либо воспроизведение этих произведений. Другие члены CISAC лицензируют репрографию и воспроизведение произведений изобразительного искусства, и постановку в театрах (так называемые «большие права»). Многие страны способствовали росту ОКУ посредством законодательных инициатив, полагая, что ОКУ предлагают жизнеспособное решение проблемы индивидуального лицензирования, сбора и обеспечения соблюдения авторских прав.

Хотя формирование ОКУ, возможно, когда-то считалось революционным процессом, ключевую роль, которую они продолжают играть в качестве посредников в системе авторского права, правильнее было бы охарактеризовать как эволюционную. ОКУ содействуют установлению единых методов сбора и распределения роялти и ведут переговоры о лицензировании работ. Тем не менее, лицензирование и выплата роялти, хотя и по-прежнему важны, не являются единственной заботой ОКУ. Со временем роль ОКУ эволюционировала, чтобы контролировать соблюдение авторских прав, бороться с пиратством и выполнять различные социальные и культурные функции [4, С. 99-106].

Коллективное управление также позволило авторам использовать силу коллективных переговоров, чтобы получить больше для использования своей работы и вести переговоры на менее несбалансированной основе с крупными многонациональными группами пользователей. При этом большинство коллективных схем оценивают все произведения в своем репертуаре на одной и той же экономической основе, что может быть несправедливо по отношению к тем, кто создает произведения, которые могут иметь более высокую ценность в глазах пользователей.

За последние два столетия объекты интеллектуальной собственности фактически превратились в объект торговли. Потребностям развития рынка интеллектуальной собственности во многом отвечает создание организаций, осуществляющих коллективное управление авторскими и смежными правами. Значимость и необходимость такого управления не раз подчеркивалась Всемирной организацией интеллектуальной собственности (ВОИС – WIPO) и Организацией Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры (ЮНЕСКО).

В большинстве случаев организации коллективного управления представляют собой некоммерческие структуры; в правовом отношении они могут иметь частный или государственный характер. В зависимости от характера представляемых произведений ОКУ также могут называться обществами лицензирования прав на использование музыкальных произведений (ОЛПМП),

организациями управления правами на механическое воспроизведение (ОУПМВ), организациями коллективного управления правами исполнителей (ОКУИ) или организациями по охране прав на репрографическое воспроизведение (ОПРВ) [6, С.328].

Управление имущественными смежными правами, безусловно, имеет ряд особенностей, обусловленных тем, что права исполнителей и производителей фонограмм, во-первых, являются вторичными по отношению к правам авторским, и, во-вторых, эти права, по сравнению с авторскими, в большей степени ограничены, а объекты этих прав (исполнения и фонограммы) в ряде случаев могут без получения предварительного согласия правообладателя, но с последующей выплатой ему справедливого вознаграждения. Тем не менее, базовые принципы, на которых основывается деятельность организаций по управлению смежными правами такие же, как и у организаций, управляющих правами авторскими. Поэтому все сказанное в отношении деятельности организаций, осуществляющих коллективное управление авторскими правами, будет справедливо и в отношении коллективного управления смежными правами.

Безусловно, практика коллективного управления авторскими правами в зарубежных странах различна и зависит от особенностей правовой системы конкретного государства и сложившейся практики правового регулирования в данной области. В то же время хотелось бы назвать несколько общих принципов, не зависящих от национальных особенностей, на которых строится работа по управлению авторскими правами на коллективной основе.

Существуют различные подходы к коллективному управлению, включая уставное/ обязательное коллективное управление и коллективное управление на договорной/ добровольной основе.

Как правило, ОКУ выполняет следующие функции: осуществляет мониторинг использования произведений, а также следит за тем, где и когда они используются; ведет переговоры с пользователями по тарифам и другим условиям; выдает лицензии на использование охраняемых произведений от имени своих членов и других правообладателей, которые она представляет; взимает пошлины и сборы с пользователей и распределяет их среди владельцев прав [7, С.15].

К числу субъектов авторского права организации, управляющие имущественными правами авторов и обладателей смежных прав на коллективной основе, впервые были отнесены ст. 56 Закона Республики Узбекистан об авторских и смежных правах (далее – ЗоАП). Как правило, организации, управляющие имущественными правами на коллективной основе, являются некоммерческими организациями и действуют на основе своего устава.

В соответствии со статьей 57 ЗоАП, полномочия на коллективное управление имущественными правами предоставляются непосредственно правообладателями добровольно на основе письменных договоров, а также по соответствующим договорам с иными (в том числе иностранными) организациями, осуществляющими управление имущественными правами. Такие договоры не являются авторскими и на них не распространяются положения статей 38-42 настоящего Закона [8].

А также автор или иной правообладатель вправе предоставить организации, управляющей имущественными правами на коллективной основе, по договору полномочия на осуществление своих имущественных прав, а организация обязана принять на себя осуществление этих прав на коллективной основе, если управление такими правами относится к уставной деятельности этой организации. Принятие решения относительно размера вознаграждения и условий заключения с пользователями договора на использование произведений и объектов смежных прав, способа распределения и выплаты собранного вознаграждения и иных принципиальных вопросов деятельности организации, управляющей имущественными правами на коллективной основе, осуществляется исключительно авторами или иными правообладателями коллегиально на общем собрании.

На основе полномочий, полученных от правообладателей, организация, управляющая имущественными правами на коллективной основе, заключает с пользователями договоры на использование произведений и объектов смежных прав. Условия договоров должны быть одинаковыми для всех пользователей одной категории, определяемые в зависимости от вида и объема используемых произведений и объектов смежных прав. Указанные организации не вправе отказать в заключении договора с пользователем без достаточных на то оснований. Все возможные имущественные претензии правообладателей к пользователям, связанные с использованием их произведений и объектов смежных прав на основании таких договоров, должны быть урегулированы заключившей договоры организацией, управляющей имущественными правами

на коллективной основе.

Коллективное управление имущественными правами, особенно при новых высокотехнологичных способах массового использования произведений, в том числе в цифровых сетях (включая Интернет) и при создании продуктов мультимедиа, предоставляет преимущества всем заинтересованным лицам: у правообладателей появляется возможность наиболее эффективной реализации их имущественных прав, пользователи получают простую процедуру для получения всех разрешений, требуемых для соответствующего использования охраняемых объектов, а граждане получают доступ к обширным информационным ресурсам.

Нужно отметить, неизбежным следствием необходимости обеспечить предоставление всеобъемлющих репертуаров является определенный “монополизм” в сфере коллективного управления, то есть сосредоточение прав на предоставление “бланкетных лицензий”, на осуществление расширенного коллективного управления в отношении определенного способа использования произведений в ведении одной организации или одного органа в каждой стране, поскольку не может существовать нескольких организаций, представляющих всех “неизвестных правообладателей” при одном и том же способе использования их произведений или объектов смежных прав. Нужно отметить, что координация деятельности, в том числе разграничение сфер деятельности организаций по коллективному управлению в случае не достижения согласия между самими такими организациями является одной из важных задач государства.

#### **Иктибослар/Сноски/References:**

1. International Confederation of Societies of Authors and Composers (CISAC), As Long as There Are Authors (International Confederation of Societies of Authors and Composers, 1996), 64.
2. The biography of Firmin Ge´mier may be found online: URL: [www.answers.com/topic/firmin-ge-mier](http://www.answers.com/topic/firmin-ge-mier)
3. URL: [www.cisac.org](http://www.cisac.org)
4. The French law on authors’ rights (the civil law version of copyright) is actually known as the Code of Literary and Artistic Property, Law No. 92–597 of 1 Jul. 1992, as amended by Laws No. 94–361 of 10 May 1994, and 95–4 of 3 Jan. 1995.
5. M. Ficsor, Collective Management of Copyright and Related Rights World Intellectual Property Organization, 2002 // URL: [https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo\\_pub\\_855.pdf](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_855.pdf)
6. О.Окюлов. Правовой статус интеллектуальной собственности. Автореф.дис.док.юр.наук. Т.:ТГЮИ. 2000 г.
7. Тошев Б. Законодательные основы и формы защиты авторских прав в Республики Узбекистан. Автореф.дис.канд.юр.наук. – Т.:1999.
8. Закон Республики Узбекистан «Об авторских и смежных правах». №ЗРУ-42 20.07.2006 // URL: <https://lex.uz/docs/1023494>



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АЛМОСОВА Шахноза Собировна  
Тошкент давлат юридик университети  
“Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: [a.sh18@mail.ru](mailto:a.sh18@mail.ru)

## ДОМЕН НОМЛАРИ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАР ТАҲЛИЛИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** АЛМОСОВА Ш.С. ДОМЕН НОМЛАРИ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАР ТАҲЛИЛИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 81-85.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-12>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада домен номлари ва индивидуаллаштириш воситаларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жihatлари билан бирга, интернетнинг глобаллашуви ва электрон тижоратнинг кенг тарқалиб бораётганлиги сабабли домен номлари ва индивидуаллаштириш воситалари ўртасидаги ўзаро муаммоли ҳолатлар сонининг кўпайиб бораётганлиги масалалари ёритиб берилди. Домен номларининг тижоратдаги аҳамияти бевосита низоли ҳолатларнинг ўзида кўрсатиб берилди. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича домен номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган интеллектуал мулк объектлари санаб ўтилган ҳамда бу борада товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш домен номларининг рўйхатдан ўтказилиши таъқиқланмаганлиги муаммо сифатида қаралади.

**Калит сўзлар:** индивидуаллаштириш воситаси, домен номи, фирма номи, товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси, ҳуқуқ бузилиши.

АЛМОСОВА Шахноза Собировна  
Преподаватель кафедры «Международное право и права человека»  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: [a.sh18@mail.ru](mailto:a.sh18@mail.ru)

## ВЗАИМОСВЯЗЬ ДОМЕННЫХ ИМЕН И ДРУГИХ ФОРМ ИНДИВИДУАЛИЗАЦИИ И АНАЛИЗ ПРОБЛЕМНЫХ СИТУАЦИЙ ПРИ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИИ

### АННОТАЦИЯ

В статье подчеркиваются сходства и различия между доменными именами и средствами индивидуализации, а также растущее число проблем между доменными именами и средствами

индивидуализации из-за глобализации Интернета и распространения электронной коммерции. Коммерческое значение доменных имен напрямую отражается в самих конфликтных ситуациях. В статье также перечислены объекты интеллектуальной собственности, которые не регистрируются в качестве доменных имен в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, и отсутствие запрета на регистрацию доменных имен, идентичных или сходных до степени смешения с товарным знаком или знаком обслуживания рассматривается как предмет обсуждения.

**Ключевые слова:** средство индивидуализации, доменное имя, фирменное наименование, товарный знак или знак обслуживания, правонарушение.

**ALMOSOVA Shakhnoza**

Lecturer at the Department of  
“International Law and Human Rights”,  
Tashkent State University of Law  
E-mail: [a.sh18@mail.ru](mailto:a.sh18@mail.ru)

## THE RELATIONSHIP BETWEEN DOMAIN NAMES AND OTHER FORMS OF INDIVIDUALIZATION AND ANALYSIS OF PROBLEMATIC SITUATIONS IN THEIR USE

### ANNOTATION

The article highlights the similarities and differences between domain names and individualization tools, as well as the growing number of problems between domain names and individualization tools due to the globalization of the Internet and the proliferation of e-commerce. The commercial significance of domain names is directly reflected in the conflict situations themselves. The article also lists the objects of intellectual property that are not registered as domain names under the legislation of the Republic of Uzbekistan and not prohibition of the registration of domain names that are identical or confusingly similar to a trademark or service mark is brought up as a matter of discussion.

**Keywords:** individualization tool, domain name, company name, trademark or service mark, infringement.

Интернетнинг глобаллашуви ва тижоратлашуви билан домен номлари бизнес идентификатори сифатида янги аҳамият касб этди, энди улар фақат маълум компютерларнинг жойлашув ўрнини белгиловчи восита сифатида ишлатилмайди. Улар реклама роликлари, эълонлар тахталари, журналлар рекламалари ва ҳатто автобусларнинг ён ойналарини эгаллаб олиш орқали “реал макон”да ўз ўринларини топмоқда. Шундай қилиб, улар энди “ҳақиқий макон”да мавжуд бўлган товар белгилари каби индивидуаллаштириш воситалари билан курашга киришмоқдалар.

Янги ахборот технологиялари асрида компаниялар глобал бозорда ўз эгаллаб турган ўринларини мустаҳкамлаш ва бизнес имиджларини яратиш учун Интернетдан кенг фойдаланмоқдалар. Домен номини рўйхатдан ўтказиш доимо ўзгариб турувчи маълумотларга асосланган жамиятда зарурий қадамлардан бирига айланиб улгурган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мутахассислар олдида домен номининг замонавий савдо –электрон тижоратдаги аҳамиятини, унинг ўзига хос функциясини, қонун билан белгиланган ҳимоя шартлари ва чегараларини чуқур таҳлил қилишга эҳтиёж сезилмоқда.

Домен номига бериладиган таърифлар бир-биридан катта фарқ қилмайди. Умумий олганда, интернет инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми саналувчи Домен номлари тизими (DNS) Интернет-хост номини, яъни домен номини ҳар бир аниқ домен номи учун интернет протокол (IP) манзилини ташкил этувчи ноёб рақамлар қаторига айлантирадиган таржима тизимидир. Телефон рақамига ўхшаб IP-манзил ҳам интернет тизимидаги уловчи ва мувофиқлаштирувчи сигналларни талаб қилади. Оддий, аммо мураккаб DNS тизими - кунига 20 миллиардгача манзил таржимаси ёки “кидириш” сўровларини кўриб чиқади [1].

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан домен номларига берилган таърифга кўра, домен номлари – бу ҳарф ёки рақамлар бирикмаси, браузерда терилиб, керакли сайтга ўтиш имконини берувчи манзил ҳамда интернет манзилларнинг инсонлар учун қулай шакллари дидир ва улар, одатда, веб саҳифаларни топишда фойдаланилади [2]. Бошқача айтганда, домен номлари эслаб қолиш қийин бўлган IP манзилни ўз ичига олувчи рақамлар қаторини белгилаш учун зарур. Масалан,

“iprhelpdesk.eu” домени Европа Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ташкилоти маслаҳат бўлими веб саҳифаси <http://www.iprhelpdesk.eu> ни жойлаштириш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, домен номлари интернетда фирма номлари ёки товар белгиларини ҳам идентификация қилиш мақсадида ишлатилади. Айнан шу жиҳати домен номлари ва фирма номлари ёхуд товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларидан фойдаланишда юзага келадиган муаммоли ҳолатларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу ўринда ўринли бир савол туғилади: миллионлаб одамлар рўйхатдан ўтган ва ҳар куни миллиардлаб долларлик электрон тижорат амалга ошириладиган глобал Интернетнинг асосий навигация воситаси ҳисобланувчи веб-сайтларнинг домен номлари товар белгилари, патент ва муаллифлик ҳуқуқлари билан бир қаторда интеллектуал мулк объекти ҳисобланмайдими? Домен номлари ва интеллектуал мулкнинг бошқа турлари ўртасида аниқ фарқлар мавжуд бўлса-да, бу фарқлар домен номларининг аҳамиятини камайтирмайди, аксинча, уларни интеллектуал мулкнинг бошқа шакллари каби аҳамиятини оширади.

Домен номлари интеллектуал мулкнинг бошқа шакллари каби номоддий бойлик саналса-да, улар ўртасидаги кескин фарқлардан бири шундаки, домен номлари интеллектуал мулк ҳимояси учун масъул идорада рўйхатдан ўтгандан кўра тижорат шартномаси асосида яратилади. Домен номидан фойдаланиш ҳуқуқи - бу домен фойдаланувчиси, рўйхатга олувчи (ёки домен номи «сотувчиси»), юқори даражадаги домен регистри (маълумотлар базаси менежери - домен номлари тизимининг (DNS) хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро ишлаши учун ишониб топширилган нотижорат ташкилот бўлган (ICANN) Интернет-корпорация) ўртасида тузилган шартномавий ҳуқуқдан келиб чиқади. Шундай қилиб, домен номи, интеллектуал мулк объектига қонуний муҳофаза олганга қараганда, уяли алоқа оператори учун телефон рақамини олишга ўхшашроқдир. Домен номларини рўйхатга олиш ва ундан фойдаланиш бўйича бир қатор мураккаб шартномалар мавжуд бўлса-да, амалда домен номини рўйхатдан ўтказиш актлари оддий - бошқа интеллектуал мулк шаклларига қараганда анча содда. Домен фойдаланувчиси ёки «рўйхатдан ўтувчиси» домен номини олиш учун кўп йиллик текширувдан ўтиши ёки «фойдаланганлик бўйича далилларини» тақдим этишининг ҳожати йўқ. Рўйхатдан ўтиш учун тўловни тўлаш ва рўйхатдан ўтказувчидан фойдаланиш шартларига риоя қилиш учун келишув талаб қилинади. Домен номини олишнинг нисбатан қулайлиги ва тезлиги шундан далолат берадики, кўплаб домен номлари арзон нархда сотиб олинади ва бу рўйхатдан ўтказувчи учун дарҳол қимматли ашёга айланади [3].

Домен номларини рўйхатдан ўтказиш индивидуаллаштириш воситалари ёки патент ҳуқуқи объектларида бўлгани каби талабнома топшириш санаси устуворлиги асосида амалга оширилади, бу дегани, бошқа шахс томонидан рўйхатдан ўтказилмаган домен номи уни номига рўйхатдан ўтказишни сўраган ҳар қандай шахс томонидан сотиб олиниши мумкин. Улардан фарқли равишда, домен номлари худудийлик тамойилига эга эмас, балки, улар жаҳон ахборот тармоғида идентификациялаш учун хизмат қиладиган ноёб номлар саналади. Бир товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси, агар у давлатлар ўртасидаги халқаро шартномалар асосида ёки халқаро даражада муҳофаза олмаган бўлса, бошқа давлат худудида ёки, агар бошқа синфдаги товарлар ёки хизматларни белгилаш учун мўлжалланган бўлса, айна шу давлат худудида ҳам ҳуқуқий муҳофаза олаверади. Шу билан дунё бўйича фақат битта регистраторга тегишли бўладиган домен номларидан фарқ қилади.

Ушбу фарқларга қўшимча равишда, домен номлари рўйхатдан ўтказувчига йиллик рўйхатга олиш бадалини тўлаб турган тақдирда муддатсиз сақланиб туради. Интеллектуал мулк объектлари муҳофазаси маълум даврда амал қилади, жумладан, патентлар билан муҳофазаланадиган ихтиролар фақат йигирма йил ичида (бир нечта истиснолардан ташқари) ҳуқуқий ҳимоя қилинади, кейин ихтиро жамоат мулки ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси объект жамоат мулкига айланишидан олдин эллик йил давом этади. Товар белгиларининг муддати тугамаслиги мумкин, аммо кўп давлатлар қонунчилигига кўра, товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси маълум вақт давомида фойдаланилмаса, муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Агар рўйхатдан ўтиш шартлари бузилмаган бўлса ва тўлов амалга оширилиб турилса, доменлар абадий сақланиб қолади, бу қимматли тижорат активларига тўғридан-тўғри хизмат кўрсатиш дастурини яратади.

Ушбу сезиларли фарқларга қарамай, аслида интеллектуал мулк шакллари ва домен номлари ўртасида фарқларга қараганда кўпроқ ўхшашликлар мавжуд.

Биринчидан, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи объектлари, патентлар ва домен номлари уларни рўйхатдан ўтказган эгасига ушбу активдан фойдаланиш, шунингдек, уни тасарруф этиш, бузилишлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради. Тижорий муваффақиятга эришган сари, ушбу активларнинг қиймати ҳам ошиб боради.

Иккинчидан, уларнинг ҳар бири ҳам товар характеридадир, яъни уларнинг ҳар бирини сотиб олиш, сотиш ёки лицензиялаш мумкин, бу уларнинг қийматини оширади, чунки улар ҳар бир активни топширишдан фойда кўрадиган харидор ва сотувчилар учун бозор яратади.

Интернет ҳар қандай бизнесни ривожлантириш учун тобора муҳим воситага айланар экан, бевосита индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлар эгалари учун потенциал таҳдидларнинг сони ортиб борди. Тасаввур қилинг, сиз супермаркет ёки озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж буюмлари савдоси билан шуғулланувчи дўкондан маълум товар белгиси остидаги маҳсулотни, масалан, «Candy gold» номи остидаги кондитерлик маҳсулотларини харид қилмоқдасиз, аммо товар ўровидаги маҳсулот ишлаб чиқарувчиси ҳақидаги ёки бошқа турдаги маълумотлардан қониқмай у ҳақида батафсил маълумотни, энг аввало, интернетдан излашга тушасиз ҳамда сизнинг интуициянгиз, биринчи навбатда, маҳсулот номи билан бир хил бўлган домен номи остидаги сайтни автоматик теришга ёки Googleда савдо маркаси кидирувида чиққан у билан айнан ўхшаш номдаги сайтга киришга ундайди (бизнинг ҳолатимизда [sandygold.uz/com](http://sandygold.uz/com)). Ҳеч кимга сир эмаски, кўплаб Интернет фойдаланувчилари учун домен номларини тахмин қилиш одатий ҳолдир. Фахроддун ва Мухаммад Багер Агмашҳади ҳамда Ҳода Коржази томонидан ҳаммуаллифликда ёзилган “Домен номларида товар белгиларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши. IR мамлакат коди домен номлари истикболлари” номли мақолада истеъмолчиларнинг харид жараёнида бренд номларига жуда қарамлиги, домен номи сифатида бошқа бренд билан боғлиқ бўлган товар белгисидан фойдаланганда уларнинг алданиши, энг камида чалғитилиши эҳтимоли жуда юқори бўлиши алоҳида таъкидланади[4]. Шу сабабли ҳам товарнинг индивидуаллаштириш воситаси орқали тахмин қилинадиган домен номлари қимматли корпоратив активларга айланди. Худди шундай ҳолат давлат аҳамиятидаги ёки бошқа ташкилотлар номлари билан ҳам кузатилади. Уларнинг веб сайтлари домен номлари, одатда, ташкилотнинг давлат тилидаги ёки бошқа тиллардаги қисқартмаларидан олинади. Аммо, масаланинг энг қизиқ томони, яъни фирма номи ёхуд товар белгиси ё хизмат кўрсатиш белгисини ўз ичига олган домен номи бошқа домен номи маъмури- ушбу индивидуаллаштириш воситасига умуман алоқаси бўлмаган шахсга тегишли бўлиб чиқадиган ҳолатлар ҳам мавжудлигидадир.

Ва аксинча, ўз домен номларини рўйхатдан ўтказган домен номи маъмурларининг ҳаммаси ҳам ўз веб саҳифалари номини товар белгиси ёхуд хизмат кўрсатиш белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга ошиқишмайди. Маълумотларга кўра, фақатгина 1 фоиз веб-сайт эгалари ўз домен номларини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказадилар [5]. Сайтларнинг бундай паст даражадаги хавфсизлиги кўплаб қонунбузарликлар, хусусан, доменларнинг номларини озгина ўзгартирган ҳолда улардан ноқонуний фойдаланилишига олиб келади.

Жаҳон тажрибасида ўрганилган кўпгина ҳолатлар ўзларининг савдо маркалари ва патент портфелларини ишлаб чиққан, аммо домен номлари портфелига инвестиция киритмаётган шахслар ва компаниялар домен номларининг аҳамиятини нотўғри баҳолаган ҳолда кўшимча хатарни ўз зиммаларига олишлари ёки ўзларининг портфел қийматларини капиталлаштирмаганликларидан далолат [6]. Зеро, домен номи компаниялар онлайн мавжудлигининг асосидир ва бир нечта домен номларига эга бўлиш фойдаланувчи трафигини бошқариш, қидирув тизимининг кўринишини ошириш ва қимматбаҳо брендни ҳимоя қилиш учун муҳимдир.

Сан-Франсиско ҳуқуқ мактаби университети профессори Ж. Томас МакКарти кўпгина компаниялар маълумот ва маҳсулотларни Интернетга жойлаштиришга интилишлари билан, Интернет домен номлари бўйича тўқнашувлар одатий ҳолга айланиб бораётганлигини, ушбу тўқнашувлар қонун ва Интернет ҳамжамиятига жалб қилинган акцияларга мос келадиган янги тартиб ва ҳуқуқий қоидаларни ишлаб чиқишни талаб қилаётганлигини таъкидлаб ўтади [7].

Бу ерда товар белгиси ёки фирма номи эгаларининг Интернетда ҳуқуқларининг бузилишининг икки асосий шакли мавжуд:

- Домен номи рўйхатдан ўтган товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлиши.
- Домен номи рўйхатдан ўтган фирма номи билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлиши.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитасининг 2014 йил 30 декабрдаги 94мх-сонли ««УЗ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори [8] 75-банди 2-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон

Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки анча илгарироқ устуворликка эга бўлган домен номлари, товар келиб чиққан жой номи бўлган домен номлари, фирма номлари (муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно) билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган домен номини рўйхатдан ўтказиш таъқиқланади. Бундан келиб чиқадики, фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган домен номлари рўйхатдан ўтказилмайди.

Товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш домен номларининг тақдири еса очиқ қолмоқда. Товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгаларининг Интернетдаги ҳуқуқларининг бузилиши 2 асосий кўринишда бўлади:

1. Учинчи шахслар томонидан товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси номи билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган, сайтларда реклама қилинаётган маҳсулот ва хизматлар харидорда асл маҳсулот ёки хизмат ҳақида чалғитувчи фикр уйғотувчи домен номлари (бунда сайт эгаси контрафакт маҳсулотларнинг онлайн савдоси ёки рекламаси билан шуғулланишни мақсад қилган бўлади.);

2. Учинчи шахслар томонидан товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси номи билан айнан бир хил бўлган домен номларини рўйхатдан ўтказиш, бошқача айтганда - киберсквоттинг, яъни учинчи шахс ҳуқуқларини бузган ҳолда фойда ёки бошқа турдаги афзалликларга эга бўлиш ҳисобланади.

Электрон тижорат, электрон янгиликлар, электрон реклама, электрон ўйинлар ва электрон нарсаларнинг барчаси ушбу асрда компаниянинг Интернетдаги мавжудлигини бошқаришда жуда муҳимдир ва домен номи портфели бизнесни илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг онлайн идентификациясини ҳимоя қилиш учун энг кучли интеллектуал мулк объекти бўлмоғи даркор.

#### **Иқтибослар/Сноски/Footnotes:**

1. Pope, Michael Brian; Warkentin, Merrill; Mutchler, Leigh A.; and Luo, Xin (Robert) (2012) “The Domain Name System—Past, Present, and Future,” *Communications of the Association for Information Systems*: Vol. 30, Article 21. <http://aisel.aisnet.org/cais/vol30/iss1/21>

2. URL: <https://www.wipo.int/amc/en/domains/>

3. Управление именами и адресами в Интернете: Вопросы интеллектуальной собственности. <https://www.wipo.int/export/sites/www/amc/ru/docs/report.pdf>

4. Fakhroddin Asghari Aghmashhadi, Mohammad Bagher Asghari Aghamashhadi, Hoda Kordjazi. Trademark infringement in domain names: a perspective to .ir cctld. February 2012. [https://www.researchgate.net/publication/271842811\\_trademark\\_infringement\\_in\\_domain\\_names\\_a\\_perspective\\_to\\_ir\\_cctld](https://www.researchgate.net/publication/271842811_trademark_infringement_in_domain_names_a_perspective_to_ir_cctld)

5. John McElwaine and Christopher D. Casavale. Tackling bad faith registration of domain names in a fast-changing landscape. *WIPO Magazine*. December 2019. [https://www.wipo.int/wipo\\_magazine/en/2019/06/article\\_0006.html](https://www.wipo.int/wipo_magazine/en/2019/06/article_0006.html)

6. [Christine Haight Farley](#). Confusing the Similarity of Trademark Law in Domain Name Disputes. *American University, WCL Research Paper No. 2019-14*. [https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=3403744](https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=3403744)

7. J. Thomas McCarthy. Trademarks, Cybersquatters and Domain Names. *DePaul Journal of Art, Technology & Intellectual Property Law*, Volume 2 pp.231-252 <https://via.library.depaul.edu/jatip/vol10/iss2/2/>

8. URL: <https://lex.uz/docs/2561955>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ.  
ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ДЖУРАЕВ Ихтиёр Бахтиёрович  
Тошкент давлат юридик университетининг  
Ихтисослаштирилган филиали директори ўринбосари,  
юридик фанлар номзоди  
E-mail: i.djurayev@tsul.uz

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРАНИНГ РОЛИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ДЖУРАЕВ И.Б. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРАНИНГ РОЛИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 86-90.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-13>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш, прокуратуранинг олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашдаги роли ҳамда бу борадаги асосий вазифаларига оид масалалар илмий таҳлил қилинган ҳамда бу борада тегишли таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** ислохотлар самарадорлигига эришиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назорати, махсус ваколатли орган, инновацион таълим, юқори малакали кадрлар, Ватанпарварлик, фидойилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, таълим сифати, рақобатбардошлилик.

ДЖУРАЕВ Ихтиёр Бахтиёрович  
Заместитель директора Специализированного филиала  
Ташкентского государственного юридического университета,  
кандидат юридических наук  
E-mail: i.djurayev@tsul.uz

## РОЛЬ ПРОКУРАТУРЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ КАЧЕСТВА И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы, связанные с осуществлением прокурорского надзора за соблюдением законодательства в высших учебных заведениях в соответствии с Конституцией

Республики Узбекистан, законом «О прокуратуре» и другими соответствующими нормативно-правовыми актами, роль прокуратуры в обеспечении качества и конкурентоспособности высшего образования, научно проанализированы вопросы, связанные с основными задачами, и в этом направлении выдвинуты соответствующие предложения.

**Ключевые слова:** достижение эффективности реформ, предупреждение правонарушений, прокурорский надзор за соблюдением законодательства, специальный компетентный орган, инновационное образование, высококвалифицированные кадры, патриотизм, преданность, законность и правопорядок, качество образования, конкурентоспособность.

**DJURAEV Ikhtiyor**

Deputy Director of Specialized branch  
Tashkent State University of Law,  
Candidate of Juridical Sciences  
E-mail: i.djurayev@tsul.uz

## QUALITY OF EDUCATION IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS AND THE ROLE OF THE PROSECUTOR'S OFFICE IN ENSURING COMPETITIVENESS

### ANNOTATION

In the article, the issues related to the implementation of the prosecutor's control over compliance with the legislation in higher education institutions, the role of the prosecutor's office in ensuring the quality and competitiveness of higher education, as well as its main functions in accordance with the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the law "on prosecutor's office" and other relevant

**Keywords:** achieving the effectiveness of reforms, preventing violations, prosecutor's control over compliance with legislation, a special competent body, innovative education, highly qualified personnel, patriotism, self-sacrifice, legality and law enforcement, quality of Education, competitiveness.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши билан бирга уларнинг жамиятда ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоячиси сифатидаги роли ортиб бормоқда. Республикамизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида прокуратура фаолиятини, шу жумладан, прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш, аҳолини турмуш даражасини яхшилаш борасида ваколат ва вазифаларини такомиллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этадиган асосий масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир” [1, Б. 48].

Маълумки, прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тегишли йўналиш, соҳада қонунчиликка риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича ишлар ташкил этилади. Олий таълим муассасалари томонидан қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш ҳам шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимининг яхши йўлга қўйилиши олий таълим муассасасининг фаолият йўналишлари сифати ва натижадорлигига таъсир этади. Сифат ва натижадорлик – олий таълим муассасаси битирувчиларининг замонавий билимларнинг эгаллаганлиги, ватанпарварлиги, фидойилиги, ҳуқуқий онги ва маданияти юқорилиги, танлаган соҳаси ривожланиши йўлида ўз ҳиссасини қўша олиши ва рақобатбардошлилигида намоён бўлади.

И.А. Аветисяннинг фикрига кўра, “Таълим тизимининг энг юқори поғонаси – бу олий таълим бўлиб, бунда танланган касбий фаолият соҳаси бўйича шахснинг юқори даражада маълумот олиши ва

малакасини ошириш кафолатлари таъминланади” [2].

М.В. Ретивыхнинг таъкидлашича, “Таълим соҳасига йўналтирилган технологиялар ўқув жараёни самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, турли хил касбга лаёқатли ва мобил (мослашувчан) мутахассисларни ижтимоий-профессионал жамоаларда муваффақиятли фаолият юритишлари учун катта имкониятларни яратади” [3].

Бугунги кунда барча олий таълим муассасалари олдида турган асосий масалалардан бири таълим жараёнини тубдан такомиллаштириш ва замонавий таълим тизимини жорий этиш ҳисобланади. Олий таълим муассасалари таълим жараёнида объектив маълумотларга асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш, фаолият йўналишлари бўйича доимий мониторингни йўлга қўйиш ва таҳлилни амалга ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, олий таълим муассасалари томонидан фаолият йўналишлари бўйича ишларни ташкил этиш ва таълим тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиб ва талабларга мувофиқ амалга оширилади. Олий таълим соҳасига оид қонунчилик талабларига риоя этилганлик ҳолати давлатнинг махсус ваколатли органи – прокуратура томонидан назорат қилинади.

Олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назорати методологияси эса таълим соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш, бартараф этиш, олдини олиш ҳамда бу орқали олий таълим сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлаш, ватанпарвар ва фидойи кадрлар тайёрлашга хизмат қилишга йўналтирилган.

Ватанпарварлик – бу Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаш, Ватан тараққиёти, миллат обрўсига обрў қўйиш, унга фойда келтириш, фидойилик, ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шухрати ва манфаатини ўйлаш, инсонпарвар бўлиш демакдир [4, Б. 341].

Олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, уларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тегишли йўналишлар бўйича ишни ташкил этганлигини текшириш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этиб, олий таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда назоратни амалга ошириш методикасидан фойдаланилади.

Шуни қайд этиш лозимки, маълум бир фаолият йўналиш ва унинг соҳаларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигига тўлиқ эришиш долзарб масала ва мураккаб жараён ҳисобланади.

Олий таълим соҳасида қонунчиликка риоя этилиши ҳолатини объектив ва ҳолисона ўрганиш, бу йўналишдаги фаолият самарадорлигини ошириш мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон таълим хизматлари бозорида ўз ўрнига эга бўлиш учун олий таълим муассасалари ўртасида рақобат кучайиб бормоқда. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш – бу маданият, иқтисодиёт, технологияларни жадал ривожлантиришдан манфаатдор бўлган барча давлатларнинг энг муҳим вазифасидир.

И.Бляхеров, С.Руднев, Э.Соколов, Н.Фроловларнинг қайд этишича, “Олий касбий таълим (ОКТ), ёки ихтисосликка йўналтирилган таълим – бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, уни такомиллаштириш фаолиятнинг турли хил, кўпинча қарама-қарши жиҳатларни оптималлаштиришга қаратилган бўлиши мумкин. Бошқа кўрсаткичларнинг аҳамиятини пасайтирмаган ҳолда, биз қуйидагиларни таъкидлаб ўтаемиз:

- талабаларнинг академик мобиллиги (мослашувчанлиги);
- Болонья жараёнининг тенденцияларига мувофиқ равишда маҳаллий ОКТнинг хорижий таълим жараёни билан максимал равишда траекториялари ва йўналишини мослаштириш, ўзаро ўхшаш кредит тизимларини жорий этиш, таълим сифати масалалари ва назоратини амалга ошириш бўйича ечим;
- мутахассисликни танлашдаги хатоларнинг камайиши учун таълим траекториясини ўз вақтида тузатиш имкониятига эга бўлиш ҳамда маълумот олиш учун ижтимоий харажатларни минималлаштириш” [5].

В.С. Сенашенконинг таъкидлашига кўра, “Маҳаллий олий таълим тизимини модернизация қилишнинг асослари сифатида қуйидагилар аниқланди: халқаро таълим майдонига фаол интеграция ва таълим соҳасида бозор муносабатларига ўтиш” [6].



О.Д.Федотованинг таъкидлашича, “Замонавий таълим назарияси ва амалиётининг маҳаллий тадқиқотчилари учун Шарқий Осиё ривожланиш моделини амалга оширилишида, таълим сиёсатининг муҳим хусусияти – ушбу мамлакат ҳукуматларининг инсон капиталиривожланишига қаратилган эътиборидан иборатдир” [7].

В.Н. Шимов, В.А. Хмельницкийларнинг қайд этишича, “Ҳозирги вақтда таълимнинг икки тури ажратилади: “қўллаб-қувватловчи” ва “инновацион”.

Қўллаб-қувватловчи таълим – бу мавжуд маданият, ижтимоий тизим, ижтимоий тажрибани сақлаб қолиш, кўпайтиришга, уни сақлаш ва мерос қилиб олишга қаратилган таълим фаолиятининг жараёни ва натижасидир.

Инновацион таълим – таълим ва ўқув фаолиятининг жараёни ва ҳосиласи ҳисобланиб, унда мавжуд анъаналар сақлаб қолинган ҳолда, келажакдаги мутахассисларни мавжуд маданият, ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва ҳ.к. рақобатбардош янги маҳсулотни яратиш, уни истеъмолчига етказиш ва натижада – ҳаёт сифатини яхшилашни ўз ичига олади” [8].

Олий таълим муассасасининг ўқув жараёнини бошқариш бир қатор тамойиллар (мақсадни белгилаш, мослашувчанлик, узлуксизлик, шартлилик, ўзаро боғлиқлик, изчиллик, инновационлик) асосида амалга оширилиши керак, уларнинг оптимал комбинацияси ёпиқ бошқарув шаклида таълим дастурларини ахборот ва технологик қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини кўриб чиқишга имкон беради. Босқичлари, белгиланган мақсадларга мувофиқ равишда, таълим сифатининг янги хусусиятларига мос келадиган инновацион таркиб билан тўлдирилади [9].

Таълим жараёни олий таълим муассасасининг педагогик тизими сифатида асосий жараён дидир. Таълим жараёнининг сифати – бу олий таълим муассасасидаги асосий жараённинг сифати билан белгиланади. Таълим жараёни сифатини белгилайдиган анъанавий омилларга қуйидагилар киради: олий таълим муассасасининг кадрлар салоҳияти сифати, унинг асосини профессор-ўқитувчилар таркиби ташкил этади; олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот салоҳияти сифати; олий таълим муассасасининг ўқув-услубий салоҳияти сифати [10].

Таълим сифати деганда унинг мақсадига мувофиқ маълум эҳтиёжларни қондириш қобилиятини белгилайдиган хусусиятлар мажмуи ёки таълим жараёнида олинган натижалар ва уларга қўйиладиган талабларнинг маълум даражада мувофиқлиги ўлчови тушунилиши керак [11].

Н.Маливанов, Ю.Польский, Б.Павловларнинг қайд этишича, “Давлат фуқароларнинг билим олиш учун конституциявий ҳуқуқини таъминлайди, мутахассисларни битириши сифати ва миқдор кўрсаткичларини режалаштиради ва иложи борича уларни тайёрлаш даражасини назорат қилади” [12].

Д.Ю. Паршуниннинг фикрича, “Шахснинг давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш механизмида прокуратуранинг ҳимоя функцияси муҳим роль ўйнайди ва бу махсус ҳуқуқий институтлар орқали амалга оширилади” [13, Б.132].

Н.Н. Макеевнинг илмий қарашларига кўра, “Фуқароларнинг билим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқи, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фарқли ўларок, мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ва маданий шароитлари доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган асосий ижтимоий ҳуқуқлардан биридир. Таълим инсон ҳаёти сифатининг зарурий элементи бўлиб, уни нафақат моддий манфаатлар, балки соғлиқ, жамият ҳаётида иштирок этишнинг мажмуи сифатида кўриб чиқиш муҳимдир. Таълим ҳар бир уюшган жамиятнинг асосидир” [14, Б.3].

Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлиги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларни олдини олиш, таълим сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва эришилган ижобий натижаларда намоён бўлади.

Амалий хатти-ҳаракатлар, ваколат ва вазифалар доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилиши ҳолатига барҳам берилганлиги ҳамда таълим сифатини таъминлаш борасида ижобий кўрсаткичларга эришилганлиги олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигидан далолат беради.

Юқорида келтирилган фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, прокуратура органларининг олий таълим муассасаларида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича фаолияти алоҳида институт сифатида аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Бундан кўзланган

мақсад эса олий маълумотли бўлиш сари ҳаракат қилаётган ҳар бир таълим олувчининг ўқиши учун замонавий ва қулай шарт-шароитлар яратиш, олий таълим муассасасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чоралари кўриш, таълим фаолияти самарадорлигини ошириш, таълим муносабати иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш орқали олий таълим сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлашга эришиш ҳисобланади.

### Сноски/Иқтибослар/References

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. –
2. Аветисян И.А. Финансирование расходов на высшее образование в Российской Федерации и направления его совершенствования / Экономические и социальные перемены в регионе: факты, тенденции, прогноз. Вып. 39 (октябрь), 2007 // URL:
3. Ретивых М.В. Инновационные технологии обучения в вузе: концептуальные основы, педагогические средства, формы и виды / Вестник Брянского государственного университета, 2015 // <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnye-tehnologii-obucheniya-v-vuze-kontseptualnye-osnovy-pedagogicheskie-sredstva-formy-i-vidy/viewer>
4. Мавлонова Р, Тўраева О, Холикбердиев К. Педагогика // Дарслик. – Тошкент, 2001.
5. Бляхеров И, Руднев С, Соколов Э, Фролов Н. Многоступенчатое высшее профессиональное образование: профильный подход. Высшее образование в России. № 4, 2003 // <https://cyberleninka.ru/article/n/mnogostupenchatoe-vysshee-professionalnoe-obrazovanie-profilnyy-podhod/viewer>
6. Сенашенко В.С. О реформировании отечественной системы высшего образования: некоторые итоги. Высшее образование в России. № 6, 2017 // <https://cyberleninka.ru/article/n/o-reformirovanii-otechestvennoy-sistemy-vysshego-obrazovaniya-nekotorye-itogi/viewer>
7. Федотова О.Д. Профессиональное образование в странах Восточной Азии: исследования и перспективы. Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ», Выпуск 4 (23), июль – август 2014 // <https://cyberleninka.ru/article/n/professionalnoe-obrazovanie-v-stranah-vostochnoy-azii-issledovaniya-i-perspektivy/viewer>
8. Шимов В.Н, Хмельницкий В.А. Высшее экономическое образование – инновационный путь развития. Вестник ФА №2, 2008 // <https://cyberleninka.ru/article/n/vysshee-ekonomicheskoe-obrazovanie-innovatsionnyy-put-razvitiya/viewer>
9. Андрончев И.К, Дмитриев Д.С, Соловова Н.В. Управление образовательным процессом вуза средствами информационно-коммуникационных технологий. Вестник СамГУ. 2014. № 8 (119) // <https://cyberleninka.ru/article/n/upravlenie-obrazovatelnyim-protsessom-vuza-sredstvami-informatsionno-kommunikatsionnyh-tehnologiy/viewer>
10. Каргузов А.В. Теория и методика информатизации вуза для обеспечения требуемого качества образования. Казанский педагогический журнал. №4, 2010 // <https://cyberleninka.ru/article/n/teoriya-i-metodika-informatizatsii-vuza-dlya-obespecheniya-trebuemogo-kachestva-obrazovaniya/viewer>
11. Семушина Е.И, Терентьева С.В. Информационно-коммуникационные технологии как фактор повышения качества профессионального образования // <https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionno-kommunikatsionnye-tehnologii-kak-faktor-povysheniya-kachestva-professionalnogo-obrazovaniya-1/viewer>
12. Маливанов Н, Польский Ю, Павлов Б. Система высшего технического образования и инновационное развитие экономики России. Высшее образование в России. №12, 2008 // <https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-vysshego-tehnicheskogo-obrazovaniya-i-innovatsionnoe-razvitiiekonomiki-rossii/viewer>
13. Паршунин Д.Ю. Правозащитная функция прокуратуры Российской Федерации. Закон и право. №2, 2020.
14. Макеев Н.Н. Прокурорский надзор за исполнением законов о высшем профессиональном образовании в Российской Федерации. Автореф. ...дис. канд. юрид. наук. – Москва, 2005. – // <https://www.dissercat.com/content/prokurorskii-nadzor-za-ispolneniem-zakonov-o-vysshem-professionalnom-obrazovanii-v-rossiisko>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

**РУЗМЕТОВ Ботиржон Хайитбаевич**

Старший преподаватель кафедры уголовного права,  
криминологии и борьбы с коррупцией  
Ташкентского государственного юридического университета,  
кандидат юридических наук  
E-mail: lawyer.b.ruzmetov@gmail.com

**КЛЮЧЕВЫЕ ПОНЯТИЯ, ЗНАЧЕНИЯ, ПРАВОВЫЕ ИСТОЧНИКИ ТЕОРИИ  
ДОКАЗАТЕЛЬСТВ В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РУЗМЕТОВ Б.Х. КЛЮЧЕВЫЕ ПОНЯТИЯ, ЗНАЧЕНИЯ, ПРАВОВЫЕ ИСТОЧНИКИ ТЕОРИИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), С. 91-97.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-14>

## **АННОТАЦИЯ**

В статье рассмотрены вопросы применения теории доказательств во время предварительного следствия и судебного разбирательства в гражданском, экономическом и уголовном процессах. Кроме того, раскрыты особенности установления истины в различных отраслях права Республики Узбекистан, связанные со сбором, проверкой и оценкой доказательств. В статье продемонстрирован ретроспективный анализ законодательства Республики Узбекистан и отражение норм, связанных с доказыванием в кодексах советского периода. Приведена полемика относительно достоверности и достаточности доказательств при установлении истины в рамках судопроизводства. В подробностях описаны особенности обвинительных, инквизиционных и смешанных процессов, явившихся историческими этапами древнего и средневекового периодов, а также современные достижения законодательства, которые позволяют в полной мере защитить права и законные интересы всех участников процесса в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** теория доказательств, предварительное следствие, судебный процесс, собрание, проверка, оценка доказательств, обвинительный, инквизиционный, смешанный процесс, истина, справедливость.

**РУЗМЕТОВ Ботиржон Хайитбаевич,**

Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминология  
ва коррупцияга қарши кураш кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди  
E-mail: lawyer.b.ruzmetov@gmail.com

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ИШЮРИТУВИДА ДАЛИЛЛАР  
НАЗАРИЯСИНING ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ, МАЗМУН МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ  
ТУШУНЧАЛАРИ****АННОТАЦИЯ**

Мақолада далиллар назариясини дастлабки тергов ва суд жараёнида фуқаролик, иқтисодий ва жиноий суд ишларида қўллаш масалалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, далилларни йиғиш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг турли соҳаларида ҳақиқатни аниқлашнинг хусусиятлари ёритилган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ретроспектив таҳлили ва Совет даври кодексларида далиллар билан боғлиқ нормаларнинг акс эттирилганлиги кўрсатилган. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ва уларнинг суд процесслари доирасида ҳақиқатни аниқлашда далилларнинг ишончлилиги ва этарлилиги ҳақидаги тортишувлари келтирилган. Қадимги ва ўрта асрларнинг тарихий босқичлари бўлган айблов жараёнлари, инквизицион жараёнлар, аралаш жараёнларнинг хусусиятлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида жараённинг барча иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга имкон берадиган қонун ҳужжатларининг замонавий ютуқлари батафсил тавсифланган.

**Калит сўзлар:** далиллар назарияси, дастлабки тергов, суд жараёни, далилларни йиғиш, текшириш, баҳолаш, айблов, суриштирув, аралаш жараён, ҳақиқат, адолат.

---

**RUZMETOV Botirzhon**

Senior Lecturer at Department of Criminal Law,  
Criminology and Anti-Corruption of the Tashkent State University of Law,  
Candidate of Juridical Sciences  
E-mail: lawyer.b.ruzmetov@gmail.com

**KEY CONCEPTS, VALUES, LEGAL SOURCES OF THE THEORY OF EVIDENCE IN  
COURT PROCEEDINGS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN****ANNOTATION**

The article deals with the application of the theory of evidence during the preliminary investigation and trial in civil, economic and criminal proceedings. In addition, the features of establishing the truth in various branches of the law of the Republic of Uzbekistan related to the collection, verification and evaluation of evidence have been disclosed. The article demonstrates a retrospective analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan and the reflection of norms related to evidence in the codes of the Soviet period. The opinions of legal scholars and their polemics regarding the reliability and sufficiency of evidence in establishing the truth in the framework of legal proceedings are presented. The features of accusatory processes, inquisitorial processes, mixed processes, which were the historical stages of the ancient and medieval periods, as well as modern achievements of legislation, which allow to fully protect the rights and legitimate interests of all participants in the process in the Republic of Uzbekistan, are described in detail.

**Keywords:** theory of evidence, preliminary investigation, trial, collection, verification, evaluation of evidence, accusatory, inquisitorial, mixed process, truth and justice.

---

Теория доказательств изучает закономерности процесса познания истины, процесса ее доказывания во время расследования и судебного разбирательства в гражданском, экономическом и уголовном процессах. Достижение цели доказывания является реализацией задач судопроизводства, так как без действительного познания сути события не может быть установление истины по делу [1, С.3].

Задачи гражданского, экономического и уголовного процесса оказывают влияние на содержание цели доказывания и установление истины по материалам. В процессе доказывания устанавливается истину, т.е. факт совершения правонарушения, степень вины или участия того или иного субъекта права, а также иные обстоятельства, имеющие значение для установления обстоятельств. Суд в

конечном итоге дают им оценку.

Теория доказательств основывается на положениях философии, логики, идеологии национальной независимости, изучает пути и средства познания истины, определяет правовые гарантии для принятия правильного решения по уголовному делу. Теория доказательств разрабатывает научную методику собирания, проверки и оценки доказательств в судопроизводстве.

Истина в судопроизводстве устанавливается путем совершения логических и последовательных действий, объектом исследования является конкретное событие, произошедшее в определенном месте и время.

Выдающийся философ средневековья Абу Наср Фараби – основатель общественно-философского направления, получивший титул «Аристотеля Востока», разработал проблему изучения процессов общественной жизни. К наукам об общественной жизни Фараби относил и юриспруденцию (фикх). Ученый ставил своей задачей разработать рациональные методы познания, основанных на естественных человеческих возможностях – ощущении и мышлении. В труде «О достоинствах наук и искусств» Фараби подчеркивал бесконечность процесса познания природы от незнания к знанию, от познания следствия к познанию причины, от явления к сущности, от акциденции к субстанции и т.д. [2, С.112].

В числе просветителей, внесших весомый вклад в теорию познания, был великий поэт, ученый, государственный и общественный деятель Алишер Навои, который придавал большое значение правильному отображению действительности. Искаженное толкование ее – вредно. Особенно нетерпимо А.Навои относился к нарушениям законности, злоупотреблению властью судьями, о которых он говорил, что ради одной монеты они сто раз объявят законное незаконным, искажая доказательства. Как уже отмечалось, теория доказательств исследует законы и закономерности процесса познания в судопроизводстве. Особенно острые дискуссии возникают по вопросу достижения истины. В начальный период советской власти, в 20-е гг. прошлого столетия, в работах ряда ученых продвигалась идея о том, что при применении репрессий не обязательно собирание доказательств, установление истины в деле, что суды, правоохранительные органы должны руководствоваться «революционным сознанием», которое очень часто расходилось с нормами закона. Об этом свидетельствует и положения ст.92 УПК УзССР от 1929 г., в соответствии с которым суд, признав доказательства достаточными, утверждал обвинительное заключение полученного уголовного дела и назначал дело к слушанию [3, С.34].

В 30-е гг. эта позиция была скорректирована, явные призывы к отрицанию доказательств в судопроизводстве были изъяты. В эти годы апологетом теории доказательств становится А.Я.Вышинский, который в качестве Генерального прокурора, развил идею о вероятности фактов в деле, подлежащих оценке следователем или судьей. По его мнению, судья при оценке фактов окончательно не убеждаются в том, что эти деяния имели место, а допускают их вероятность. А.Я.Вышинский выдвигает концепцию о приоритете «признания обвиняемого» над другими доказательствами, которая оправдывала происходившие в 30-е гг. репрессии, в том числе и против узбекского народа, чтобы придать им видимость законности. Позицию А.Я.Вышинского поддерживали ряд ученых, таких как С.А.Голунский, В.С.Тадевосян, М.А.Чельцов и др.

Позднее, в 60-е гг., была попытка применить математические методы на процесс познания и установления истины в уголовном процессе. Концепция применения математической теории вероятностей при достижении истины рассматривалась как учение о массовых случайных событиях. Но, эти взгляды не учитывали, что теория вероятности исследует цепь случайных событий, а в теории доказательств процесс познания основан на исследовании конкретного события.

Конечно, если нет возможности собрать доказательства из-за того, что упущено время, исчезли или уничтожены следы, то это не может суду при вынесении окончательного решения только на основании вероятности предположений. В процессе познания суд проводит определенные действия, принимает решения, которые могут быть вероятными, но, главное, они не могут служить основанием для принятия решения.

Серьезные споры в теории доказательств идут и в отношении установления абсолютной истины. С позиции диалектического материализма, такие ученые как И.Д.Перлов, Р.Д.Рахунов, А.А.Старченко, М.С.Строгович утверждают, что истина в гражданском, экономическом и уголовном процессе - абсолютная.

Другие авторы не согласны с позицией абсолютной истины. Так, Ю.В.Корневский подчеркивал, что механическое перенесение философских категорий на судопроизводство, не приносит никакой пользы, а лишь запутывает дело. Также А.И.Трусов писал, что роль случайности в процессуальном

доказывании вообще недопустимо [4, С.86].

Трудности, которые возникают по ходу судопроизводства, носят практический характер, их преодоление зависит от компетенции следователя и судьи. М.С.Строгович по этому поводу писал, если истина в судопроизводстве не найдена, правонарушитель не изобличен, это значит, что суд не справился с задачей – не доказали [5, С.177].

Теперь целесообразно рассмотреть ретроспективный анализ процесса доказывания. В истории феодальных государств в основу судопроизводства ставился принцип формальной истины, в соответствии с которым суд делал выводы по обстоятельствам дела в строгом соответствии с определенными, заранее установленными формальными рамками, без учета соответствия выводов суда фактическим событиям. Поэтому выводы суда на основе формальных условий, нельзя считать истиной по делу, хотя они могли совпадать с реальными событиями.

С развитием человечества феодальная инквизиционная форма уголовного процесса была заменена так называемым смешанным процессом, который допускал состязательность. Судебный процесс постепенно переходит к достижению материальной истины, означавшая, что суд выносит свое решение, на основе фактов, которые, по мнению суда, имели место. С учетом исторических условий, а также других факторов (этнических, культурных, религиозных, экономических и др.) вырабатывались различные представления о том, как должны решаться вопросы оценки доказательств. Все это и предопределило множественность форм процессов [6, С.136].

В юридической науке принято различать четыре основные формы процесса, складывавшихся и развивавшихся в разные времена: обвинительный, инквизиционный, состязательный и смешанный [7, С.56].

Обвинительный процесс возник в период рабовладельческого строя и развитие получил в эпоху феодализма. Особенностью было то, что судебное преследование возбуждалось по жалобе потерпевшего, и сторона обвинения сама собирала доказательства. Судебное разбирательство было состязательным и гласным, на основе представленных сторонами доказательств. Процесс был под влиянием религии, насыщенный очистительными присягами и поединками, при котором победитель считался правым.

Инквизиционный процесс, возник также в эпоху рабовладельческого общества и достиг развития в средневековье. Судья объединял в себе функции обвинителя и защитника. Виновный был бесправным объектом и не всегда знал сущность судебного преследования. Разбирательство по делу было негласным и тайным. Действовала строгая регламентация действий по оценке доказательств и решающее значение имело признание вины, часто получаемое в результате пыток.

Политико-экономические преобразования привели к становлению нового, состязательного процесса, который проникнут публичным началом, и введением государственного обвинения. Этот процесс получил распространение в государствах с англо-саксонской системой права. В суде спор между государством (истцом) и гражданином (ответчиком) разрешался путем предоставления равных прав и юридических возможностей сторонам. Суд выступал лишь как арбитр между сторонами, осуществляя оценку доказательств, по внутреннему убеждению, особое значение придавая признанию обвиняемым своей вины.

Смешанный процесс носит компромиссный характер, основы которого были заложены процессуальными кодексами Франции 1808 г., а затем были развиты в законодательствах Германии, Италии, Австрии и Бельгии. В смешанном процессе сочетаются демократические принципы судебного разбирательства (устность, гласность, состязательность, непосредственность) с такими архаичными элементами как ограничения процессуальных прав обвиняемого и защиты на предварительном следствии, выполнения следователем функции расследования и принятия окончательных решений в качестве суда [8, С.102].

Республика Узбекистан в своем историческом развитии прошел три типа уголовного процесса. В эпоху феодализма процесс судопроизводства осуществлялся на основе мусульманского права. Судопроизводство отличалось простотой и отсутствием всяких формальностей. Письменного делопроизводства не существовало, дела разбирались устным состязанием сторон в заседании суда, решение которого постановлялось, на месте в первом же заседании суда.

В период советской власти, особенно в 30-е гг., процесс судопроизводства носил явно выраженный репрессивный характер, и по своему существу судебное разбирательство характеризовались признаками инквизиционного типа процесса.

В период независимости Узбекистана судопроизводство действует на основе нового

законодательства, характеризующийся либеральностью, гуманизмом и объективностью при котором предоставлены широкие права участникам процесса в вопросах собирания, проверки и оценки доказательств [9, С.176].

Важным шагом в развитии теории доказательств явилось принятие нового Гражданско-процессуального, Уголовно-процессуального, Экономическо-процессуальных кодексов Республики Узбекистан, в которых воплощены идеи и принципы создания правового механизма деятельности суда, защиты и обеспечения конституционных прав и свобод граждан. В Кодексах нашли место последние достижения теории науки и юридической практики и каждая норма фактически составляет одно из частных проявлений единой концепции.

Разделы «Доказательства и обстоятельства, подлежащие доказыванию» разработан на основе современных достижений теории доказательства, в котором классифицированы обстоятельства, подлежащие доказыванию и т.д. Так, суд освобождает от выполнения несвойственных ему функций обвинительного характера и должен обеспечивать принцип состязательности разбирательства.

Кроме того, в УПК расширены полномочия субъектов доказывания, особенно права адвокатов при участии в доказывании. С принятием законов «Об адвокатуре» и «О гарантиях адвокатской деятельности и социальной защите адвокатов» закреплено право адвоката собирать сведения о фактах, которые могут быть использованы в качестве доказательств в судах [10, С.48].

К тому же в республике все чаще появляются исследования по видам доказательств. Так, проблемы доказывания, собирания, закрепления и оценки доказательств, тактики и методов доказывания преступлений.

В законодательстве Узбекистана впервые среди других государств СНГ и стран Балтии законодатель закрепил, что суд дает юридическую оценку совершенным действиям, но эта оценка не может быть произвольной, так как закон определяет перечень и порядок судопроизводства, защищая права и обязанности в процессе доказывания [11, С.175].

Теория доказательств определяет и формулирует основные понятия и принципы процесса доказывания, связанных с обнаружением, закреплением, изучением и оценкой доказательств, выявляет внутренние взаимосвязи различных правил регулирования процесса доказывания. Теория доказательств исследует закономерности процесса познания в присущей ей специфической сфере познавательной деятельности – в установлении истины. Поэтому мы не можем согласиться с В.С.Джатиевым, который сводит весь процесс доказывания исключительно к обоснованию выдвинутого обвинительного тезиса [12, С.116].

Предметом доказывания являются нормы процессуального законодательства, определяющие порядок, правила собирания, исследования и оценки доказательств. Развитие доказательственной практики дает правоохранительным органам, суду, экспертным учреждениям ориентиры правильного применения норм уголовно-процессуального законодательства.

Содержанием теории доказательств является упорядоченное, целостное, внутренне связанное отражение ее предмета. Средствами этого отражения являются образы и понятия, с помощью которых описываются и объясняются элементы этого процесса. Поэтому в содержание теории доказательств входит описание норм, регулирующих процесс доказывания, ее отдельных институтов, а также явлений, относящихся к доказыванию.

Как и всякая научная теория, теория доказательств использует методологию, которая выполняет две функции: во-первых, она выявляет смысл научной деятельности, определяет ее взаимоотношения с другими теориями, с практикой правоохранительных органов и суда в доказывании; во-вторых, методология способствует решению задач по совершенствованию научной деятельности, разрабатывает описание и анализ этапов научных исследований, выявляет сферы применимости отдельных процедур и методов: объяснение, доказательство, эксперимент и анализ [13, С.213].

Именно в вопросах методологии теории доказательств среди ученых всегда возникали дискуссии, потому что на протяжении более 70 лет научная основа теории доказательств была глубоко заидеологизирована, никакие отступления от нее не допускались и жестоко пресекались.

На основе результатов познания вырабатывает различные рекомендации, указания, разъяснения по практической деятельности правоохранительных органов, суда в процессе доказывания.

В теории доказательств все составные части, элементы находятся во внутренней связи и в единстве. Последовательное и взаимосвязанное расположение элементов, составных частей теории образует систему теории доказательств. В теории доказательств, как и в других науках, принято выделять Общую и Особенную части.

В Общей части дается характеристика целей, задач, предмета, содержания и системы доказательств, ее места в системе правовой науки. Также раскрываются методические и правовые основы теории доказательств, система понятий, излагаются вопросы целей и предмета доказывания, классификации, относимости и допустимости доказательств, общая характеристика процесса доказывания, его элементов и т.д.

В Особенной части теории доказательств излагаются отдельные виды доказательств, судебные действия и оценка доказательств. Такой точки зрения относительно структуры теории доказательств придерживались Н.Н.Полянский, А.И.Трусов, А.М.Ларин и др. Иной взгляд изложен в работах М.А.Чельцова, который не допускал подобного деления [14, С.78].

Примечательно, что в настоящее время возникла необходимость развития доказательственного права в Республике Узбекистан, а также введение данной дисциплины в учебных заведениях республики.

Вопрос о достижении истины при доказывании непосредственно связан с практикой в уголовном процессе, но не все положения и выводы в уголовном процессе могут проверяться экспериментальной практикой. В процессуальной практике имеет две формы проверки истины – непосредственное и опосредованное.

В непосредственной форме практика выступает критерием истины, проверяемое средствами сопоставления данных с отражаемой действительностью.

Опосредованной формой практики является сопоставление ее с проверенными данными, которые доказаны практикой, косвенно подтверждая выводы через другие данные.

Доказывание - это процесс опосредованного ретроспективного обмена информацией, при котором судья познают события правонарушения через информацию о следах, оставленных правонарушителем. Эти следы собранные и проверенные в установленном порядке, являются средством познания истины.

Таким образом, доказательства это: а) фактические данные, сведения об имевшем место в прошлом событии правонарушения; б) фактические данные, устанавливающие наличие или отсутствие деяния и обстоятельства, имеющие значение для верного разрешения дела; в) фактические данные, устанавливающие только показаниями участников процесса, заключением эксперта, вещественными доказательствами, протоколами суда и иными документами; г) фактические данные, собранные посредством производства действий в установленном законом порядке; д) фактические данные, проверенные и оцененные по внутреннему убеждению.

Процесс доказывания - это органическое единство мыслительной и практической деятельности, выделяющее три элемента: 1) собирание и закрепление доказательств; 2) проверку, исследование доказательств; 3) оценку доказательств [15, С.87].

Доказательствами являются любые сведения, на основе которых суд и иные уполномоченные Законом лица в установленном порядке устанавливает наличие или отсутствие обстоятельств, подлежащих доказыванию, а также иных обстоятельств, имеющих значение для судопроизводства.

В качестве доказательств допускаются: показания участников процесса, заключение и показания эксперта, вещественные доказательства, протоколы судебных действий и иные документы.

Собрать доказательства означает получить фактические данные из законных источников процессуальными способами [16, С.3]. Универсальной формой закрепления собранных доказательств служит протокол. Закон предусматривает также возможность применения технических средств для закрепления фактических данных, обеспечивающее точное и полное их отражение, сохранность, исключающее подмену или порчу, создающее условия для проверки и оценки их допустимости.

Все собранные по делу доказательства подлежат тщательной и всесторонней проверке. При проверке доказательств устанавливаются, что они относятся к расследуемому делу и подтверждаются другими фактами.

Цель проверки заключается в убеждении, что доказательства получены из процессуальных источников путем производства следственных и судебных действий.

Существенная сторона проверки доказательств - установление их достоверности. Способами проверки достоверности доказательств служат: анализ и исследование содержания каждого доказательства с точки зрения его полноты, непротиворечивости, логической последовательности; сравнение доказательств для выявления их совпадения или противоречия; обнаружение новых доказательств из других процессуальных источников, об одних и тех же обстоятельствах дела, которые эффективны и применимы для установления достоверности любого вида доказательств [17, С. 34].



Структура предмета доказывания определяется в ст.55 ХПК, ст.56 ГПК, ст.82 УПК, в соответствии с которым доказыванию подлежат: объект правонарушения, характер и размер вреда; характер личности потерпевшего; время, место, способ и другие, обстоятельства правонарушения; связь между деянием и последствиями; совершение правонарушения конкретным лицом; обстоятельства, характеризующие правонарушителя.

Предмет доказывания непосредственно влияет на пределы доказывания, так как, исходя из предмета, определяется круг обстоятельств, которые должны быть собраны по делу. Пределы доказывания меняются и корректируются в зависимости от следствия и судебного разбирательства.

В юридической литературе при исследовании предмета доказывания, его структуры, элементов используется термин главный факт, который разные авторы толкуют по-разному. Одни под главным фактом понимают совокупность обстоятельств, устанавливающих совершение правонарушения, размер ущерба, характер и степень ответственности. Другие понимают только обстоятельства, устанавливающие преступление и виновность.

Таким образом, в процессуальных законодательствах Республики Узбекистан особое внимание сосредоточено на доказывании в связи с тем, что именно посредством этого процесса можно установить истину по рассматриваемым делам, определить вину правонарушителей, возместить нанесенный ущерб и обеспечить защиту прав и законных интересов участников процесса.

Процесс доказывания, содержащийся в различных направлениях процессуального законодательства, в настоящее время в Республике Узбекистан, не объединено в одно единое – Доказательственное право, которое позволило бы систематизировать все проблемы, связанные с процессом доказывания, а также разработать общие рекомендации по их устранению. По нашему мнению, современное развитие законодательства республики диктует необходимость создания указанного новой отрасли права и внедрения этой новой дисциплины во все юридические образовательные учреждения Узбекистана.

#### Сноски/Иқтибослар/References:

1. Абдумажидов Г.А. Исботлаш ва иқдорлик //Инсон ва қонун. - 2015. - 14 январь.
2. Акрамходжаев Б.Т. Правоохранительная функция в уголовном процессе. Монография. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. -112 с.
3. Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской советской социалистической республики, Самарканд: УЗГОСИЗДАТ, 1929.
4. Трусов А. И. Основы теории судебных доказательств. - М.: Юрлитинформ 2019.
5. Строгович М.С. Материальная истина и судебные доказательства в советском уголовном процессе. - М.: АН СССР, 1955.
6. Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказательствах. Монография. Тула. Спартак. 2019.
7. Азаров В.А. Функция предварительного расследования в истории, теории и практике уголовного процесса: монография - Омск: Изд. ОмГУ, 2016. - 560 с.
8. Сейтназаров К.Р. Значение принципа обеспечения обвиняемому права на защиту в осуществлении состязательности процесса // Проблемы борьбы со взяточничеством в Украине - Киев, 2012.
9. Тухташева У.А. Возникновение и развитие апелляционного производства в уголовном процессе Республики Узбекистан // История развития права на территории Узбекистана (Отдельные этапы и особенности развития правовых сфер). Материалы научного семинара - Т: Адолат, 2017.
10. Закон Республики Узбекистан от 27.12.1996 «Об адвокатуре» // URL: <https://lex.uz/docs/58372>
11. Строгович М. С. Курс советского уголовного процесса. - М.: Юрид. лит-ра. 1968.
12. Джатиев В.С. Доказывание и оценка обстоятельств преступления. Ростов - на - Дону. 2016. - 136 с.
13. Зинатуллин З.З. Егорова Т.З., Зинатуллин Т.З. Уголовно-процессуальное доказывание: Концептуальные основы. Ижевск: Детектив-информ. 2018.
14. Чельцов-Бебутов М.А. Курс уголовно-процессуального права. Учебник СПб: Альфа, 2015.
15. Уголовно - процессуальное право. Под ред. Лупинской. М.: Юрист, 2017.
16. Баратов А. Босқинчилик жинояти буйича олиб бориладиган оператив қидурув ҳаракатлари / Огоҳ. №9 - 2002. - 20 сентябрь
17. Кипнис Н.М. Допустимость доказательств в уголовном судопроизводстве Москва: Юристъ, 2019.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**РАШИДОВ Бехзод Нурбоевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент

E-mail: behzodnur224@gmail.com

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ БИЛАН УЙЎНЛИГИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РАШИДОВ Б.Н. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ БИЛАН УЙЎНЛИГИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 98-103.



6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-15>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят-процессуал фаолиятдан кутиладиган мақсад, жиноят ишларини юритиш тартибига қўйиладиган талаблар, жумладан терговга қадар текширувни амалга ошириш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал қилиш, жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва ҳолисликни таъминлаш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай амал қилиш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят ишини юритиш тартибини такомиллаштириш йўналишлари ҳақида сўз юритилган. Жиноят ишларини юритиш тартиби, шунингдек хусусий айблов билан боғлиқ суд-тергов амалиётида учраётган муаммолар, уларнинг сабаблари, хусусий айблов институти ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ҳақида фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** жиноят иши, жиноят ишини юритиш тартиби, жиноят-процессуал фаолият, жиноят-процессуал фаолиятга қўйиладиган талаблар, хусусий айблов, жиноят-процессуал қонунчилик ва хусусий айблов институти такомиллаштириш.

**РАШИДОВ Бехзод Нурбоевич**

Начальник кафедры уголовно-процессуального права Академии МВД

Республики Узбекистан, кандидат юридически наук, доцент

E-mail: behzodnur224@gmail.com

## СОВРЕМЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К УГОЛОВНОМУ СУДОПРОИЗВОДСТВУ И ИХ СОВМЕСТИМОСТЬ С ИНСТИТУТОМ ЧАСТНОГО ОБВИНЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье излагается ожидаемая цель уголовно-процессуальной деятельности, обеспечение законности и объективности при сборе, фиксации, проверки и оценке доказательств, а также при проведение доследственной проверки, разрешении жалоб и сообщений о преступлениях, расследовании и рассмотрении уголовных дел, требований к уголовному судопроизводству,

безусловное и безоговорочное соблюдение конституционных принципов, таких как верховенство закона, равенство граждан перед законом, презумпция невиновности, справедливости и гуманизма, соблюдение прав и свобод граждан в судопроизводстве, а также о направлениях совершенствовании уголовного судопроизводства. Высказаны мнения о порядке уголовного судопроизводства, а также проблемы в судебно-следственной практике применения частного обвинения, об их причинах, и некоторых аспектах совершенствования института частного обвинения и уголовно-процессуального законодательства.

**Ключевые слова:** уголовное дело, порядок уголовного судопроизводства, уголовно-процессуальная деятельность, требования к уголовно-процессуальной деятельности, частное обвинение, совершенствование института частного обвинения и уголовно-процессуальное законодательство.

**RASHIDOV Behzod**

Head of the Department of Criminal Procedure Law of the  
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
Candidate of Juridical Sciences, Associate Professor  
E-mail: behzodnur224@gmail.com

## MODERN CRIMINAL PROCEEDINGS AND THEIR COMPATIBILITY WITH THE INSTITUTE OF PRIVATE ACTION

### ANNOTATION

The article sets out the expected goal of criminal procedural activity, ensuring the legality and objectivity in collecting, fixing, checking and evaluating evidence, as well as in conducting pre-investigation checks and resolving complaints and reports of crimes, investigating and considering criminal cases, requirements for criminal proceedings, unconditional and unconditional observance of constitutional principles, such as the rule of law, equality of citizens before the law, the presumption of innocence, justice and humanism, observance of the rights and freedoms of citizens in legal proceedings and on directions for improving criminal proceedings. Opinions on the procedure for criminal proceedings are described, as well as the problems encountered in the judicial and investigative practice of using private prosecution, about their reasons, and about some aspects of improving the institution of private prosecution and criminal procedure legislation.

**Keywords:** criminal case, the procedure for criminal proceedings, criminal procedural activity, requirements for criminal procedural activity, private prosecution, improvement of the institution of private prosecution and criminal procedural legislation.

Одил судловни таъминлашда адолатга амал қилиш, ўз вақтида фуқароларинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик масаласини ҳал этишда самарадорликни таъминлаш, жиноят натижасида етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига эришиш, жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар фаолиятида самарадор иш усуллари жорий этиш қабилар муҳим йўналишлар сифатида суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмунида акс этган эди. Ушбу йўналишларга оид ўзгаришлар ва янгиланишлардан кўзланган мақсадга муайян даражада эришилди, деб бемалол айтиш мумкин. Аммо бошланган ишлар охиригача амалга оширилди, деб бўлмайди. Шу билан бирга шиддат билан ўзгараётган замон ва илм-фан тараққиёти, халқ ҳўжалиги ва жаҳон иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар, оламшумул кашфиётлар, одамлар турмуш тарзининг ўзгариши, янгича дунёқараш шаклланаётганлиги, тинчлик ва хавфсизликка янгича кўринишдаги ва турли таҳдид манбаларининг пайдо бўлаётганлиги суд-ҳуқуқ тизимида мунтазам равишда ислохотлар ўтказиб бориш, жиноятчиликка қарши курашишда янгича ёндашувлар ҳамда одил судловни, жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини, жиноят ишлари тергов қилинишининг тезкорлигини ва унумли бўлишини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг фаолиятини янгича ташкил этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Фаолиятни янгича ташкил этиш нафақат суд-ҳуқуқ тизимида балки, ижтимоий ҳаётнинг барча

соҳаларида ҳам долзарб масалага айланган.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янгилаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сонли фармони суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга ва ушбу тизимда туб ўзгаришларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадига эришишда давлат сиёсатининг қуйидаги асосий уч йўналиши [1] танлаб олинган:

- суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;
- фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш;
- одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон Фармони [2] суд-ҳуқуқ ислоҳотларини изчил давом эттириш, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва ҳолисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Бугунги суд-тергов амалиёти таҳлили, шунингдек, халқ билан бевосита мулоқот натижалари ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда [3]. Буларга:

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада самарадор эмаслиги;

алоҳида турдаги жиноятларни содир этганлик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмалиги ва самарасизлиги;

тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини ўтказиш сифатининг қониқарсизлиги ва процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши;

халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг мавжуд эмаслиги;

суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жуда паст даражада эканлиги.

Юқорида акс этганлар билан бирга суд-прокурор ходимларининг малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноят, жиноят-процессуал қонунларни либераллаштириш, ярашув институтини ва жабрланувчининг аризаси асосидагина қўзғатиладиган жиноятлар таркибини кенгайтириш, айрим ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят таркибларини жиноятлар тоифасида чиқариш, маъмурий судларни ташкил қилиш, иш юритишда электрон ва бошқа илғор шаклларни жорий этиш борасидаги вазифалар келгусида суд-ҳуқуқ тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо этади. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида ишларнинг давоми сифатида 2020 йил 10 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, унда жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида бир қанча тақлифлар илгари сурилган. Жумладан:

1. Қуйидагилар суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;

шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш;

жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизминини жорий қилиш.

2. Айбига иқдорлик асосида келишув институтини жорий қилиш. Бунда, айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатига жазо тайинлаш назарда тутилган ўзгартиришлар қонунчиликка киритилади.

3. Шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўриладилигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш. Шунингдек, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоида вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркалар ва эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслигини белгилаш.

4. Жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш.

5. Жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш ва бошқа бир қанча ташаббуслар илгари сурилган [4].

Шу билан бирга қайд этилган муаммоларнинг самарали ечими, бизнингча, жиноят-процессуал фаолиятнинг асослари, диспозитивлик, хусусан хусусий айблов институти такомиллаштирилишини тақозо этади. Ушбу ўзгаришлар замон талабларига мос бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимининг янада самарали, адолатли ва инсонпарвар бўлишига хизмат қилади.

Биз тараққиётнинг инқилобий эмас босқичма-босқич амалга ошадиган йўлини танлаганмиз. Шу боис янги қонунларни қабул қилишда эски қонунлар асос сифатида олинган. Жиноят процессида муайян муаммолар мавжуд бўлишига олиб келаётган омиллардан яна бири деярли барча муносабатларга оид қонун бузилишларида айбловни давлат қўллаб-қувватлаши ҳисобланади. Шу билан бирга қуйидагилар:

– жиноят процессида иш юритиш тартиби ва шакллариининг мураккаблиги, процессуал ҳаракатларни такрорий ўтказиш ҳолатларининг кўплиги;

– жиноят процессуал фаолият давомида процесс иштирокчиларига таъсир қилиш усули сифатида тақиқловчи нормаларнинг устунлиги, рағбатлантирувчи нормаларнинг йўқлиги;

– жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини баҳолашнинг ҳолисона мезонлари йўқлиги, фақат кўрсаткичларга асосланиш ва бир томонлама ёндашиш;

– жиноят-процессуал фаолиятда жиноятларнинг олдини олиш ва уларнинг келгусида такроран содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўришга етарлича эътибор берилмаслиги;

– айрим процессуал ҳаракатларни ўтказиш, процессуал чораларни қўллаш тартибининг ўта мураккаблиги, масалан дастлабки терговда айрим процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун суддан санкция олиш тартиби;

– жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектларнинг холислигини таъминлаш механизмига амал қилинмаганлиги;

– жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланишини таъминлашга хизмат қиладиган процессуал механизмларнинг йўқлиги ёки ишламаслиги;

– исботлаш жараёнига қўйиладиган айрим талабларнинг бугунги давр талабларига номувофиқлиги;

– Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслардаги айрим қоидаларнинг эскирганлиги боис уларнинг мазмуни янги қабул қилинаётган қонун нормалари билан ўзаро мос келмаслиги ҳамда шу сабаб қонунларнинг қўлланилмасдан қолаётганлиги, шунингдек суд-тергов амалиётида нотўғри талқин этилишига ва қўлланилишига олиб келаётганлиги;

– жиноят процессида илғор илмий-техника воситалари, ишни илмий ташкил этиш усули ва шаклларидан фойдаланишдаги оқсоқликлар;

– жиноят процессида суд назоратини амалга ошириш механизми тўлиқ белгиланмаганлиги суд-ҳуқуқ тизимидаги, хусусан жиноят процессидаги асосий муаммолардан ҳисобланади.

Юқоридаги муаммоларни ижобий ҳал этиш орқали, бизнингча мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кутилаётган мақсадларга эриша оламиз. 2018 йил 14 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3723-сон Қарорида замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари белгиланди. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирлар жиноят-процессуал фаолиятда учраётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Қайд этилганидек, учраётган муаммоларнинг сабабларидан бири хусусий айблов асосида иш юритиш мақсадга мувофиқ бўлган ўринларда ҳам қонунчилигимизда оммавий айблов асосида иш юритилишига оид талаблар ҳисобланади. Шунга кўра, жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этишда хусусий айблов асосида иш юритиш доирасини кенгайтириш, ушбу тоифа ишларни юритишнинг алоҳида тартибини белгилаш, шунингдек соддалаштирилган тартибда иш юритиш шартлари ва қоидаларини қабул қилиш орқали суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда замон талабларига жавоб берадиган жиноят процессуал фаолиятни йўлга қўйиш мумкин [5, Б.150-152].

Жиноят-процессуал муносабатларда хусусий айблов институтининг янада кенгрок қўлланишига хизмат қиладиган янги қонун нормалари қабул қилиниши, умуман олганда хусусий айблов институтининг кенгайтирилиши жинoий судлов фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш билан бирга жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш мақсадига хизмат қилади. Шу билан бирга хусусий айблов институтини такомиллаштиришда жиноят-процессуал фаолиятга тизимли ёндашган ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсатидан кўзланаётган мақсаддан келиб чиқиб, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни узвий боғлиқликда такомиллаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда жиноят тушунчаси, жавобгарлик асослари, қилишнинг жинoийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, жавобгарлик тушунчаси ва жавобгарликка тортиш асослари, жазо тушунчаси ва жазо тайинлаш асослари, жавобгарлик ва жазодан озод этиш асослари, мажбурлов чоралари, жиноятлар ва уларни содир этганлик учун тайинланиши мумкин бўлган жазолар, бошқа жинoий-ҳуқуқий институтларни такомиллаштиришда ушбу жинoий ҳуқуқий институтларни қўллаш тартиби ва хусусиятларини инoбатга олиб, ишлаш зарур. Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда эса айбловни амалга оширувчи субъектларнинг даъвосига асосланган иш юритиш тартиби, жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошириш механизми белгиланиши мақсадга мувофиқ. Жиноят-процессуал қонунчиликни хусусий айблов институтини қўллаш йўналишида такомиллаштиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

1. Жиноят-процессуал фаолиятни бошлаш учун асос сифатида жабрланувчининг шикоятни ёки прокурорнинг аризаси мавжуд бўлишлигини белгилаш. Шунга кўра айбловнинг хусусий, оммавий (давлат) ва аралаш шакллари аждратиш ва уларни амалга ошириш тартибини аниқ белгилаш.

2. Аралаш айбловни амалга ошириш учун прокурор розилик берган ёки қўллаб қувватлаган шахснинг аризаси асос бўлишини белгилаш.

3. Жиноят ишини тергов қилишнинг мажбурийлигини бекор қилиш. Яширин содир этиладиган жиноятлар (шахс ноаниқ бўлган)га оид, жиноят содир этган шахс яширинган ёки унинг қаердалиги номаълум бўлган ва мураккаб ишлардагина тергов ўтказилиши шартлиги, қолган ишларда заруратга кўра ўтказилиши мумкинлиги, тергов ўтказишга прокурорнинг қарори асос бўлиши, терговнинг муддати ҳам прокурор томонидан белгиланиши қонунда тартибга солиниши керак.

4. Хусусий айбловга доир ишларда терговга қадар текширув ўтказиш билан кифояланиб, жабрланувчининг шикоятини судда кўриб чиқиш учун барча зарур ташкилий чоралар кўрилиб, тўпланган зарур маълумотларни судга тақдим этиш тартиби белгиланиши зарур.

5. Аралаш ва давлат айбловига доир ишларда тергов ўтказиш шарт эмас деб топилганда давлат айбловини қувватлайдиган мансабдор шахс (терговчи) белгиланиб, зарур ташкилий чоралар кўрилиб, текширув натижасида йиғилган зарур маълумотлар шахснинг аризаси ва/ёки прокурорнинг айбловни қўллатлаш ҳақидаги аризаси билан судга юборилиши тартиби белгиланиши керак.

6. Тергов ҳаракатларини ўтказиш учун агарда у шахс ҳуқуқ ва эркинларини чеклаш билан боғлиқ бўлмаса, ортиқча чекловлар бўлмаслиги керак, шунингдек холислар иштироки мажбурийлиги талабини бекор қилиш ва тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки далиллар (маълумотлар) тўплаш ҳуқуқига айбловни амалга ошираётган шахслар (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, уларнинг вакили, давлат ёки жамоат айбловчиси), айбловдан ҳимояланаётган шахслар (гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий даъвогар, унинг вакиллари), ҳимоячи эга бўлиши зарур.

7. Тергов ўтказиш эса амалдаги қонунчилик талабларига ўхшаш тартибда амалга оширилиши, лекин тергов ўтказаетган шахс ишни ҳал этиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги, тергов яқунларига кўра прокурор тасдиқлайдиган айб эълон қилиш қарорини иш материаллари билан судга тақдим этиши, давлат айбловчиси айбловдан воз кечганида ишни тугатиш мумкин бўлиши керак.

8. Суд жараёнлари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибга ўхшаш бўлиши, аммо суд ишни кўриш учун тайинлагандан сўнг иш кўрилиши бошланадиган кунга қадар айблов ва ҳимоя тараф ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур маълумотларни (далил) тўплаш ва судга тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек айбга иқрор бўлганда қисқартирилган тартибда суд жараёни ўтказиш тартиби, яъни келишув институти белгиланиши керак.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 31 октябрь, 43-сон, Б.5-20.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. ПФ-5268-сон 30.11.2017 // URL: <https://lex.uz/docs/3432426>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3723-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3735818>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4939467>.
5. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 166 б.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

САИДОВ Баҳром Анварович  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий кенгаши  
котиби, юридик фанлар доктори, доцент  
[bahrom\\_saidov@inbox.uz](mailto:bahrom_saidov@inbox.uz)

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** САИДОВ Б.А. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 104-109.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-16>

### АННОТАЦИЯ

Ички ишлар органлари фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари, унга салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар ёритилган. Ички ишлар органларида хизмат қилаётган айрим суриштирувчи ва терговчилар жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни қийноққа солиш, уларга нисбатан шафқатсиз, ғайриинсоний муносабатда бўлиш, шунингдек кадр-қимматини таҳқирлаш каби Каттакўрғон, Чироқчи туманларида ҳамда Андижон шаҳрида шов-шувга сабаб бўлган ҳоллар қайд этилган, бу каби ҳолатларнинг республика миқёсидаги статистикаси кўрсатилган. Ички ишлар органлари фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида, жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятларни электрон тартибда рўйхат (ягона реестр)га олиш ва расмийлаштириш, жиноят процессининг барча босқичларида «Электрон жиноят иши» тизимини жорий этиш таклифи илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** ички ишлар органлари, жиноят, жиноят-процессуал, қийноқ, ариза, жабрланувчи, жиноятни ҳисобдан яшириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар.

САИДОВ Баҳром Анварович  
Секретарь Ученого совета Академии МВД Республики Узбекистан,  
доктор юридических наук, доцент  
[bahrom\\_saidov@inbox.uz](mailto:bahrom_saidov@inbox.uz)

## ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ И СВОБОД ЛИЧНОСТИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

### АННОТАЦИЯ

В статье освещены вопросы обеспечения прав и свобод личности в деятельности органов внутренних дел, негативно влияющие на их объективные и субъективные факторы. Отмечаются случаи пыток, жестокого, бесчеловечного, унижающего достоинство человека обращения некоторых дознавателей и следователей органов внутренних дел в отношении с лицами, подозреваемыми в совершении преступлений, а также случаи, произошедшие в Каттакурганской, Чиракчинской районах и городе Андижане, вызвавшие сенсацию, приводится статистика подобных случаев по республике. В целях обеспечения прав и свобод личности в деятельности органов внутренних дел,



выдвигаются предложения по принятию и оформлению заявлений и сообщений в электронном порядке (единый реестр) о преступлении, а также внедрению системы «Электронного уголовного дела» на всех стадиях уголовного процесса.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, преступление, уголовно-процессуальный, пытки, заявление, потерпевший, сокрытие преступления от учета, права и свободы личности, международно-правовые акты.

**SAIDOV Bahrom**

Academic secretary of the Academic Council of the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan, Doctor of law Sciences, Associate Professor

[bahrom\\_saidov@inbox.uz](mailto:bahrom_saidov@inbox.uz)

## ENSURING THE RIGHTS AND FREEDOMS OF THE INDIVIDUAL IN THE ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS

### ANNOTATION

The article deals with the issues connected with ensuring the rights and freedoms of the individual in the activities of internal affairs bodies, objective and subjective factors that negatively affect it. There were reports causing excitement about torture, ill-treatment and humiliation treatment towards suspects who committed crimes by some interviewers and investigators who serve in the organs of internal affairs as Kattakurgan, Chirakchi districts and Andijan city and republican statistics of such cases are shown. In order to ensure the rights and freedoms of the individual in the activities of internal affairs bodies, registration and formalize applications and complaints about crimes in electronic form (single register), the introduction of “Electronic criminal case” at all stages of criminal proceedings is proposed.

**Keywords:** organs of internal affairs, crime, criminal procedure, torture, application, victim, concealment of crime, rights and freedoms of an individual, international legal act, convention.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳамда жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда либераллаштириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, жиноят ишлари юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш, суд-тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш каби муҳим вазифалар назарда тутилган.

Бу эса мазкур устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ва танқидий ўрганишни тақозо этади. Айниқса, бу борада жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибини янада соддалаштириш ва шахснинг ўз айбига иқроқ бўлиб, суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишига эришиш, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсларни жинойий жавобгарлик ва жазодан батамом ёки қисман озод қилиш асослари ва процессуал тартибини белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БМТ томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилган Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенциясида қийноқлар билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларнинг белгилари очиқ берилган.

Конвенция талабларидан келиб чиқиб, 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасини БМТнинг мазкур Конвенциясида қайд этилган талабларга мувофиқлаштириш, шунингдек қамоққа олиш жойларида тегишлича шарт-шароитларни ва муомалада бўлишни таъминлаш бўйича аниқ ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилган.

2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Жиноят кодекси янги 230<sup>1</sup>-модда (Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) ва 230<sup>2</sup>-моддалар (Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш) билан тўлдирилди. Шу билан бирга, “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш” учун жавобгарлик кўрсатилган 235-модда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар билан янги тахрирда ишлаб чиқилди.

Мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодекси янги 95<sup>1</sup>-модда (Далилларнинг мақбул эмаслиги) билан тўлдирилди. Унга кўра, агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали, яъни жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас, деб топилади.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси тўртинчи қисм билан тўлдирилиб, унда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда руҳсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозимлиги белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилиб, унга асосан прокурор ўз ваколатлари доирасида озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазони ўтаётган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоққа тортилган шахслардан жиноятлар тўғрисида олинган аризалар, хабарларни ва бошқа маълумотларни дарҳол рўйхатга олиш ва ҳал этишда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини, шунингдек ушбу шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатилиши ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатилиши эҳтимолини аниқлаш учун мажбурий текширишни амалга ошириши шартлиги мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (141-модда), Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш (141<sup>1</sup>-модда), Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (141<sup>2</sup>-модда), Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (142-модда), Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш (143-модда), Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (144-модда), Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш (230-модда), Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (231-модда), Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (234-модда), Жиноятни ҳисобга олишдан қасдан яшириш (241<sup>1</sup>-модда) каби шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қиладиган қилмишлар учун жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йилда биринчи марта БМТнинг Қийноққа қарши курашиш қўмитасига Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенцияда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг маърузаси билан бирга Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Муқобил маърузаси ҳам киритилди.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг [1] «Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципи» деб номланган 8-моддасига биноан «Қийноққа солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланади. Ички ишлар органининг ходими фуқарога қасдан оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шарт». Лекин, шу билан бирга қайд этиш лозимки, ҳозирги янги даврда ҳам жиноят содир этишда

гумон қилинган шахсларни қийноққа солиш, уларга нисбатан шафқатсиз, ғайриинсоний муносабатда бўлиш, шунингдек кадр-қимматини таҳқирлаш каби шов-шувга сабаб бўлган ҳоллар учраб турибди.

Жумладан, 2019 йилда «Чироқчи туманида туман ички ишлар бўлимининг икки нафар ходими — Жонқобилов ва Облаевлар ўғрилиқда гумон қилинган фуқарони ички ишлар биносига аёвсиз калтаклаб, шафқатсизларча тан жароҳати етказиб ўлдиришган. Оқибатда унинг 4 нафар фарзанди етим бўлиб қолди. Улар жазосини олади, лекин бу билан нима ўнгланиб қолади? Шу нуқтаи назардан, давлат раҳбари томонидан бундай ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш, кейинчалик йўл қўймаслик учун тергов, терговгача текширув ва суриштирув ишларини такомиллаштириш топшириғи берилди» [3].

2020 йил 1 июнь куни Андижон шаҳар ИИО ФМБ 4-сон ИИБ ходимлари иш юритувидаги ариза юзасидан фуқаро А.га ИИБ маъмурий биносига, ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган усулда зўрлик ишлатиб, уни ноқонуний равишда ушлаб туришган. Бунинг оқибатида А.нинг соғлиғи ёмонлашгач шифохонага олиб борилган. Аммо, тиббий ёрдам кўрсатилган бўлишига қарамасдан фуқаро А. вафот этган.

2018 йил 22 июнь куни Каттақўрғон шаҳар ИИБ тезкор вакили С.У. ва бошқалар фуқаро (аёл) Н.Т.ни ўғрилиқ қилганликда гумон қилиб, шаҳар ИИБ маъмурий биносига олиб келишган ва эғнидаги барча қийимларини ечишга мажбур қилиб, бу ҳолатни ўзи видеотасвирга олган. Кейинчалик ушбу видеотасвир ижтимоий тармоқларга сиздирилган.

«Сўнгги вақтларда қийноқ билан боғлиқ ҳолатлар кўпайиши кузатилаётгани аҳолини ўринли ташвишга солмоқда. Мамлакатимизда 2017 йилда 7 та, 2018 йилда 10 та, 2019 йилда эса 16 та қийноққа солиш жинояти, яъни Жиноят кодексининг 235-моддасида назарда тутилган жиноят (*қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш*) қайд қилинган, натижаси бўйича айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилган.

Қийноққа доир муурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда қийноқ ҳолатларига доир ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга оширишнинг бугунги ҳолати талабга тўлиқ жавоб бермайди. Сўнгги уч йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қийнаш, кўрқитиш ва бошқа тазйиқлар қилинганлиги юзасидан 757та (2019 йилда 208та, 2018 йилда 352та, 2017 йилда 197та) ариза келиб тушган бўлса, уларнинг 33таси, яъни 4,4 фоизи бўйича жиноят иши қўзғатилган».

«Истаймизми-йўқми, (мамлакатимиздаги жазони ижро этиш муассасаларида, тергов изоляторларида, махсус ҳибсхоналарда) қийноқлар масаласи бор. Олдин ҳам жуда кўп бўлган, фақат Ўзбекистон ҳукумати буни тан олмаган. Лекин охириги йилларда Ўзбекистонда қийноқлар масаласи мавжуд эканини ошкор этмоқда» [7].

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов департаментининг маълумотига кўра, 2018 йилда ЖКнинг 230-моддаси (айбсиз кишини жавобгарликка тортиш) бўйича жиноят қайд этилмаган бўлса, 2019 йилда 6та жиноят содир этилган, 234-моддаси (қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш) бўйича 2018 йилда 1 та жиноят содир этилган бўлса, 2019 йилда 5 та жиноят содир этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судида маълумотига кўра, биргина 2019 йилнинг ўзида 1 нафар мансабдор шахс ЖКнинг 230-моддаси (айбсиз кишини жавобгарликка тортиш) билан, 6 нафар мансабдор шахс ЖКнинг 230<sup>1</sup>-моддаси (далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) билан, 4 нафар мансабдор шахс ЖКнинг 234-моддаси (қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш) билан, 3 нафар мансабдор шахс ЖКнинг 235-моддаси (қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) билан жиноий жавобгарликка тортилиб, айблов ҳукми чиқарилган.

Юқорида қайд этилган салбий ҳолатлар, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, мазкур жараёнда асосий эътибор инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилаётган янги даврда содир бўлмоқда. Шу боис, жиноят ишини юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида суриштирув ва тергов органлари фаолияти устидан идоравий назоратни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш мақсадида, тадқиқот

иши доирасида 700 нафар суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьялар ўртасида социологик сўров ўтказилди. Унда иштирок этган респондентларнинг 39 фоизи «иш ҳажмининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши»ни, 31 фоизи «ходимлар фаолиятига жиноятчилик статистикасига қараб баҳо берилиши»ни, 26 фоизи «белгиланган муддат тугашига қисқа вақт қолиши»ни (қолган 14 фоизи бошқа сабаблар) ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига асосий сабаб қилиб кўрсатган.

Фикримизча, ички ишлар органлари фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига қуйидаги иккита омил сабаб бўлмоқда:

**Объектив омиллар:** Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятига жиноятчилик статистикасига қараб баҳо берилиши; суриштирув ва тергов органлари иш ҳажмининг кўпайиб кетиши; ходимларни ўзларининг хизмат вазифаларига алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш амалиёти давом этаётгани боис жиноят иши бўйича барча ҳолатларни синчковлик билан, тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиш учун белгиланган суриштирув муддатлари етарли бўлмаётгани; суриштирувчи ва терговчининг чинакам процессуал мустақиллиги амалда таъминланмаганлиги; уларга ноқонуний таъсир кўрсатиш ва фаолиятига асоссиз аралашини ҳолатлари мавжудлиги; ходимларнинг моддий ва ижтимоий таъминотига оид масалалар тўлиқ ҳал этилмаганлиги; тизим фаолиятига илғор илмий-техник воситалар, шунингдек замонавий иш усуллари тўлиқ жорий этилмаганлиги ва ҳ.к.

**Субъектив омиллар:** айрим ходимларда жиноятни фош қилиш бўйича билим ва тажрибанинг етарли эмаслиги, ўз устида ишламаслиги; баъзи ходимларнинг масъулиятсизлиги, маънавий ёки интизомий жиҳатдан етук эмаслиги; ғайриқонуний йўл билан бўлса-да, жиноятни очиш ниятида бўлиши; ноқонуний ҳолатларга мутасадди мансабдор шахсларнинг бепарволик билан муносабатда бўлишлари, жамоатчилик назоратининг заифлиги ва ҳ.к.

Юқорида қайд этилган объектив омиллардан асосийси, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятига жиноятчилик статистикасига қараб баҳо берилиши бўлиб, ушбу омил жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яширилишига сабаб бўлмоқда.

Жиноят ишини қўзғатишни асоссиз рад этиш жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини бузади, фош этилган жиноятларга янги, янада оғир ва шафқатсиз жиноятларни содир этишга ҳамда бошқа шахсларни жалб этишларига имконият яратади [6, Б.7]. Шу билан бирга жабрланувчининг ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келади.

«Содир этилган жиноятларни қасддан яшириш орқали жиноятчиликка қарши курашиб бўлмаслиги аниқ. Аксинча, бу ҳол жиноятчилик кескин ошиб кетишига сабаб бўлади. Сенатда ҳисобот берган мамлакат Бош прокурорининг маърузасида келтирилган рақамлар бунга яна бир қарра тасдиқлади.

Айтилишича, 2019 йилда содир этилган жиноятларни қайд этмай, қасддан яширганлик ҳолати бўйича 25 нафар ички ишлар ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, уларнинг 21 нафари суд тартибида жавобгарликка тортилган.

Бош прокурор ўз маърузасида бундан ҳам аянчли фактларни келтирди. Яъни, 2006 йилда чирчиқлик фуқаро Қ. таниши Х.га қарзга берган 300 АҚШ долларни сўраб борганида қарздор томонидан ўлдириб юборилади. Шундан кейин аёлни қидириб унинг укаси, сўнг онаси Х.нинг олдига келади ва улар ҳам қотиллик қурбонига айланади (кейинчалик қотил ҳар учала қурбонининг жасадини Чирчиқ дарёсига ташлаб юборгани аниқланади).

Ҳамма бало шундаки, бир оиланинг уч аъзоси йўқолгани ҳақида уларнинг яқинлари берган аризаси Чирчиқ шаҳар ИИБда қайд қилинмай, йўқ қилиб юборилган! Яққол кўриниб турган қотиллик юзасидан 13 йил давомида текширув ва қидирув ишлари сансалорликка солиб келингани оқибатида Х. ўтган вақт давомида яна учта фуқаронинг умрига зомин бўлишга, шунингдек, вояга етмаган бир қизнинг номусини топташга улгуради.

Агарда Х.нинг биринчи жинояти ўз вақтида фош этилганида эди, уч нафар фуқаро қотиллик қурбонига, ёш қизча эса жабрланувчига айланмаган бўларди, дейди Бош прокурор» [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарорига кўра, «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят

ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш, Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳасини амалга киритиш вазифаси белгиланди.

Келгусида «Электрон жиноят иши» тизимининг жиноят процессининг барча босқичларни камраб олиши процесс иштирокчилари учун электрон маълумот олиш имкониятининг яратилиши, идоравий ва прокурор назоратининг электрон шаклда амалга оширилиши, ҳисоботларнинг автоматлаштирилиши, жиноят процессининг шаффофлиги, ҳужжатларнинг қалбакилаштириш хавфи минималлашиши, жиноят ишларининг йўқолиб кетиши хавфининг бартараф этилиши, вазирлик ва бошқа идоралар билан электрон маълумот алмашинуви, экспертиза хулосалари ҳамда суд санкцияларини олиш, шунингдек жиноят ишларини бошқаларга ўтказишнинг электрон шаклда амалга оширилиши муносабати билан катта ҳажмдаги вақтнинг тежалиши каби афзалликларни туғдиради [5, Б.44].

Шу боис, *жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятларни электрон тартибда рўйхат (ягона реестр) га олиш ва расмийлаштириш вақти келди*, деб ҳисоблаймиз. Мазкур таклиф электрон сўровномада иштирок этган респондентларнинг 76 фоизи томонидан қўллаб-қувватланди.

Жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятларни электрон тартибда рўйхатга олиш, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жабрланувчининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилишга, уларга етказилган зарар қопланишига, жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги ўз вақтида таъминланишига хизмат қилади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. «Ички ишлар органлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2016.16.09, ЎРҚ–407-сон. // URL: <http://lex.uz>.
2. «Чирчиқлик маньяк». Жиноятларни яширган ИИБ ходимлари жавобгарликка тортилди. — URL: <https://xabar.uz>. 22.05.2020.
3. Жиноятни қонуний фош қила олмагани учун бунга қўл уради. — Бош прокурор терговдаги қийноқлар ҳақида. // URL: <https://kun.uz/news/2020/05/12>.
4. Ортиқова Светлана. Қийноққа солинган шахсларга етказилган зарар қопланади. — URL: <https://kun.uz/news/2020/05/29/>
5. Ражабов Б. А. Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш: монография. — Тошкент: ИИБ Академияси, 2019.
6. Саҳадинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б. Х. Пўлатов. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
7. Ўзбекистонда қийноқлар олдиндан бор, фақат ҳуқуқат буни тан олмасди. — Омбудсман. // URL: <https://kun.uz/news/2020/05/30/>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

**МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли**

Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

E-mail: [s.maxmudov@tsul.uz](mailto:s.maxmudov@tsul.uz)

## **АЙБЛИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ҲАЛ ҚИЛМАЙ ТУРИБ ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** МАХМУДОВ С.А. АЙБЛИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ҲАЛ ҚИЛМАЙ ТУРИБ ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 110-115.



6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-17>

### **АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш босқичида жиноят-процессуал қонунчилигига илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш орқали айб依лик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтининг айрим асослари таҳлил этилди ҳамда мазкур ҳолатларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган. Шу билан бирга, айб依лик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асосларининг айрим турларини ўрганиш орқали жиноят-процессидида жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари кўриб чиқилди. Таҳлил натижалари юзасидан, айб依лик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Қалит сўзлар:** айб依лик, жиноят ишини тугатиш, реабилитация, жиноят ишини реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича тугатиш, жавобгарликка тортиш муддати, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, жабрланувчининг шикояти.

**МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли**

Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального права  
Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: [s.maxmudov@tsul.uz](mailto:s.maxmudov@tsul.uz)

## **НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПРЕКРАЩЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА БЕЗ РАЗРЕШЕНИЯ ВОПРОСА О ВИНОВНОСТИ**

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются некоторые аспекты института уголовного судопроизводства без решения вопроса о виновности путем имплементации международного опыта в уголовно-процессуальное законодательство на этапе судебной реформы и исследуются проблемы, связанные с применением этих дел. При этом защита имущественных прав потерпевшего или гражданского истца в уголовном процессе рассмотрена путем изучения отдельных видов оснований для прекращения уголовного дела без разрешения вопроса о виновности. По результатам анализа были разработаны соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию института прекращения уголовного делопроизводства без разрешения вопроса о виновности.

**Ключевые слова:** вина, прекращение уголовного дела, реабилитация, прекращение уголовного дела по не реабилитационным основаниям, срок привлечения на ответственность, подозреваемый, обвиняемый, подсудимый, потерпевший, заявление потерпевшего.

**MAXMUDOV Sunnatjon**

Lecturer of the Department of Criminal Procedural Law,  
Tashkent State University of Law  
E-mail: [s.maxmudov@tsul.uz](mailto:s.maxmudov@tsul.uz)

**SOME ASPECTS OF THE TERMINATION OF A CRIMINAL CASE WITHOUT SOLVING CULPABILITY ISSUE****ANNOTATION**

This article analyzes some of the foundations of the institution of criminal justice without resolving the issue of guilt by introducing advanced international experience into criminal procedure legislation at the stage of judicial reform and examines the problems associated with the application of these cases.

At the same time, the protection of the property rights of a victim or a civil plaintiff in a criminal proceeding was considered by studying certain types of grounds for terminating a criminal case without resolving the issue of guilt. Based on the results of the analysis, appropriate proposals and recommendations were developed to improve the institution of terminating criminal proceedings without resolving the issue of guilt.

**Keywords:** guilty, termination of a criminal case, rehabilitation, termination of a criminal case on non-rehabilitation grounds, term of bringing to responsibility, suspect, accused, defendant, victim, victim statement.

Бугунги кунда, суд-хуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси [1] қабул қилинди. Мазкур Концепцияда жиноят ва жиноят-процессуалдаги айрим институтларни такомиллаштириш вазифаси белгиланган эди.

Шунга қўра, жиноят-процессуалда “айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш” институтини татқиқ этиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, замонавий юриспруденция талаблари асосида “Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш” институтини такомиллаштиришда бир нечта вазифалар олдимизда турибди. Мазкур вазифаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1) жиноят-процессуал қонунчилигига илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш орқали “Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш” ҳолатларини қайта

таҳлил этиш ҳамда мазкур ҳолатларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш;

2) замонавий юриспруденция талаблари асосида “айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш” ҳолатларининг айрим турларини такомиллаштириш.

Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш ҳолатлар ҳамда уларни қўллаш тартиби хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам, миллий қонунчилигимизда ҳам белгилаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг [2] 84-моддасида **айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш** асослари келтирилган бўлиб, мазкур моддада **13 та** ҳолат белгилаб қўйилган.

Бироқ, Жиноят-процессуал кодексида **жиноят ишини тугатиш** тушунчасининг мазмун-моҳияти аниқ очиб берилмаган. Шундай бўлса ҳам, бир қанча олимлар ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини назарий жиҳатдан тушунтиришга ҳаракат қилишган.

Хусусан, О.В.Мичурин ва С.Н.Перетокин жиноят ишининг тугатилиши терговнинг якуний босқичи эканлигини, унда ишнинг натижалари чиқарилишини, терговчининг ички ишончи шакллантирилишини ва ишнинг ҳар бир ҳолати процессуал ҳужжатларда ифодаланганлигини, ҳар бир тўпланган далиллар учун бўшлиқлар ва зиддиятлар аниқланишини қайд этишган [3, Б.26].

Рус олими С.А.Филимоновнинг фикрига кўра эса, жиноий ишларни тугатиш ва реабилитация қилинмаган асослар бўйича жиноий таъқиб қилиш – бу суриштирувчи, терговчи ёки суднинг (судьянинг) жиноят иши юзасидан қабул қилинган, иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ёки шахснинг жиноят содир этилишига алоқадорлиги тўғрисидаги процессуал қароридир [4, Б.7].

Биз ҳам юқоридаги муаллифларнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, мазкур тоифадаги ишлар юзасидан жиноят иши у ёки бу сабабларга кўра юқоридаги моддада назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилади.

Айрим муаллифларнинг фикрига кўра, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш (жиноят ишини реабилитация қилинмайдиган асослар билан тугатиш) институти ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга [5, Б.28] бўлиши билан бир қаторда, ушбу институтни Конституция ва Жиноят-процессуал кодексининг айрим принциплари ва қоидалари талабларига зид эканлигини [6, Б.68] ҳам қайд этишган.

Шунингдек, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтининг жиноят-процессида муҳимлиги билан бир қаторда, суд-тергов амалиётида уларни қўллаш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Қуйида мазкур институт билан боғлиқ бўлган муаммоларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси **84-моддаси биринчи қисмининг 1–3, 8-бандлари**да назарда тутилган асослар бўйича жиноят иш тугатиладиган бўлса, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини амалиётда кўришимиз мумкин. Фикримизни қуйида асослашга ҳаракат қиламиз.

Мисол учун **шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса**, агар айбланувчи ёки судланувчи (айрим ҳолатларда уларнинг яқин қариндошлари) ариза билан мурожаат қилмас экан, тергов ёки суд томонидан шахснинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан туриб жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарилади.

Ушбу ҳолатда **фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқлари** бузилади. Ваҳоланки, жиноят ишини тугатиш қарорида жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга мулкӣ ҳуқуқлари бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтириб ўтилади.

Шахсга нисбатан жиноят иши **ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1–8-бандлари, бешинчи қисмининг 1,3-бандларига** мувофиқ тугатилган ҳолда унга нисбатан фуқаровий даъво кўрмай қолдирилади ва манфаатдор шахсларга уларнинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилади. Жиноят иши апелляция, кассация ёки назорат тартибида юқорида кўрсатилган асосларга биноан тугатилганда ҳам фуқаровий даъвога нисбатан шундай оқибатлар юзага келади [7].

Ушбу ҳолатда агар фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчи фуқаролик ишлари бўйича судга



жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашни сўраб мурожаат қиладиган бўлса, суд томонидан умумий тартибда айбсизлик презумпциясига асосан (чунки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорида ёки суд ажримида айблилик масаласи ҳал қилинмаган бўлади) даъво талаблари қаноатлантиришдан рад этилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Агар фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчи судга умумий тартибда даъво киритадиган бўлса, иш судда кўриб чиқиш вақтида (агар умумий даъво муддати ўтиб кетган бўлса) тарафларнинг талабига кўра даъво муддати ўтиб кетилганлиги сабабли даъво рад этилади.

Хусусан, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги боис жиноят иши тугатиладиган бўлса, (Жиноят кодексининг 64-моддасига кўра жавобгарликка тортиш муддати энг камида 2 йилни ташкил этади) қатта эҳтимол билан умумий тартибда фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчи учун умумий даъво муддати ўтиб кетиши мумкин.

**Жиноий жавобгарликка тортиш муддати** – жиноят содир этилган пайтдан бошлаб ва ҳукмнинг қонуний кучга кирган пайтигача қонунда ўрнатилган муддатларнинг тугаши, шундан сўнг жиноятни содир этган шахс, тегишли шартлар мавжудлигида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим [8, Б.162].

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси иккинчи қисмига кўра, ушбу модда биринчи қисмининг 1,2,3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади.

Шу сабабли, айбланувчи ёки судланувчининг суд томонидан айбдор деб топилишида фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчи ҳам мулкий томондан манфаатдорлигини инобатга оладиган бўлсак, тергов ёки суд тергови амалда давом эттирилиб, айбланувчи ёки судланувчининг айбдорлик масаласини кўриб чиқишда уларга ҳам ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан**, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида айбланувчи ёки судланувчи вафот этганлиги сабабли айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишининг тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бироқ, бугунги кунда суд-тергов амалиётида гумон қилинувчининг вафот этиш ҳолатлари ҳам мавжуд эканлиги унутмаслик керак.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида суришрив, тергов ёки суд давомида гумон қилинувчи вафот этган тақдирда жиноят ишини ҳал этиш тартиби аниқ белгилаб қўйилмаган.

Бугунги кунда эса, гумон қилинувчи вафот этган ҳолларда ваколатли органлар томонидан унга дастлаб сиртдан айб эълон қилинади, кейин ушбу жиноят иши айбланувчининг вафот этганлиги муносабати билан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан туриб тугатилиш амалиёти мавжуд.

Бироқ, агар жиноят иши қўзғатилмаган бўлса, шахс айбланувчи мақомида бўлиши мумкин эмас. Бу эса, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасида кўрсатилган нормаларга зид ҳисобланади.

Шунга кўра, айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатиш учун вафот этганлиги асос бўлган шахслар доирасини кенгайтириш таклиф қилинмоқда. Шу сабабли, гумон қилинувчи вафот этганлиги ҳолатини ҳам айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асосларидан бири сифатида Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасига киритсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қонунийдик принципини амалда тадбиқ этилишга хизмат қилади.

**Учинчидан**, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо бу – Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандида (**иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса**, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) назарда тутилган ҳолат ҳисобланади. Фикримизни қуйида асослашга ҳаракат қиламиз.

Суд-тергов амалиётида Жиноят-процессуал кодекси 325-моддаси ҳамда 84-моддасини нотўғри талқин қилиш ҳолатлари учрамоқда. Аксарият суриштирув ва тергов органлари томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддаси талаблари нотўғри талқин қилиниши натижасида жабрланувчининг шикоятни йўқлигини вақт қилиб кўрсатиб, асосиз равишда Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси иккинчи банди (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса) билан жиноят иши кўзгатишни рад этиш (агар иш кўзгатиш билан бўлса, уни тугатиш) ҳақида қарорлар қабул қилиниб келинмоқда.

Ваҳоланки, мазкур тоифадаги ишларни қонун талабларига кўра Жиноят-процессуал кодекси 84-модда олтинчи бандига асосан айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш лозим.

Яна бир мунозарали ҳолат бу жабрланувчининг шикоятига кўра жиноят ишини кўзгатиш ҳолати билан боғлиқ.

Мисол учун, терговчи жиноят ишини Жиноят-процессуал кодекси 325-моддаси, яъни жабрланувчининг шикоятига кўра жиноят ишини кўзгатишди. Дастлабки тергов давомида жабрланувчи айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси прокурорга терговчи ёки суриштирувчи томонидан юборилишидан олдин, жабрланувчи шикоятни қайтариб олган тақдирда, жиноят ишини тугатишнинг аниқ асослари ва тартиби Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилмаган.

Ҳозирда амалиётда суриштирувчи ёки терговчи томонидан тарафлардан ҳеч қандай шикоятни йўқ эканлиги мазмунидаги тушунтириш хати олган ҳолда, жиноят ишини Жиноят-процессуал кодекси 83-модда иккинчи банди (**содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса**) асосида тугатиш ҳолатлари кўп равишда учрамоқда.

Шунга кўра, жабрланувчи суриштирув ёки дастлабки тергов давомида шикоятини қайтариб олган тақдирда жиноят ишини тугатишнинг аниқ тартиби ва асосини Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур ҳолат билан боғлиқ яна бир муаммоли ҳолат бу **Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-банди**да белгиланган норма билан боғлиқ. Яъни мазкур бандда иш фақат жабрланувчининг шикоятини билан кўзгатиладиган ҳолларда унинг шикоятини бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, иш тугатилиши белгиланган. **Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида** эса, жабрланувчининг шикоятига асосан кўзгатиладиган жиноят ишлари берилган. Мазкур нормани таҳлил этадиган бўлсак, **Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига** асосан жабрланувчининг шикоятини билан кўзгатиладиган ҳолларда унинг шикоятини бўлмаса, жиноят иши тугатилиши лозим.

Бироқ, мазкур банднинг ўзида **Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно** деган норма ҳам белгилаб қўйилган. Модда мазмунидан шуни тушуниш мумкинки, умумий маънода Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (чунки мазкур норманинг ўзида жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши кўзгатиладиган ҳолатлар берилган) деган норма, жиноят иши жабрланувчининг шикоятини билан кўзгатиладиган ҳолларда унинг шикоятини бўлмаса, жиноят иши тугатилиши лозимлигини истисно этади. Аслида, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандининг бундай таҳрирда баён этилишига асосий сабаб, Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида прокурорнинг жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини кўзгатиш мумкин эканлиги ҳақидаги норманинг белгилаб қўйилганлиги ҳисобланади.

Шунга кўра, Жиноят-процессуал кодекси **84-моддаси биринчи қисми 6-бандига қуйидаги мазмундаги таҳририй ўзгартириш** киритиш лозим.

“Иш фақат жабрланувчининг шикоятини билан кўзгатиладиган ҳолларда унинг шикоятини бўлмаса, прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини кўзгатиш ҳоллари бундан мустасно;”.

Таҳлил натижалари юзасидан, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади:

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 1 – 3, 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят иш тугатиладиган бўлса,

жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини ҳисобга олиб, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга ҳам (худди айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари сингари) ишни юритишни умумий тартибда давом эттириш бўйича ариза ёки илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

**Иккинчидан**, айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатиш учун вафот этганлиги асос бўладиган ҳолатлардаги (айбланувчи ва судланувчи) шахслар доирасини кенгайтиришни таклиф этамиз.

Шу сабабли, гумон қилинувчи вафот этганлиги ҳолатини ҳам айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асосларидан бири сифатида Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига киритиш, мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан**, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига қуйидаги мазмундаги таҳририй ўзгартириш киритиш лозим.

“Иш фақат жабрланувчининг шикоятни билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикоятни бўлмаса, прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини қўзғатиш ҳоллари бундан мустасно;”.

**Тўртинчидан**, Жиноят-процессуал кодекси 325-моддаси биринчи қисмида “жабрланувчининг вояга етмаганлиги” ҳолатини ҳам прокурорга жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини берувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, замонавий юриспруденция талаблари асосида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, амалиётда юзага келаётган муаммоларга ечим топишга ҳам хизмат қилади.

#### **Иқтибослар /Сноски /References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3735818>

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон. // URL: <https://lex.uz/docs/111460>

3. Мичурина О.В., Перетокин С.Н. Обеспечение законности и обоснованности прекращения уголовного дела // Российский следователь. 2016. № 7. С. 26. // URL: <https://wiselawyer.ru/poleznoe/18465-obespechenie-zakonnosti-obosnovannosti-prekrashheniya-ugolovnogo-dela>

4. Филимонов, С.А. Прекращение уголовного дела и уголовного преследования по реабилитирующим основаниям: Автореф. дисс.. канд. юрид. наук. Краснодар, 2009. // URL: <https://kubsau.ru/upload/iblock/af7/af7f48f15a64d66fe8f27666162f2b5f.pdf>

5. Мусабеков С. Амнистия - акт гуманизма уголовной политики в Республике Казахстан // Фемида, 2001, № 6. // URL: [http://lib.ineu.kz/CGI/irbis64r\\_11/cgiirbis\\_64.exe?LNG=&Z21ID=&I21DBN=PERIOD&P21DBN=PERIOD&S21STN=1&S21REF=5&S21FMT=fullwebr&C21COM=S&S21CNR=10&S21P01=0&S21P02=1&S21P03=A=&S21STR=%D0%9C%D1%83%D1%81%D0%B0%D0%B1%D0%B5%D0%BA%D0%BE%D0%B2.%20%D0%A1](http://lib.ineu.kz/CGI/irbis64r_11/cgiirbis_64.exe?LNG=&Z21ID=&I21DBN=PERIOD&P21DBN=PERIOD&S21STN=1&S21REF=5&S21FMT=fullwebr&C21COM=S&S21CNR=10&S21P01=0&S21P02=1&S21P03=A=&S21STR=%D0%9C%D1%83%D1%81%D0%B0%D0%B1%D0%B5%D0%BA%D0%BE%D0%B2.%20%D0%A1)

6. Саҳаддинов С.М. Механизмы раскаяния и примирения: Две грани института медиации // Ҳуқуқ-Право-Law, 2013. № 4.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. // URL: <https://lex.uz/docs/3115385>

8. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 162 бет. // URL: <http://www.adolatnashr.uz/uploads/7.Jinoyat%20huquqi%20%20tom.pdf>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**КУЗИЕВ Азизбек Равшанбекович**

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: botirboy8555@gmail.com

## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** КУЗИЕВ А.Р. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 116-124.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-18>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан тезкор-қидирув органлари ва тергов бўлинмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги тенденциялари шаклланаётганлиги ҳақида сўз юритилади. Жумладан, муаллиф Ўзбекистон жиноят қонунчилигида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишларида исботлаш процессида далил сифатида фойдаланиш учун қонуний шарт-шароит яратилганлиги, шунингдек, терговчи томонидан жиноят процессида ношкора тергов ҳаракатларини амалга оширишни назарда тутувчи ҳуқуқий нормалар қонунчилигимизга киритилиши мумкинлиги борасида фикр билдирган.

**Калит сўзлар:** тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув, ношкора тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, далиллар, жиноят иши.

**КУЗИЕВ Азизбек Равшанбекович**

Самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: botirboy8555@gmail.com

## НОВЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ МЕЖДУ ОРГАНАМИ, ОСУЩЕСТВЛЯЮЩИМИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И СЛЕДСТВЕННЫМИ ПОДРАЗДЕЛЕНИЯМИ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается формирование новых тенденций взаимодействия между органами, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность и следственными подразделениями в связи с внесением некоторых изменений и дополнений в уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан. В частности, автором констатируется тот факт,

что в уголовном процессе Узбекистана были созданы условия для легального вовлечения и широкого использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процесс доказывания по уголовным делам. Также, высказано мнение о возможности внесения правовых норм, предусматривающем осуществление следователем негласных следственных действий в уголовный процесс Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, доследственная проверка, негласные следственные действия, результаты оперативно-розыскной деятельности, доказательство, уголовное дело.

**QUZIEV Azizbek**

Tashkent State University of Law, independent researcher

E-mail: [http: botirboy8555@gmail.com](mailto:botirboy8555@gmail.com)

## NEW TENDENCIES OF THE INTERACTION BETWEEN OPERATIONAL-RESEARCH UNITS AND INVESTIGATIVE BODIES

### ANNOTATION

This article highlights the forming of new tendencies of the interaction between operational-research units and investigative bodies in connection with the altering some amendments and additions to the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan. The author of the work claims that in criminal trial of Uzbekistan the reliable platform for legal involvement and wide use of results of operational-search activities in process of proof for criminal cases has been created. Moreover, the author formed conclusions about the possibility of adopting legal norms to the legislation of the Republic of Uzbekistan for establishing of covert investigative actions, which are fulfilled by the investigator in the criminal procedure.

**Keywords:** operative-research activity, preinvestigative checking, private investigative actions, results of operative-research activity, evidence, criminal case.

Ўзбекистон Республикасини “2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 2.4-бандида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган [1]. Жиноятларни очиш ва тергов қилишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва тергов бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мазкур тизимнинг муҳим таркибий қисми дейиш мумкин.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда ёлғиз терговчи, ҳатто терговчилар гуруҳи ҳам тезкор бўлинмаларнинг ёрдамсиз мураккаб жиноятларни тезлик билан очиш, ҳар томонлама тергов қилишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Ўзаро ҳамкорлик эҳтиёжининг мавжудлигини терговчи ва тезкор бўлинмаларнинг жиноятларни очишда ўзига хос махсус куч ва воситалардан фойдаланиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Мазкур воситалар терговчилар ва тезкор ходимлар томонидан алоҳида-алоҳида эмас, балки мажмуавий тарзда ва биргаликда қўлланилганда кўпроқ самара ва натижага эришилишини амалиёт кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, назарияда ҳам, амалиётда ҳам турли ҳуқуқий табиатга эга бу икки тизимнинг куч ва имкониятларини қандай қилиб мақбул, самарали ва қонуний асосда бирлаштириш масаласи бўйича ягона фикр ёки ёндашув мавжуд эмас. Амалиётни ўрганиш натижасида

маълум бўлмоқдаки, тезкор-қидирув ва судга қадар процессуал фаолиятнинг ягона мақсадга эришиш йўлида яқинлашиши ўрнига, аввалги даврлар билан таққослаганда, уларнинг ҳуқуқий ва ташкилий-тактик жиҳатдан бўлиниши сезиларли даражада содир бўлмоқда, бу эса ўз-ўзидан жинойтчиликка қарши курашишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, бугунги кунда назария амалиётдан сезиларли даражада ортда қолмоқда. Буни жинойтчиликнинг қиёфаси ўзгараётганлигида, жинойтчилар томонидан ижтимоий хавфли қилмишларни фан-техника ютуқларидан ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этаётганлигида, шунингдек, айрим жинойт гуруҳларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар собиқ ходимларининг (тезкор фаолият ва тергов амалиётига эга) кўшилиб кетаётганлиги каби жараёнларда кузатиш мумкин. Бу эса терговчилар ҳамда тезкор бўлинмалар ходимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш ва янги сифат босқичига олиб чиқиш заруриятни кўрсатмоқда.

Тезкор-қидирув фаолиятини нопроцессуал фаолият ҳисобланса, жинойт ишларини судга қадар юритишнинг қолган босқичларини процессуал фаолият деб аташ мумкин. Чунки мазкур фаолият жинойт-процессуал қонунчилиги билан тартибга солинади ва ушбу фаолият натижасида олинган маълумотлар жинойт ишлари бўйича далил сифатида баҳоланади. Тезкор-қидирув фаолиятига бундай хусусиятлар хос эмас, лекин бу мазкур институтнинг жинойтларни очиш ва тергов қилишдаги аҳамиятни камайтирмайди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда республикаимиз суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган ислохотлар, хусусан, жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилигининг такомиллаштирилаётганлиги, Жинойт-процессуал кодексига терговга қадар текширув институтининг киритилиши, суриштирув институтининг моҳияти ўзгарганлиги [2], Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни [3], шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига доир қатор қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши [4] [5] [6] натижасида тергов (суриштирув) ва тезкор-қидирув бўлинмаларнинг жинойтларни очиш ва тергов қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлиги йўналишида янги тенденциялар кузатилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодексига ишни судга қадар юритишнинг алоҳида шакли - терговга қадар текширув институти киритилиб, у жинойт ишини тергов қилишдан ажратилди, жинойт ишларини тергов қилиш суриштирув ва дастлабки терговга бўлинди [7]. Суриштирувчилар мустақил равишда терговчилар каби ўз органлари ваколатига тегишли жинойт ишларини (*ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинойтлар*) тергов қилиш ва судга айблов далолатномаси тузган ҳолда ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Бошқача айтганда, суриштирув жинойт ишларини тергов қилишнинг соддалаштирилган шаклига айланди.

Ундан ташқари, муқаддам **суриштирув органлари** ҳисобланган бир қатор давлат органлари (масалан, *давлат хавфсизлик хизмати органлари; Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиши тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиши колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари; чегарани қўриқлаш органлари; давлат ёнгиндан назорат қилиш органлари; Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Чакана савдо ва хизмат кўрсатиши соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари*) **терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар** сирасига киритилди, айна пайтда бир қатор давлат органларига бир вақтнинг **ўзида ҳам терговга қадар текширувни, ҳам суриштирувни** (*ички ишлар органлари, давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаменти; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси*) юритиш ваколати берилди. Янги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати терговга қадар текширувни,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлса, ҳам терговга қадар текширувни, ҳам суриштирувни олиб боровчи орган сифатида қўшилди [7].

Жиноят процессуал қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан яна бири бу шубҳасиз, жиноят ишларини тергов қилишда *дастлабки тергов органлари (прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати) терговга тегишли* (ЖПК 345-моддаси) ва *суриштирув органлари терговга тегишли* (ЖПК 381<sup>2</sup>-моддаси) бўлган жиноят ишларини белгиланганлиги дейиш мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига мувофиқ жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахсига *айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни (қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш) амалга ошириш ҳуқуқи* берилди. Жиноятга оид маълумотлар текширилгандан сўнг, бундай органнинг раҳбари томонидан жиноят ишини кўзғатиш ҳақида; ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида; ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарорлардан бирини қабул қилиниши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, ишларни судга қадар юритиш босқичида алоҳида процессуал мақомга эга бўлган суриштирувчи, терговчи ёки прокурор терговга қадар текширув мобайнида тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга ошира олади.

Шу билан бирга, айрим терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар бир пайтнинг ўзида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ҳисобланади. Жумладан, ЖПК 39<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмида терговга қадар текширув доирасида *ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари* жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чораларни кўриши, шу жумладан, *тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли* эканлиги белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мазкур органлар жиноят процессида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган сифатида иштирок этади. *Бу тезкор-қидирув фаолиятининг жиноятларни очиш ва тергов қилишда иштирокининг ўзига хос процессуал шакли* дейиш мумкин.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда терговчи (суриштирувчи) ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг анъанавий шакллари жиноят-процессуал қонунчилигимизда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Хусусан, терговчи (тергов гуруҳи раҳбари, суриштирувчи, суриштирувчилар гуруҳи ҳамда прокурор) ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисида **ёзма топшириқлар ва кўрсатмалар бериш**; терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни **ушлаб туриш, мажбурий келтириш, қидириш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини топшириш**, улардан **айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилиш; жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чораларни кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш** ваколатларига эга [7].

Ундан ташқари, барча тергов ҳаракатлари бажариб бўлинганидан кейин ҳам жиноят ишида айбланувчи шахс аниқланмаган ҳолларда дастлабки тергов (ЖПК 367-моддаси) ёки суриштирув

(381<sup>9</sup>-моддаси) тўхтатилганда, терговчи (суриштирувчи) **тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган орқали** айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт эканлигини *терговчи (суриштирувчи)нинг тезкор бўлинмалар билан ўзаро ҳамкорлигининг ўзига хос кўриниши* ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 39<sup>2</sup>-моддасига кўратерговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси зиммасига терговчи, суриштирувчи юритаётган иш бўйича айрим процессуал ҳаракатларни ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги **топшириқларини бажариш** ҳамда терговчига, суриштирувчига процессуал ҳаракатларни **бажаришида кўмаклашиш мажбурияти ҳам юклатилган**. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси (тезкор бўлинма ходими) терговчининг, суриштирувчининг топшириғини бажараётганда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда **процессуал ҳаракатларни амалга ошириши ва қарорлар қабул қилиши** белгиланган.

Терговчи ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кўрсатилган шаклини амалиётда самарали йўлга қўйиш учун мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунида [3] органлар тоифасига кирмайдиган суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан **суриштирувчининг, терговчининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи асосида** ўтказилиши, 13-моддага кўра тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисидаги **суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириқларини, прокурорнинг кўрсатмалари ва топшириқларини бажариш бўйича** барча зарур чораларни кўриши шарт эканлиги белгиланган. Яна бир муҳим қоидалардан бири Қонуннинг 15-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи **тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослардан бири** бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигимизда янги тенденциялардан бири сифатида **тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларини** ЖПК нормаларига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг *жиноят иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мумкинлиги ва далиллар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан ҳам тўпланиши* белгиланганлигини кўрсатиш мумкин [7].

[3] тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилиши, шу билан бирга, тезкор-қидирув фаолияти материаллари *жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиши*, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга *тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши*, бу материаллардан *жиноят ишлари бўйича исбот қилишида фойдаланилиши* мумкинлиги белгиланган.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари исбот қилиш жараёнида муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда ва амалиётда уларни далил сифатида эътироф этиш борасида ягона ёндашувни белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Қарорида бу масалага тўхтатилиб ўтилган.

Хусусан, далил, агар у номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган, жумладан, қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан *қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбири*



давомида олинган ва Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тўпланган далиллар мақбул эмас деб ҳисобланади. Мақбул бўлмаган далиллар ўз навбатида юридик кучга эга бўлмайди, улардан исботлаш учун фойдаланиш таъқиқланади.

Ушбу қоидалар мазмунидан тезкор-қидирув-фаолияти натижалари белгиланган тартибда расмийлаштирилган тезкор-қидирув тадбири давомида олинган ёки Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартларига риоя қилинган ҳолда тўпланган бўлса, улардан жиноят ишида далил сифатида эътироф этиш ва жиноят ишида исботлаш учун фойдаланиш мумкин деган хулосага келиш мумкин.

Амалиётда тезкор ва тергов бўлинмалар ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий шакли сифатида **идоралараро тезкор-тергов гуруҳлари** фаолият кўрсатади, лекин уларнинг ҳуқуқий асоси жиноят-процессуал қонунчилигида ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилмаган эди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқубузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Қарорида [8] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратуралари ҳузурида прокуратура, ички ишлар ва ДХХ тажрибалари ходимлари орасидан доимий равишда фаолият кўрсатадиган **идоралараро тезкор-тергов гуруҳлари тузиш** тўғрисидаги қоидалар белгиланиши бу борадаги муҳим қадамлардан бири дейиш мумкин.

Жиноятларни очишда ва тергов қилишда тергов ва тезкор-қидирув органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик масаласи жиний судлов тизими Ўзбекистонга ўхшаш бўлган МДҲ давлатларида айрим йўналишларда умумий жиҳатларга эга. Хусусан, РФ [9], Қозоғистон Республикаси [10], Озарбайжон Республикаси [11], Беларусь Республикаси [12], Украина [13] давлатларида ёки Грузияда [14] дастлабки тергов ва тезкор-қидирув институти алоҳида фаолият ҳисобланиб, ушбу давлатларда дастлабки терговни амалга оширишга ваколатли бўлган субъектлар (прокурор, терговчи, суриштирувчи) тезкор-қидирув фаолияти субъектларига (тезкор ходим, суриштирув органи ёки суриштирувчи, детектив) жиноят ишига алоқадор ҳолатлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш бўйича мажбурий топшириқлар ва кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга. Шунингдек, терговчи ва тезкор-қидирув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўринишларидан бири сифатида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далилларга қўйилган талабларга жавоб берса, улардан жиноят процессида исботлаш предмети сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу билан биргаликда, ушбу давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида тартибга солинган айрим масалалар Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида мавжуд эмас. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида [10] жиноят иши мураккаб ва катта қўламга эга бўлган тақдирда судга қадар терговни бир гуруҳ терговчилар ва суриштирув органи ходимларига (тергов, тергов-тезкор гуруҳи) топширилиши, Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексида айнан тезкор-тергов гуруҳлари тузиш ҳақида қоидалар мавжуд бўлмаса-да, тергов гуруҳи ишига ёки суриштирувчилар гуруҳига тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари жалб қилинишлари мумкинлиги белгиланган. Терговчининг тергов ҳаркатларида иштирок этишга суриштирув органи (тезкор-қидирув) ходимини жалб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги нормани Беларусь Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам кўриш мумкин [12].

Шунингдек, постсовет маконидаги бир қатор давлатларнинг қонунчилиги таҳлили уларда тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят процессуал қонунчилигининг яқинлашаётганлиги, бошқача

айтганда замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда *тезкор-қидирув фаолиятининг процессуаллашув жараёни* кечаётганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, Грузия, Украина ва Қозоғистон давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигига ушбу давлатларнинг тезкор-қидирув фаолияти қонунчилигида назарда тутилган айрим тезкор-қидирув тадбирлари *ноошкора ёки махфий (махсус) тергов ҳаракатлари* деб номланган ҳолда киритилиб, уларнинг турлари, ўтказиш тартиби ва шартлари белгилаб берилган. Ноошкора тергов ҳаракатлари деганда, жиноят иши доирасида унга алоқадор шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ўтказиладиган процессуал хусусиятга эга тадбирларни тушуниш мумкин [15, Б.120-129], [16, Б.98-105]. Лекин мазкур тергов ҳаракатлари тезкор-қидирув тадбирларидан айрим жиҳатларига кўра фарқланишини кўрсатиб ўтиш лозим (масалан, унинг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солиниши, фақат жиноят иши қўзғатилгунга қадар ўтказилиши ва х.).

Шу ўринда яна бир жиҳатни кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Гарчи айрим МДХ давлатлари жиноят-процессуал қонунчилигида ноошкора тергов ҳаракатлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлишига қарамай, ушбу тадбирларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига тергов ҳаракатлари сифатида киритилишининг мақсадга мувофиқлиги, уларнинг тезкор-қидирув тадбирларидан фарқли жиҳатлари, ўтказиш тартиби ва муддати, янги чоралар сифатида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ёки судга қадар ҳамкорлик тўғрисида келишувни мазкур тергов ҳаракатларига киритиш бўйичаилмий доира вакиллари томонидан кўплаб баҳсли фикрлар билдирилган [17, Б.299-310], [18, Б.45-53], [19, Б.139-146], [20, Б.170-178], [21, Б.312-328]. Бу борада МДХ давлатлари жиноят-процессуал қонунчилиги учун концептуал асос бўлиб хизмат қилган Германия жиноят процессуал қонунчилигида [22, Б.179, Б.239] ҳам тезкор-қидирув тадбирларининг айрим элементлари акс этганлиги ва мазкур давлатда ҳам ноошкора тергов ҳаракатлари немис Жиноят-процессуал кодексига киритиш ва уларнинг ишлаш механизми бўйича ягона ёндошув мавжуд эмас [23, Б.41-48].

Ундан ташқари, Қозоғистон ва Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексига терговчининг тергов қилаётган жиноят иши бўйича тезкор материаллар ва ноошкора тергов ҳаракатлари билан танишиш ва тегишли материалларни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган ёки жинойий гуруҳларга киритилган шахсларнинг кўрсатмалари жиноят иши далил сифатида баҳоланиши учун шартлар, бундай тоифадаги шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича қоидалар белгилаб қўйилган [10], [12].

Шундай қилиб, бир қатор қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида тергов (суриштирув) ва тезкор-қидирув бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўналишида шаклланаётган қуйидаги янги тенденцияларни алоҳида санаб кўрсатиш мумкин:

тезкор-қидирув фаолиятининг жиноят процесси билан яқинлашувини ёки унинг процессуаллашуви кузатилмоқда, яъни тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларига терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган вакили сифатида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириши ваколати берилганлиги;

тезкор-қидирув фаолияти материаллари нафақат суриштирув, тергов органларига, прокурор учун жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўришда фойдаланилиши, балки улар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиши;

тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкинлиги, яъни далиллар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан ҳам тўпланиши, шунингдек улар ЖПК нормаларига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг жиноят

иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши.

Шунингдек, ЖПКда нафақат терговчилар гуруҳини, балки тезкор-тергов гуруҳини тузиш имкониятини ва уларга терговчилар гуруҳига тақдим этилган ваколатларни беришни назарда тутувчи нормани киритиш эҳтиёжи мавжуд. Мазкур қоидаларни жинойт-процессуал қонунчилигига киритилиши бир тарафдан тезкор ходимларнинг терговда иштирок этишини осонлаштиради, иккинчи томондан, гуруҳ таркибидаги тезкор ходимларнинг фаолиятини процессуал назорат қилишни таъминлайди, бу борада терговчининг ваколатларини кенгайтиради.

Шундай қилиб, истикболда хориж тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тезкор-қидирув фаолиятининг жинойт процесси билан яқинлашуви кучаяди, тезкор-қидирув тадбирлари алоҳида тергов ҳаракатлари мақомига эга бўлиши, уни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг терговчи (суриштирувчи) каби процессуал мақоми белгиланиши эҳтимоли мавжуд.

### Иқтибослар /Сноски /References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3107036>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли «Ўзбекистон Республикасининг жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Қарори. // URL: <https://lex.uz/docs/3735818>
3. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолият тўғрисида»ги Қонуни, 2012 йил 25 декабрь, ЎРҚ—344 // URL: <https://lex.uz/docs/2107763>
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни, 2018 йил 5 апрель, ЎРҚ—471 // URL: <https://www.lex.uz/docs/3610935>
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар тўғрисида»ги Қонуни, 2016 йил 16 сентябрь, ЎРҚ-407 // URL: <https://lex.uz/docs/3027843>
6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона органлари тўғрисида»ги Қонуни, 2018 йил 18 октябрь, ЎРҚ-502 // URL: <https://www.lex.uz/docs/3610935>
7. Ўзбекистон Республикаси жинойт-процессуал кодекси. 22.09.1994 // URL: <https://www.lex.uz/docs/111460>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқубузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3141186>
9. УПК Российской Федерации // URL: [http://www.consultant.ru/document / cons\\_doc\\_LAW\\_34481](http://www.consultant.ru/document / cons_doc_LAW_34481)
10. УПК Республики Казахстан // URL: [https://online.zakon.kz/m/document?doc\\_id= 31575852](https://online.zakon.kz/m/document?doc_id= 31575852)
11. УПК Республики Азербайджан, URL: [https://online.zakon.kz/document/doc\\_id=30420280#pos=109](https://online.zakon.kz/document/doc_id=30420280#pos=109)
12. УПК Республики Беларусь // URL: <https://belzakon.net>)
13. УПК Украины // URL: [https://online.zakon.kz/Document/ ?doc\\_id=31197178#pos=5692](https://online.zakon.kz/Document/ ?doc_id=31197178#pos=5692)
14. УПК Грузии. // URL: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/90034?publication=110>
15. Доронин К.С. Понятие негласного следственного действия в уголовном процессе // Вестник МГУ. Сер. 11. Право. 2017. № 3.
16. Амирханов Б.К. Понятие негласных следственных действий и их соотношение с розыскными мерами. Қазақстан Республикасы Заңнама институтының жаршысы. 2016. №3 (44), // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-neglasnogo-sledstvennogo-deystviya-v-ugolovnom-protssesse>

17. Астафьев Ю.В. “Специальные следственные действия: к проблеме включения оперативно-розыскной деятельности в УПК РФ” // Вестник МГУ. Сер. Право. 2013. № 1. С. 299-310;
18. Ахпанов А.Н., Хан А.Л. О правовой природе и разграничении оперативно-розыскных мероприятий и негласных следственных действий. Вестник Института законодательства РК. 2018. №3 (52). С. 45-53.
19. Колосович М.С. Производство негласных следственных действий по УПК России, Украины, Казахстана и Киргизии. Юридическая наука и правоохранительная практика. 2015. 3 (33). С. 139-146.
20. Тамбовцев А.И. Негласный потенциал уголовно-процессуального законодательства России. Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России № 2 (78) 2018, С. 170-178.
21. Толочко А.Н. Правовая регламентация негласных следственных (розыскных) действий в уголовно-процессуальном законодательстве Украины // Пробелы в российском законодательстве. 2013. № 6. URL: [http://www.law.vsu.ru/structure/crimprocess/personal/astafyev\\_yuv.html](http://www.law.vsu.ru/structure/crimprocess/personal/astafyev_yuv.html)
22. §110а, §161. УПК ФРГ. Научно-практический комментарий и перевод закона. Германский фонд международного правового сотрудничества. Подстам. 2012.
23. Коновалов С.Г. Негласные следственные действия в уголовном процессе Германии: проблемы концептуализации. Уголовное судопроизводство. М.: - Юрист. 2018. №1 URL: <https://istina.msu.ru/publications/article/113252872/>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна**

Тошкент давлат юридик университети “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси  
мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент

E-mail: [gafurovanozimakhon@mail.ru](mailto:gafurovanozimakhon@mail.ru)

## ХАЛҚАРО ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ ИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИЯСИДА СОҒЛИҚҚА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА РОЛИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ГАФУРОВА Н.Э. ХАЛҚАРО ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ ИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИЯСИДА СОҒЛИҚҚА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА РОЛИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 125-132.



6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-19>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада халқаро ҳуқуқнинг янги шаклланиб келаётган тармоғи – халқаро тиббиёт ҳуқуқи тўғрисида фикрлар илгари сурилган. Бунда халқаро тиббиёт ҳуқуқининг асосий институти – соғлиққа бўлган ҳуқуққа алоҳида тўхталиб ўтилган, унинг келиб чиқиши, манбалари, юридик табиати ва аҳамияти ўрганилган ва аниқлаштирилган. Соғлиққа бўлган ҳуқуқдан барча инсонларни фойдаланиш имкониятини назарда тутиши тушунтирилган, яъни, соғлиқни сақлашнинг энг юқори даражасига эришиш учун тенг имкониятлар яратишга йўналтирилган соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ҳуқуқи, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ҳуқуқи, сифатли дори-дармондан фойдаланиш, соғлом болалик, оналик ва репродуктив саломатлик ҳуқуқи, аҳолини бирламчи тиббий-санитария ёрдамига бўлган ҳуқуқи, аҳолини соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар ва қарорлар қабул қилишда иштироки ва ҳоказо. Бундан ташқари, соғлиққа бўлган ҳуқуқ муайян эркинликларни, тиббий тажрибалар ва тадқиқотлар ёки мажбурий стерилизация каби мувофиқлаштирилмаган тиббий даволанишдан озод бўлиш ва қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки камситувчи даволаш ёки жазодан озод бўлиш кабиларни ҳам ўз ичига олиши кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** тиббиёт ҳуқуқи, халқаро тиббиёт ҳуқуқи, соғлиққа бўлган ҳуқуқ, барқарор ривожланиш мақсадлари, халқаро тиббиёт ҳуқуқи манбалари, халқаро ташкилотлар, БМТнинг ихтисослашган органлари, БМТнинг конвенцион органлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Стратсбург суди.

**Гафурова Нозимахон Эльдаровна**

Заведующая кафедрой Международного права и прав человека Ташкентского  
государственного юридического университета,  
доктор философии по юридическим наукам(Phd), доцент

E-mail: [gafurovanozimakhon@mail.ru](mailto:gafurovanozimakhon@mail.ru)

## РАЗВИТИЕ И РОЛЬ ПРАВО НА ЗДОРОВЬЕ В ИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИИ МЕЖДУНАРОДНОГО МЕДИЦИНСКОГО ПРАВА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье выдвигаются идеи о новой формирующейся отрасли системы международного права – международное медицинское право. При этом обсуждается главный институт международного медицинского права – право на здоровье, изучаются и уточняются его происхождение, источники, правовая природа и значение. В статье, также объясняется, что правом на здоровье могут пользоваться все, для достижения наивысшего уровня здоровья каждый имеет право на систему здравоохранения, направленное на создание равных возможностей, на профилактику и лечение заболеваний, доступ к качественной медицине, здоровое детство, материнство и право на репродуктивное здоровье, право населения на первичную медико-санитарную помощь, участие населения в принятии законов и решений в области здравоохранения. Также указывается, что право на здоровье включает в себя определенные свободы, освобождение от несогласованного медицинского лечения, такого как, медицинские эксперименты и исследования или принудительная стерилизация, свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство человека, видов обращения и наказания.

**Ключевые слова:** медицинское право, международное медицинское право, право на здоровье, цели устойчивого развития, источники международного медицинского права, международные организации, специализированные агентства ООН, конвенционные органы ООН, Европейский суд по правам человека в Страсбурге.

**GAFUROVA Nozimakhon**

Head of Department of International law and human rights of Tashkent state university of law,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate Professor  
E-mail: [gafurovanozimakhon@mail.ru](mailto:gafurovanozimakhon@mail.ru)

## THE DEVELOPMENT AND ROLE OF THE RIGHT TO HEALTH IN THE INSTITUTIONALIZATION OF INTERNATIONAL MEDICAL LAW

### ANNOTATION

The article puts forward ideas about a new emerging branch of the international legal system - international medical law. At the same time, the main institution of international medical law - the right to health - is discussed, its origin, sources, legal nature and significance are studied and clarified. The article also explains that the right to health can be enjoyed by all people, in order to achieve the highest level of health everyone has the right to a healthcare system aimed at creating equal opportunities, the right to prevention and treatment of diseases, access to quality healthcare, healthy childhood, motherhood and the right to reproductive health, the right of the population to primary healthcare, the participation of the population in the adoption of laws and decisions in the field of healthcare. It is further provided that the right to health includes certain freedoms, freedom from unauthorized medical treatment such as medical experiments and research or forced sterilization, as well as freedom from torture and other cruel, inhuman or degrading treatment or punishment.

**Keywords:** medical law, international medical law, right to health, sustainable development goals, sources of international medical law, international organizations, UN specialized agencies, UN convention bodies, European Court of Human Rights in Strasbourg.

Маълумки, тиббиёт ҳуқуқи аллақачон нисбатан янги ҳуқуқ тармоғи сифатида дунёнинг кўплаб мамлакатларининг ҳуқуқий тизими ва аҳолини ҳуқуқий маданиятининг таркибий қисмига айланган. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро стандартлар, биринчи бўлиб, Жаҳон Соғлиқни

Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) Уставида (Конституциясида) мустаҳкамланган, унда ЖССТни асосий мақсади сифатида “Барча халқлар учун иложи борича энг юқори соғлиқни сақлаш даражасига эришиш” белгиланган [1].

Бугунги кунда тиббиёт ҳуқуқи ягона юридик бирлик бўлиб, ўз таркибида институтларининг бирлиги билан тавсифланади, ҳуқуқнинг турли соҳа нормаларини тиббиёт ҳуқуқининг ягона тизимига бирлаштиради. Шу муносабат билан тиббиёт ҳуқуқи – тиббий фаолият натижасида вужудга келадиган барча ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи комплексли ҳуқуқ тармоғи бўлиб, унинг асосий мақсади ҳуқуқий тизимда алоҳида ўрин тутадиган одамлар саломатлигини максимал даражада яхшилаш имконини яратишдан иборат [2, Б.307]

Тиббиёт ҳуқуқида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар бир давлатнинг доирасидаги муносабатлардан кенгроқ қамровга эга бўлиши тиббиётнинг спецификаси, яъни ўзига ҳослиги билан боғлиқдир. Масалан, эпидемия, пандемиялар юзага келганида ушбу муаммо бир давлат томонидан тартибга солинишини имкони йўқ. Шунда, тиббиёт ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда, давлатлар, халқаро ҳуқуқматлараро ва баъзи халқаро нодавлат ташкилотлар каби халқаро ҳуқуқ субъектларининг иштироки ва ҳамкорлигида давлатлараро халқаро-ҳуқуқий муносабатлар юзага келади.

Уларнинг фаолияти биринчи навбатда глобал саломатликни яхшилаш ва инсон саломатлигининг энг юқори даражасини максималлаштиришга қаратилган. Шунга қўра, бундай ҳуқуқий муносабатлар миллий тиббиёт ҳуқуқи доирасидан чиқиб, халқаро ҳуқуқнинг янги пайдо бўлган тармоғи – халқаро тиббиёт ҳуқуқи томонидан тартибга солинишини тақозо этади. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда халқаро тиббиёт ҳуқуқи нормалари давлатларнинг миллий тиббиёт ҳуқуқи нормаларини шакллантириш ва ривожланишига таъсири катта. Чунки кўплаб халқаро тиббиёт ҳуқуқининг манбалари ҳисобланган халқаро шартномаларни иштирокчи давлатлари миллий тиббиёт ҳуқуқи қонунчилигига ушбу шарномаларни имплементациясини мунтазам амалга оширмоқда.

Халқаро тиббиёт ҳуқуқи ва унинг аҳамияти ҳақида гапиришдан аввал, соғлом турмуш ҳаётини таъминлашга қаратилган турли омиллар билан боғлиқ бўлган кенг қамровли ажралмас инсон ҳуқуқларидан бири **“соғлиққа бўлган ҳуқуқ”**ни батафсил ўрганиш аҳамиятлидир.

**“Соғлиққа бўлган ҳуқуқ”** давлат томонидан таъминланиши шарт бўлган хавфсиз ичимлик сувини, хавфсиз ва сифатли озиқ-овқатни, яшашга қулай уй-жой, соғлиқни сақлаш нормаларига тўғри келадиган меҳнат шароитлари, тоза ва соғлом атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш бўйича таълим ва хабардорлик, гендер тенглиги ҳуқуқлари ва бошқа эркинликларни (масалан, тиббий аралашувга беморни розилигисиз дучор этилмаслик, қийноқлардан холи бўлиш ҳуқуқи ва бошқалар)ни ўз ичига олади. Эътиборлиси, соғлиққа бўлган ҳуқуқнинг деярли барча ҳуқуқлари барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам акс эттирилган.

Шунга қўра, соғлиққа бўлган ҳуқуқ халқаро тиббиёт ҳуқуқининг асосий институти сифатида ўрин олган.

Маълумки, инсонни соғлиққа бўлган ҳуқуқи кўплаб халқаро шартномаларда эътироф этилган. Биринчи навбатда, Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 25-моддаси, 1-бандида шундай дейилган: “Ҳар бир инсон ўзи ва оиласи саломатлиги ва фаровонлиги учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий ёрдам ва зарур ижтимоий хизматлар, шу жумладан, фаровон ҳаёт даражаси ҳуқуқига эга...”.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалардан инсонни соғлиққа бўлган ҳуқуқига оид энг кенг қамровли шартнома – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда келтирилган. Пактнинг 12-моддаси, 1-бандига мувофиқ, иштирокчи-давлатлар “Ҳар бир инсон жисмоний ва руҳий саломатлигининг энг юқори даражасига эришиш ҳуқуқи”ни тан оладилар ва шу билан бирга ушбу Пактнинг 12-модда, 2-бандида “Иштирокчи-давлатлар томонидан инсонларни соғлиққа бўлган ҳуқуқини тўла рўёбга чиқариш кўриладиган чора-тадбирлар” батафсил келтирилган.

Бундан ташқари, инсонни соғлиққа бўлган ҳуқуқи, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенциянинг 5-моддасида (1965), Хотин-қизлар ҳуқуқлари

камситилишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 11.1 ва 12-моддаларида (1979), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 24-моддасида (1989) эътироф этилган.

Шунингдек, инсонни соғлиққа бўлган ҳуқуқи, Қайта кўриб чиқилган Европа ижтимоий Хартиясининг 11-моддасида (1961), Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Хартиясининг 16-моддасида (1981), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенциясига Қўшимча протоколнинг 10-моддасида (1988) ҳамда қатор минтақавий инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар билан ҳимояланган. Шу қаторда, соғлиққа бўлган ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия томонидан, шунингдек, 1993 йилги Вена Декларацияси ва ҳаракатлар дастури ва бошқа халқаро ҳужжатларда эълон қилинган [3].

Тарихга нигоҳ ташласак, соғлиққа бўлган ҳуқуқ илк бора 1978 йилда Гаага халқаро ҳуқуқ Академияси томонидан “Соғлиққа бўлган ҳуқуқ – инсон ҳуқуқи сифатида” [4] мавзусида халқаро семинарда кенг муҳокама қилинганлиги ва инсон ҳуқуқи сифатида тан олиганлигига амин бўлиш мумкин.

Бриджит Тобес ҳам соғлиқни сақлаш ҳолати учун жамиятни масъуллигини ошириш учун уринишлар деярли ҳамма жойда ва барча асрларда амалга оширилган, деб қайд этади, XIX асрнинг охиридан бошлаб иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни тан олиш ҳаракати юзага келади ва ушбу уринишларнинг натижасида шуасрда илк соғлиқни сақлаш бўйича қонунлар қабул қилинади ҳамда ХХасрда – соғлиққа бўлган ҳуқуқ инсон ҳуқуқи сифатида тан олинади [5, Б.377].

XIX асргача олимлар томондан ва расмий ҳужжатларда соғлиққа бўлган ҳуқуқ камдан-кам тилга олинган. Бироқ, давлат ёки ҳеч бўлмаганда жамиятнинг фуқаролар соғлиги учун жавобгарлик ҳисси хаттоки энг қадимги цивилизацияларда намоён бўлган. Қадимдан ҳокимият аҳоли саломатлигини яхшилаш чораларини кўрган. Жамиятнинг бундай ҳаракатларининг жамланиши одатда “жамоат саломатлиги” деб юритилган. Хаттоки, баъзан ҳозирги замон илмий адабиётларида ҳам “соғлиқни сақлаш ҳуқуқи” [6, Б.4-48], шунингдек, “халқаро соғлиқни сақлаш ҳуқуқи” [7, Б.13–20] тушунчасидан тез-тез фойдаланилади.

Ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг энг жадал ривожланиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди. Бу ҳуқуқлар турли халқаро шартномалар ва декларацияларда, шунингдек ўша даврда қабул қилинган миллий Конституцияларда мустаҳкамланган. Саломатликнинг ижтимоий-иқтисодий инсон ҳуқуқи сифатида тан олиниши 1945 йилда Сан-Францискода бўлиб ўтган халқаро тартиб бўйича Бирлашган Миллатлар ташкилоти конференциясидан бошланди. Ушбу анжуманда Бразилия делегацияси томонидан тақдим этилган Меморандумда Спеллмани (Нью-Йорк архиепископи) қуйидагича фикри акс эттирилган эди: “тиббиёт-дунёнинг устунларидан бири”. Ушбу Меморандумдан келиб чиққан ҳолда, БМТ Уставининг 55-моддасида “БМТ халқаро иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни, шунингдек, инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшиши керак”, деб қайд этилган...

Шу кунгача ҳам соғлиққа бўлган ҳуқуқнинг аниқ мазмуни ва таърифи атрофида кўплаб тафовутлар юзага келган. Бироқ, ҳозирги кунда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича кўмита томонидан қабул қилинган умумий изох № 14, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Пактнинг 12 моддасига, яъни “соғлиққа бўлган ҳуқуқ”га батафсил тушунча берилган ва “соғлиққа бўлган ҳуқуқ”ни тарифи келтирилган [8].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, соғлиққа бўлган ҳуқуқ нормалари ўз ривожланишининг муайян босқичларини бошидан кечирганлиги ва бугунги кунда ушбу нормалар тиббиёт ҳуқуқининг соғлиққа бўлган ҳуқуқи институтида бирлаштирилганига далилдир.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда халқаро шартномаларда акс эттирилган соғлиққа бўлган ҳуқуқ нормалари асосида халқаро тиббиёт ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқнинг янги тармоғи сифатида шакллланган.

**Халқаро тиббиёт ҳуқуқи** – халқаро соғлиқни сақлаш соҳасидаги барча халқаро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ субъектлари (давлатлар, халқаро ташкилотлар) томонидан ўрнатилган халқаро шартномаларда акс эттирилган норма ва тамойиллар мажмуидир.



Гнатик Е.А. халқаро тиббиёт ҳуқуқи бошланиши 1930 йилда, Гаага Академиясида профессор С.Витта томонидан “халқаро санитария ҳуқуқи” курси жорий этилганидан бошлаб қайд этилишини таъкидлаб ўтган. Профессор С.Виттани фикрича, “халқаро санитария ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқнинг янги тармоғи бўлиб, давлатлар ўртасидаги санитария муносабатларни тартибга солувчи нормалар мажмуидир” [9].

1956 йилда Дубровникда (Югославия) ўтказилган Халқаро ҳуқуқ Ассоциациясининг конференцияси халқаро тиббиёт ҳуқуқининг шаклланиши учун ҳал қилувчи қадам бўлди. Конференцияда халқаро тиббиёт ҳуқуқи бўйича Қўмита ташкил этилди. Ўша пайтда қўмита ушбу ҳуқуқ соҳасининг асосий мазмунини фақат урушни инсонпарварлаштириш ва уруш қурбонларига тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган нормалар деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, бу фикр халқаро тиббиёт қонунининг асосий мақсади “қуролли можаролар қурбонларини янада самарали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатини мустаҳкамлашдан иборат”, деб таъкидлайдиган халқаро ҳуқуқ Ассоциациясининг 47-Конференциясида қабул қилинган қарорда ўз ифодасини топди [10 Б.178-180]. 1964 йилда Токиода бўлиб ўтган Ассоциациянинг 51-конференциясида Қўмита аъзолари томонидан ушбу ёндошув ҳам тасдиқланган [10, Б.179].

Шундан келиб чиқиб, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг муайян нормалари соғлиққа бўлган ҳуқуқи нормалари билан бир қаторда халқаро тиббиёт ҳуқуқи ривожланишининг тарихий асосини ҳам ташкил этди.

Батърь В.А. фикрига кўра, 1864 йилги Женева Конвенциясининг қабул қилиниши тиббиёт ҳуқуқининг ривожланишига катта таъсир кўрсатганини қайд этади. У уруш даврида алоҳида шахсларни соғлиғини сақлаш ва инсониятни ҳимоя қилиш стандартларини ўз ичига олган биринчи халқаро ҳужжатлардан бири эди [11].

Бундан ташқари, М.Фантейн ўз асарларида халқаро тиббиёт ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи эканлигини аниқлайди. Шунга кўра, у халқаро тиббиёт ҳуқуқининг ривожланишини халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига, хусусан, қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш бўйича Женева конвенцияларига ҳам боғлайди. Унинг фикрича, халқаро тиббиёт ҳуқуқи ўзининг алоҳида тартибга солиш предмети мавжудлигини, соғлиқни сақлаш ва гигиена стандартлари билан бир қаторда, шунингдек, уруш вақтида ҳарбий маҳбуслар ёки тинч аҳоли саломатлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш нормаларини ўз ичига оладиган алоҳида халқаро ҳуқуқ тармоғидир [12].

Демак, халқаро тиббиёт қонунчилигига асос солган манба – халқаро гуманитар ҳуқуқнинг асосий манбаси ҳисобланади. Булар, 1949 йил 12 августдаги Қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш бўйича тўртта Женева конвенцияси ва 1977 йил 8 июндаги иккита қўшимча протоколлар.

Шу билан бирга, халқаро тиббиёт ҳуқуқи манбаларига жаҳон соғлиғини яхшилаш мақсадига қаратилган барча халқаро муносабатларни тартибга солувчи халқаро шартномаларда белгиланган барча халқаро нормалар киради. Шунга кўра, инсон саломатлигини яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган барча халқаро муносабатлар халқаро тиббиёт ҳуқуқининг тартибга солиниш предметини ташкил этади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, яшашга бўлган ҳуқуқ ва соғлиққа бўлган ҳуқуқлар анъанавий тарзда инсон ҳуқуқларининг биринчи ва энг муҳим ажралмас ҳуқуқлари деб қаралиб, бу соҳадаги кўплаб келишувларда мустаҳкамланган.

Халқаро тиббиёт ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига ҳамда халқаро тиббиёт ҳуқуқининг махсус тамойилларига таянади, булар: камситмаслик, инсонийлик, соғлиқни сақлаш ҳуқуқининг устуворлиги ва бошқалар.

Шундай қилиб, халқаро тиббиёт ҳуқуқи соғлиқни сақлаш ва тиббиёт бўйича давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқнинг янги ривожланаётган соҳасидир.

БМТ Устави инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳужжатлардан биридир. Унга мувофиқ, БМТ тиббиёт ҳуқуқи бўйича бир қанча махсус халқаро шартномаларни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Инсон клонлаштириш тўғрисидаги декларация (2005); ЭКОСОС Резолюцияси: Генетик махфийлик ва камситмаслик бўйича шартнома (2004); Маҳбусларни ёки ҳибсга олинганларни қийноқлардан ва бошқа шавқатсиз, ғайринсоний ёки камситувчи даволаш ёки жазодан ҳимоя қилишда

саломатликнинг роли билан боғлиқ тиббий ахлоқ тамойиллари (1982); Тинчлик ва инсоният манфаати учун илмий ва технологик тараққиётдан фойдаланиш тўғрисидаги Декларация (1975) шулар жумласидандир.

Ҳукуматлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар глобал соғлиқни сақлаш жараёнларни тартибга солишда бевосита ёки билвосита иштирок этиш орқали халқаро тиббиёт ҳуқуқи масалаларига ўз хиссаларини қўшадилар. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, БМТ ва унга тегишли халқаро ташкилотларнинг тизимини шакллантирувчи ихтисослашган ва шартномавий органлар халқаро тиббиёт ҳуқуқи субъектлари сифатида намоён бўладилар. Бу соҳадаги халқаро фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган ташкилотлар қаторигаэса Жаҳон тиббиёт ҳуқуқи ассоциацияси, Тиббиёт фанлари халқаро ташкилотлари Кенгаши, Халқаро эпидемиология ассоциацияси ва бошқалар киради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий суд органлари, БМТни шартномавий органлари инсон ҳуқуқларини, шу жумладан, соғлиққа бўлган ҳуқуқини амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Ушбу механизмлар давлатлар томонидан ратификация қилинган халқаро ва минтақавий инсон ҳуқуқлари шартномаларида белгиланган мажбуриятларини самарали бажарилишини назорат қилиш учун мўлжалланган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, халқаро тиббиёт ҳуқуқида халқаро шартномаларга риоя қилишни таъминлайдиган муайян механизмлар мавжуд:

- биринчидан, улар анъанавий маънода давлатлар учун мажбурий бўлган суд қарорларини қабул қиладиган судлардир (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Стратбург суди);

- иккинчидан, улар давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларга риоя этилиши юзасидан тақдим этилган ҳисоботларни кўриб чиқувчи ва айрим ҳолларда инсон ҳуқуқлари бузилишининг алоҳида индивидуал шикоятларини ҳам кўриб чиқадиган БМТнинг шартномавий Қўмиталаридир (Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бўйича Қўмита, Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Қўмита, Аёллар камситилишининг барча шакллари бартараф этиш бўйича Қўмита, Қийноқларга қарши Қўмита, Ирқий камситишни барча шакллари бартараф этиш бўйича Қўмита).

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита (ИИМХК) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг 12-моддасига (энг юқори даражадаги соғлиқни сақлаш ҳуқуқига) бўлган Умумий характердаги шарҳларни эълон қилган. Унда соғлиққа бўлган ҳуқуқнинг тушунчаларидан бири сифатида инсоннинг ўзини соғлиғига ва организмига нисбатан қарорни мустақил қабул қилиш ҳуқуқи белгиланган [13]. Мисол учун, Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитада (ИХК) аборт масласидагумумий талқинлардан бирида – хомилдор аёлларни аборт пайтида яшашга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида, абортни қатъян ман этиш амалиётини тўхтатиш тавсия этилади [13].

Халқаро ҳуқуқий манбаларни яратиш усулидан келиб чиққан ҳолда шу маълумки, халқаро тиббиёт ҳуқуқи манбалари сифатида кўриладиган суд қарорлари ва доктриналар ҳуқуқий нормаларни аниқлашнинг ёрдамчи воситаси сифатида қаралади.

Шу боис БМТнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги барқарор ривожланиш мақсадларидан бири – соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча учун фаровонликни тарғиб этиш бўлиб, давлатларни умумжаҳон соғлиқни сақлашга эришишга чақиради. Албатта, бу миллий ҳамда халқаро тиббиёт ҳуқуқини ўзаро мутаносиблини кўрсатади. Халқаро тиббиёт ҳуқуқи тўғридан тўғри миллий тиббиёт ҳуқуқининг нормаларини давлатлар томонидан таъминланишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича мақсадли комплексли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Тиббий ёрдам – инсон манфаатларини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири” [14]. Жумладан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони қабул қилинди. Фармонда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни, уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш белгиланган.

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясида соғлиқни сақлашни ташкил этишда фуқаролар соғлиғини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни самарали ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммоли масалалар ва салбий ҳолатлар сифатида кўрсатилиб ўтилган: “...хусусан, тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги, ўлим ва ногиронликни келтириб чиқариш эҳтимоли катта бўлган касалликларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонуности ва идоровий ҳужжатларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Трансплантология, ёрдамчи репродуктив технологиялар, телетиббиёт каби талаб юқори бўлган йўналишларнинг тартибга солинмаганлиги миллий соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт илм-фани ва амалиётининг замонавий ютуқларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунга қадар мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этилмагани сабаблиҳанузгача соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда...” [17].

Юқоригилардан келиб чиқиб, табиийки, турли саволлар юзага келади. Масалан, ушбу муаммолар учун ҳукуматлар қай даражада жавобгар? Бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг касалланганлигиқай даражада, қайси ҳолатларда давлатларнинг ижтимоий адолатсизлик натижаси эканлиги ва давлат ўз фуқароларининг касаллиги, ногиронлиги ёки ўлими учун қай даражада жавобгар бўлиши кераклини қайси нормалар билан тартибга солинади?

Бу ҳуқуқларни таъминлаш учун халқаро ҳамжамият инсоният олдида қай даражада масъул? Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун қандай халқаро механизмлар ва стандартлар мавжуд? Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият олдида турган ва улардан кўплари ҳал этилмаган муаммолар бўлиб халқаро тиббиёт ҳуқуқининг предметини ташкил этади.

Шубҳасиз, саломатликни тарғиб қилиш ва соғлиқни сақлаш – инсон ҳаётини узайтириш, фаровонликни таъминлаш ва муносиб ҳаёт кечиришнинг энг муҳим шартларидир. Шунинг учун соғлиқни сақлаш – давлатларнинг сиёсатидаги энг муҳим устувор йўналиш сифатида белгиланган, шу қаторда, Ўзбекистон Республикасида ҳам. Барча давлатлар ўз фуқароларининг саломатлиги учун жавобгардирлар, яъни давлатлар ҳар бир инсоннинг саломатлигини кафолатлаб бера олмаса ҳам, улар ўз аҳолисининг саломатлигини яхшилаш учун муайян шарт-шароит яратишлари мумкин. [5, Б. 370]

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Устав ВОЗ (1946 г.), ООН. // URL: [http://apps.who.int/iris/bitstream/10665/206498/1/9789241565264\\_eng.pdf](http://apps.who.int/iris/bitstream/10665/206498/1/9789241565264_eng.pdf)
2. Гафурова Н. Концептуальные вопросы развития медицинского права в Республике Узбекистан. / Гафурова Н. – Текст непосредственный: Монография. – 2019. Ташкент, ТГЮУ // URL: <https://scholar.google.com/citations?user=pn9dVPYAAAAJ&hl=ru>
3. Замечание общего порядка № 14 принятые Комитетом по экономическим, социальным и культурным правам- Право на наивысший достижимый уровень здоровья (статья 12). // URL: <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rescgencom14.html>
4. Семинар, Гаага, 27-29 июля 1978 г., организован Гаагской Академией международного права благодаря участию Университета Объединенных Наций. Докладчики: М.Боте (M.Bothe) (общее представление о праве на здоровье), Дж.Тинберген (J.Tinbergen) и С.Рэдвэн (S.Radwan)

(международное взаимодействие с целью выполнения права на здоровье), и П.М. Дюпюи (P.M.Duپیu) (право на здоровье и защита окружающей среды). См. Дюпюи, 1979.

5. Тобес Б. Право на здоровье: теория и практика. - Москва: Устойчивый мир., – 2001. // URL: [http://yakov.works/libr\\_min/19\\_t/ob/es\\_02.htm](http://yakov.works/libr_min/19_t/ob/es_02.htm)

6. Мартин А., Буйсен й.М. Здравоохранительное право (концепции) // Медицинское право. Издательство: Издательская группа “Юрист” (Москва). № 2, – 2003 г. // URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=21203399>

7. Сажиенко, Н. В. Международное здравоохранительное право как проявление дифференциации и расширения сферы охвата международного права // Российский юридический журнал. -2013. - № 5 // URL: <http://base.garant.ru/57629586/>

8. Замечание общего порядка № 14 принятые Комитетом по экономическим, социальным и культурным правам- Право на наивысший достижимый уровень здоровья (статья 12). // URL: [https://www.refworld.org.ru/category\\_LEGAL\\_CESCR,,,47ebcc3c2,0.html](https://www.refworld.org.ru/category_LEGAL_CESCR,,,47ebcc3c2,0.html)

9. Vitta C.Le droit sanitaire international. – 1930, С. 33 R/C/A/D/I/ URL: [https://www.persee.fr/doc/rqdi\\_0828-9999\\_1985\\_num\\_2\\_1\\_1602](https://www.persee.fr/doc/rqdi_0828-9999_1985_num_2_1_1602)

10. Михайлов В.С. О содержании и источниках международного медицинского права// Правоведение. – 1965. – №2. <http://www.law.edu.ru/doc/document.asp?docID=1130730>

11. Батырь В. А. Международное гуманитарное право. Учебно-методический комплекс. Московская академия экономики и права. — 2015. // URL: <https://www.litres.ru/vyacheslav-batyr/mezhdunarodnoe-gumanitarnoe-pravo/chitat-onlayn/>

12. International medical law. Marcel Fontaine. Volume 7, Issue 79. pp. 553-558. // URL: <https://www.cambridge.org/core/journals/international-review-of-the-red-cross-1961-1997/article/abs/international-medical-law/319D5B91C85C57A7EA0B775BA61A5D1F>

13. КПЧ. Заключительные замечания Комитета по правам человека: Чили, 1999 г. (CCPR/C/79/Add-104). См. также Комитет ООН по ликвидации дискриминации в отношении женщин (КЛДЖ). Комментарий общего характера Комитета по ликвидации дискриминации в отношении женщин № 19: насилие в отношении женщин. (A/47/38 [SUPP]).

14. Ш.Мирзиёев. Соғлиқни сақлаш тизимини замон талаби даражасида такомиллаштириш – кун тартибидаги асосий масала // Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кутарамиз. – Тошкент.:“Ўзбекистон”. НМИУ, — 2017..

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармонида 1-ИЛОВА: 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси. // URL: <https://lex.uz/docs/4096197>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

### LAWYER HERALD

**ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**

Тошкент давлат юридик университети «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси  
доценти вазифасини бажарувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)

E-mail: [firuza\\_hamdamova@mail.ru](mailto:firuza_hamdamova@mail.ru)

**МАҲАМАТОВ Махмуд Махаматаминович**

Тошкент давлат юридик университети «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси  
доценти вазифасини бажарувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)

E-mail: [M.Makhamatov@tsul.uz](mailto:M.Makhamatov@tsul.uz)

#### ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ХАМДАМОВА Ф.У.,  
МАҲАМАТОВ М.М. ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИНИ ҲИСОБГА  
ОЛГАН ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer  
herald. № 6 (2020), Б. 133-140.



6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-20>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари таҳлил қилинган ҳамда, Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг аҳамияти қайд этилган бўлиб, унда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Муаллиф томонидан асосий тенденциялар сифатида сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатларни йўл харитаси билан бирга тушунчалар ва стратегиялар шаклида қабул қилиниши таъкидланган.

**Калит сўзлар:** концепция стратегия, йўл харитаси, аҳолининг заиф тоифалари, кўрсаткичлар, мониторинг, рақамли иқтисодиёт.

**Хамдамова Фируза Уразалиевна,**

Исполняющий обязанности доцента кафедры «Международное право и права человека»  
Ташкентского государственного юридического университета, доктор философии по  
юридическим наукам(Phd)

E-mail: [firuza\\_hamdamova@mail.ru](mailto:firuza_hamdamova@mail.ru)

**Махаматов Махмуд Махаматаминович**

Исполняющий обязанности доцента кафедры «Международное право и права человека»  
Ташкентского государственного юридического университета, доктор философии по  
юридическим наукам(Phd)

E-mail: [M.Makhamatov@tsul.uz](mailto:M.Makhamatov@tsul.uz)

---

**ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
УЗБЕКИСТАНА С УЧЕТОМ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ И МИРОВОГО  
ОПЫТА****АННОТАЦИЯ**

Статья посвящена анализу основных тенденций развития законодательства Республики Узбекистан. В исследовании отмечается важность Концепции совершенствования нормотворческой деятельности в Республике Узбекистан, определяющей основные направления совершенствования законотворческой деятельности. В качестве основных тенденций автор выделяет принятие политико-правовых документов в виде концепций и стратегий, сопровождающихся дорожными картами.

**Ключевые слова:** концепция, стратегия, дорожная карта, уязвимые категории населения, индикаторы, мониторинг, цифровая экономика.

---

**KHAMDAMOVA Firuza**

Senior lecturer of Department of International law and human rights of  
Tashkent State University of law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: [firuza\\_hamdanova@mail.ru](mailto:firuza_hamdanova@mail.ru)

**MAKHAMATOV Mahmud**

Senior lecturer of Department of International law and human rights of  
Tashkent State University of law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: [M.Makhamatov@tsul.uz](mailto:M.Makhamatov@tsul.uz)

**MAIN TRENDS AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE LEGISLATION OF  
UZBEKISTAN, TAKING INTO ACCOUNT INTERNATIONAL STANDARDS AND WORLD  
EXPERIENCE****ANNOTATION**

The article is devoted to the analysis of the main trends in the development of the legislation of the Republic of Uzbekistan. The study notes the importance of the Concept for improving the rule-making activity in the Republic of Uzbekistan, which determines the main directions for improving the law-making activity. As the main trends, the author singles out the adoption of political and legal documents in the form of concepts and strategies, accompanied by road maps. In addition, the most important trend was the adoption of regulations to protect the rights of vulnerable categories / groups of the population.

**Keywords:** concept, strategy, roadmap, vulnerable categories of the population, indicators, monitoring, digital economy.

---

В условиях коренных и интенсивных преобразований важное значение имеет правовое обеспечение процессов реформирования. Важно обеспечить соответствующую правовую базу для эффективности преобразований. Успешная реализация намеченных широкомасштабных реформ в значительной степени зависит от сформировавшейся за прошедшие годы законодательной базы, а также качества нормотворческого процесса.

Особое значение вопросы совершенствования нормотворческой деятельности приобретают в условиях трансформационных процессов, охватывающих весь мир.

Важным шагом стало утверждение Указом Президента от 8 августа 2018 года № УП-5505 Концепции совершенствования нормотворческой деятельности [1]. Согласно Указу, основными направлениями совершенствования нормотворческой деятельности определены:

систематизация законодательной базы, обеспечение стабильности правового регулирования общественных отношений;

повышение качества процессов разработки и принятия нормативно-правовых актов, а также

совершенствование мониторинга их исполнения;

внедрение в нормотворческий процесс современных информационно-коммуникационных технологий;

применение в нормотворчестве элементов модели «умное регулирование»;

совершенствование институциональных основ нормотворческой деятельности.

Таким образом, данная Концепция определила основные задачи в сфере совершенствования нормотворческой деятельности. Следует отметить, что важнейшая задача в данной сфере - обеспечение соответствия правовой базы Республики Узбекистан общепризнанным принципам международного права и нормам международных договоров. Другая приоритетная задача - внедрение эффективных механизмов принятия законов прямого действия. Особое значение в связи с глобальной цифровой трансформацией приобретает вопрос о развитии электронного парламента. Наряду с этим, важно укреплять механизмы мониторинга за исполнением и соблюдением законодательства.

Важно подчеркнуть, что нормотворчество – одна из важнейших функций государства, от качества и эффективности нормотворческой деятельности государства можно судить об эффективности деятельности органов государственной власти и управления. Проблемы, связанные с организацией нормотворческого процесса, должны находиться под пристальным вниманием органов государственной власти. Ошибки в данной сфере недопустимы, т.к. качество законодательства напрямую влияет на качественный уровень жизни населения и эффективность государственного управления [2].

**I. Совершенствование с учетом международных стандартов и передового опыта как требование современности.** В настоящее время законодательство Республики Узбекистан совершенствуется с учетом международных стандартов и рекомендаций международных органов (например, органов ООН по правам человека). Наиболее ярко это можно проследить на примере законодательства прав человека. При совершенствовании законодательства в области прав человека Узбекистан учитывает рекомендации договорных органов ООН по правам человека. Узбекистан ратифицировал более 80 международных договоров в области прав человека. По 6 ключевым договорам Узбекистан представляет периодические национальные доклады в договорные органы ООН по правам человека. По итогам рассмотрения докладов эти органы представляют заключительные замечания с рекомендациями по совершенствованию национальной политики в области прав человека.

Кроме того, сегодня особое внимание уделяется мировым индексам и улучшению позиции Узбекистана в мировых индексах. При совершенствовании государственной политики будет приниматься во внимание также индикаторы, указанные в мировых индексах. Национальной стратегией по правам человека предусмотрено обеспечение вхождения Узбекистана в ряд 50 ведущих стран мира по международным рейтингам и индексам в сфере прав и свобод человека (верховенство закона, качество нормотворчества, эффективность деятельности правительства, свобода слова и информации, противодействие преступности и коррупции, условия ведения бизнеса, глобальная конкурентоспособность, инновационное развитие и другие).

С учетом заключительных замечаний и рекомендаций органов ООН по правам человека принимаются меры по совершенствованию законодательства в области прав человека. При этом, особое внимание уделяется передовому опыту зарубежных стран. Это одна из главных тенденций и необходимых условий развития законодательства в современный период.

Кроме того, Узбекистан учитывает индикаторы мировых индексов (например, Rule of Law, Business doing и т.д.), поскольку одна из задач, стоящих перед Узбекистаном, согласно Стратегии действий, на 2017-2021 гг. [1] - это укрепление позитивного имиджа страны на международной арене.

**II. Принятие политико-правовых документов (концепций и стратегий) как важнейшая тенденция совершенствования правовой базы реформирования.** В последние четыре года одной из тенденций стало принятие концепций и стратегий в различных сферах. Так, например, Указами главы государства утверждены ряд концепций в политической, экономической, социальной и культурной сферах.

Так, в политической сфере одним из первых документов стала Концепция административной реформы в Республике Узбекистан [1].

Помимо внутренней политики особое значение придается совершенствованию правовых основ

внешней политики. Разработаны проект закона «О Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» и Разработана Концепция укрепления позитивного имиджа Республики Узбекистан на международной арене [3].

Следует подчеркнуть, что за последние годы осуществляется последовательная работа по коренному совершенствованию нормативно-правовой базы внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности страны, а также договорно-правовой основы международного сотрудничества.

Реализация этих документов будет способствовать системному продвижению национальных интересов на международной арене, созданию благоприятных внешних условий для углубления интеграции Узбекистана в систему международных политических, торгово-экономических, финансово-инвестиционных и транспортно-логистических связей.

В условиях коренных преобразований актуализируются вопросы обеспечения гендерного равенства в обществе. В настоящее время разрабатывается Стратегия по достижению гендерного равенства в Республике Узбекистан в 2020-2030 годах [4].

**Наибольшее количество концепций принято в экономической сфере, а именно утверждены:**

- Концепция комплексного социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года;

- Концепция развития водного хозяйства до 2030 года;

- Концепция обеспечения Узбекистана электрической энергией до 2030 года [9];

- Концепция налоговой политики Республики Узбекистан;

- Концепция реформирования таможенной службы;

- Концепция развития системы лесного хозяйства Республики Узбекистан до 2030 года;

- Концепция развития нефтегазовой отрасли;

- Концепция развития атомной энергетики.

**Особую значимость имеют концепции, принятые в социальной сфере:**

- Концепция развития системы здравоохранения Республики Узбекистан на 2019-2025 годы ;

- Концепция развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года;

- Концепция развития народного образования до 2030 года;

- Концепция развития высшего образования до 2030 года;

- Концепция развития науки до 2030 года;

Не является исключением также и **сфера культуры**. В данной области приняты Концепция дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан и Концепция развития сферы туризма до 2025 года [1]. Здесь также можно упомянуть Концепцию духовного образования от зачатия и до 30 лет [5].

**В сфере экологии** принята Концепция охраны окружающей среды до 2030 года [23]. Кроме того, На стадии разработки и обсуждения - Концепция развития альтернативной медицины [6] и Концепция развития узбекского кино [7].

Как правило, концепции сопровождаются дорожными картами на определенный период (как правило, 2-5 лет). В отличие от рамочных законов, требующих принятия ряда подзаконных актов для обеспечения реализации, в концепциях предусматриваются конкретные меры для достижения определенных целей и решения поставленных задач. Интересно отметить, что некоторые из вышеуказанных концепций приняты Указом Президента, а некоторые – Постановлением Президента Республики Узбекистан.

Важно подчеркнуть, что во всех концепциях большое внимание уделяется вопросам укрепления и расширения международного сотрудничества. Дорожные карты, принятые вместе с концепциями и стратегиями, предусматривают широкий круг мероприятий по укреплению взаимодействия с международными партнерами, обмену и изучению передовых практик зарубежных государств.

При этом, следует отметить, что подобная тенденция принятия политико-правовых актов наблюдается во многих странах СНГ. Так, по мнению М. Мушинского, активное создание политическим руководством государства документов типа «стратегия» («национальная стратегия», «государственная стратегия»), «национальный план», «основы государственной политики», «концепция», «доктрина», которые имеют не «чисто» юридическое, но политико-правовое содержание и являются средством



выражения (формулирования) правовой политики - это один из самых заметных трендов правовой жизни России последних лет [8, С.488]. При этом, помимо концепций и стратегий, М. Мушинский также выделяет доктрины и послания Президента [8, С.494]. Общим для всех этих документов является то, что в них закрепляются цель, задачи, принципы и основные направления государственной политики.

**III. Защита уязвимых категорий населения как тенденция на мировом и национальном уровне в области прав человека.** Не менее важной тенденцией развития законодательства Узбекистана является принятие нормативно-правовых актов по защите прав наиболее уязвимых категорий населения. Данная тенденция также наблюдается и на мировой уровне. Большая часть документов в области прав человека, принимаемых в последние годы, в рамках ООН или региональных систем по правам человека, посвящены защите определенных уязвимых категорий населения.

Такую же тенденцию можно проследить при принятии общих замечаний (или замечаний общего характера) договорных органов ООН по правам человека. Так, например, обзор общих рекомендаций Комитета ООН по ликвидации дискриминации в отношении женщин показывает, что последние общие рекомендации, практически все посвящены именно этим группам женщин, в частности, Общая рекомендация 18 посвящена женщинам-инвалидам, Общая рекомендация 26 – женщинам-мигрантам, Общая рекомендация 30 – женщинам в зонах конфликта, Общая рекомендация 32 – женщинам-беженцам или апатридам, Общая рекомендация 34 – женщинам, проживающим в сельской местности и т.д. [9].

Особое внимание данный вопрос приобретает в условиях борьбы с последствиями пандемии. Пандемия представляет опасность для нас всех, но есть много групп людей, которые находятся в особенно уязвимом положении или подвергаются сильному воздействию, - мигранты, беженцы, апатриды, инвалиды и др.

Данная тенденция созвучна с главным принципом Целей устойчивого развития – «Никто не должен остаться без внимания».

Особое внимание, при этом, в последние годы в стране уделяется вопросам обеспечения гендерного равенства. Среди нормативно-правовых актов по укреплению и повышению статуса женщин в обществе и государстве можно отметить Законы Республики Узбекистан «О гарантиях равных прав и равных возможностей для женщин и мужчин» и «О защите женщин от притеснений и насилия», принятые в 2019 г [1].

Особо следует отметить меры по совершенствованию законодательства касательно защиты прав лиц с инвалидностью. В частности, принят Закон Республики Узбекистан «О правах лиц с инвалидностью» [1] с учетом международных стандартов и требований Конвенции ООН о правах инвалидов.

Принято Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению системы безопасной, упорядоченной и легальной трудовой миграции от 15 сентября 2020 г., № ПП-4829. [1] Принят также [Указ](#) Президента Республики Узбекистан от 20 Августа 2019 года № УП-5785 «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты граждан Республики Узбекистан, осуществляющих временную трудовую деятельность за рубежом, и членов их семей» [1]. На стадии обсуждения проект закона «О защите прав трудовых мигрантов и членов их семей – граждан Республики Узбекистан» [10].

В новой редакции принят закон «О гражданстве» [1], где особое внимание уделено лицам без гражданства и мерам по сокращению безгражданства. Законом помимо общего порядка приема в гражданство вводится упрощенный и исключительный порядки. Также принят Указ Президента Республики Узбекистан от 29.05.2017 г. N УП-5060 «Об утверждении Положения о порядке предоставления политического убежища в Республике Узбекистан» [1].

Важнейшим шагом стало принятие Национальной стратегии по правам человека [1]. Стратегия принята в целях дальнейшего совершенствования механизма защиты прав и свобод человека, реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах и своевременного выполнения задач, изложенных в докладе Президента Республики Узбекистан на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, и Послании Олий Мажлису от 24 января 2020 года. Национальная стратегия будет способствовать формированию уважительного отношения к правам и свободам человека, дальнейшему повышению авторитета страны на международной арене, в том числе, улучшению

позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах.

Необходимость принятия Национальной стратегии заключалась в обусловленности перехода страны к долгосрочной стратегии развития, охватывающей в рамках государственного управления вопросы развития экономики, социальной сферы, гражданского общества, возможности финансовой системы страны, ее демографический, производственный, интеллектуальный и ресурсный потенциал с задачами в области национальной безопасности и международного сотрудничества. Безусловно, в последнее время благодаря преобразованиям уже достигнуты определенные успехи. Это обуславливает принятие переосмысления происходящих процессов, разработку комплексных подходов к решению поставленных задач и принятие стратегий развития во всех сферах развития общества и государства, включая права человека.

Важно отметить, что при разработке тщательно изучен и учтен лучший передовой опыт. Кроме того, проект стратегии был представлен на общественное обсуждение и при его доработке были учтены все мнения и рекомендации. К разработке и обсуждению привлекали разных специалистов, как практиков, так и исследователей всех аспектов данного вопроса. Проведены глубокие исследования по каждому положению стратегии, что обеспечило научную обоснованность ее положений.

**IV. Мониторинг на основе индикаторов как тенденция и необходимое условие обеспечения эффективного соблюдения и выполнения законодательства.** С учетом лучшего передового опыта особое внимание уделяется разработке механизмов мониторинга и оценки принимаемых в области прав человека усилий и мер. При этом, с учетом передового зарубежного опыта и рекомендаций органов ООН по правам человека применяются механизмы мониторинга, основанных на индикаторах. Сегодня индикаторы стали важным условием для принятия решений с учетом данных и обстоятельств. Например, с учетом индикаторов можно принять решение о том, сколько следует выделить ресурсов для достижения той или иной задачи.

Показатели (индикаторы) – необходимое условие для отслеживания и оценки прогресса, а, следовательно, и для обеспечения подотчетности. Использование соответствующих количественных показателей позволит оптимизировать отчетность, сделать её более прозрачной и эффективной и, помимо прочего, более качественно выполнять рекомендации и заключительные замечания договорных органов и других механизмов мониторинга прав человека [11]. Также путём использования индикаторов можно выявить наиболее часто встречающиеся нарушения прав человека [12].

Важность индикаторов показателей заключается в том, что они позволяют сделать анализ ситуации более конкретным [11, С.106.]. Индикаторы (или показатели) – это инструменты, которые повышают эффективность оценки с помощью сильного качественного измерения; однако они не заменяют её. Индикаторы – это не только инструмент мониторинга, но и планирования и принятия решения на основании данных.

Идея использования показателей не является новой или незнакомой для международного сообщества в области прав человека, а ряд договоров содержат ссылки на статистическую информацию. Как правило, договорные органы ООН по правам человека требуют от государств-участников предоставлять дезагрегированную статистическую информацию, с тем, чтобы договорные органы могли оценить прогресс, достигнутый в осуществлении прав, охватываемых их мандатом. Некоторые договорные органы также запрашивают информацию о национальных механизмах для мониторинга прогресса на пути к полной реализации соответствующих прав, включая определение показателей и соответствующих национальных критериев в отношении каждого права.

С учетом вышеизложенного в стране разрабатываются индикаторы для проведения мониторинга в области прав человека. В частности, вышеупомянутым [Постановлением](#) Президента Республики Узбекистан от 7 марта 2019 г. № ПП-4235 «О мерах по дальнейшему усилению гарантий трудовых прав и поддержке предпринимательской деятельности женщин» приняты 54 гендерных индикаторы для измерения прогресса в области прав женщин [1], а также [Постановлением](#) Президента Республики Узбекистан от 22 апреля 2019 года № ПП-4296 «О дополнительных мерах по дальнейшему усилению гарантий прав ребенка» приняты минимальные показатели для оценки прогресса в области обеспечения и защиты прав ребенка [1].

Особое значение имеет принятие [Постановления](#) Кабинета Министров Республики Узбекистан «О

мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» от 20 октября 2018 года № 841, поскольку цели устойчивого развития непосредственно связаны с правами человека [1].

**V. Адаптация законодательства к условиям цифровой экономики.** С учетом глобальной цифровой трансформации принимаются меры по формированию правовой базы для перехода на цифровую экономику. Среди принятых нормативно-правовых актов можно отметить:

- проект Концепции развития системы «Электронное правительство» в Республике Узбекистан на 2020-2025 годы.

- Концепцию внедрения технологий «Умный город».

- Концепция информатизации общества;

Новым этапом развития в сфере стало подписание Президентом Указа «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года. Цель принятия документа - успешный переход на цифровую экономику с учетом современных реалий [1].

Принятие Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и ее «дорожной карты» по ее реализации в 2020-2022 годах создает прежде всего правовую базу для перехода на цифровую экономику. Документ включает такие приоритетные направления, как развитие цифровой инфраструктуры, электронного правительства, национального рынка цифровых технологий, образования и повышения квалификации в сфере информационных технологий.

Также уже разработан Проект Указа Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития искусственного интеллекта в Республике Узбекистан в 2021-2022 годах» и размещен на сайте «Обсуждения проектов нормативно-правовых актов Республики Узбекистан» [1].

Вышеуказанные нормативно-правовые акты создают правовую основу для перехода на цифровую экономику. Принятие вышеуказанных актов свидетельствует о том, что Узбекистан развивается с учетом требований современности и принимает все усилия для того, чтобы занять достойное место в глобальной экономике.

Важно также принимать меры по дальнейшему совершенствованию законодательства требованиям и условия цифровой экономики. На начальной стадии правового регулирования процесса цифровизации производится анализ и оценка действующих законодательных норм на предмет их актуальности используемым регуляторным моделям. Развитые страны при выборе методики правовой регламентации цифровой экономики отдают предпочтение не созданию единого комплексного нормативно-правового документа, а внесению изменений в действующие законы. Такой подход характерен для Великобритании, Франции [13, С.7]. По мнению А.В. Плотникова «правовое регулирование цифровой экономики во всех странах сталкивается с невозможностью структурировать цифровую экосистему. Влиять на этот механизм посредством стандартного набора законодательных реформ невозможно» [13, С.222].

Стратегия должна обеспечить ускорение темпов развития экономики Республики и улучшение качества жизни населения, а также создание условий для перехода экономики на принципиально новую траекторию – цифровую экономику будущего. Цифровая трансформация произведет технологические перемены в стране и повысит конкурентоспособность экономики, уровень жизни граждан и эффективность государства.

Реализация Стратегии обеспечит предоставление качественных цифровых услуг населению; снижение коррупции; повышение уровня вовлеченности граждан в процессы принятия государственных решений; модернизацию системы высшего и среднего (школьного) образования для обеспечения конкурентоспособности и востребованности граждан не только внутри страны, но и на региональном и глобальном рынках труда.

Данная Стратегия внесет вклад в реализацию всех государственных стратегических документов и программ развития, прежде всего, будет иметь важное значение для достижения глобальных и национальных целей устойчивого развития, а также Стратегии действий Узбекистана на 2017-2021 гг.

Таким образом, законодательство Узбекистана развивается и совершенствуется с учетом международных стандартов на основе изучения передового опыта зарубежных стран. Одной из наиболее важных тенденция стал переход к принятию политико-правовых документов в виде концепций

и стратегий, сопровождающихся дорожными картами. Такие документы приняты практически во всех сферах. При этом, особое внимание уделяется защите уязвимых категорий населения, что отражает мировые тенденции в области совершенствования стандартов прав человека. Все больше внимания уделяется разработке четко сформулированных индикаторов для мониторинга соблюдения и исполнения законодательства. Важнейшим фактором, определяющим дальнейшее развитие законодательства, является переходы на цифровую экономику, что обуславливает необходимость внесения соответствующих изменений и дополнений в действующее законодательство Республики Узбекистан.

#### **Иктибослар/Сноски/References:**

1. Нормативно-правовые акты, приведенные в статье, доступны электронной национальной базе законодательства lex.uz.
2. Ипатов В.Д. Совершенствование нормотворческой деятельности как элемент реализации эффективной правовой политики // Цикл публикаций "Право современной Беларуси: истоки, уроки, достижения и перспективы". // URL: <http://center.gov.by/tsikl-publikatsij-pravo-sovremennoj-b-sovershenstvovanie-normotvorcheskoj-d/>
3. Что ожидать от новой концепции внешней политики Узбекистана? // URL: <https://cabar.asia/ru/chto-ozhidat-ot-novoj-kontseptsii-vneshnej-politiki-uzbekistana>
4. В Узбекистане разрабатывается Стратегия по достижению гендерного равенства. // URL: <https://www.uzdaily.uz/ru/post/49249>
5. Утверждена Концепция непрерывного духовного образования: оно будет начинаться еще до рождения ребенка. // URL: [https://podrobno.uz/mobile\\_app/news/obchestvo/utverzhdena-kontseptsiya-nepreryvnogo-dukhovnogo-obrazovaniya-ono-budet-nachinatsya-eshche-do-rozhde/](https://podrobno.uz/mobile_app/news/obchestvo/utverzhdena-kontseptsiya-nepreryvnogo-dukhovnogo-obrazovaniya-ono-budet-nachinatsya-eshche-do-rozhde/)
6. В Узбекистане разработают Концепцию развития альтернативной медицины. // URL: <https://www.anhor.uz/news/v-uzbekistane-razrabotayut-konceptsiyu-razvitiya-alyternativnoy-medicini>
7. Разработанная Концепция развития узбекского кино до 2030 года открывает очень большие перспективы. Об этом говорилось на новом заседании Киномедиасовета при "Узбеккино". // URL: [https://www.kultura.uz/view\\_5\\_r\\_15176.html](https://www.kultura.uz/view_5_r_15176.html)
8. Мушинский Михаил Адеилович Стратегии, концепции, доктрины в правовой системе Российской Федерации: проблемы статуса, юридической техники и соотношения друг с другом // Юридическая техника. 2015. №9. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/strategii-kontseptsii-doktriny-v-pravovoy-sisteme-rossiyskoy-federatsii-problemy-statusa-yuridicheskoy-tehniki-i-sootnosheniya-drug-s-drugom> (дата обращения: 27.12.2020).
9. Текст общих рекомендаций Комитета ООН по ликвидации дискриминации в отношении женщин доступен на сайте УВКПЧ ООН по ссылке // URL: <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CEDAW/Pages/Recommendations.aspx>
10. В Узбекистане появится отдельный закон для защиты мигрантов. // <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/v-uzbekistane-poyavitsya-otdelnyy-zakon-dlya-zashchity-migrantov/>
11. Показатели в области прав человека. Руководство по измерению и осуществлению. УВКПЧ, 2012.
12. Ann Janette Rosga and Margaret L. Satterthwaie, the Trust in Indicators: Measuring Human Rights, 27 Berkeley J. Int'l Law. 253 (2009); Disaggregated data and human rights. University of Essex, HR Centre clinic, 2013.
13. Плотников А. Проблемы правового регулирования цифровой экономики // Московский экономический журнал №7 /2019. // URL: <https://qe.su/otraslevaya-i-regionalnaya-ekonomika/moskovskij-ekonomicheskij-zhurnal-7-2019-54/>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**

Доцент Центра повышения квалификации юристов при  
Министерстве юстиции Республики Узбекистан, кандидат юридических наук  
E-mail: [shahnozee@gmail.com](mailto:shahnozee@gmail.com)

## ОПЕКА И ПОПЕЧИТЕЛЬСТВО НАД ДЕТЬМИ, ОСТАВШИМИСЯ БЕЗ ПОПЕЧЕНИЯ РОДИТЕЛЕЙ – ПУТЬ К ДЕИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ГАНИБАЕВА Ш.К. ОПЕКА И ПОПЕЧИТЕЛЬСТВО НАД ДЕТЬМИ, ОСТАВШИМИСЯ БЕЗ ПОПЕЧЕНИЯ РОДИТЕЛЕЙ – ПУТЬ К ДЕИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), С. 141-146.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-21>

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы опеки над детьми, оставшимся без попечения родителей. Проанализирована нормативно-правовая база и система защиты детей с учетом передового опыта устройства детей, оставшихся без попечения родителей. На основе анализа выработаны предложения по совершенствованию национального законодательства в сфере устройства детей, оставшихся без попечения родителей.

**Ключевые слова:** деинституционализация, социальное сиротство, дети, оставшиеся без попечения родителей, устройство детей, опека, усыновление, попечительство, гражданское законодательство, семейное законодательство

**ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш маркази доценти, юридик фанлар номзоди  
E-mail: [shahnozee@gmail.com](mailto:shahnozee@gmail.com)

## ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИККА ОЛИШ – ДЕИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ЙЎЛИ

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ота-она қарамоғисиз қолган болаларни васийликка олиш масалалари кўриб чиқилган. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни жойлаштириш бўйича илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий база ва болаларни ҳимоя қилиш тизими таҳлил қилинади. Таҳлиллар асосида болаларни ота-она қарамоғисиз қолдириш соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** де-институционализация, ижтимоий етимлик, ота-она қарамоғисиз қолган

болалар, болаларни жойлаштириш, васийлик, асраб олиш, хомийлик, фуқаролик қонунчилиги, оила қонунчилиги.

**GANIBAEVA Shahnoza**

Associate Professor at the Lawyers' Training Center under the  
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Candidate of legal sciences  
E-mail: [shahnozee@gmail.com](mailto:shahnozee@gmail.com)

## TUTORSHIP OR GUARDIANSHIP OF CHILDREN WITHOUT PARENTAL CARE – THE WAY TO DEINSTITUTIONALIZATION

### ANNOTATION

The article deals with custody of children deprived of parental care. Legal and regulatory framework and child protection system reviewed against best practices in the placement of children without parental care. On the basis of the analysis, proposals have been made to improve national legislation in the field of placement of children without parental care.

**Keywords:** deinstitutionalization, social orphan hood, children left without parental care, placement of children, guardianship, adoption, guardianship, civil legislation, family legislation

В настоящий момент, главный фокус внимания многих государств перемещается на детей, оставшимся без попечения родителей, в связи с чем, на государственном уровне разрабатывается политика в сфере социального сиротства, где главным принципом при этом является право жить и воспитываться в семье.

Так, институализация детей, то есть помещение в детские интернатные учреждения, считается нарушением права жить и воспитываться в семейном окружении, что негативно отражается на развитии ребенка. В связи с этим, в развитых странах стремятся оказывать поддержку семьям, для того чтобы родители хотели и могли заботиться о своих детях. В особых случаях используют такую меру, как передача ребенка на воспитание приемным родителям, а помещение в интернатные учреждения используется редко [1].

Одной из форм устройства и социальной поддержки детей, особо нуждающихся в ней, является установление опеки и попечительства над ними. В свою очередь установление опеки и попечительства над детьми – это, прежде всего, обеспечение прав на воспитание в семейном окружении или быть на попечении тех, кто обеспечит им наилучший уход (ст.9) [2].

В любом случае, Узбекистан с момента приобретения независимости, стремился принять организационно-правовые меры по деинституционализации детей, оставшихся без попечения родителей, в связи с чем были осуществлены реформы опеки и попечительства с помощью непосредственного участия общественных организаций и международного сообщества. Цель государственной политики Республики Узбекистан заключалась в сохранении ребенка в кровной семье, а в случае невозможности найти ему альтернативное место. Так, в целях реализации права ребенка жить и воспитываться в семье, также приняты ряд нормативно-правовых актов и механизмы обеспечения, учитывающие данное положение.

В силу некоторых причин ребенок лишается родительской опеки, и нуждается в восполнении поддержки и заботы. Каждое государство, исходя из сложившихся обстоятельств, решает судьбу ребенка в соответствии с нормами национального законодательства. При этом законодатель отводит органам опеки и попечительства важную роль при выборе форм и устройства детей, оказавшихся без попечения родителей [3].

Нельзя сказать, что та или иная форма устройства детей является или будет наиболее оптимальной и приоритетной. Ведь при устройстве детей нужно, прежде всего, исходить из интересов самих детей. Особенно если есть, кому позаботиться о детях после потери родителей. И здесь, конечно,

на наш взгляд, стоит вопрос в передаче детей родственникам или близким. Тут, в свою очередь, наиболее оптимальным будет установление опеки и попечительства над детьми.

Как известно из практики Республики Узбекистан, органами опеки и попечительства над детьми, оставшимся без попечения родителей, при желании родственников или других близких лиц устанавливается опека или попечительство [2].

В связи с тем, что с каждым годом растет число детей, оставшихся без попечения родителей в силу миграции, растет и потребность в передаче их на воспитание под опеку и попечительство родственников.

Это обусловлено, прежде всего, тем, что воспитание и проживание детей у родственников является наиболее приемлемым подходом при устройстве детей, учитывая тот факт, что родственники – это родные и близкие ребенку люди, с которыми легче будет найти общий язык. Тем самым гарантируется некоторая комфортность самому ребёнку.

Так, Г.Инамджанова считает, что оптимальным условием для ребенка является – «усыновление/удочерение» его усыновление [5]. Действительно с этим утверждением можно согласиться, учитывая, что это позволит ребенку жить в семье.

Институт опеки и попечительства, в отличие от института усыновления или других форм устройства детей, не разрывает родственных связей между братьями и сестрами, что также является немаловажным аспектом для детей. Также дается возможность устроить судьбу ребенка в условиях, приближенных к проживанию в семье и устанавливать контроль за соблюдением прав и интересов детей.

В настоящее время в стране в полной мере регулируется процесс установления над детьми опеки и попечительства и их устройства соответствии с нормами Гражданского кодекса от 29 августа 1996 года, Семейного кодекса от 30 апреля 1998 года, Закона «Об опеке и попечительства» от 02.01.2014 года, № ЗРУ-364, Положения об опеке и попечительстве в, утвержденного постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 сентября 2014 года № 269.

Следует отметить, что за последние годы осуществление опеки и попечительства над детьми гражданами иностранного государства постепенно входит в практику работы органов опеки и попечительства. Опекунами или попечителями иностранного государства выступают родственники, которые изъявляют желание взять детей на воспитание.

В настоящее время Узбекистан не участвует в каких-либо международных актах, содержащих нормы материального права, регулирующих опеку и попечительство с иностранным элементом или устанавливающих транснациональные процедуры признания или восстановления опеки и попечительства.

Представляется возможным согласиться со справедливым утверждением А.М. Нечаевой о том, что «сложность защиты прав ребенка состоит не только в употреблении различных по своей отраслевой принадлежности правовых норм, но и в комплексном характере самого семейного права. Его основу составляют и так называемые нормы материального права, и правила административно-правовые, и предписания сугубо гражданско-процессуального характера. С другой стороны, защищают права ребенка нормы, которые принято относить к частноправовым либо к публично-правовым». Также А.М. Нечаева считает, что «чаще всего нормы частноправового и публично-правового взаимодействуют, дополняя друг друга, когда речь идет о конкретных способах защиты прав ребенка, в чем непосредственно заинтересовано государство в лице органов опеки и попечительства» [5].

Республика Узбекистан участвует в двух Конвенциях стран СНГ «О правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам», (Минская и Кишинёвская конвенции). Оба этих международных акта содержат (ст. 33) следующие коллизионные нормы: при установлении или отмене опеки и попечительства подлежит применению личный закон ребенка, при этом обязанность принять опеку или попечительство определяется личным законом опекуна или попечителя. Внутренние правоотношения опеки и попечительства регулируются законом государства, которое произвело установление опеки [6].

Кроме указанных Конвенций также действует ряд двусторонних соглашений, подписанных Республикой Узбекистан [6,7], касающихся, в том числе, порядка осуществления опеки и попечительства. Двусторонние соглашения о правовой помощи по гражданским делам и семейным делам тоже важный элемент правового регулирования установления опеки и попечительства с участием иностранцев.

Но все ли соглашения содержат правовую регламентацию вопроса опеки и попечительства? Так, в соглашениях, заключенных между Узбекистаном и Болгарией, КНР, Южной Кореей, Турцией [9], не рассматриваются вопросы передачи детей под опеку и попечительство. А что касается договоров, заключенных с такими странами, как Азербайджан, Грузия, Казахстан, Киргизия, Латвия, Литва, Туркменистан, Турция, Украина и Чехия [8], то здесь, предусмотрены отдельные статьи, регламентирующие вопросы опеки и попечительства. Ведь нужно учитывать еще и тот факт, что семейное и гражданское право указанных государств имеют свои особенности при устройстве детей под опеку и попечительство, и здесь могут возникнуть коллизионные нормы. Вопрос этот является весьма существенным, если учесть значительные различия в семейном и гражданском праве указанных государств.

На наш взгляд, возможно, при решении вопросов установления опеки и попечительства над детьми страны будут ссылаться на «национальный режим», предусматривающий те же условия, как и для собственных граждан договаривающихся Сторон (ст.1) [6].

Коллизия может также заключаться и в следующем вопросе: к примеру, если ребенок является гражданином Республики Узбекистан, а опекунами и попечителями могут быть граждане государств, с которыми отсутствуют какие-либо соглашения как многостороннего и двустороннего характера, или же быть гражданами нескольких государств. Здесь снова будут выступать декларативные нормы, избыточные общими положениями, похожими на лозунги.

По нашему мнению, на основе анализа норм международных документов и национального законодательства считаем необходимы совершенствовать нормы гражданского и семейного законодательства касательно урегулирования вопросов опеки и попечительства иностранными лицами, имеющие гражданство двух и более государств. Указанные предложения, нужно предусмотреть в разработке и принятия Гражданского кодекса в новой редакции. Эти рекомендации послужат устранению коллизионных норм в гражданском, семейном законодательствах.

Кроме того, в Узбекистане решение по установлению опеки или попечительства принимает хоким района, города. Вопросы, связанные с устройством детей, решаются во многих государствах по-разному. Часто подобные вопросы рассматриваются национальными или специализированными судами, имеющими на это определённые полномочия [2]. Указанные действия также могут вызвать коллизии в признании решений или ее оспаривания.

Необходимо также учесть, что коллизионные нормы не определяют конкретные действия, а лишь отсылает к праву того или иного государства, которое должно урегулировать эти вопросы. Особо следует отметить, что международное частное право, в целом, использует материально-правовой метод регулирования, иным способом, обеспечивающим преодоление столкновения разных правовых систем. Так, ст. 1174 Гражданского Кодекса использует аналогичные вышеперечисленным коллизионные привязки, при этом добавляя, что правоотношения между опекуном (попечителем) и лицом, находящимся под опекой (попечительством), определяются по праву страны, учреждение которой назначило опекуна (попечителя). Однако если лицо, находящееся под опекой (попечительством), проживает в Республике Узбекистан, применяется право Республики Узбекистан, если оно более благоприятно для этого лица [10]. Думается, что таким образом вопрос не решится. Здесь также можно учесть общепринятые документы универсального характера, каковой является Конвенция о правах ребенка, принятая ГА ООН в 1989 году. Конвенция о правах ребенка это международный правовой документ, определяющий права детей в государствах-участниках, являющаяся первым и основным международно-правовым документом обязательного характера, посвящённым широкому спектру прав ребёнка. 196 государств, кроме США являются участниками Конвенции [11]. В любом случае на наш



взгляд, при принятии каких-либо решений, связанных с устройством детей, вне зависимости от наличия гражданства опекуна или попечителя, следует исходить из наилучших интересов детей, что является немаловажным фактом в решении судьбы ребенка. Пункт 1 статьи 3 Конвенции предусматривает, что **наилучшее обеспечение интересов ребенка** должно быть основным соображением, которым должны руководствоваться государства во всех действиях в отношении детей. Государства должны учитывать и применять этот принцип во всех законодательных, административных и судебных процедурах, касающихся при принятии решений, которые прямо или косвенно воздействуют на детей. Так, например, государства должны обеспечивать, чтобы наилучшие интересы ребенка имели решающее значение при разработке законодательных актов и политических мер, затрагивающих интересы детей [12].

Приведенные обоснования дают понять, что законы, направленные на обеспечение защиты детей и их интересов при устройстве под опеку и попечительство, следует принимать с учетом присущей им специфики и нацеливать на решение задач на ближайшую перспективу. В любом случае гражданско-правовые и семейно-правовые акты не должны быть препятствием в защите прав и интересов ребенка. Нужно также учитывать, что конкретные положения, связанные с определением опеки и попечительства над детьми, следует рассматривать не абстрактно, а в прямой связи с правоприменительной практикой, с учетом интересов детей, провозглашенных Конвенцией о правах ребенка 1989 года.

Необходимо отметить, в связи продолжающейся проводимой реформой в области социальной защиты и детей, внедрения государственной политики деинституционализации, нуждаются в дополнениях и детализации норм, связанных с опекой, как альтернативной формы устройства детей.

В практике Узбекистана опека и попечительство осуществляется исполнительной властью в лице хокима, которым принимается решение по установлению опеки и попечительства, без непосредственного участия сторон, что тоже в свою очередь вызывает массу вопросов, требующих уточнения. Как показывает практика зарубежного опыта, все решения, связанные с устройством детей, осуществляются судебной властью, исходя из интересов сторон. Указанная практика, свидетельствует о необходимости совершенствования национального законодательства.

В связи с этим, предлагается внести предложения действующее семейное и гражданское законодательство следующего характера:

1. Предусмотреть законодательством меры по предотвращению помещения ребенка в государственное учреждение, если есть иное другой выход. Речь идет о профилактике социального сиротства, предполагающей раннее выявление семейного неблагополучия, все виды помощи семьям с детьми, а также координацию работы всех ведомств путём создания единого органа, единых технологий защиты прав детей или четкое взаимодействие всех заинтересованных ведомств и т.д.

2. Унифицировать положения касательно установления опеки и попечительства над детьми иностранными гражданами, имеющие гражданство одного и более государств путем закрепления их как в семейном, так и гражданском кодексах относительно отсылки на нормы международного права, касающихся прав детей. Так как, по сути, в самих международно-правовых договорах, заключенных Республикой Узбекистан, уже содержится такая формулировка, как: «...основываясь на нормах международного права».

Указанные изменения будут способствовать введению усовершенствований, отвечающих современным требованиям и использованию современных прогрессивных достижений в области обеспечения защиты прав и интересов детей.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Жусупов Б.С., Алимбекова Г.Т. Деинституционализация детей-сирот: состояние, проблемы, перспективы // URL: [http://ciom.kz/upload/userfiles/files/Deinstitutionalizatsiya\\_detey.pdf](http://ciom.kz/upload/userfiles/files/Deinstitutionalizatsiya_detey.pdf)
2. Закон Республики Узбекистан «Об опеке и попечительстве», принятый Законодательной

палатой 8 ноября 2013 года, одобренный Сенатом 12 декабря 2013 года г. Ташкент, 2 января 2014 г., № ЗРУ-364. // URL: <https://lex.uz/docs/2307828>

3. На начало 2018 года более 15 тысяч детей переданы в опеку, более 11 тысяч детей находятся под попечительством. Из доклада заместителя министра Народного образования Республики Узбекистан Д.Кенжаева. // URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2019/02/24/deinstitutionalization>

4. Иномжонова Г.С. Бола ҳуқуқларини таъминлашда фарзандликка олиш институти. (ФХДЁ, нотариат, судлов органлари ходимлари учун амалий қўлланма) Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2017. С.67

5. Нечаева А.М. Защита прав ребенка: законодательство и правоприменительная практика. // URL: <http://www.usynovite.ru/consult/law/nechaeva>

6. Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам (Минск, 22 января 1993 года). Вступил в силу для Республики Узбекистан 19 мая 1994 года. // URL: <https://lex.uz/docs/2741652>.

7. Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам (Кишинев, 7 октября 2002 года). Вступил в силу для Республики Узбекистан 26 августа 2019 года. // URL: <https://lex.uz/docs/4487578>

8. О.Сулаймонов. Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномалар тўплами. Т.: 2017.

9. Практически во всех двусторонних договорах о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам заключенных Республикой Узбекистан в Общих положениях указана данная формулировка // URL: <https://mfa.uz/ru/cooperation/legalrelations>

10. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. URL: <https://lex.uz/docs/180550#194880>

11. URL: [https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg\\_no=IV-11&chapter=4&clang=en](https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=IV-11&chapter=4&clang=en)

12. URL: <https://www.unicef.org/csr>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**SUYUNOVA Kumush Akhatovna**

Master's Degree student of Department of Law of the University of Udine, Italy

E-mail: [kumush.suyunova@mail.ru](mailto:kumush.suyunova@mail.ru)

## DIMENSIONS OF HUMAN RIGHTS AND DEROGATION CLAUSES DURING COVID 19 PANDEMIC UNDER ARTICLE 15 OF THE EUROPEAN CONVENTION ON HUMAN RIGHTS (ECHR)

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** SUYUNOVA K.A. DIMENSIONS OF HUMAN RIGHTS AND DEROGATION CLAUSES DURING COVID 19 PANDEMIC UNDER ARTICLE 15 OF THE EUROPEAN CONVENTION ON HUMAN RIGHTS (ECHR) // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), P. 147-152.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-22>

### ANNOTATION

In many legal systems, the state of emergency is a well-known and recognized legal instrument and allows a certain degree of derogation from human rights standards. However, in some cases emergencies provide governments with convenient reasons for strengthening their powers, weakening democratic institutions, and repressing political opponents. The magnitude and severity of the COVID-19 pandemic has clearly risen to the level of danger to public health and has given rise to a wide range of legal responses across the Council of Europe States, which can justify restrictions on certain rights. However, when derogation clauses are used, there is a risk of going beyond the principle of proportionality, which may bring to the abusive exercise of power. Nevertheless, while dealing with COVID-19 Pandemic formal declaration of a State of emergency and the notification of derogations under the Human Rights Treaty may have a positive impact on the constraining of emergency powers within prescribed limits.

**Keywords:** derogation clauses, emergency powers, human rights, COVID-19, Article 15 ECHR, state of exception, Council of Europe.

**СУЮНОВА Кумуш Ахатовна**

Италиянинг Удине университети Юридик факультети магистранти

E-mail: [kumush.suyunova@mail.ru](mailto:kumush.suyunova@mail.ru)

## COVID 19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВОМИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА АСОСИЙ ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЕВРОПА КОНВЕНЦИЯСИНИНГ 15-МОДДАСИ ДОИРАСИДА МАЖБУРИЯТЛАРГА РИОЯ ЭТИШДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЎЛЧАМЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Кўпгина ҳуқуқий тизимларда фавқуллодда ҳолат-таниқли ва тан олинган ҳуқуқий восита бўлиб, инсон ҳуқуқлари меъёрларидан маълум даражада четга чиқиш имконини беради. Бироқ айрим ҳолларда фавқуллодда вазиятлар ҳукуматларни ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, демократик институтларни заифлаштириш ва сиёсий рақибларни бостириш учун қулай баҳона билан таъминлайди. COVID-19 пандемиясининг кўлами ва зўравонлиги аниқ соғлиқни сақлаш

хавфи даражасига кўтарилди ва барча ЕвропаКенгаши давлатлари ўртасида муайян ҳуқуқларга чекловларни оқлаши мумкин бўлган кенг кўламли ҳуқуқий жавобларни келтириб чиқарди. Аммо, дерогация қоидаларини қўллашда мутаносиблик тамойилидан ташқарига чиқиш хавфи мавжуд бўлиб, бу ҳокимиятни суиистеъмол қилишга олиб келиши мумкин. Бирок, COVID-19 пандемияси доирасида, фавқулодда ҳолатнинг расмий еълон қилиниши ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларнинг айрим бандларидан воз кечиш тўғрисидаги хабарнома белгиланган муддат доирасида юборилиши фавқулодда ваколатларни чеклашда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Калит сўзлар:** мажбуриятларга риоя этишдан четга чиқиш (дерогация ҳолатлари), фавқулодда кучлар, инсон ҳуқуқлари, COVID-19, 15-модда, истисно ҳолати, Европа Кенгаши.

СҮҮНОВА Кумуш Ахатовна

Магистрант Юридического факультета Университета Удине, Италия

E-mail: [kumush.suyunova@mail.ru](mailto:kumush.suyunova@mail.ru)

## АСПЕКТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И ПОЛОЖЕНИЯ ОБ ОТСТУПЛЕНИЯХ ВО ВРЕМЯ ПАНДЕМИИ COVID 19 СОГЛАСНО ЕВРОПЕЙСКОЙ КОНВЕНЦИИ О ПРАВАХ ЧЕЛОВЕКА

### АННОТАЦИЯ

Во многих правовых системах чрезвычайное положение является известным и признанным правовым инструментом и допускает определенную степень отступления от стандартов в области прав человека. Однако в некоторых случаях чрезвычайные ситуации дают правительствам удобный повод для усиления своей власти, ослабления демократических институтов и подавления политических оппонентов. Масштабы и тяжесть пандемии COVID-19 явно возросли до уровня опасности для здоровья населения и вызвали широкий спектр правовых ответных мер во всех государствах Совета Европы, которые могут оправдать ограничения определенных прав. Однако при использовании положений об отступлении от соблюдения обязательств существует риск выйти за рамки принципа соразмерности, что может привести к злоупотреблению властью. Тем не менее, имея дело с пандемией COVID-19, официальное объявление чрезвычайного положения и уведомление об отступлениях от договора по правам человека могут оказать положительное влияние на ограничение чрезвычайных полномочий в установленных пределах.

**Ключевые слова:** положения об отступлениях, чрезвычайные полномочия, права человека, COVID-19, статья 15 ЕКПЧ, состояние исключения, Совет Европы.

Global community recognizes that individuals are born free and equal, and hold throughout their lives a collection of rights and freedoms that are inalienable in their nature. Human rights represent a set of universal claims that can not be taken away by the governments, other people, or institutions. Thus, the concept of human rights holds much broader sense, rather than just “negative” rights depiction such as the right to be free from discrimination, oppression and/or intimidation. The concept in all its glory, systematized and interpreted properly, encompasses “positive” rights as well such as the right to education and/or medical care. If we take an expansive view in this regard the concept appears to have inclusive, equitable and universal nature[4,p.8].

To begin with, it is important to underline that international community do not regard to all human rights as absolute, and international treaties propose the possibility of the derogations and tolerate them in limited extent. International human rights law recognizes that reasonable limits may be placed on most rights and freedoms in specific situations.

Certain rights, however, are non-derogable in their nature, that is, they cannot be suspended even in critical circumstances. Non-derogable rights may be either absolute or non-absolute. As W.A.Schabas suggests non-derogable status of certain rights is also associated with their claim to be jus cogens or

peremptory[10,p.593]. A jus cogens rule is defined in the Vienna Convention on the Law of Treaties in Art. 53 as ‘a norm accepted and recognized by the international community of States as a whole as a norm from which no derogation is permitted’.

The pressure to take exceptional urgent measures, including suspensions of civil and political rights that the State has already undertaken to protect, is always daunting when a State faces a challenge to its national safety. These risks were well known to the drafters of the International Covenant on Civil and Political Rights (ICCPR) and the European Convention on Human Rights. They understood that exigencies provide governments with convenient reasons for strengthening their powers, weakening democratic institutions, and repressing political opponents. Yet the drafters have agreed that in such critical times, sovereign nations have a duty to protect their citizens and domestic institutions. Consequently, the so called “derogation clause” was introduced in those treaties to reconcile these conflicting interests, which permitted limitations on some rights during urgent situations but subjected those restrictions to the constrictions of international law[8,p.676].

In fact, many legal systems concede the official declaration of a state of emergency as legal instrument that may permit a certain degree of derogation from human rights standards. Just as important, Fundamental Laws – constitutions of countries contain similar provisions for the declaration of a state of emergency. Thus, provisions on temporary derogation are legislative instruments that allow states to suspend certain human rights in exceptional urgent situations enforcing strict compliance with the established procedures relating to exigency cases[1, p.9].

Nevertheless, the exception to the duty to protect human rights must be based solely on the factual presence of an exigency. On this rationale, the limitations on human rights in times of war or periods of exigencies are viewed as a consequence of the severity of the situation and are justified only if they reflect a proportionate response to the situation in question[5,p.306].

Therefore, according to principle of proportionality some “fundamental” freedoms are non-derogable, including the right to life and the prohibition of torture, since they are “indispensable for the protection of human beings.”[4,p.6]. If we try to be more specific, we can foresee why derogation clause is excluded from the 1948 Convention Against Genocide and the 1984 Convention Against Torture. On the same equal importance assumptions and considerations, it is not difficult to anticipate why derogations are invalid in regard of gender and race conventions[8,p.677].

With all above-mentioned in mind, this particular research is focusing on The European Convention on Human Rights (ECHR) – an international treaty designed to protect rights and freedoms of individuals and to uphold democratic principles and ideals. As W.A.Shabas suggests the European Convention on Human Rights was the first comprehensive treaty for the protection of human rights to be developed from the post-Second-World-War law-making process [10,p.1].

The methodological basis of the research is built using techniques, methods and cognitive attitudes that are currently known to scientific research and that have been adapted to the specifics of the object under study – derogations as a legal concept. As the main method of cognition, the universal dialectical method is going to be used, to explain certain aspects of derogation procedures and their limits in regard to our hypothesis (thesis – antithesis – synthesis). We also think, that the usage of modeling method, as well as formal interpretation method are particularly prevail.

The research is primarily focused on examining prior research studies, so systematic and theoretical reviewing methods of literature will be predominantly used. In regard to the research question we studied in depth, critically investigated and summarized the research theories that already exist and tried to develop a new insight to the issue of concern. Particularly our work followed the theories of A.Greene, who writes that COVID-19 pandemic is an ‘ideal state of emergency’ and claims that Article 15 ECHR does not create Schmitt’s ‘state of exception’.

A section on derogation is included in Article 15 of the ECHR. The key proviso is that the State Party exercising its right under Article 15 have to meet two criteria. First, the given State must establish that a state of war or other exigency actually prevail in unforeseen and/or uncontrollable form. Second, just as important, the given State must establish that the measures taken in response to such an exigency

are “strictly determined by the severity of the situation”. It is worth mentioning that Stephen Tierney has usefully referred to these two stages as the ‘designation issue’ and the ‘interference issue’ [5, p.291].

Subsequently, with the aim of preventing arbitrary derogation by states from the duty to uphold human rights in times of war and/or public exigencies, this stipulation is explicitly conditioned. Accordingly, the requirements include as such the followings: the exceptional exigency, the duration and period of the derogation, compliance with other commitments under international law and reporting to other countries on the state of public exigency, as well as the steps taken to resolve the immediate danger [4, p.6].

The first significant interpretation of article 15 of the ECHR was made in *Lawless v. Ireland* (No 332/57) 14 November 1960, which concerned the applicant’s extrajudicial detention from July to December 1957. Confirming the European Commission’s determination that Art. 15 should be interpreted in the light of its “natural and customary” meaning, the European Court of Human Rights (hereinafter, ECtHR) defined “a time of emergency” as “an exceptional crisis or emergency that affects the entire population and threatens the organized life of the community of which it is composed” [10, p.595].

There is no doubt that pandemic caused by Sars-Cov-2 (COVID-19 pandemic) outgrew to the size of a real exigency, when the populations of not only picked countries are under the threat, but the whole global community is. Nevertheless, it should be borne in mind that while States may exercise their right of derogation in exigency situations, international law advises to precisely determine the appropriateness of the steps taken, the nuances of their application, subordination to the principle of proportionality. Thus, States should, in particular, pay careful attention to disadvantaged groups so that they are not affected disproportionately [5, p. 295].

The magnitude and severity of the COVID-19 pandemic has clearly risen to the level of danger to public health and has given rise to a wide range of legal responses across the Council of Europe States, which can explain restrictions on certain rights, such as those arising from quarantine or exclusion, which limit freedom of movement. Some of the earliest steps taken by EU Member States (which are at the same time the Council of Europe States Parties) against the spread of COVID-19 were the unilateral limits on mobility across borders [3, p.18]

Meanwhile, many other steps taken to slow the spread of the virus and implement social distancing are common across States Parties. At the same time, careful attention should be paid to human rights, such as non-discrimination, and to the values of human rights, such as openness and respect for human dignity, which can contribute to an effective response to the instability and damage that eventually leads to crisis situations, and to the restriction of the harm caused by the implementation of overly wide-ranging policies that do not follow the requirements set out above [6].

When faced with a state of exigency that poses a danger to the nation’s existence, Article 15 allows States Parties to derogate from the defense of some constitutional rights in the best interests of their people. Despite the inevitability of circumstances to take extraordinary actions in order to resolve the exigency, the motives of decisive measures taken by countries are often subject to dispute, meaning these regulations can be seen as a tool to gain more power under the pretext of the best interests of people.

With this in mind, we want to focus on Carl Schmitt’s ‘state of exception’ concept. A ‘State of Exception’ was described by the German legal theorist and Nazi ideologue Carl Schmitt as the mechanism by which in the name of the public good, a sovereign leader may circumvent the rule of law. Thus, for C.Schmitt ‘a state of exception’ (in our case ‘a state of emergency’) is a ‘zone beyond the law’ or rather a ‘zone of lawlessness’. Furthermore, many researchers confirm that when derogation clauses are used, there is a risk of going beyond the principle of proportionality, which may bring to the abusive exercise of power [1, p.64].

Consequently, our dependent variable states that derogation clauses under Article 15 do not lead to Schmitt’s ‘state of exception’ = ‘a zone of lawlessness’. While independent variable says: “States have a constructive responsibility to uphold the right to life, which may justify derogations from some other fundamental human rights”.

According to Gerald L. Neuman, derogation clauses do not contradict the notion of human rights (hence they are not in a ‘zone beyond the law’) but can on the contrary, lead to their effective defense

[9, p. 15-31]. Indeed, States have a constructive responsibility to uphold the right to life, which may justify derogations from some other human rights.

Emilie Hafner Burton et al. defined derogations as ‘a rational response to [the] uncertainty, enabling governments to buy time and legal breathing space from voters, courts, and interest groups to combat crises by temporarily restricting civil and political liberties’ [8, p.680]. However, they also warn us against negative consequences generated by derogation. According to Emilie Hafner-Burton et al. the negative effect of escape clauses (derogations) is that “they officially condone a deviation from preexisting treaty commitments precisely when those commitments are most at risk of being undermined” [8, p.678].

Having paid due attention to the political and social aspects of restrictions on human rights during the height of the COVID-19 pandemic, we can assume that some countries may come to the Schmitt “state of exclusion” thus go beyond the law, cover themselves with the complexity of circumstances and dispose of power for mainly selfish purposes (as some media reports suggest like in cases of Hungary, Czech Republic, Poland). However, we should not forget that dealing with COVID-19 pandemic, there is a real risk that threatens the life of the nations, which justifies derogations under article 15 of the ECHR.

Exceptional powers encompass a significant risk of being manipulated, according to Martin Scheinin. As he suggests, mostly for political reasons such as holding down opposition, dissolving Parliament, postponing elections, etc. He brings as an example the case of Hungary, which shows how this danger even relates to the COVID-19 pandemic – a matter of great urgency [7].

Nevertheless, while dealing with COVID-19, we have a strong counter-argument in hand by Alan Greene, who during the COVID-19 pandemic devoted the entire book to emergency powers. Thus, on the contrary, he suggests that formal declaration of exigency state and the notification to international organizations of measures derogating from some of their obligations under the Human Rights Treaty may have a positive impact on the taming of exceptional powers by restricting the State to express its exigency measures on the basis of necessity, proportionality, situation requirements, temporality and commitment to human rights [2, p.20].

Finally, the decision to derogate may be affected by the state’s concern about the message that escaping from a treaty sends to international audiences that could punish them for restricting rights rather than domestic ones, who may not have such rights, which also contradicts Schmitt’s theory. The loss of international funding or trade rights is one such penalty. This concept is referred to by Emilie M. Hafner-Burton et al. as ‘derogations as international signals’. [8, p.686]

They predict that countries receiving significant sums of foreign assistance or other types of privileges or exemptions would be particularly vulnerable to other nations’ human rights concerns. While dealing with derogations under Art. 15 ECHR, the European Union (EU) Member States are most likely to provide assistance or use trade and other economic instruments to prosecute human rights violators.

According to this theory, if derogations are a mark of respect for the international system, a country that enjoys trade concessions or receives foreign aid might derogate to provide a legal justification for suspending rights in a crisis. Thus their concern is not pushback from domestic voters or courts but, on the contrary, from the EU, who could withdraw these benefits. [8, p.687]

If derogations are an attempt to deflect international censure during crises, we would expect countries that receive substantial aid from, or that trade heavily with, the EU to be more likely than other states to derogate, provide information about the nature and duration of the derogation, and avoid serial derogations. So, if we look to the list of official Notifications for derogations under Art.15 we can see that all the countries are dependent on mutual favorable relations with EU Member States as such being mostly from Eastern Europe and the western Balkans. {for the full list of Notifications under Art. 15 ECHR in the context of the COVID-19 visit <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/webContent/62111354>}

On this final note, we can conclude with a few proposed ideas relying on the theories we examined. States have a constructive responsibility to uphold the right to life, which may justify derogations from some other fundamental human rights. However, when derogation clauses are used, there is a risk of going beyond the principle of proportionality, which may bring to the abusive exercise of power and eventually

there is a risk of Shmittian ‘state of lawlessness’. Nevertheless, while dealing with COVID-19 Pandemic formal declaration of a state of emergency and the notification of derogations under the Human Rights Treaty may have a positive impact on the constraining of exceptional powers within prescribed limits on the basis of necessity, proportionality, situation requirements, temporality and commitment to human rights.

**Иктибослар/Сноски/References:**

1. Alan Greene “Emergency powers in a time of pandemic”. Bristol University Press 2020.
2. Alan Greene “Permanent States of Emergency and the Rule of Law: Constitutions in an Age of Crisis”. Hart Publishing, 2018.
3. Armin von Bogdandy, Pedro A. Villarreal “International Law on Pandemic Response: A First Stocktaking in Light of the Coronavirus Crisis”. MPIL Research Paper Series 2020-07.
4. Audrey Lebre COVID-19 pandemic and derogation to human rights. Advance Access Publication 4 May 2020. P.8. Article Downloaded from:  
<https://academic.oup.com/jlb/article/7/1/lsaa015/5828398> on 02 October 2020 [last access: November 23, 2020]
5. Christopher Michaelsen “Permanent Legal Emergencies and the Derogation Clause in International Human Rights Treaties: A Contradiction?” p.p.287-315 in Post 9/11 and the State of Permanent Legal Emergency. Security and Human Rights in Countering Terrorism. 2012.
6. Cornelius Hirsch “Europe’s coronavirus lockdown measures compared”. 2020.<https://www.politico.eu/article/europes-coronavirus-lockdown-measures-compared/> [last access: October 31, 2020]
7. COVID-19 Symposium: To Derogate or Not to Derogate?<http://opiniojuris.org/2020/04/06/covid-19-symposium-to-derogate-or-not-to-derogate/> April 6, 2020 [last access: November 15, 2020]
8. Emilie M. Hafner-Burton et al. “Emergency and Escape: Explaining Derogations from Human Rights Treaties”, in 65 International Organization 673-707 (2011).
9. Gerald L. Neuman “Constitutional Derogation in Positive Human Rights Regime”, in Evan J. Criddle, Human Rights in Emergencies (CUP, 2026).
10. William A. Schabas, The European Convention on Human Rights: A Commentary (OUP 2015).



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**ТУРДИАЛИЕВ Муҳаммад Али Пўлатжон ўғли**  
Тошкент давлат юридик университети  
“Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: turdialiyev95@gmail.com

### ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ДОИРАСИДА ИНГЛИЗ ҲУҚУҚИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАСИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ТУРДИАЛИЕВ М.П. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ДОИРАСИДА ИНГЛИЗ ҲУҚУҚИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАСИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 153-158.

 6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-6-23>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада эркин иқтисодий зоналар фаолияти, уларнинг ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, уларга инглиз ҳуқуқини жорий масалалари ва бу борадаги халқаро тажриба таҳлил қилинган. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида эркин иқтисодий зоналарга инглиз ҳуқуқини жорий этиш истиқболлари кўрадиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** эркин иқтисодий зоналар, инглиз ҳуқуқи, офшор, ҳуқуқий режим.

**ТУРДИАЛИЕВ Муҳаммад Али Пулатжон угли**  
Предподаватель кафедры “Международное частное право”  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: turdialiyev95@gmail.com

### ЗАРУБЕЖНЫЙ И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ ВНЕДРЕНИЯ АНГЛИЙСКОГО ПРАВА В РАМКАХ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН

#### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется деятельность свободных экономических зон, особенности их организации, вопросы внедрения английского права и международный опыт в этой сфере. В результате анализа показаны перспективы внедрения английского права в рамках свободных экономических зон.

**Ключевые слова:** Свободные экономические зоны, английского право, оффшор, правовой режим.

**TURDIALIYEV Mukhammad Ali**  
Lecturer at Private International Law department of Tashkent State University of Law  
E-mail: turdialiyev95@gmail.com

## FOREIGN AND NATIONAL EXPERIENCE IN IMPLEMENTING ENGLISH LEGISLATION WITHIN FREE ECONOMIC ZONES

## ANNOTATION

The article analyzes the activities of free economic zones, features of their organization, topical issues of implementation of English law and international experience in this area. The analysis shows the prospects for the introduction of English law within the free economic zones.

**Keywords:** Free economic zones, English law, Offshore, legal regime.

Хорижлик инвесторларни мамлакатга етаклович омил сифатида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини алоҳида эътироф этишимиз мақсадга мувофиқдир. Эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиш тарихи ўрта асрларга бориб тақалади. Айнан XX асрнинг иккинчи ярмида дунё иқтисодиётининг глобаллашуви, кўпгина мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига қўшилиб кетиши уларнинг худудларида эркин иқтисодий зоналарнинг вужудга келишига олиб келди. Бугинги кунга келиб дунё бўйлаб 2100 га яқин турли кўринишдаги эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Эркин иқтисодий зоналарнинг яратилиши ва самарали фаолият кўрсатишининг жаҳон тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, расман биринчи эркин иқтисодий зона 1934-йилда АҚШда ташкил этилган. Ушбу иқтисодий зоналар вужудга келиш тарихи 1929-1933-йилларда биринчи йирик жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг АҚШнинг 1932-йилда сайланган 32-президенти Ф.Рузвельт томонидан амалга оширилган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар билан боғлиқ. Кейинчалик АҚШда 1950 ва 1991 йилларда эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунга, мазкур маконлар функцияларини кенгайтиришга қаратилган, катта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бугунги кунда АҚШда эркин иқтисодий зоналарнинг уч тури фаолият кўрсатмоқда: эркин савдо зоналари, тадбиркорлик зоналари ва технологик парклар. Эркин иқтисодий зоналарнинг яна бир муваффақиятли тури 1957 йилда Ирландиянинг жанубий-ғарбида бунёд этилган “Шеннон” аэропорти яқинидаги экспорт ишлаб чиқариш зонаси ҳисобланади. Маълумки “Шеннон” аэропорти Европадаги энг катта аэропортлардан бири ҳисобланиб, у трансатлантик қатновларни амалга оширадиган ҳаво лайнерларини ёқилғи қуйиб олиши учун энг қулай аэропорт ҳисобланган. Бироқ, 1950-йилларга келиб тўхтовсиз узок масофага учадиган реактив самолётларнинг яратилиши “Шеннон” аэропортининг аҳамиятини бирдан тушириб юборди. Мазкур вазият ўша худудларда иммигрантлар ва ишсизлар сонини кўпайишига, иқтисодиётни эса инқироз ёқасига олиб келди. Ирландия ҳукумати бундай вазиятдан безовталаниб, ушбу муаммони ҳал этиш учун учта асосий вазифани ўз олдига қўйди: яъни, аэропорт яқинида ишлаб чиқариш паркни яратиш, туризм ва савдо-сотик орқали аэропорт фаолиятини такомиллаштириш, одамлар бандлигини ошириш ва иммиграцияни олдини олиш. Натижада 1959 йили эркин экспорт ишлаб чиқариш зонаси ташкил қилинди. Ушбу иқтисодий макон халқаро туризм ва божсиз савдо – сотик орқали ривожланди ва дунёда биринчи марта у ерда “Duty free” савдо дўконлари очилди. 1990 йилларга келиб бу худудларда “Лимперик” инновация маркази очилди. Кейинчалик кўплаб мамлакатлар эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда Ирландия тажрибасидан фойдалана бошлаганлар [7].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида эркин иқтисодий зоналарнинг яратилиши ва фаолияти 1990-йилга келиб СССР ни парчаланиши ва Россияда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш, чет эл капитали ва технологияларини жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик юритишнинг илғор шакллари такомиллаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг махсус режимига эга бўлган алоҳида зоналар – эркин иқтисодий зоналар яратишга алоҳида эътибор қаратилиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Россия Федерациясида 1999-йилга келиб 10 дан ортик эркин иқтисодий зоналар яъни, Приморе ўлкасида “Находка”, Читин областида “Даурия”, Сахалин областида “Сахалин”, Калининград

областида “Янтарь”, Олтой ўлкасида “Алтай”, Еврей автоном вилоятида “Эва”, Санкт-Петербургда “ЛЗСП”, Кемерово областида “Кузбасс”, Ленинград областида “Выборг”, Новгород областида “Садко”, Ингушетияда “Ингушетия”, Кабардино-Балкарияда “Кабардино-Балкария” лар яратилган. Бугунги кунда Россия Федерациясида 30 га якин эркин иқтисодий зоналар фаолият олиб бормоқда [7].

Марказий Осиё мамлакатларида кўшни, Қозоғистон Республикасида ҳам “Астана – янги шаҳар”, “Морпорт Актау”, “Онтустик”, “Ахборот технологиялар парки”, “Бурабай” каби 5 та эркин иқтисодий зоналар яратилган бўлиб, уларнинг фаолияти ҳам ўзининг миллий қонунчилиги асосида тартибга солинади. “Отнустик” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таҳлил қиладиган бўлсак мазкур эркин иқтисодий ҳудуд 2007 йил 6 июндаги 274-III-сонли “Қозоғистон Республикасида алоҳида иқтисодий зоналар тўғрисида” ги Қонун ва Қозоғистон Республикаси Президентининг 2005-йил 1 июлда кучга кирган “Отнустик” эркин иқтисодий зонасини ташкил қилиш тўғрисидаги Фармони ва шу Фармон асосида тасдиқланган Низом асосида тартибга солинади [8].

Осиёда шиддат билан ривожланаётган ЯИМ бўйича дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда турувчи Хитой Халқ Республикасида эркин иқтисодий зоналар 1980-йилдан бошлаб ташкил этила бошлаган. Хитойдаги биринчи эркин иқтисодий зоналар “махсус иқтисодий зоналар” сифатида ташкил этилган бўлиб, улар: Шенчжен, Чжухай, Шан тоу ва Сяминда ҳисобланади.[3]

Ушбу махсус иқтисодий зоналарда асосан қайта ишлаш саноати, шунингдек, савдо-майиший тизим ривожланган. Жаҳон банки томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра Хитой дунёда хорижий инвестиция киритиладиган энг йирик мамлакат ҳисобланади.

Юқоридаги Америка, Ирландия, Хитой, Россия, Белоруссия, Қозоғистон, давлатларининг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини қиёсий таҳлили шундан далолат берадики, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда Россия ва Хитой тажрибаларидан кенгроқ фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки уларда эркин иқтисодий зоналар бўйича ўзига хос ижобий натижаларга эришилган: биринчидан, бугунга келиб ушбу давлатларда бир неча эркин иқтисодий зоналари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда, мазкур вазият эркин иқтисодий зоналар ўртасидаги рақобатни янада кучайтиради, пировард натижада ҳар бир эркин иқтисодий зона хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича турли кўринишдаги имтиёз ва қулайликларни яратишга интиладилар, бу эса эркин иқтисодий зоналар фаолиятини самарадорлигини янада оширади.

Дунё давлатларининг кўп йиллик халқаро тажрибаси иқтисодиётни соғломлаштириш ва ҳаётга янги иқтисодий ғояларни қабул қилаётган давлатларнинг алоҳида ажратилган ҳудудларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиши самарали эканлигини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда эркин иқтисодий зоналар давлатларнинг ташқи иқтисодий фаолиятида муҳим аҳамият эга.

Мавзу бошида эркин иқтисодий зоналари биринчилар вужудга келиш тарихи ўрта асрларга бориб тақалишини айтиб ўтган эдик, шу фикримизга исбот сифатида айтадиган бўлсак, биринчи эркин савдо-иқтисодий зоналари XII-XIII асрларда вужудга кела бошлаган. Хусусан, улар шарқий ва ғарбий Европа давлатлари ўртасидаги савдо муносабатларида муҳим аҳамият касб этган. Мисол тариқасида тарихдан бизга маълум бўлган Швабия ёки Ганза иттифоқ шаҳарларини олишимиз мумкин. Кейинроқ эркин савдо зоналари XVI-XVII асрларда Италия, Германия ва Россияда ҳам ташкил этила бошланган. Бугунги иқтисодий зоналарга ўхшаш биринчи саноат-ишлаб чиқариш зонаси юқорида келтириб ўтилганидек, 1959-йилда Ирландиянинг Шеннон аэропортида ташкил этилган.

Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш уларни фаолиятини самарали ташкил этишда бугунги кунда Жанубий-шарқий Осиё давлатлари ҳамда Хитой етакчилик қилмоқда. Хитойда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиётганда улар олдига ташқи дунёга чет эл капитали ва технологияларини, шунингдек, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш полигонининг “ойна”си сифатидаги вазифалар қўйилган, улар орқали Хитойга капитал, юқори технологиялар, бошқариш тажрибаси кириб келган ва мамлакатнинг барча минтақаларида адаптация қилиш учун

фойдаланилган [4].

Хитой ва Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий зоналар ташкил этишдаги қончиликларида бир қатор ўхшаш тарафлар ҳам мавжуд бўлиб, масалан Хитойда индустриал зоналарни фаолият юритиш муддати 30 йил қилиб белгиланган бўлиб, ушбу муддатни узайтириш бу ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари таклифи билан ёки ҳукумат қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

Эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ҳамда ушбу зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида бир қатор мамлакатлар тажрибалари ўрганилиб, стратегик жиҳатдан қулай бўлган, хомашё ва ишлаб чиқариш учун барча шароитлар бор бўлган шаҳарлар ва регионларда, республикамиз экспорт салоҳияти ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида алоҳида Фармонлар асосида бир қатор эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди ва ҳозирда ҳам ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда бутун дунё иқтисодиёти ўзаро чамбарчас боғланиб, бир-бирисиз ривожлана олмайдиган даражада киришиб кетди. Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда бутун дунё бўйича 2100 га га яқин эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 450 таси эркин савдо зоналари, 400 таси илмий-ишлаб чиқариш зоналари, 300 дан ортиғи ишлаб чиқариб экспорт қилиш зоналари, 200 га яқини махсус зоналар (афшор марказлар, рекреация зоналари, экологик-иқтисодий зоналар ва туристик зоналардан) ҳисобланади [6].

Республикамизда иқтисодиётимизни тубдан ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва модернизатция қилиш борасида ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат амалга оширилмоқда. Бу сиёсат эса давлатимизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилмоқда, мустаҳкам ишончли ҳимоя воситасини яратмоқда десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ўз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шарт шароитлар яратиш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш дастурлари ишлаб чиқилди ва инвестицион муҳитни яхшилаш учун бир қатор қонун, қарор ва фармонлар чиқарилди. Хусусан, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолияти янги таҳрирда қабул қилинган 2020 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича 2008-йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида”ги, “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида 2013-йил 18-мартдаги ПФ-4516-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 12-январдаги ПФ-4931-сонли “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони; 2017-йил 5-майда эълон қилинган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” Эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги ва бошқа фармонларни кўриб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда деярли эркин иқтисодий зоналарга инвестиция киритаётган инвесторлар учун барча қулайликлар яратилаётганлигини ва янгидан-янги эркин иқтисодий зоналар ташкил қилинаётганлигини гувоҳи бўламиз.

Юқоридаги номи қайд этилганларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 15 май кунидаги ПФ-5719 сонли фармони билан тасдиқланган “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини алоҳида эътироф этишимиз лозим. Чунки ушбу фармонининг 21-бандида адлия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда икки ой муддатда «Навоий» ЭИЗ» ҳудудида иш юритишда инглиз тилидан фойдаланиб, инглиз стандартлари, тамойиллари ва нормалари асосида «Навоий» ЭИЗ» иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутувчи алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатиш бўйича таклифлар киритиш топширилди.

Шу ўринда инглиз ҳуқуқи ва унинг ўзга хос хусусиятларига ҳам қисқача тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Инглиз ҳуқуқига асосланган махсус ҳуқуқий режим – маълум

худудда фаолиятнинг у ёки бу тупини тартибга солишда инглиз ҳуқуқи нормаларига асосланган қоидалар мажмуи. Инглиз ҳуқуқи бошқа сўз билан айтганда Англия ва Уэлс ҳуқуқи ёки умумий ҳуқуқ (Common Law) ҳам деб аталиши мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг асл моҳияти инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодийни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигига эришишдан иборат. Мамлакатга инвесторни жалб қилиш учун унга қулай муҳит, кенг имконият яратиш лозим. Бу борада инглиз ҳуқуқи етакчи тизим сифатида кенг қўлланилмоқда. Халқаро ҳуқуқ ва бизнесда кенг қўлланиладиган инглиз ҳуқуқи (English law) деган тушунча мавжуд. Ривожланган мамлакатларда инвесторлар ўзи билган инглиз ҳуқуқи тизимида иш олиб боришади.

Инглиз ҳуқуқи бир неча давлатлар ҳуқуқ тизимининг энг афзал жиҳатларини ўзида жамлаган ҳуқуқ мажмуаси бўлиб, қўшма корхоналар тузиш, инвестиция киритишда ундан кўп фойдаланилади. Эгилувчанлик, шаффофлик, башорат қила олиш ва энг муҳими, тезлик бу тизимнинг афзал жиҳатларидир. Қонунлар бизнес манфаатлари учун хизмат қилиши лозим, инглиз ҳуқуқи эса айна шу имкониятни беради.

Халқаро эксперт Себастьян Лоусоннинг фикрига кўра, дунёдаги арбитраж марказларининг 40 фоизи айнан инглиз ҳуқуқи асосида иш юритиши бежизга эмас, албатта. У очик тизим, зиддиятларни самарали ҳал этиш имконини беради. Инглиз ҳуқуқини мен «бағрикенг» деб сифатлайман. Чунки унда сотувчи ҳам, харидор ҳам жабр кўрмайди. Ҳар иккисининг манфаатлари инобатга олинади. Бу ҳуқуқ тизимида кўра, шартнома аниқ ва лўнда тузилиши керак, абстракт тушунчалар унинг учун ёт [5].

Мамлакатимизда инглиз ҳуқуқини жорий этиш объекти сифатида “Навои” эркин иқтисодий зонаси назарда тутилган. Бизга маълумки, хорижлик инвесторлар бизнинг маҳаллий қонунларни ҳар доим ҳам яхши тушунавермайдилар. Тушунмаслиги эса инвесторлар томонидан хавотирли ҳолатларни юзага келтиради. Инглиз ҳуқуқи жорий этиш эсайнан ушбу хавотирларни бартараф мақсадини кўзлаган. Албатта, баъзи зарур бўлган ҳолатларда эркин иқтисодий зонада Ўзбекистон Республикаси қонунлари амал қилади. Аммо инвестор талаб қилган ҳолатларда унга инглиз ҳуқуқи асосида мурожаат қилиш имкони кафолатланганлиги инвесторга катта ишонч беради. Албатта, инглиз ҳуқуқини жорий этишнинг ўзига ҳос ташкилий жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни инвестор талаб қилган ҳолатда инглиз ҳуқуқини қўллаш учун мамлакатимизда етарли даража ва малакадаги кадрлар ҳам бўлиши лозим.

“Навои” Эркин иқтисодий зонасига инглиз ҳуқуқини жорий этишда инвесторнинг манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ёндашиш керак. Айнан шу жиҳатдан инвесторларга қўшимча кафолат тақдим эта олишимиз мумкин. Инвестор ўзи тушунган ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўзини янада яхшироқ ҳимояланганлигини ҳис этади.

Бундан келиб чиқиб инвесторлар Ўзбекистон ҳуқуқи ёки қонунчилигига ишонмайди, деган фикрга келиш ноўрин. Чунки ҳали ҳамон миллий қонунчилигимиз ва уни амалда қўллашда бир қанча муаммоли ҳолатлар мавжуд. Амалдаги рискларга келгасак эса менимча ҳали ҳам инвесторларни тўхтатиб турган муммоли ҳолатлар мавжуд. Статистикага қарайдиган бўлсак, мамлакатимизга инвестиция киритишга қизиқиш билдирган инвесторлар орасида сон жиҳатдан Ғарблик инвесторлар унча кўпмас, улар атиги бир неча фоизни ташкил этади. Асосий инвесторлар ҳали ҳам Россия, Хитой ва яқин қўшни мамлакатларимиздан. Америка ва европалик инвесторларга келсак, Ғарблик инвесторларда мамлакатимизга нисбатан инвестиция киритишга қизиқиш катта, шу сабабли уларни жалб этиш мақсадида қўшимча чоралар кўришимиз лозим эди. Инглиз ҳуқуқини жорий этиш эса мана шундай чоралардан бири дейишимиз мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки бўлсак, Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш йўлида катта қадамлар ташлади. Шуни ҳисобга олиб, бизнес юритиш, сармояларни жалб қилиш имкониятлари билан бир қаторда, Ўзбекистонда инглиз қонунчилигини қўллаш вақти ҳам келди. Албатта, мамлакатингиз қонунчилиги ҳамда инглиз қонунлари ўртасида фарқлар мавжуд. Аммо инглиз ҳуқуқи халқаро битимларда кўпроқ қўлланилади ва бу иш муносабатларида маълум даражада эркинлик ва мослашувчанликни таъминлайди.

Инглиз ҳуқуқи аллақачон бизнес учун одатий ҳолга айланган деб айтишимиз мумкин. Бу халқаро бизнес экспертлари ҳамда инвесторлар томонидан шартнома муносабатларида фойдаланиладиган энг фойдали воситадир. Яъни бу механизм халқаро бизнеснинг ҳуқуқий асоси дейишимиз ҳам мумкин.

Мамлакатимизда инглиз ҳуқуқининг татбиқ этилиши давлат ва инвесторлар ўртасидаги ўзаро турли баҳслар, тушунарсиз ҳолатлар ёхуд халқаро микёсда тадбиркорликни ривожлантиришда юзага келадиган муаммоларни ижобий ҳал этишга имкон беради. Инглиз ҳуқуқи мамлакатингизда хорижий сармояларини жалб қилишда муваффақият келтиради. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда қўл келади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 17.02.2020 йилдаги ЎРҚ-604-сон “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/4737511>)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навой вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 15 майдаги ПФ-5719-сон Фармони. // URL: <https://lex.uz/docs/4339936>).
3. Wall D. Special Economic Zones in China: the administrative and regulatory framework // The journal of Asian affairs, № 2, 2000, p.64.
4. Champel N., Adlington P. China business strategies //Oxford Pergamon – Press, 2002 p.53
5. Халқаро эксперт Себастьян Лоусоннинг “Tashkent Law Spring” халқаро юридик форуми доирасидаги маърузасидан. Тошкент. 2019 йил. 25-26 апрель
6. <http://www.worldbank.org//data>
7. <http://www.sakharov.ru>
8. <http://www.pavlodar.com>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 1 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 1

## LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 1

TOSHKENT-2020